



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:  
Саид АҲМАД,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Сулаймон РАҲМОН

(масъул секретарь),

Йўлдош СУЛАЙМОН,

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмаамбет ХУЖАНАЗАРОВ,

Абдулла ШЕР,

Урие ЭДЕМОВА,

Иброҳим ҒАФУРОВ,

Уткир ҲОШИМОВ.

10 1982  
ЙИЛ,  
ОКТАБРЬ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛҚСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти



Шеър сеҳрлаб олганда...  
С. МАҲКАМОВ фотозэтиди

#### МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи бет:  
Рассом Рўзи ЧОРИЕВнинг «Хаёл» ва  
«Эрта куз» асарлари.

## МУНДАРИЖА

Шароф РАШИДОВ. Шарқнинг ёрқин юлдузи . . . . .	3
Худойберди ТУХТАБОЕВ. Оталар жасорати руҳида . . . . .	5
Иброҳим ҒАФУРОВ. Бахтимиз — ғайратимизда . . . . .	6
Нурали ҚОБУЛ. Фаолликка даъват . . . . .	7

### НАСР

Нурилло ОТАХОНОВ. Икки ҳикоя. Уй. Кўзгу . . . . .	8
---	---

### НАЗМ

Абдулла ШЕР . . . . .	15
Наримон ТУРСУНОВ . . . . .	16
Усмон ҚУЧҚОРОВ . . . . .	20
Дадахон ҲАСАН . . . . .	57

### ҚАЛДИРҒОЧ

Шойим БҮТАЕВ. Катта одамнинг дадаси. Ҳикоя . . . . .	17
Матлуба ҲАМРОЕВА. Шеърлар . . . . .	49
Ҳайитбой АБДУСОДИҚОВ. Шеърлар . . . . .	69
Жўрабек НОСИР, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА, Уктам АБДУЛЛАЕВ, Рауф СУБҲОН, Маҳмуд МАРДИЕВ, Тўлқинжон РАҲИМОВ, Саломат ЙЎЛДОШЕВА, Инобат НОРМУРОДОВА, Чоршанб РЎЗИЕВ. Шеърлар . . . . .	72

### КАМАЛАК

Нодар ДУМБАДЗЕ. Абдият қонуни. Роман. Давоми . . . . .	21
Маргар МАРГАРЯН, Варлен АЛЕКСАНИЯН, Эдуард МИЛИТОНЯН. Шеърлар . . . . .	65

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Иван БУНИН. Хилват хиёбонлар. Совуқ куз. Бернар. Ҳикоялар . . . . .	50
---	----

### НАФОСАТ ЧАМАНИ

Нурали. ҚОБУЛ. Рассом ҳақида қўшиқ. Эссе . . . . .	58
--	----

### УСТОЗЛАРИМИЗ

Миразиз АЪЗАМ. Ғафур Ғулом каломи . . . . .	66
---	----

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Аҳмад ОТАБОЕВ. Энг муҳими — ишонч . . . . .	70
---	----

### МАЪМУРЛИК ПРОГРАММАСИ

Нусрат РАҲМАТОВ. Менинг дастурхоним . . . . .	74
---	----

### ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Қувноқ ҚИТМИР. Туя лўк-лўк этади . . . . .	77
--	----

# Шарқнинг ёрқин юлдузи

„Шарқ юлдузи“ журнаlining 50 йиллигига бағишланган  
тантанали йиғилишда сўзланган нутқ

Қадрли ўртоқлар!  
Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда ҳўжалик ва маданий қурилиш, меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасида эришилган катта муваффақиятларни мукофотлар билан нишонлашдек яхши анъана расм бўлиб қолди. Шаҳарлар, областлар ва бутун-бутун республикалар мукофотланадилар, барчанинг саодати учун шонли меҳнат қилган одамлар ва коллективлар мукофотланадилар.

Бугун «Шарқ юлдузи» журнаlining коллективи олиёмукофот — Халқлар дўстлиги орденини олмоқда. Журнал совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги фаол иштироки учун шу тантанали тақдирлаш билан нишонланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан «Шарқ юлдузи» журнали аҳил коллективи ва авторлар активини Ватанизмизнинг юксак мукофоти билан қизгин ва самимий табриклашга рухсат бергайсизлар.

Адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг биз бу залда байрам қилаётган ярим асрлик юбилеи — республикамиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу тўйни минг-минглаб мухлислар муҳаббат ва чуқур миннатдорчилик тўйғуси билан нишонламоқдалар. Журналга Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикаларимизнинг пойтахтларидан қардошлик қутловларини йўлламоқдалар.

Журналнинг кенг миқёсда машҳурлиги унинг шаънига мутлақо муносибдир. Бу «Шарқ юлдузи»нинг янги, социалистик маданиятни қуришдек буюк ишда, Ленин партияси ғояларини тарғиб этишда, оммани совет ватанпарлиги ҳамда социалистик интернационализм руҳида, халқларимизнинг муқаддас дўстлиги ва қардошлиги руҳида актив тарбиялашда кўрсатган зўр хизматларининг яққол ғувоҳидир.

Журнал босиб ўтган 50 йиллик йўл совет матбуоти, кўпмиллатли совет адабиёти муваффақиятлари ҳамда ижодий парвозларининг бош манбаи — КПСС Марказий Комитетининг раҳбарлиги, мунтазам диққат-эътибори эканлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажagini тўла-тўқис намойиш этмоқда. «Шарқ юлдузи» худди ана шу оталарча мунтазам ғамхўрлик ва буюк эътибор туфайли вужудга келган.

Юбилей куни биз журналнинг барпо этилиши ВКП(Б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» деб чиқарган қарори билан тўғридан-тўғри ва бевосита боғлиқ эканлигини эсламаслигимиз мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги қарорлари ва кўрсатмалари ҳам журналнинг ҳаётида, унинг бош йўлини белгилашда шу қадар зўр аҳамиятга эга бўлди.

Партия адабиётимизнинг ҳаёт билан алоқасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга, ёзувчиларимизнинг замонанинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилиб келмоқда. Партияимизнинг бу талаби журналнинг ярим асрлик ривожланиш йўлидаги барча босқичларида дастуриламал бўлди.

Худди шунинг учун ҳам биз бугун «Шарқ юлдузи»нинг вақт ўтиши билан сарғайиб кетган жилдларини варақлар-канмиз, кўз ўнгимизда республикамиз ҳаётининг ҳаққоний, тўлақонли бадий йилномаси, улғувор, беқиёс эллик йил мобайнида босиб ўтган каттақон тарихий йўлнинг жонли манзараси намоеён бўлганини кўрамиз ва ҳис қиламиз. Кўз ўнгимиздан қаҳрамонона беш йилликларнинг ва индустриалаш, қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш учун, маданий инқилоб учун курашнинг драматизм ҳамда революцион романтика билан тўлиб-тошган воқеалари бирма-бир ўтади.

Биз она тупроғимизнинг пояма-поя қай тарзда саховатлироқ, кўркамроқ бўлиб қолганини, меҳнатда ва жангда янги совет кишининг характери қай тарзда шаклланганини кўрамиз. Шеърлар ва поэмалар, ҳикоялар ва повестлар бизга уруш вақтининг нафасини: ўзбек жангчисининг қаҳрамонлиги ва мардлигини, оналар ва етимларнинг фарёдини, ғалабага бўлган иродамиз руҳини олиб келади.

Вақтлар ўзгараркан — мавзулар ҳам ўзгаради. Аммо социалистик Ватанизмга муҳаббат, ленинчи партияимизга садоқат, барча совет халқлари ва миллатларининг баҳамжиҳат дўстлиги ҳамда мустаҳкам қардошлиги мавзулари, янги одамнинг, коммунистик ахлоқли ижодкор одамнинг вояга етиши мавзуи абадийлигича, ўзгармаслигича қолади.

Тарихнинг ҳар бир босқичида улар янги, конкрет материал билан, кучли ва ёрқин ҳислар билан тўлиб боради, шеърлар ва романлар, поэмалар, мақолалар, очерклар ва пьесаларда тобора самимий, эҳтиросли, бадий жиҳатдан тўла-тўқис ифодасини топади.

Шунга кўра, айта оламизки, юбилейини ўтказаяётган журналимиз республикамиз қайноқ ҳаётининг ойнасигина эмас, айнаи бир вақтда ўзбек совет адабиёти ютуқлари ва муваффақиятларининг ҳам ойнасидир.

Энг муҳими ва асосийси шундаки, журналнинг ўзи воқеликка фаоллик билан қизгин кириб боради, жонли адабий жараёнга партиявий позициялардан самарали таъсир кўрсатиб, унга керакли, энг истиқболли йўналиш бахш этади. «Шарқ юлдузи» журнаlining ўзбек адабиётида партиявийлик ҳамда халқчиллик принципларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унда социалистик реализм методини барқарор этишдаги, унинг эстетик савияси ва бадий маҳоратини ошириш учун курашдаги роли ва аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Журнал барпо бўлган даврдан оммани ғоявий ва маънавий тарбиялашда мактаб, юксак минбар, айнаи бир вақтда шундай бир ижодий лаборатория бўлиб қолдики, унда истеъдодли ёш прозаиклар ва шоирлар, драматурглар, публицистлар, адабиётшунослар ва танқидчилар шаклландилар, камолга етдилар.

«Шарқ юлдузи» саҳифаларида Ҳамза ва Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек ва Ҳамид Олимжоннинг кўпгина яхши асарлари илк бор эълон қилиниб, сўнг Иттифоқ ва жаҳон миқёсида машҳур бўлиб кетди. Унинг саҳифалари Шайхзода, Комил Яшин, Михаил Швердин, Уйғун, Назир Сафаров, Зулфия, Миртемир, Александр Удалов, Жўлмирза Оймирзаевнинг асарларини илк бор китобхонларга етказди.

Сарвар Азимов ва Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва Ҳамид Ғулом, Шукрулло ва Саид Аҳмад, Рамз Бобоҷон ва Туроб Тўла, Раҳмат Файзий ва Иброҳим Раҳим, Пиримқул Қодиров ва Одил Ғекубов, Иброҳим Юсупов ва Тўлепберган Қайинберганов, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ва Омон Матжон, Гулчеҳра Жўраева ва Гулчеҳра Нуруллаева, Эътибор Охунова ва Ҳалима Худойбердиева ҳамда кўплаб бошқа ёзувчиларнинг истеъдодини кашф қилиб бергани учун биз журналдан миннатдоримиз.

Журналнинг ижодкор ўринбосарларни тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги, унинг ёш адибларга мураббийларча меҳрибон муносабати мақтовга сазовордир.

Кўпмиллатли совет адабиётининг фаол тарғиботчиси сифатида журнал ўқувчиларининг маънавий оламини рус классик ва совет адабиётининг қардош халқлар ёзувчилари ва шоирларининг, ажнабий Шарқ ва Ғарб замонавий тараққийпарвар адибларининг энг яхши асарлари билан муттасил бойитиб боради. Шу тариқа журнал саҳифаларида Пушкин ва Толстой, Шекспир ва Данте, Шевченко ва Горький, Низомий ва Шота Руставелининг ўлмас асарлари, Михаил Шолохов, Константин Симонов, Георгий Марков, Александр Чаковскийнинг асарлари, кўплаб совет халқлари ва миллатлари ёзувчиларининг шеърлари, поэмалари ва повестлари пайдо бўлди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд этамизки, журнал Ўзбекистонда яшаб, ижод этаётган рус, қорақалпоқ, татар, уйғур, корейс авторлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бу билан журнал ўзининг интернационал характерини, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг ленинча принциплариға содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Журнал саҳифаларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» ва «Эсдаликлар» китобларининг эълон қилиниши журналхонлар сафини кенгайтирди — унинг тиражи 200 минг нусхадан ортқ — сўнги вақтдаги катта воқеалардан бирига айланди. Бу ажойиб асарларнинг ҳар бири — совет халқи тарихида бутун бошли даврдир. Уларнинг ҳаммаси тўлалиғича — партиявийлик ва граждандликнинг олий мактабидир, социалистик Ватанимизга, тараққиёт ва тинчлик ишига мислсиз хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Журнал ўзининг ярим асрлик юбилейига ижодий қучқуватга тўлган, ҳар томонлама тажриба билан бойган ҳолда келди. Бу эса, КПССнинг тарихий XXVI съезди матбуотимиз, маданият ходимларимиз олдиға қўйган катта вазифалар муносабати билан яна ҳам муҳимдир.

«Совет кишиларининг санъатга иштиёқи зўр, — деган эди Леонид Ильич Брежнев съездда. — ...Санъатға бўлган ана шу эҳтиром, ана шу меҳр-муҳаббат эса, санъаткорнинг ўз халқи олдидаги буюк масъулиятини ҳам тақозо этади. Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувонч ва қайғуларини биргаликда баҳам кўриш, ҳаёт ҳақиқатини, гуманистик идеалларимизни барқарор этиш, коммунистик қурилишнинг фаол иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги ана шундан иборатдир».

Партиямиз ва давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари бус-бутун бир программаларки, журнал унга қатъий амал қилар экан, у бугунги куннинг вазифалари ва талабларига муносиб, янада юксак, янги босқичға кўтарилиш имкониятиға эга бўлди.

Республикамиз олдида турган ана шу вазифалар ва талаблар, муаммолар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасиға учинчи Ленин орденини топшириш муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида, Ўзбекистоннинг раҳбарлари билан бўлган суҳбатларида пухталаб қўйилган эди. Уларни амалий адо этиш — санаоат ва капитал қурилиш ходимлари, пахтакорлар, олимлар ва инженерлар, чорвадорлар ва ирригаторлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ходимларининг шарафли ишидир.

Бу идеология фронтининг илғор жангчилари, ленинча партиямизнинг содиқ ёрдамчилари — адабиётимиз ва

санъатимиз арбобларига ҳам бевосита дахлдор. Уларни ана шу вазифаларни амалға оширишға илҳомлантириш ва сафарбар этиш, барча адибларимизнинг интилишлари ва ижодий ниятларини ўн биринчи беш йиллик режаларини адо этиш учун қурашдаги энг олдинги жабҳаларға йўналтириш — республикамиз матбуотининг, жумладан бугунги юбиляримиз — «Шарқ юлдузи» журналининг бош вазифаси ана шундан иборатдир.

Партиямиз аграр сиёсатни изчиллик билан амалға ошира бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича улкан ишлар қилди. КПСС Марказий Комитетининг СССР Озиқ-овқат программасини ишлаб чиққан ва маъқуллаган 1982 йил май Пленуми бу йўлда янги босқичға айланди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан қабул қилинган бу программа партиямиз ҳозирги ўн йилликдаги иқтисодий стратегиясининг муҳим узвий қисми бўлиб қолди.

Меҳнатлари аллақачоноқ умумпартиявий, умумхалқ ишмизнинг ажралмас қисмиға айланган республикамиз ёзувчилари ва шоирлари сўнги йилларда ҳозирги замон ўзбек қишлоғи ҳаётиға бағишланган кўпгина чуқур, етуқ асарлар яратдилар. Уларда қишлоқ захматқашининг ижтимоий ва маънавий қиёфаси ҳар томонлама тадқиқ этилади. Бу асарлар маълум ва машҳур, муносиб диққат-эътибор қозонган, шунинг учун мен уларни ҳозир санаб ўтирмайман.

Аммо, шу билан бирға, очиғини айтиш керакки, Озиқ-овқат программаси адабий фронт ходимларига алоҳида, юксак талаблар қўяди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумидаги докладыда, Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифаларни ёрқин, жўшқин сўзлар воситасида ҳар томонлама ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг бажарилишини акс эттириш, қишлоқ меҳнатқашларининг илғор тажрибаларини кенг ёйиш зарур.

Адиб, қандай жанрда қалам тебратмасин, ўзини қишлоққа ёрдам бериш учун сафарбар этилган деб ҳисоблаш, илғор, онгли меҳнат аҳлини тўла-тўқис кўрсатиши, илмий-техника революциясининг таъсири остида қишлоқда рўй бераётган самарали ижтимоий силжишларни ишонarli шаклда очиб бериши керак.

Ана шу ишни ташкил этиш ва йўналтириш — Ёзувчилар союзи ва унга қарашли барча матбуот органларининг бевосита вазифаси. Уйлаймизки, юбиляр журнал бу муҳим ишда яхши намуна кўрсатади.

«Шарқ юлдузининг обрў-эътибори янада мустаҳкамланиши учун журнал коллективи эълон қилинаётган асарларнинг сифатиға, ёзувчилар маҳоратини оширишға алоҳида эътибор бериши, ёш истеъдод эгаларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, чинакам бадий асарлар яратиш борасида муттасил ғамхўрлик қилиши, ижодий жараёнға самарали таъсир кўрсатиши лозим. Журнал саҳифаларида қаҳрамонлари ахлоқий камолати, софлиги ва маънавий бойлиги билан ажралиб турадиган асарлар кўпроқ босилса экан, деб тилак билдирамиз.

Бугун биз «Шарқ юлдузи» журналининг 50 йиллигини байрам қиларканмиз, ҳақли равишда айта оламизки, у ўзининг ҳар бир янги сони ва шонли тарихи билан юлдуз деб, Шарқнинг ёрқин, жозибадор юлдузи деб аталиш ҳуқуқиға молик эканлигини исботлади. Бу юлдуз ҳамма томондан қурилиб туради. Оснён ва Африканинг кўплаб тараққийпарвар адиблари унга қараб йўлларини белгилайдилар. Журналнинг кўплаб ажнабий китобхонлар орасидаги обрў-эътибори улкан ва мустаҳкамдир.

Шуниси муҳимки, бу юлдуз таратаётган ёғду ҳамиша Ленин ҳақиқатининг ёғдуси, тинчлик, тараққиёт ва социализмнинг ёғдуси бўлсин. Бу ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда айниқса муҳимдир...

КПСС ва Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатининг жўшқин, фаол тарғиботчиси бўлиш, янги уруш оловини ёқувчиларни фош этиш ва лаънатлаш — адабий-бадий ва ижтимоий-сиёсий журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг хилма-хил ва кўп томонлама фаолиятининг муҳим жиҳатларидан яна бири шудир.

Қадрли ўртоқлар!

«Шарқ юлдузи» журнали редакция коллективиси ҳамда редакция аппаратини 50 йиллиги ва Ватанимизнинг юксак

мукофоти билан қизғин табриклар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати фахрли ва гоятда масъулиятли ишингизда сизларга янгидан янги улкан муваффақиятлар тилайди.

Биз республикамизнинг пойтахти — тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентнинг 2000 йиллик байрамига тайёргарлик кўришда сизларнинг фаол ижодий иштирокларингизга қатъий умид боғлаймиз. Биз ишонамизки, 1984 йилнинг октябрида нишонланадиган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги тантанали кунларига ҳам ўзларингизнинг хайрли, қимматли ҳиссаларингизни қўша-жаксизлар. Санъаткорларимиз сеҳрли сўзларининг янги чўққиларини кўришдек беқиёс қувонччи бахш этажаксизлар.

Ўртоқлар!

Бу залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаларини олий му-

кофот билан яна бир марта табрикларга, «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллективига, унинг кўп сонли авторлар активига бундан буён ҳам ижодий ютуқларга эришгайсизлар, умумхалқ байрами — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганига 60 йил тўлишини янги муваффақиятлар билан кутиб оласизлар, деб тилак билдиришга рухсат бергайсизлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишонадики, орденли журнал коллективи яна ҳам яхшироқ, яна ҳам самаралироқ ишлайди, совет адабиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтиради. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, бундан буён ҳам партиямизнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади.

Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, мардона сиҳат-саломатлик, ажойиб кайфият, чексиз шоду хуррамлик, бахт-саодат ва омонлик тилаймиз.

## ЎРНИМИЗ – ҚАЙНОҚ ЖАБҲАЛАРДА

«Адабий-бадий нашрлар замон билан баб-баравар одим ташлаши, совет жамияти турмушидаги янги, илғор анъаналарни пайқаб, қўллаб-қувватлаши, партиявийлик ва халқчиллик принципларига муттасил амал қилиши лозим. Ёзувчилар ташкилотлари, адабий журналларнинг редколлегиялари КПССнинг экономикани интенсивлашга, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга, социалистик мусобақани ривожлантиришга қаратилган роли билан боғлиқ мавзуларни ишлаб чиқишни рағбатлантиришлари керак. Совет экономикасини ривожлантиришнинг янги вазибалари бутун ижтимоий муносабатлар соҳаси билан, янги инсонни камол топтириш билан чамбарчас боғланган. Бу эса, бадий ижодиёт учун катта имконият очиб беради».

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қароридан

### ОТАЛАР ЖАСОРАТИ РУҲИДА

Худойберди ТҲХТАБОЕВ,  
«Гулхан» журнали бош редактори

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» чиқарган қарори болалар журналлари ва журнал атрофида уюшган ёзувчи, шоирлар зиммасига улкан ҳамда масъулиятли вазифалар қўяди. Биз ўсиб келаётган ёш авлодни она-Ватанни севиш ва ардоқлаш руҳида, Октябрда Инқилоб қилган, граждандар уруши йилларида Совет ҳокимияти учун жон олиб, жон берган боболаримизнинг қаҳрамонликлари руҳида тарбиялашимиз керак. Бугунги фировон ҳаёт, ёруғ, кенг синф хоналари, турмушидаги мўл-кўлчилик ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Уларнинг барчаси кол-лективлаштириш даврининг фидойилари, Улғу Ватан уруши йилларининг жасур қаҳрамонлари, тинч қурилиш палласининг елкаси кенг, қўли қадоқ паҳлавонлари меҳнати, пешона терлари эвзига келган. Биз болаларга ана шу ҳақиқатни тушунтиришимиз ва уларни оталарнинг жасоратини давом эттирувчилар сифатида тарбиялашимиз керак.

Мен «Ёшлик» журнали саҳифаларида эълон қилинган «Ўқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» баҳсини катта қизиқиш билан кузатиб бордим. Баҳсда иштирок этган журналхонлар ўқиш-ўқитиш билан боғлиқ бир талай долзарб муаммоларни ўртага ташладилар. Маълумки, инсондаги хислатлар асосан мактаб йилларида шаклланади. Айниқса, бола шахсининг камол топишида бадий адабиётнинг аҳамияти беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Лекин шуни афсус билан қайд этиш керакки, бизнинг республикамизда болалар учун бадий асарлар чоп этиш иши кўнгилдагидек эмас. Иттифоқ миқёсида ҳар бир бола бошига уч нусхадан китоб нашр этилмоқда. Болтиқбўйи республикаларида нашр этилган китобларни ўқувчи бошига тақсимласак, етти нусхадан тўғри келади. Бизнинг «Болалар республикаси» деб аталадиган диёри-мизда эса бола бошига иранг бир нусхадан китоб чоп этилмоқда. Ваҳоланки, бизнинг республикамиз болаларнинг туғилиши ва сиҳат-саломат ўсиши бўйича Иттифоқда иккинчи ўринда

туради. Бизнинг ёзувчиларимиз, наشريётларимиз болалар олдиди, яъни икки мингинчи йилларнинг граждандари олдиди маънавий жиҳатдан қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Украина, Белоруссия республикаларида маҳсус болалар наشريётлари иш бошлаганига анча йил бўлиб қолди. Қардошлардан намуна олиб, биз ҳам болалар адабиёти наشريёти ташкил этсак, нур устига нур бўлар эди. Шунда биз ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондириш имкониятига эга бўлардик.

Журналимиз саҳифаларида республикамизнинг атоқли сўз усталари ҳам, истеъдодли ёш ижодкорлар ҳам ўз асарлари билан фаол қатнашмоқдалар. Диди ва талаби ўсган, эстетик завқи баланд миллион-миллион болалар ва ўсмирлар уларнинг асарларидан ўзларини қизиқ-

тирган кўплаб саволларга жавоб олмақдалар. Дўстлик нима, совет турмуш тарзи деганда нима тушуниш керак, фан-техника инқилоби амалга ошган шу кунларда болаларнинг бош вазифаси нимадан иборат бўлиши керак, деган мавзуларда таниқли олимларимиздан Малик Муродов, Раҳмат Собиров, Салоҳиддин Мамажоновлар журнал саҳифаларида қатор суҳбатлар уюштирдилар. Бу суҳбатлар ёш журналхонлар қалбига бориб етгани учун, улардан тўхтовсиз хатлар келиб турибди.

Журналимиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг бу қарорини жонажон партиямизнинг адабиётга, қалам аҳлига кўрсатган навбатдаги ғамхўрлиги деб тушуниб, ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбиялаш ишини яна ҳам кучайтиради, бадиий сўзнинг таъсирчанлигини, тарбиявий қувватини оширишга ҳаракат қилади.

## БАХТИМИЗ—ҒАЙРАТИМИЗДА

Иброҳим ҒАҒУРОВ,

адабий танқидчи

Партиямиз совет кишиларининг онгини тарбиялашга, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, идеалларимизнинг поклиги учун кураш руҳини синғдиришга доимо энг биринчи галдаги ва кун тартибимиздан сира тушмайди-ган вазифа деб қараб келади. Социализм ҳар томонлама тараққий қилган ҳозирги шароитда бу масала айниқса муҳим ва долзарбдир.

Партия XXVI съезди қарорлари совет кишиларининг коммунистик ғоявийлиги, юксак маънавияти — коммунизм қуришида энг зарур бўладиган фазилатларни ўстириш, буржуа ахлоқи, турли шаклда намоён бўладиган ёш таъсирларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш зарурлигини қайта-қайта уқтиради. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш ҳақида»ги тарихий қарори эса бу кураш йўлида қилинадиган ранг-баранг ишларимизнинг муайян йўлларини кўрсатиб беради. Бу қарор ўзининг теран мазмуни, ўткир ғоявий йўналиши, ғоятда аниқ-равшан фикрларга, йўл-йўриқларга бойлиги билан йўлимизни ҳали узоқ замонлар тиниқ ёритиб туради.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиши тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» қабул қилган қарори адабий-бадиий журналлар, адабиёт газеталари, умуман барча ижодий ходимлар олдига жуда катта миқёслардаги вазифаларни ҳал этиш масаласини қўйди. Қарор журналларнинг ишларида учраган камчиликларни рўй-рост очиб ташлаб, уларга нисбатан доимо танқидий муносабатда бўлиш намунасини кўрсатади. «Эълон қилинган асарларда, — деб уқтиради қарор, — замонамиз тўғри-

сида ноҳолисона, юзаки мулоҳазалар баён этилган. Бир қанча даврий нашрларда редколлегияларнинг роли пасайтириб юборилган. Журналларнинг раҳбарлари авторлар билан ишлашда ҳамшира лозим даражада талабчанлик қилаётганлари йўқ. Бадиий жиҳатдан заиф, бачкана мавзуларга ўралашиб қолган бир талай асарлар эълон қилинмоқда». Бу ҳаққоний сўзлар, уларнинг очиқ-равшан танқидий йўналиши ҳаммамизни қаттиқ ўйлатади. Ҳаммамиз ҳам журналларни, наشريётлар маҳсулотларини қўлга олганда, ўзимизга маънавий-руҳий ҳамсуҳбат ахтарганда, кўп гўзалликлардан баҳраманд бўлишдек умидимизга хилоф, тескари ҳодисаларга анча-мунча дуч келганмиз. Китоб ёки журнал саҳифаларини аста ёпиб қўя қолганмиз, кино залидан ҳали фильм тугашидан анча илгари чиқиб кета қолганмиз. Буларнинг барига бош сабаб ҳаёт материалнинг юзаки берилиши, ёзувчида дунёқараш, ижодий нуқтаи назарнинг етарлича қувватга кирмаганлиги, бадиий маҳоратнинг ҳаддан ташқари оқсашидир. Баъзан қулоч-қулоч публицистик мақолаларни ўқиб қоламиз. Уларда бизнинг эътиқодимизга айланган жуда зарур ижтимоий-ҳаётий масалалар ғоятда тумтароқ, саёз баён қилинганлигини кўрамиз. Иккинчи бир турдаги мақолаларда эса аксинча жиддий ва ҳатто ўткир масала, муаммолар кўтарилади. Лекин улар ғоятда жўн, сийқа, ҳаддан ташқари ғализ тил билан ёритилади. Журналлар кўтарган масаласи муҳим деб материални эълон қилиб юборавердилар. Кейин минглаб одамлар бу мақолалардан ранжиб юрадилар. Нега биз тил, услуб, ифода маҳорати масалаларини бу қадар чеккага суриб

ташладик? Наҳот маҳорат энди кераксиз ашёга айланиб қолган бўлса? Сўз билан ишлолмайди-ган одам ҳаётимизнинг долзарб ва ғоятда мураккаб масалалари билан қандай ишлайди? Муаммоларни қандай очади? Қандай қилиб миллионларнинг онги ва дилига ўз керакли таъсирини ўтказади?

Биз бугун энг кичкина тўрт қаторли хабардан тортиб, йирик публицистик рисоаларгача, ҳажвиядан тортиб йирик қиссаларгача ҳаммаси юк-

сак бадиий маҳорат билан яратилишини ва ҳеч истисносиз ҳамма ҳолларда санъаткорлик бўлишини қаттиқ ва принципиал талаб қилмоғимиз зарур. Бадиий жиҳатдан заиф, бачкана мавзуларга ўралашиб қолган асарлардан, уларнинг кундан кунга кучайиб бораётган оқимидан қутулишининг шундан ўзга йўли йўқ. Партия бизга худди мана шу йўлдан боришликни қатъий кўрсатиб бермоқда. Биздан шу ишларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

## ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Нурали ҚОБУЛ,

«Совет Ўзбекистони санъати» журнали бош редактори

Еш авлодни, умуман кишиларни тарбиялашда, маънавий дунёсини шакллантириш ва камол топтиришда адабиёт ва санъатнинг роли беқиёсдир. Партиямиз Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарори ҳам шубҳасиз ана шу йўлда муҳим бир босқич вазифасини ўтайди.


«Совет Ўзбекистони санъати» журналининг очик партия мажлисида ана шу қарор асосида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди. Журналимизда ўзига хос иш услуби шаклланиб келаётир. Журнал сонларининг бир-бирига ўхшамаслигига интилмоқдамиз, яхши, проблематик, талантли ва профессионал даражада ёзилган мақолаларни навбатсиз эълон қилмоқдамиз.

Партиямизнинг муҳим ҳужжати юклаган масъулиятдан келиб чиқиб, камчиликлар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз юритган маъқул. Журналимиз ўзбек музикачилари, рассомлари, архитекторлари, киночилари, театр ходимлари ва ёзувчилари ўртасида ўзига хос ижодий кўприк бўлмоғи керак. Шунини афсус билан таъкидлаш керакки, ижодкорларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро алоқалар, бир-бирининг ижоди билан қизиқиши ва бир-бирига кўмак бериш неча-неча мажлисларда тилга олинмасин, ҳамон кўнгилдагидек эмас. Ноқулай бўлса ҳам бир мисол келтирмоқчиман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлган кинорежиссёр (исм-фамилиясини келтирмайман) мендан «Бизда Рассомлар союзи борми, раиси ким?» деб сўраганда ҳайратдан ёқа ушладим. Наҳотки, у Рассомлар союзи борлигини билмаса? Демак у бирорта рассомнинг асарини ҳам тузукроқ кўр-

маган. Хўш, ўзингиз айтингчи, бу кинорежиссёрдан чинакам санъат асари бўлган фильм кутиш мумкинми?

Адабиёт ва санъат бир-биридан озик олсагина ривожланади ҳамда бир-бирини бойитади. Адабий-бадиий санъат коллективларининг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқаси эса мутлақо бир-биридан ажралмасдир.

Далага чиқиб, деҳқонлар ва чўпонлар билан суҳбатлашсангиз, негадир уларда ижодкорлар меҳнатидан қониқмаслик ҳиссини сезасиз. Шунинг учун ҳам улар қай даражада бўлмасин магнитофон лентасига ёзилган кўшиқлар билан «тирикчилик» қилишади. Бунинг сабаби шуки, бизда кўшиқчилик санъати оммавийликда аллақачон театр, кино каби санъат турларини ортда қолдириб кетди. Бугун кўшиқ эшитиб юрган киши эртага журнал ва китоб ўқишга киришади. Агар янглишмасам, бизда шу пайтгача газета ва журналларнинг ўқилиш даражасини аниқлаб, шу асосда бирор тadbир белгиланганини эшитмаганман. Дала шийпонларида қалашиб ётган, қуёшда сарғайиб кетган газета ва журналларни кўпимиз кўрганмиз. Партия ва ҳукумат бизнинг ижодий имкониятларимизни ривожлантириш учун; халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун шунчалик матбуот нашрларини ихтиёримизга топшириб қўйган экан, уни халқ кўнгилидагидек, замон талаби даражасида сифатли ва ўқинили қилиб чиқармоғимиз керак. Газета ва журналлар партия қўйган юксак талабларнинг ижроси сифатида жанговар фаолият кўрсатмоғи зарур. Ана шу юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, партиянинг фаолликка ундовчи даъватига амалий жавоб беришга интилмоқдамиз.



НУРИЛЛО  
ОТАХОНОВ

## Икки ҳикоя

УЙ

**Х**уллас, қишлоқ бузиладиган бўлди. Қўрғончада алмисоқдан қолган бир бино бўларди. Биладиганларнинг гувоҳлик беришича, қишлоқларда яккахўжаликлар тугатилиб, «колхоз-колхоз» бўлаётган даврлар улуснинг йиғинлари тез-тез шу бинода ўтказиб турилар экан. Кейинчалик, алғов-далғовлар сал босилиб, мусичалар шифтга бемалол ин қўя бошлагач, бу бино қишлоқнинг чойхонасига айлантирилибди. Шундан бери не-не замонлар ўтди. Орқа деворига тўртта ёғоч тираб қўйилганини ҳисобга олмаса, бино яна бир-икки мучал қаддини тик тутиб тура оларди. Бироқ энди унинг ҳам умри битди.

Бугун шу бинода худди бурунгидек йиғин бўлди, худди бурунгидек қишлоқ аҳлининг обрўли қисми — қари-қартанглар, ўқитувчилар, бригадиру ҳисобчилар райондан келган вакилнинг нақ икки соат давом этган маърузасига қулоқ осдилар... Хуллас, қишлоқ бузиладиган бўлди.

Ҳайдар ота бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини тушунишга тушунди-ю, аини пайтда ҳеч бало англамагандай гаранг эди. У одамларнинг кетидан бир зум тикилиб турди, қуруқшаб қолган узун-узун бармоқларини паншаха қилиб гарданини қашлади, сўнг лабини чўччайтирганча туяюриш билан уйига жўнади.

— Мунча йўқ бўлиб кетдингиз? — деди Зулфинисо кампир уни йўлакда кўриб. — Тез келаман, деб... Қачон эди, чой дамлаб қўйганим.

Зулфинисо кампир чолининг гузардан қайтишини кутиб, пастак ток тагидаги сўрига дастурхон эзиб ўтирган эди. Дастурхонда тандирдан янги узилган иккита ноғ, пиёла, жўмраги қадоқланган чойнак, сопол коса, лаби кемтик ёғоч қошиқ, бир сиқимгина қора майиз ва катта пиёлада эрталабдан ортиб қолган қаймоқ...

Расмларни А. БАҲРОМОВ чизган



Чол индамади. Бамайлихотир сўрига жойлашиб, белбоғига осилган қиндан чустий пичоғини суғурди. Косани олдига суриб, унга нон тўрай бошлади, устидан икки қошиқ қаймоқ солгач, чой қуйди. Шундан кейингина бошини кўтарди, бояги гапларни райондан келган вакил эмас, ўзи ўйлаб чиқаргану бутун олам тақдир ҳозир биргина унга боғлиқ бўлиб қолгандай, деди:

— Қишлоғинг бузилади, кампир! Ихм... Ўрнига посилка қурилади. — Шаҳодат бармоғи билан косадаги нон тўграмларини ширчоёга бўктиратириб, «Буни сенга мен айтяпман!», деган маънода ияк қоқди. Лекин, кутганичалик, кампир «ҳайратдан ёқа ушлаб» қолмади. Чолининг феълени яхши билган кампир (унинг назарида, чол йўқ ердаги гапларни ташиб юришни куш кўрар, ора-сира бир чимдимгина ёлғон аралаштиришни ҳам унутмас эди) бу хабарни қулоғининг ёнидан силлиққина ўтказиб юборди.

— Чой ҳам совиб қолгандир, — деди аста уф тортиб.

Чолининг жаҳли чиқди:

— Сенга ўзи қачон гап гапириб обрў топибман?!

— Оббо, келмасингиздан захрингизни сочасиз-а, бекордан-бекор.

— Ҳа-а, сизнинг безрайган бетингизга қош қоқайликми, бўлмаса? Янгилик айтсанг ҳам бир бало!

Кампир ўзини босди. Хотиржамлигини кўрсатиш учун пиёлани айлантириб чой ҳўплади, кўзини чолининг кўзларидан олиб қочиб, қаердадир тинмай чирқиллаётган чумчуқни излаб топмоқчи бўлди.

Яна чолининг ўзи гапирди:

— Бутун қишлоқ бузиларкан, ўрнига янги қишлоқ бўлармиш... Мана шу уйинг ҳам бузилади, овсар! — Қолганини пичирлаб айтди: «Ҳм-м, чой совиб қолганмиш!»

Кампир пиёлани дастурхонга қўйиб, оғзига майиздан бир дона ташлади.

— Нимага бузилади?

— Ана холос! Овсарсан, десам ер тепинасан, аслида минг қарра овсарсан! Ҳозиргина айтиб турибман-а, ўрнига посилка қуриларкан, деб!

Кампирнинг кўзлари қисилди, кавшаётган нони да-надек бўлиб лунжида қотиб қолди.

— Мен овсар бўлсам, сиз ҳовлиқмасиз! — деди у. — Гапингизнинг ҳеч боши-кети йўқ. Ахир, энди икки йил бўляпти-ку бунисини қурганимизга!

Чол қайрилиб, эшик-деризалари бўялмаган, девори оқланмаган иморатга бир назар ташлаб қўйди, кўп нарсаларни хотирлади. Оғиз жуфтлаган эди, овози чулдираб, ҳазин чиқди:

— Бари бир бузишга тўғри келади, элдан қолиш ярамайди.

— Янгисини қандай қурасиз?

— ...


— Якка тўсин том кўтармас, — дея ўзининг сўроғига ўзи жавоб қила бошлади кампир. — Бунисини тикка қилгунча белимиз букчайди. Уй қуриш осон бўлқопти-ми? Каттаси чўлда бўлса, кичиги шаҳарда, ким бизга ёрдам беради? Қизлардан умид қилманг — ўзларининг бола-чақаси, ўзларининг уйи бор, сиз билан менга тасалли беришдан бошқасига ярамайди улар.

Кампирнинг гаплари қанчалик жўяли бўлмасин, чолининг орияти қўзиди:

— Қизларингни орага суқма! Аҳмоқмасман-ку мен ҳам! — дея ўшқирди у. — Муқимжонни бўлса, қақирамиз, етади шаҳарда санқигани! Ундан кейин... одамлар ҳам ташлаб қўймас, майлиса ҳамма, қишлоқни ҳашар йўли билан қураимиз, деб қўл кўтарди-ку!

Зулфинисо кампирнинг миясига лоп этиб «Яна мижговляяпти!», деган ўй келди.

— Кўрамиз қурганингизни! — дея даст ўрнидан тур-



ди. Алланималарни гўлдираб сўридан нари кета бош-лади.

Чол бунга чидаб туролмади, қичқирди:

— Тўхта! Ўзингдан-ўзинг минғирламай, менга эшит-тириб гапир! Қани?!

— Эшитсангиз ҳам, эшитмасангиз ҳам гапим шу: Муқимжон қишлоққа қайтаман деса, хотинини мана бу ерга ўтиргизиб қўйиб, уй қурсин! Бўлмаса, беш кун-лик умрим қолдим, йўқми — менга уй керакмас! — Кампир гапим тамом, дегандай, эрининг жавобига қу-лоқ ҳам солмай, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса-да, оғил-хонага қараб юрди. Бирпасдан кейин у ёқдан шанғил-лаган овози эшитилди: «Нари тур, тепкиламай! Ҳе, ҳайвон!.. Узи битта-ю, ифлоси бутун бошли пермани-кича, бу худо олгурни!»

Кечкурун чол-кампир қўшнингнинг боласини чақироиб чиқиб, шаҳардаги кенжа ўғилларига хат ёздиришди. Хат бир талай салом-алиқдан сўнг шундай давом этар-ди: «Ўғлим, сен келгунча уйларимиз бузилиб кетади-ми ҳали... Чунки қолганлар ҳам уйларини бузишади — ўрнига посилка қуриларкан. Бугун эски чойхонада майлис қилиб, шунақа дейишди. Сени ўқитган домланг бор-ку, Урозмат тегирмончининг ўғли, ўша ўртага чи-қиб, «Бизга қозик қоқиб беринглр, қишлоқни ўзимиз қурамыз, ҳашар қилиб!», деб ўборди. Одамларнинг айтишича, унга бу гапларни аввалдан ўргатиб қўйиш-ган эмиш. Ўғлим, ўзинг биласан, биз — чол-кампир — белимиз букчайиб, муңкиллаб қолдик, янги қишлоғимиз-ни кўриш бизга насиб қиладим, йўқми — худо билади. Аканг бўлса, ўзи билан ўзи овора, сезон-сезон деб ярим йилда бир келади, холос. Ёнимизда энди сен бўлсанг, деймиш. Шундай қилгин, болам. Хотин, бола-чақангни олгину кўчиб келавер. Кўзимиз очиклигида шу ерда тинчиб кетсанг бўларди. Эрта-индин ҳукумат ер бўлиб берса керак. Биз нима қилайлик — шунинг хабарини бер. Ё вақт топиб, ўзинг бир келиб кет! Неваралари-мизни ўлиб қўй, хўпми? Дуои салом билан, отанг».

— Етади, — деди чол оғир-оғир нафас олиб.

Кампир намли кўзларини энгининг учи билан артар-кан, шивирлади:

— ...онанг ҳам, деб қўшиб қўй, болам.

Шу гапдан роса ўн кун ўтиб, Ҳайдар отанинг уйига яна қўшнингнинг боласи чиқди.

Вақт пешиндан оққан, ҳаво қилт этмайди. Кампир қолдай кўйлагининг кўкрак бурмасидан тутиб, ҳадеб елпинади. Чол чуқур ўйга чўмган; хатни икки-уч қайта ўқитгандан кейин, салмоқлаб шундай деди:

— Боланинг турмуши чатоққа ўхшайди, ёзишидан. Зоти-насаби бетайин бир қизга уйланиб олиб, егани қалампиртуз бўлиб қолди-ёв шунинг... — Чол ўйга бе-рилиб, ўғлидан уй тўғрисида сўралган гапларни беих-тиёр унутиб қўйган эди.

— Ўзимиз айбдоримиз, вақтида қаттиқ турмадик. Бўлмаса, қишлоғимизда қиз уруғи қуриб кетганмиди? Ўзи ёқтирибдими, ўзига буюрсин, дедингиз сиз ҳам. Мана, оқибати... — Кампир, келинг, шу ҳақда гаплаш-майлик, деган каби чолига илтижоли боқди. Хиёл ўт-май юзи ёришиб кетди: — Уни-буни қўйинг, болам тўғри ёзибди: ўзи келгунча биз районданми, совхоз-данми ёрдам сўраб турайлик. Тавба, бурнимиз таги-дан нарини кўрмайдиган бўлиб қопмиш ўзи. Болам шаҳар кўрганда, билади. Ёрдам беришлари керак, деб-дими, ташвиш чекмасак ҳам бўлади.

Боядан бери нима қиларини билмай, зерикиб ўтир-ган бола хатни тўшакнинг қатига тиқиб, секин чиқиб кетди. Чол-кампир буни ҳатто сезмай қолишди.

— Номазқул гапни қўй, кампир, — деди чол. — Бир камим энди, шу ёшга кириб, одамларга кулги бўлиш қолувди.

— Ками-кўстини сўрашнинг нимаси айб? Биш дона ёғочимиз бўлмаса, кесагимиз бўлмаса, бор-будимизни йиғсак, битта товукқатакка ҳам етмаса, ёрдам сўрай-миз-да, нимасидан уяласиз?!

— Ҳашар қилиб қурамыз, деб майлисда катта ке-

тиб қўйдик, энди бўйнимни эгиб боришим керакми? Йўқ!

«Шалвирамай кет! Оғзингдагини олдириб, орқаси-дан раҳмат ҳам дейсан шу туришда, — дея хуноб бўл-ди ичида кампир. — Эркак одамга ўхшамайди-я!» Ле-кин зўрма-зўраки илжайиб, деди:

— Ким айтади сизни, бир пайтлар колхоз актипла-ридан бўлган, деб! Ижроқумга ҳам айтинг шуни. Эшилсак эшилаверамиз-да, биров келиб қумғонимизни қайнатиб берармиди?

Соддалик-да, соддалик! Хотин киши бари бир хо-тинлигига бораркан. Битта Ҳайдарми колхоз учун жон куйдирган? Унга ўхшаганларнинг бари дўпписи тор келиб қолганда бурнини осилтириб районга чопавер-са... Йўқ, буни кампир қаёқдан тушунсин?!

— Қизиқсан-а, кампир, ҳе йўқ-бе йўқ, дунёнинг ташвиши сенга тушиб қолгандай уввос тортасан. Шош-май тур, олдин кўрайлик, одамлар нима қиларкин, шунга қараб биз ҳам ҳаракатимизни қилармиз-да.

Зулфинисо кампирнинг сабр косасига бир томчиги-на етишмай турган эди, томдию тилини тиелмай қолди:

— Қўйинг-э! Қўрқоқлик ҳам эви билан-да! Менга деса, ўлиб кетмайсизми?! — Кампир баралла йиғлаб юборди. — Болаларимни ўйлайман, бошқалардан кам бўлиб яшамасин, дейман! Менинг куним уларнинг бо-шига тушмасин, дейман!

Чолнинг заҳил юзига гуп этиб қон тепди. Тирноғи-нинг учидан миясигача бир нима шиддат билан куй-дириб ўтди ва шу ондаёқ, кун иссиқ бўлишига қара-май, эти учди. «Оббо, шу сўзларни айтмасанг бўлар-ди, кампир! — дея изтироб аралаш ўйлади у. — Лекин турмушигандан нолиганинг чатоқ бўлди... Майли, бора-ман, бормаган ҳам номард!»

Ҳайдар ота бозор-ўчар учун район марказига тушиб турарди, бу кўчадан ҳам бир неча бор ўтган. Аммо ижроқўмининг янги биносини бунчалик яқиндан биринчи марта кўриб туриши. Олди кенг майдон, икки тарафи гулзор, ўртада ихчам-ихчам мрамар ҳовузчалар. Гул-зорнинг нарёғида ранг-баранг машиналар сафда тур-ган аскарлардай тизилган. Йўлакдан турфа одамнинг оёғи узилмайди: дўппиллар, шляпаллар, ориқлар, семизлар, тажанглару беғамлар — ҳаммаси юзига жид-дий тус бериб, ичкарига кириб-чиқиб турибди. Ҳайдар отанинг оғзи очилди: «Бари ҳукуматнинг одамла-ри-да...»

У шу дамгача хийла дадил эди, бинонинг салобати босдими, юрагига гўлула тушиб, эсанкираб қолди. Зинадан кўтарилиб ичкари кираркан, оёғи қалтираёт-ганини сезди. Ақли-хўшини йиғиб улгурмасидан, кира-веришда кимдир уни тўхтатди:

— Йўл бўлсин, ота?

— Ижроқўмга, болам, ижроқўмга.

Уша киши унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди:

— Оёқ-поёғингизни артиб кирсангиз бўлмайдими, ота? Уни қаранг.

Чол оёғига қаради, қизарди. Полга узун зангори гилам тўшалган, ҳаммаёқ тоза, ялагудек. У бўлса... «Қишлоқилигим қурсин, — деб койинди ичида. — Ка-лиш калиш эмас, бир ҳовуч чанг!»

Ҳайдар ота у ер-бу ерини қоқиб қайта кирганда ҳеч ким эйтибор бермади, бироқ унинг ўзи ҳамон довираганча, дам калишига, дам бояги кишига қа-рай-қарай, гиламни босмасликка ҳаракат қилиб ўтиб кетди. «Учинчи қаватга чиқасиз», деган гап эшитил-ди ортдан.

Учинчи қаватда унга керакли хонани кўрсатиб қў-йишди. Чол эшикдан бош сўқди:

— Мумкинми, қизим?

Котиба қиз пешонаси тагидан бир мўралаб қўйиб, ишида давом этаверди.

— Ижроқўм билан гаплашмоқчийдим, қизим.

— Кириг. Нега остонада туриб қолдингиз, кираве-ринг. Қандай масалада мурожаат қилмоқчисиз?

— А?

— Нима ишингиз бор эди, деяпман.

«Бу қиз ким бўлди? Ёрдамчисимикан? Айтайми, йўқми? Увоққина экан...»

— Иложи бўлса, ўзларини...

— Унда пича кутиб турасиз, ҳозир бандлар.

Жигарранг, баҳайбат эшик оҳиста ёпилди. Бекор қолган Ҳайдар ота узун коридор деворларига осилган суратларни тамоша қилишга тушди, хаёлан эса ўзининг бу ерга келиш сабабларини мулоҳаза қила бошлади.

Кеча совхоз ҳисобчиси йўл бўйидан саккиз сотих жой ўлчаб бериб, йигирма сўмини олиб кетди. Бир меъёр шарт-шароитини ҳам тушунтирди: эни шунча бўлиши керак, бўйи шунча, деразалари кўчага қарасин, пойдеворини баланд қилган маъқул — уй ёруғ бўлади ва ҳоказо... Бўлмаса, посёлкага ўхшамай қолармиш. Чолнинг дили оғриди, лекин аламини юзага чиқармади. Карнайчининг вазифаси пуфлаш бўлгандан кейин пуфлайди-да, деди-қўйди. Ҳозир нима кўп, уй қураётган кўп. Бозорда ёғоч-тахтанинг нархи осмон бўйи сапчиган. Эшик-деразанинг эса яқинига йўлаб бўлмайди: тўртта дераза, иккита эшик олиш учун ярим йил почтачининг қўлига қараш керак. Булар-ку, майли, аввали қишлоқчилик, уддасини қилиб битта уйни тиклаб олса бўлади. Бошқаларнинг ҳам сандиққа босиб қўйгани йўқдир. «Аммо ёрдам сўраб келганим чакки бўлди, — дея ўйда давом этди у, — эсипастлик қилдим. Арзимаган нарсаини деб... Мендақа арзчи сонминг, ижрокўм бўлса — битта! Бутун бошли районни бошқарсинми, бориб менга кесак юмалатиб берсинми!»

Ярим соатлардан сўнг Ҳайдар ота яна иккиланиб эшикни очди.

— Шунақа муҳимми ишингиз? — Бу сафар қиз бошини кескинроқ кўтарди. — Жуда шошилиб турган бўлсангиз, майли, эртага кела қолинг. Аслида, қабул кунлари эртага.

— Шошилаётганим йўқ, қизим. Шошилиб қаёққа ҳам борардим? Шундай... Майли, кутиб тураман.

Коридорнинг томоша қиладиган жойи қолмади. Сал ўтмай чолнинг кўнгли яна бесаранжомланди. Катта гуноҳ қилиб қўйгандек ўзидан-ўзи хижолат бўла бошлади. Нима қилсин? Пастга тушиб кутсинми? Яхшиси, эс борида этакни йиғиштириш керак!

Ана шундай каловлиниб турганида қаршисида ланглаган, ўрта яшар бир киши пайдо бўлди. У чолга яқинлашган сари секинлаб, ажабтовур қизиқиш билан тикилиб ўтди. Бехтиёр чол ҳам қаради. Кўз кўзга тушганда эса, чолнинг негадир ғаш келди ва дарров юзини ўғирди. Утиб кетгач, яна ортидан тикилди. У одам тўғри бориб, қабулхона эшигини очди ва хушчақчақ товуш билан:

— Салом, Ҳалимахон? Қалай, зерикмай ўтирибсизми? Карим Узоқович бормилар? — дея ичкари кириб кетди. Зум ўтмай, хотини эгиз туққандай оғзининг таноби қочиб чиқиб келди. Чолнинг ўз-ўзидан тишлари ғижирлади: «Тавба, бунча беҳаё бўлмаса одамлар!» Туйқусдан кетгиси келиб қолди. «Кетаман! Ортиқ кутмайман!», дея зина томон йўналди.

Ун чақирим ерга атай борди, кунини кеч қилди, бу ҳам етмагандек, икки қўлини бурнига тикиб келардиди. Шундай ҳолда энди ўжар кампирининг кўзига кўриниши керак. «Бориб турган сур-а! Сурдан баттар!», дея хуноб бўлди чол.

Йўлни кесиб, чойхона тарафга ўтди. Утди-ю, чойхона ҳам, у ерда одатдагидек, ғийбатни чойга қўшиб эрмак қилиб ўтирган улфатлари ҳам ҳозир юрагига сиғмаслигини сезиб қолди. Ортига қайтди.

Қишлоқни аста-секин қоронғилик қоплай бошлаган, ҳаво сал юмшаган эди. У то уйига етгунича нималарни ўйлади, қандай қарорга келди — ёлғиз ўзига аён, аммо бошини эгиб нигоҳи билан ер чизиб борганини таъкидлаб қўйиш — бизнинг бурчимиз.

— Учрашдингизми?

Зулфинисо кампир айвондан тушиб эрининг ёнига ҳалпиллаб келди: унинг кўзлари бетоқат жавдирарди.

— Ҳа-а... — Чолнинг товуши ортиқ даражада толиқ-

қан ёки бениҳоя қувонган одамнинг овозига ўхшаб чўзиқ чиқди. — Овқат-повқат қилдингми?

Кампир Ҳайрон боқди:

— Беғам бўлиб кетинг-э! Бирон марта овқат қилмай юрувдимми? У ёғи нима бўлдийкан, деб жоним ҳалак, сиз бўлсангиз, овқат, деисиз.

— Ҳовлиқмасанг ҳам айтаман ўшани. Олдин овқатингни опке, ейлик, гап бўлса, бўлар.

Кампири бесабр жикиллаган сари чолнинг дили яйрар эди.

— Бир оғиз гап билан одамнинг кўнглини тинчлантириб қўйиш шунчалик қийинми?

— Мунча содда бўлмасанг! Худди мен биринчи марта ҳукумат идорасига кирган, ҳукумат одамлари билан энди гаплашгандай суриштирасан-а, — дея оҳиста гап бошлади чол, кампирининг «гўл»лигидан ҳузур қилиб. — Бордим. Эҳ-ҳе, сен у бинонинг ичларини кўрмагансан, кўрмайсан ҳам. Мен бўлсам, кирдим, тўғри ижрокўмининг олдига чиқдим! Узи кутиб олди. Ёшгина йигит экан. Бирам хушмуомала, бирам ширинсўзки, гап билан жонни олади, дегин. Одам деган ана шунақа бўлсайкан! Қўшқўллаб, келинг, хўш хизмат, деб турибди. Мен ҳаммасини айтдим...

Чол гўё аслида ҳам шундай бўлгандай завқ-шавқ билан сўзлар, беихтиёр ўзи ҳам бунга ишона бошлаган эди. Зулфинисо кампирнинг эса, гарчи гапнинг муҳими ҳали айтилмаган бўлса-да, чеҳраси тобора очилиб борарди.

— Бор энди, овқатни опке, — деб сўзига яқун ясади чол.

— Ишқилиб, ёрдам берарканми?

Чолнинг пинҳона ғазаби бурнининг учида турган эди, тилига кўчди:

— Уф-ф, бўлди-да энди! — дея қичқириб юборди у. — Мунча эзмаланасан! Ёрдам бермай нима қиларди? Ёрдам беради! Йўқ деса мен ҳам шунда-ай чиқиб келавермасдим-да!

Шуни айтгач, Ҳайдар ота оёқларини сўридан пастга осилтириб, ёстиққа ёнбошлади. Ток барглари орасидан, кўкда бирин-кетин пайдо бўлаётган милт-милт юлдузларга тикилганча сукутга чўмди.

«Ке, қўй, кампир, ишимизга бошқаларни аралаштириб нима қиламиз? — дея хаёлан сўзида давом этди чол. — Сен кўп ҳам қайғураверма! Мана кўрасан, ҳали ҳаммаси яхши бўлади! Шунча йил бирга яшаганимиз билан сен мени билмайсан, Зулфи, мен бошқача одамман! Ижрокўмни қўй, совхоз ҳам ўз йўлига — билсанг, Одам Ато замонидан бери уй қуриб келаман, лекин биронтаси битмай қолган эмас, битган! Уйни ўзим қураман, Зулфи, ўзим!»

Кампир овқат келтирди, иккалови уни иштаҳа билан туширишди. Қайнатма шўрва бирам ширин бўлибдики...

## КЎЗГУ

**К**еча у кўл бўйида Тамара деган қиз билан танишиб қолди. Аввалига сезмабди — ёнмаён ётган эканлар, қирғоқда. Уларнинг бош томонидан бир тўда бола қувлашиб ўтди ва кимдир «Вой-й!», дея қичқириб юборди. Овоз кутилмаганда, шундоққина биқинидан эшитилгани учун у бир сапчиб тушди. Чалқанча ётган кўйи бошини овоз чиққан тарафга бурди: ёнидаги қизни ҳам шунда кўрди. Қиз офтобдан қизарган оёқларини керганча ўтириб олган, нафис бармоқчалари билан ҳадеб ўнг кўзини ишқалар эди. «Қум сачратиб кетишибди», деб ўйлади у ва ҳали узоқлашиб улгурмаган болаларнинг ортидан қичқирди:

— Ҳў-ўв, аҳмоқлар! Қувлашгани бошқа жой қуриб кетганми?!

Яна қизга ўғирилди, лекин дарҳол кўзини олиб қоч-

ди: «Қилган меҳрибончилиги учун илтифот кутяпти, деб ўйламагин!»

Қиз эса тинмай кўзини ишқалар, энди боягидан пастроқ, янада жозибалироқ товушда «вой-вой»лаб қўяр эди. Йигит хотиржамлик билан осмонга, олачал-пак бўлиб сузиб юрган булутларга боқди.

— Мундоқ қарасангиз-чи, ахир! — деб қолди қиз туйқусдан. — Кўзим бижирлаб кетяпти...

Йигит қовун тушириб қўйганини сезди, қизарди. Таъсирчанлиги қурсин, қизнинг гапи тўғри бориб юракка қадалди, ёрдам қилиш нега хаёлимга келмади, дея хижолат чекди у. Сўнг иккиланибгина қизнинг қарши-сига ўтирди. Ҳаяжон ичида титроқ қўлларини унинг пешонасига тегишти. (Оҳ!.. Қони гупириб, димоғида қандайдир ёқимли ис туйди!). Қиз гавдасини орқага ташлаб, иягини кўтарди, гўё бир зумга бутун борлигини йигитнинг ихтиёрига бериб қўйгандай. Олдинга лопиллаб чиққан кўраклари йигитнинг сезгир баданига тегиб бирдан ўртантирдики, у кейинчалик, ўша пайтдаги ҳолатини қайта-қайта эслаб, сира ақли бовар қилмасди — қандай чидаб турган экан? Ҳа, у чидади, боз устига, бармоқлари билан қизнинг оч бинафша ранга бўялган чиройли қоқоқларини кериб, ун марта «пуф чиқ-пуф чиқ» ҳам қилди. Қум зарраси чиқиб кетдими ё унинг нафаси ёноқларини қитиқладими, қиз кулди. Бу кулги шу қадар табиий ва самимий эдики, ўртадаги ноқулайлик бир зумда тарқалиб кетди.

Сал тўлалигини ҳисобга олмаганда, ундан чиройли қиз йўқ эди оламда! Мовий денгиз, мавжли тўлқинлар таъсири туширилган чўмилиш кийими қоматига, кўракларига чунонам ярашган эдики, унга қараган сари йигитнинг нафаси ичига тикилай дерди. Сўнг... танишдилар.

Собирнинг студент эканини эшитиб, Тамара негадир эчилиброқ гаплаша бошлади.

— Студентлар менга ёқади, ажойиб халқ! — дея хитоб қилди у. — Энг яхши кўрганим — Раскольников, у ҳам студент бўлган!

«Тўғри, Раскольников студент эди, мана, мен ҳам студентман, аммо уни жиним суймайди-ку!», деб хаёлидан кечирди Собир, лекин қизга қўшилиб илжайди.

Кейин улар бирга чўмилдилар, бирга қумлоқда, қўёшнинг тияғли найзаларига баданларини тоблаб ётдилар, эртага ҳам кечки салқинда учрашишга ваъдалашиб, хайрлашдилар...

Собир ҳозир кийим жавонининг бўй баробар кўзгуси қаршида туриб ана шу учрашувга тайёрланар эди.

У ёзги таътилда қишлоққа кетмади. Кетса, икки ой вақти бари бир Сулаймоннинг қўриқчи итидай бекор ўтади. Яхшиси, шаҳарда қолиб, бирор жойда ишлаб пул жамғармоқчи бўлди. Мана, бир ойдан бери хонада ўзи ёлғиз. Оқшомлари шуши желса, кўчага чиқади, айланади, аксари пайт хонада кўрпага бурканиб ётаверади. Бу йилги ёз ҳисобидан кеча биринчи марта чўмилишга борган эди, дабдурустдан қиз билан танишуви уни бутунлай шошириб қўйди.

Омадсиз кишининг қутилмаганда омади чопса, мақтанишга одам излаб қолади. Шундай пайтда арзи дилнга қулоқ тутадиган бир банда топилмас, ҳолинга вой — қармоққа балиқ илинганда қайиғинг тўнтарилгандай гап. Шу туфайли кўнглининг бир чети андак хира бўлса-да, учрашув дамлари яқинлашган сари Собир шодликдан энтикиб-энтикиб қўярди.

У ҳозир майкачан ҳолда кўзгудаги аксига термиларкан, ўзича мулоҳаза қиларди: «Хўш, бундай гўзал қизни менинг нимама мафтун қилди? Қизлар йигитларнинг ҳуснига эътибор бермайди, дейишади. Бўлмаган гап! Ҳар қалай, ияги қийиш, бурни пачоқ, тасқаранамо ландавурларни, ҳа-ҳа, ландавурларни (Собир топқирлигидан қувониб кетди) ким ёқтиради?! Қум бир баҳона, холос, ҳамма гап шундаки, мен унга эмас, у менга талпинди! Албатта, ўша тасқаралардан фарқим борди, ахир!»

Собир елкаларини кўзгуга солди, узоқ тикилди, тикилдию кўзларига ишонмай қолди: жуссаси жуда ҳам унақа кўримсиз эмас экан! Авваллари нозик туюлган билаклари ҳозир бакуватдек кўринди. Қўлларини ик-

ки ёнга хиёл кериб, чуқур нафас олди, кўкрак қафаси кенгайди — курашчилардан қаери кам! Тирсагини буюкиб, куч билан муштумини қисган эди, мускуллари бўртиб чиқди. Бинойи! Кейин кўзгуга орқасини ўғирди, елкаси оша мўраллади: ҳаммаси жойида! «Йўқ, йигит танлашда қизлар сира адашмайди, — деб хулоса қилди у. — Учрашувга ўзи таклиф қилдим, демак, бир гап бор!»

Собир қандайдир куйни минғирлаганча кийина бошлади. Кўчага ҳам шу кайфиятда чиқди.

Йўлка ёш-яланг билан гавжум — турли-туман кийинган сулув қизлару «пачоқ» болалар... Собир кўнгли тоғдек бўлиб йўлга тушди ва бирдан нариги бекатга-ча пиёда боргиси келди. Фикри ўзига хуш ёқди, енгил-енгил қадамлар ташлаб, бу бекатдан ўтиб кетди. Йўлда бораркан, у бир нигоҳ билан ҳаммани қамраб олишга интилар, ҳамма, айниқса, қизлар менга қараётгандир, деган ишончдан боши кўкка етгудек эди.

Шу пайт қутилмаган бир «фалокат» рўй бериб, йўғлаб юборишига оз қолди: оломондан қандайдир гавда ажралиб чиқдию рўпарадан, йўлкани бир ўзи эгаллаб, кела бошлади. Беихтиёр Собирнинг нигоҳи оломондан шу «гавда»га кўчди. «Гавда» — чиндан ҳам елкадор, узун бўйли, мускуллари пишиқ, хумдек калласи йўғон бўйнига мустаҳкам ўрнашган, атрофга бургутдай ўткир ва белисанд боқиб келаётган йигит эди. Собирнинг қадами секинлашди, назарига жуссаси бирдан кичрайгандай бўлди, оёқлари чалишди. «Гавда» эса ўша виқор ва белисанд нигоҳ билан ёнгинасидан ўтиб кетди. Собир ҳарчанд ўзини тиймасин, бўлмади, орқасига бир ўгирилиб қаради. «Ўртамиздаги фарқ нари борса икки, бўлмаса, бир ёш...», деб ўйлади надомат билан.

«Гавда» кўздан йироқлашгач, Собир яна оломонга назар ташлади, аммо энди бояги кайфияти чилпарчин бўлган, қанотлари қайрилган эди.

У шаҳар чеккасидаги қаҳвахона ёнига бир оз кечикиб, соат еттиларда етиб борди. Қаҳвахонанинг ичию таши чўмилишга келганлар билан тўла эди. Аммо Тамарани топиш унча қийин бўлмади.

— Роса чанқадим, — деди Собир гап очиш учунгина. — Бир бокалдан морс ичсак.

— Оч қоринга-я! — деди Тамара кулиб. — Қачо-он эди келганим...

Собир чўнтагидаги бор бисоти — беш сўмликини ғижимлаб қўйди.

Улар баҳайбат чинор тагидаги столга ўтирдилар. Собир икки коса овқат кўтариб келди. Энди биттадан чучварани оғизга солган ҳам эдиларки, пўрим кийинган, ҳафсала билан кузалган мўйлови гоят ярашиқли, гавдаси Собирга нисбатан сал тикроқ бир йигит жилмайганча уларга яқинлашди:

— Бўшми?

Иккита стул бўш эди, жавоб кутмай, бирига ўтирди. У аввалига оғиз очмасдан дам Собирга, дам Тамарага қараб-қараб қўйди, сўнг:

— Чучвара еяписизларми? — деди негадир яна жилмайиб.

Собир йигитга зимдан разм солди. Унинг қизларни-кидек чиройли қош-кўзлари ва сочларини кўриб, «Ишқилиб, бемаъни гап отиб қолмасин-да», деган ҳадик туғилди кўнглида, лунжидаги чучварани чала ютди. Аксига олиб, Тамара бамайлихотир: «Кўриб турибсиз-ку», деди ва кўзлари чакнаб, назокат билан овқатланаверди. Йигит қўлидаги тилло занжирли калитни стол устига ташлади.

— Мириқиб чўмилганингдан кейин чучвара ҳам ёддек кетса керак, а?

Бу гап нима учун айтилганини Собир тушунмади, Тамара эса шарақлаб кулиб юборди:

— Янглишдингиз, биз Саша билан чучварани чўмилишдан олдин ейишни маъқул кўрдик!

Йигит Тамарага қўшилиб кулди, сўнг куларини ёкулмасини билмай турган Собирга қараб:

— Оббо, дўстим-э! Исмингиз Саша экан-у, нега миқ этмайсиз? — деди.

Йигит ҳеч қандай қўполлик қилмаган бўлса-да, Со-



бир ёш бола эмас, ўзини жуда олижаноблик билан камситилгандек сезди. Сизди-ю, бунга муносиб жавоб топа олмай довдираб қоди. Кейин зўрға:

— Йўқ, Саша эмас, Собир... Русчасига Саша... — деди ва ўша заҳоти, ожизлик қилиб кўйганидан ғижиниб, ичида ўзини сўқди.

— Хо-хо-хо! Русчасига, денг?! Русчасига Саша бўлса зўр экан! Унда танишиб кўяйлик — Ҳамид. Хўш, русчасига қандай бўларкан, а? Тавба, буни қаранг, сира ўйлаб кўрмабман. Хо-хо-хо!

Собир сув-терга тушди. Айниқса, Тамара ҳеч бир тал тортмай йигитга исмини айтганда, бутун гавдаси билан столга қапишиб қолди.

— Гап бундай, Тамара ва Саш-ша, — деб сўз бошлади Ҳамид кибрли жилмайиб, — ҳозир битта шампан билан иккитадан кабобни қоринга жойлаймизу менинг аравамга ўтириб пляжнинг энг зўр жойига борамиз! Бирга чўмиламиз, Гугушнинг энг янги записларидан кўйиб, би-ир маза қиламиз! Хўш, Тамарахон?

Собирнинг тили танглайига ёпишиб қолди. Бу йигит ким, у нима истади, умуман нималар бўляпти ўзи? Собир фикрларини бир нуқтага йиғишга уринар, аммо кўнглида тобора кучайиб бораётган ҳадиқ бунга қўймас эди. Қандайдир муқаррар хавфнинг олдини олишга чора тополмай, ноилож қизга мўлтиради: «Йўқ, демасанми, овсар! Айт, йўқ, де! Йўқ, сиз ортиқчасиз, деб кўйгин, вассалом!»

Аммо қиз Собирнинг бутун илтижоларини чиппака чиқарди:

— Бўпти! — деб рози бўлди у. — Биздан нима кетяпти, а, Саша? Фақат, шарт шуки, узоғи билан бир соат чўмиламиз!

— Ҳа-да! — дея қувониб кетди Ҳамид. — Унча кеч кириб қолади, қоронғида ким ҳам чўмиларди!

Ҳаммаси бир зумда рўй берди: шампан, кабоб, ёшига ярашмаган қориндор буфетчи, яна бир шиша шампан ва ниҳоят — сутранг «Жигули»...

Машина кўзғалиши билан ўриндиқнинг орқасида нимадир гумбурлаб кетди. Ҳамид билан Буфетчини ичида бўралаб сўкаётган Собир чўчиб тушди, жонҳолатда ўгирилиб қаради. Икки бурчакдаги қоп-қора карнайдан чиқаётган гумбурлаш садолари аста-секин майиш бир куйга айланди. Куйга қўшилиб, Собирнинг нақ қулоғи тағида Тамаранинг шодон овози янгради:

— Ие, бу жуда ажойиб қўшиқ-ку! Менинг жони дилим!..

Собирнинг зардаси қайнади: «Кўшиғинг билан қўшмозор бўл-а! Аҳмоқ!..»

Машина овлоқ бир жойга бориб тўхтади. Тушдилар. Тўрттала эшикни ланг очиб, магнитофонни баланд қилиб қўйдилар, соҳил бўйлаб Гугушнинг ғамгин ноласи тарала бошлади.

Ечиндилар. Қиз кечаги — мовий денгиз тасвири туширилган чўмилиш кийимида, Ҳамид ихчам плавка кийган, Буфетчи эса тиззасигача тушадиган катта қора трусида эди. Ҳалпиллаган шу қора труси ҳам негадир Собирнинг ваҳимасига ваҳима қўшди.

Сувга тушишди-ю, Тамарани таниб бўлмади қолди, бир-икки ғалати қараб кўйганини демаса, Собирни у бутунлай унутиб юборди. Устига-устак, Ҳамид билан Буфетчининг хатти-ҳаракатлари, қочириқ гаплари очиқ-ойдин ҳақоратли тус ола бошлади. Собир дунёдаги барча чиройли қизларни лаънатлай-лаънатлай сувдан чиқди.

Қуёш эндигина ботиб, ҳаво анча салқинлашиб қолган эди. Собир қирғоқдаги мажнунтол новдалари орасидан жимир-жимир қилаётган шафаққа тикилди, беихтиёр ердан бир чангал қум олиб, машинага сочиб юборди ва бирдан... ташлаб кетсам-чи, деган хаёлга келди. Яна бир хаёли — йўлини топиб Тамарани анавиларнинг ниятидан огоҳлантириб қўймоқчи бўлди. Сал ўтмай фикридан қайтди. Нима, Тамара гўдакмиди, ўзи тушунмаса? Хўрозқанд олиб бериш учун бошлаб келмайдилар-ку бу ерга!..

Собир ғижиниб кўл томонга қаради. Соҳилга яқин жойда учовлон кўлни бошга кўтаришиб бақиршар,

қийқиришар, гоҳо узук-юлуқ бу товушлар магнитофондан таралаётган қўшиқ садоларини ҳам босиб кетар эди. Ҳамид қизни сувга пишмоқчи бўлиб бўйнидан, белидан қучоқлаб-қучоқлаб олган сари қиз балиқдек тўлғаниб, оёқ-қўллари билан тинмай сувни шалоплатар, Буфетчи эса семиз лунжларини осилтириб бир четда илжайиб турар, ҳар замон-ҳар замонда «Биз ҳам бор-миз!», дегандек, уларга сув сачратиб қўяр эди.

Собирнинг хўрлиги келди, жаҳл билан кўлдан юз ўгирди...

Қумда намли из қолдириб, қоп-қора жун босган иккита оёқ кўринди. Қора трусисини плавкага ўхшатиб ихчамлаштириб олган Буфетчи Собирнинг қаршисига чўкка тушди:

— Ҳа, бундай, чўмилмаяпсан, укам?

— ...

— Қаерликсан ўзи?

Собир каловланди, «Нима бўлганда ҳам қишлоқдан эканимни сезмаслиги керак!», деди ичида ва ёлғон гапира бошлади. Шу атрофдаги ўзи билган кўчалардан бирининг номини айтди, савдода ишлайман, деди. Ҳар қалай, дадилроқ кўриниши керак-да! Иложи борича, шаҳар шевасида сўзлашга ҳаракат қилди. Аммо нўноқ актёрлардек овози қалтираб, сирни ошкор қилиб қўйди шекилли, Буфетчи бирдан унинг сўзини бўлди:

— Менга қара, ука, яхшиликча бу ердан жўнаб қол! Биламан, анави сенинг ҳеч киминг эмас. Ташла, кет. Шуни деб, башаранг дабдала бўлиши шартми?!

Ҳам кўрқувдан, ҳам ғазабдан Собир дағ-дағ титрай бошлади.

— Тамара-чи? — деб сўради заиф товуш билан.

Буфетчи қувлик билан кулди:

— Кел, қўй, оғайни, гапни кўпайтирмайлик! Жаҳлим тез, кўриб турибсан, кўл ҳам чуқур... — У ғолибона қиёфада ўрнидан турди. — Ҳўп десанг, ташлаб келаман: ана, машина. Уларга, биз шампан олиб келамиз, деб қўяман. Бўл, кийин!

Буфетчи буйруғининг сўзсиз бажарилишини билгандек, жавоб кутмай нари кетди. Собир қимир этмай ўтираверди: кўзларига қум тўлган, қулоғига на шодон қийқириқлару ва на Гугушнинг ўйноқи нағмалари кирар эди. Қанча вақт ўтди — билмайди, бир пайт ҳозир-

гина Буфетчи турган жойда Тамара пайдо бўлди. У тиззаларини қучоқлаб ўтирган Собирнинг тепасида бирор лаҳза қотиб тургач, қумга тиз чўқди-да, унинг пешонасига ёпишиб қолган сочларини бармоқлари билан икки ёнга тараб, юзини кафтлари орасига олди за кўзларига термилди.

— Саша, — деди охишта пичирлаб.

Йигит жавоб бермади.

— Бу ердан кет, Саша, — деди Тамара яна ўшандай майин товуш билан.

Собир бошини кўтарди:

— Нега?

— Билмайман... Сен бошқачасан, Саша...

— Кетмайман, Тамара. Сени қолдириб кетолмайман...

— Йўқ, кетасан! Бўлмаса, сени соғ қўймайди булар!

— Сен-чи?.. Сени соғ қўйишадими?

— Мен билан ишинг бўлмасин!

Қиз ўрнидан турди, қандай шарпасиз пайдо бўлган бўлса, шундай кўздан йўқолди. Собир яна ўзи билан ўзи қолди.

Кейин... Аста туриб шимини кийди, бошмоғини оёғига илди, қўйлагини қумда судраганча кета бошлади — ҳеч нарсани ўйламади, ҳеч кимни сўкмади ҳам, шунчаки, қўйлагини қўлга олдию турди-кетди. Нарироқ бориб ортига ўгирилди: қирғоқни, машинани, белигача сувга ботиб турган учта қорани кўрди, аммо ким кимлигини ажрата олмади.

Кўл ётқизиб қўйилган улкан кўзгуга ўхшаб кўринар, кеч кириб, хиралашиб бораётган осмон унга қорамтир кўланка ташлаган эди.

Собир оғир-оғир қадамлаб катта йўлга чиққанда бекатда турган автобусга кўзи тушди. Аммо унга етиб боргунича жўнаб қолди.

Машинанинг орқа ойнаси ёнида қандайдир қизнинг шарпаси лип этди, дафъатан Собирнинг хаёли бўлинди: «Ким бўлди экан? Қиёфаси таниш... Йе!..»

Йигит автобусдаги қизни Тамарага ўхшатди. Лекин...

«Сен-чи? Сени соғ қўйишадими?»

«Мен билан ишинг бўлмасин!»



Журналнинг ноябрь сониди шу йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган республика ёш ёзувчилари семинари иштирокчиларидан бир гуруҳининг шеър ва ҳикоялари билан танишасиз.

\* \* \*

Коммунист дегани  
Она тупроққа  
Сув каби, гул каби ярашмоқ демак.  
Коммунист дегани  
Ўзлигинг учун  
Аввал ўзинг билан курашмоқ демак.  
Коммунист дегани  
Ўзни бамисли  
Ҳар кунги уфқ билиб,  
Юксакка қуёшни бошламоқ демак.  
Коммунист дегани  
Партбилетингни  
Иккинчи юрак қилиб,  
Икки юрак умрин яшамоқ демак.

\* \* \*

Ватан — юракларга берилган кенглик.  
Қичқириб, чираниб, кўкракка муштаб,  
Яланғоч шовқинга кўнмайлик номини.  
Ватан — юракларга берилган кенглик.  
Шивирлаб куйлайлик Ватан ҳақида  
Навбаҳор кунни  
Пўстлоғидан кечган куртакка ўхшаб.  
Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида  
Узоқ қиш туни  
Оқ тонгни уйғотган эртатка ўхшаб.  
Шивирлаб ўйлайлик Ватан ҳақида,  
Тилсим деб уни,  
Фарҳодга айланган гўдакка ўхшаб.  
Ватан — юракларга берилган кенглик...

\* \* \*

Тошпўлат ҲАМИДГА

Мўлиённинг Нилдек азмида  
Тунги дунё тилсимларга бой.  
Мавжлардаги юлдуз базмида  
Чирмандадек дириллайди ой.  
Ой найзага келган маҳали  
Райҳон исли насим елади.  
Бухоронинг мунис гўзали —  
Сув париси чиқиб келади.  
У сен томон юзади аста  
Нилуфарнинг япроқларида.  
Ўтли оҳанг янграр шикаста  
Унинг муздек дудоқларида.  
Сен тинглайсан: куйлар қасрлар,  
Тарих учар мисоли тулпор.  
Сен англайсан: неча асрлар  
Сен бедорсан, туманлар бедор.  
Рудакийнинг шахло кўзида  
Сўнги учқун бўлиб сачрар мил...  
Сув париси кетиб ўзидан,  
Чўка бошлар тулдек маъюсдил...  
Сен тинглайсан... Қалбинг сезади:  
Ул парига ярашмас қайдлар.  
Райҳон исли елдек кезади  
Умринг бўйлаб бугунги байтлар.  
Мўлиённинг Нилдек азмида  
Яна дунё тилсимларга бой.  
Мавжлардаги юлдуз базмида  
Чирмандадек дириллайди ой.



АБДУЛЛА  
ШЕР

## Қисса

Гул изладинг, асрий дўстим,  
Мўъжизавий қизил гул.  
Чуқур жарлар йўлинг тўсди,  
Буюк тоғлар берди йўл.  
Ишқ кўйидан кетдинг йироқ,  
Ёт шафқатга юкидинг.  
Сен қайтдинг-у, шу он бироқ,  
Кекса чолдек буккилдинг.  
Қутлуғ орзу, эсиз, эсиз,  
Чиқмай қолди юзага:  
Сени гулга йўллаган қиз  
Қайлиғ бўлди ўзгага.  
На кечирдинг бевафони,  
На қасосга шай турдинг.  
Фақат бир зум дим ҳавони  
Оқ чақиндек куйдирдинг.  
Сўнг гулдираб, жон томирдан  
Ўсиб чиқди қизил гул.  
Ўлим деган қадим сирдан  
Воқиф этди сени ул.

\* \* \*

Ногаҳон чиқди қаламдин тонг-сахар сирли садо:  
«Бўлса ҳам умринг адо, — деб, — бўлмагай бу йўл адо!  
Шеърят — бир жом, майда — ёр акси; ичса ким, —  
Сийрати тождин йироқ Бобир, Хусайнидек гадо.  
Англаки, шеър аҳли дунёнинг асаб тори демак,  
Ҳар жарангда минг умр бир ҳақ учун бўлгай фидо!..»  
Англадим: мен танламиш шеърим йўли — ишқ йўлидир;  
Интиҳоси йўқ унинг — бошдин оёғи ибтидо!

\* \* \*

Бу тонг қор остида қолди навбахор,  
Шошилган ўрик ҳам бошини эгди.  
Сен эса тикилиб менга умидвор,  
Йиғлайсан: «Адашдим, менга ит тегди...»

Мен эса боқаман ҳовлига фақат  
Дея: «Қорда қолди оқ гуллар, эсиз...»  
Дилда на ачиниш, на тузук нафрат:  
Беҳузур қилувчи или-милиқ ҳис.

Энди мен оғанми! Айт, энди кимман!  
Ўзимга ном излаб кетгайманми ё!  
Атроф жуда оппоқ. Оппоқ. Мен

жимман —

Кўзимга оқ бўлиб тушгандек дунё.

Сен ҳамон йиғлайсан, қўй йиғлама, бас,  
Мен илғай олмайман энди сўзингни.  
Ахир, мен севардим сўзингни эмас,  
Сўзга айланолган бахт деб ўзингни.

Қара, атроф оппоқ. Жуда оппоқ. Тинч.  
Қоп-қора нуқтадир оқликда зоғлар.  
Боқ, агар кўролсанг, девдек бир ўкинч  
Севгини ортмоқлаб аста йироқлар...

\* \* \*

Тонг отмоқда. Қушлар уйғонди.  
Мен тун бўйи юмладим кўзни.  
Сенинг ёдинг шам каби ёнди,  
Нурга боқиб унутдим ўзни.

Қалб товланиб қувончу ғамда,  
Мен тун бўйи бўлдим нурафшон.  
Аммо ортда, қара, соямда  
Нурни кўрмай ухлар бир жувон.

\* \* \*

Агар тинчлик, тенгликни  
Жанггоҳларда ўйлолсанг,  
Ватан деган кенгликни  
Тор ҳужрангда куйлолсанг,  
Сен отасан элингга  
Фарзанд деган шон билан,  
Сен онасан тилингга  
Шоир деган ном билан!

\* \* \*

Қаламдонда туравериб жим,  
Япроқ ёзмиш қалам ҳам, ё раб!  
Хаёлларим — жажжи қушларим,  
Ул япроққа қўнингиз сайраб.

Кенглик беринг куй билан ҳар кез  
Кўкрагимнинг тор қафасига,  
Токи унда тутқун ётган Сўз  
Юзин тутсин тонг нафасига.

Гарчанд бу тонг олисда, алҳол —  
Чағир тошдан сўқмоғи унинг,  
Лекин ҳар гал кўринар яққол  
Шарқ уфқида сиёғи унинг.

Таъбир топсин энг ёруғ тушлар,  
Шу тонг Сўзга ҳадя этсин ранг...  
Хаёлларим, эй, жажжи қушлар,  
Мен айтмаган ул Сўзни куйланг!

## Бобир

Бошлаб кетди уни жанги жадаллар,  
Тоғу тахт ғавғоси балолиғ бўлди.  
Қалбидан сирқираб оқди ғазаллар:  
«Эвоҳ, не юз қаролиғ бўлди»...

Топталган номусни тиг билан тиклаб,  
Ҳиндга фарзанд бўлди Буюк Мусофир.  
Соғинч ўртаганда шеър битди йиғлаб,  
Олтин қафас ичра булбулдек Бобир.

Жанг тинди. Суронлар кетди йироқлаб,  
Чўлдаги қуондек ўтди беш аср!  
Беш аср бахтини юрди сўроқлаб,  
Икром-муҳаббатни кутди беш аср.

Кўзида ёш билан кулади шоир:  
Лабида юртининг соғинчи азал.  
Юраги илҳомга тўлади шоир,  
Бобир ёза бошлар мумтоз бир ғазал...

\* \* \*

Туғилган бўлсайдим,  
Беш аср аввал —  
Уша жанги жадал, нотинч йиллари,  
Мен ҳам бўлармидим Бобирга навкар  
Бир тўп фарғоналик мардлар сингари.  
Ким билсин!  
Орада беш асрлик йўл...  
Букун ўзгачадир кураш ҳикмати.  
Мен-ку шоҳ Бобирга сиғинмайман, йўқ!  
Шоир Бобир учун чексиз ҳурматим.  
...Мендан сўрасалар...  
Шоҳ даргоҳида  
Амирлик мансабин қилмайман ҳавас.  
Алишер бошлаган шеър жанггоҳида  
Бобирга муносиб навкар бўлсам, бас!

ФАХРИДДИН  
ХОНКЕЛДИЕВ

## Биз билмаган

### севги

Бир-биримиз севамиз бешак —  
Биз севамиз покиза дилдан,  
Гоҳ севиниб, гоҳ тўлиб юрак,  
Гоҳ қайғуриб, гоҳ меҳр билан!..  
Аммо бордир дунёда яна  
Биз билмаган куч ва эҳтирос:  
Биз севги деб билган аланга —  
Шу оловнинг учқуни холос!



ШОЙИМ  
БЎТАЕВ

# КАТТА ОДАМНИНГ ДАДАСИ

ҲИКОЯ

Расмини О. АСОМОВ чизган

**А**ширмат ака-а, ҳо-ов Аширмат ака! — Ҳовлидаги бўйрадеккина жойга экилган сабзига калаи саҳарлаб сув тараётган Аширмат буванинг олдида ердан чиққандек тўсатдан пайдо бўлган Саид охун ҳовлиқиб, негадир чопонининг барини силкий-силкий, шундан бошқа сўзга тили айланмай, оёғи куйган товўқдек типирчилаб турар эди.

— Ҳа-а, Охун, мундоқ тушунтириб гапирсангиз-чи, нима гап ўзи!! — Аширмат бува ўзини босиқ тутишга қанчалик уринмасин, хаёли аллақаерларга кетиб, ранги қум оқарди.

— Суюнчини чўзинг, Аширмат ака! — Саид охун ҳамон ҳовлиқарди.

— Хўп, хўп. Суюнчи бўлса, суюнчи-да!

— Шу кечаёқ келмоқчийдим, кампир қўймади, ухлашган, деди. — Саид охун Аширмат буванинг гапини оғзидан юлиб кетди. — Масковдан беради-ку, «Время»ми! Неварам кўрамиз, деб оёқ тираб туриб олди. Биз ҳам термилиб ўтиравердик...

— Гапни чўзма қилмай айтинг-э, шунга суюнчими! — Аширмат бува нохуш хабар эмаслигига қаноат ҳосил қилган бўлса-да, суюнчининг боисини тезроқ билгиси келарди.

— Шошманг, шошманг! Кегин «Пахтазор полвонлари» дегани бўлди. Аммо-лекигин, пахта зўр бўлибди-да бу йил...

— Э-э, гапирсангиз-чи! — Аширмат бува қўлидаги кетмонининг муҳраси билан ерга бир урди.


— Шошманг-да! Узимизнинг ҳам уйқумиз қочиб, ярим тунда кимнинг уйқуси келарди, бундан кегин нима бўларкин, деб ўтирсак, бир маҳал... тўнғичингиз чиқиб қолди-ку!

— Воҳидми!! Воҳид-а! — Аширмат бува дабдурустан кетмонни нари улоқтириб, Саид охун томон уч-тўрт қадам ташлади: — Ростми, а! Воҳид чиқдимми, а!!

— Э-э, бир байтлар ўқиди денг, бир ўқиди! Неварам дафтарчасига ёзиб олди улгурганини! Янги китобим чиқди, деди!

— Шундоқ демайсизми, э-э, охун! Э-э, эзма охун-а! Об-бо, охунжон-э, Воҳид чиқибди-да, а!! Ие, нега бу ерда турибмиз, ичкари кирайлик. Ҳо-ой кампир!..

— Кечалаб келмоқчийдим, чиққан заҳотиёқ келсам бўларкан, аттанг! — Саид охун афсусланиб бош чайқади. — Кампир қўймади-да, ухлашган, деди-да! Бунақаларни тушунмайди, ақли етмайди, — деди у бош бармоғини пешонасига нуқиб.



Чой устида ҳам гап нуқул Аширмат буванинг ўғиллари ҳақида борди. Аширмат бува ўнгайсизланиб, гапни қанчаллик буришга ҳаракат қилмасин, Саид охун Воҳидни, Камолни таърифлашдан тўхтамасди.

Сўхбатнинг натижаси шу бўлдики, Аширмат бува билан Камол Воҳиднинг янги китоби чиққанини муборакбод қилиб, баҳонада шаҳарни айланиб келишга қарор бердилар.

Кун уфққа зарҳал этагини ёйиб юборганда Саид охун ўрнидан турди. Аширмат бува, суюнчига деб, қистаб кўймаса ҳам белбоғни олмади:

— Воҳид бизнинг ҳам ўғлимиз. Ҳаммамизнинг ўғлимиз! Уэням «Қишлоқ боласиман», деди. Демаган бўлса ҳам, шунга ўхшаш гапни айтди — қишлоғимизнинг фарзанди-да!

\* \* \*

— Аяси, Камолга айт, яқтакка дазмол боссин, дазмол босишинг пайҳовасини олган. — Аширмат бува икки кун олдин йўл тадоригини бошлаган бўлса ҳам, ҳозиргина қилган иши ёдидан кўтарилиб, унга қайтадан киришарди.

— Узим дазмоллаб қўйганман-ку, яқтагингизни — деди Ҳидоят ая.

— Ҳа-я, — Аширмат бува бош қашиди.

— Чамадонларингизга иккитагина қурут солай, самолётда одамнинг кўнгли беҳуд бўлармиш, — деди нималаргадир куймаланаётган Ҳидоят ая.

— Узлари лимонад беришади, — дея билимдонлик қилди дадаси билан сафарга оланаётган Камол.

— Хў-ўш! — Аширмат бува соқолни тутамлади. — Беқасам чопонимни кийсаммикан, ласиними! Кампир, беқасам янги эди-я!

— Лас чопонингизнинг яғирини чиқариб бўлиб, бунисиниям бир-икки кийган эдингиз-ку! Қичимаси бордек, сандалга ўтирганда орқангизни деворга ишқайверасиз, сал-пал кир олган...

— Ҳа-я...

— Кун исиб кетяпти, чопон киймасангиз киймабсиз! — Ҳидоят ая сўзининг қатъийлигини таъкидламоқчидек, чолга лабларини қилтиб қаради.

— Энди-и... у ерда катта-катта одамлар бўлади. Телевизорда чиққан шоир Воҳиднинг дадаси шу, деб қанчаси орқа-олдимдан, у ён-бу ёнимдан қарашар. — Чол ўзича илжайиб, кўз қисди: — Битта-яримта бева кампир учраб қолмаса эди ҳали...

— Суюлмай кетинг-да! Учраса жон-жон деб...

— Сабзига ким қараб, молларга ўтти ким олиб келди! Уста Мирвали ҳашар қилмоқчи эди, сен борасанми унга!! Шулардан хавотир оламан-да. Кегин, кампир, сендан тузукроғи топилмаса ҳам керак у ерларда...

— Дада, яхшиси, костюм олиб кўяқолсангиз-чи! — дея ичкари уйга кириб китобга мук тушган Камол ширин хаёлларга каманд ташлаб, бир зумгина унут бўлган даҳмазани эсга солди...

— Рост, костюм ҳам тузук. — Аширмат бува «Нима деркан!», дегандек хотинига кўз қирини ташлади.

— Эрта — бозор. Кўлда китель чиқади — олинг-қўйинг!

— Тўри айтасан. Топайлик-да, ишқилиб...

\* \* \*

Ота-бола эртасига чайқов бозорига боришди. Одам гавжум. Уларнинг орасидан ёриб ўтишининг ўзи машаққат; яна, аксига олгандек, китель ҳам топилавермагач, Аширмат буванинг шодон кайфиятига сал соя тушгандек, тани ҳам бўшашгандек бўлди...

Бир маҳал ёқимтой юзли бир кишини учратишди. У Аширмат буванинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб салом берди, қўшқўллаб кўришди. Бу одам чолнинг кўзига оловдек кўриниб кетди, аллақерда учратгандек, лекин кимлигини эслаёлмади...

— Тунов кун телвизорда Воҳидни кўрдик! — деди у. — Ҳаммамиз кўрдик, қувондик! Зўр! Аммо-лекигин, маладек ўғлингиз бор-да ҳақиқатан!..

Анча гапирди у — таъриффу тавсиф, ҳамду сано...

«Яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди!», деб ўялди Аширмат бува ва уни уйга таклиф қилди. «Бораман албатта!», деди у одам ҳам, куюқ хайрлашаркан.

Аширмат бува самолётдан тушаётган пайтини, кутиб олувчиларнинг пешвоз чиқишётганини хаёлан тасаввур этди — энтикди. Камолни қистади:

— Юр, ўғлим, юр! Қарайлик, қидирайлик, топилиб қолар...

Камол белбоғ, дўппи, яқтак сотувчилардан сўраб-суриштириб, шопмўйловли бир кишини топди.

— Жо-он ака, битта толиб беринг, жа-а зарур эди! — дея илтимос қилганча аҳволни тушунтирмоқчи бўлди: — Шу бугуннинг ўзида керак эди-да, ака, дадам эртага Тошкентга кетяптилар...

— Уғилчанинг олдига! Уша ерда ишлайди, баланд иморатда ўтиради, одамлар қоғоз кўрсатиб киришади олдига! — Аширмат бува ўғлининг иш жойини қандай тасаввур этган бўлса, шундай деб кўшимча қилди.

Шопмўйловли киши унга эътибор бермади. Рост-да, баланд иморатда ўтирадими, пастдами, ҳемири фойдаси тегмаса, унга нима!!

У жимжилоғи билан бурнининг четини қашиб, ишшайди-да:

— Айтдим-ку, тўртта бор эди! — дея уларнинг олдидан узоқлашмоқчи бўлди. — Эрталаб опчиқувдим, эрталабнинг ўзида сотили-и-б кетди.

— Жо-он ака! — Камолнинг кўнглидан: «Шу одам бир иложини топади!» деган фикр ўтиб, ёлғиз илинжининг барини қўйиб юборгиси келмасди.

— Хў-ўш... — Шопмўйлов киши ҳўйтак чалгандек ғалати овоз чиқарди. — Ундоқ бўлса, ҳо-ов катта йўл бор-ку!.. Ҳа-а, ўшандан пастга қараб кетаверасизлар, ўнг қўлда чойхона келади, орқасига ўтиб, «Иброҳим машиначиники қаерда!», деб сурайсизлар, кўрсатишади. Ҳамма танийди. У одам ҳам китель тикади, у кишида доим бўлади.

Аширмат бува Камолнинг ортидан хаёл суриб кетаверди...

Иброҳим машиначининг ўйини қийналмай топишди. Уларни чувак юзли, чағир кўзлари олма-кесак териб турган қирқ-қирқ беш ёшлар атрофидаги устанинг ўзи қаршилаб, устахонасига олиб кирди.

— Кўкиданми, қорасидан! Йўл-йўлиданми, катак-катагидан! — дея тахлоглиқ кителларни бирма-бир кўздан кечириб, иккитасини ажратиб олди.

— Дада, кийиб кўринг, — деди Камол.  
— Шундоқ олиб кетаверайлик-да. — Аширмат бува негадир тараддулланиб қолди.

— Кийиб қўрилсин, кийиб кўрилсин, каттаси бор, кичиги бор — ҳар хил, кийиб олинсин! — дея уста ҳам қисталанг қилди.

Аширмат бува кийиб кўрди. Машиначи билан Камол унинг у ёқ-бу ёғига ўтиб қарашди.

— Узун экан! — деди Камол.

— Ҳа-а, ҳа! Узун экан, узун! — Аширмат бува шалолаб турган китель ичида ўзини ўнғайсиз ҳис этиб, ноқулай аҳволга тушган эди — дарров еча бошлади.

Иккинчисини кийди — тор, учинчиси — калта; бошқаси — ўзи тузуг-у, енгил калта... Аширмат бувага сал маъқулдай кўринса, Камолга ёқмас, зум ўтмай навбатдагисини қўлга олишар эди...

Машиначи зўрма-зўраки илжаяр, хуноб бўлаётганини яширмоқчи бўлиб кўзларини олиб қочар эди.

— Қораси яхши, кир олмайди, олсаям билинмайди; кўкининг товланишини офтобда кўрсангиз! — дея паёпай сўзлаб, уларнинг фикрини баттар чалгитарди. — Ҳа-а, асл мол! Олаверинг, куймайсиз! Исполком раиси Орипуф ака ҳам эгниларига кителларини мендан олганлар! Бир кун индамай, худди ўз уйларига келгандек бамайлихотир кириб келдилар: «Иброҳим, шундоқ-шундоқ... битта китель даркор бўлиб қолди. Ишонч билдириб айтаманки...» «Жоним билан! — дедим дарров. — Акахонимизга бир хизмат қилсам бахтиёр санайман ўзимни!», дея гапни келиштириб, қўл қовуштирдим. Бир ҳафтадан кейин келдилар, машиналари дарвозамиз оғзида турди... Узлари тортинмай, ҳатто эшикни тақиллатиб безовта қилиб ёлмай дегандек, остонадан тўппа-тўғри ҳатлаб ўтдилар... «Чойча қиламиз!», дедим базўр, савлат ҳам босаркан-э одамни!.. «Майли, Иброҳим, ўзингиз тушунасиз, яхши биласиз! — дедилар. — Давлат ишлари, ҳар хил ҳужжатлар... Бошқа

вақт суҳбатлашамиз, гурунглашамиз, ўтиришамиз...» Кегин, агар ишонмасангиз, тепада худо, ўзлари менга елкаларини тутиб турдилар... Кегин, шарақ-шуруқ бели синлаганлардан чиқаряптилар қарасам... «Э-э!», деб билаларига маҳкам ёпишдим. «Иброҳим, яқин бўлиб қолдик, нима камчилик бўлса, тортинмай бораверинг!», деб қўлимни қисиб қўйдилар, ҳа, рост айтаман, рост!..

— Би-из Тошкентга кетяпмиз! — Аширмат бува унинг сўзини бўлиб «ёқаси маъқулланмаган» кителни еча бошлади. — Катта шаҳар. Ҳар жойдан келган одамлар бор, кўзи тушади... Уғилчанинг ҳам иши нозик... Таниш-билиш, дўст-ёрлари ҳам чакана одамларданмас-да!..

— Э-э, демак, ўғилча катта одам эканлар-да! Дуруст, дуруст, Энди, катта одамнинг дадаси ҳам тузукроқ кийиниб, а! Э, зўр, отахон, шу зў-ўр! Сизга аталган экан, сизга буюрган экан, қаранг, лоппа-лойиғ-а! Аммо-лекигин, ўн саккиз яшар йигитчадек бўлиб кетдингиз ўзиям! Исполком раиси кийиб юрганлари ҳам шунақа эди шекилли, ҳа, шунақа эди! Узим кийдирганман! Сизга ўхшаб елкаларини тутиб, қўлларини узатиб турганлар. «Асл материал экан», дегандилар кегин, — дея бирларди уста Аширмат буванинг эғнидаги кителнинг тугмаларини қадраркан.

Аширмат бува: «Шундоқ катта одамнинг дадаси зикналик қилаётибди, деб ўйлаб юрмасин қизталоқ!», деган хаёлга борди-да, белбоғининг қатидан шоша-пиша пул чиқарди...

\* \* \*

Ота-бола эрталаб жўнаймиз, деб, тайёргарлик кўришаётганда, ҳаллослаганча Саид охун кириб келди:

— Кетяпсизми, Аширмат ака! Воҳиджонга, келинга... Саид охун сўраб қўйди, дейсиз... Би-ир Охун амакингни ёз, де-енг, солдатликда тушган суратим бор, бераман... Оҳ-ҳо! Кителлар қулуқ бўлсин! Орденларни тақинг, чап томонингизга бештасини, ўнг томонингизга тўрттасини тақинг! Тўққизта орденим бор, девдингиз-а! Э-э, нега бўлмас экан! Бўлади! Опчқинг баққа, опчқинг!

Духоба халтачага солиб қўйилган орден-медаллар Саид охун ёрдамида кителга тақилди.

— Кўрган одам герой келяпти дейди! — Саид охун ўзида йўқ шод, қафтларини бери-бирига ишқаб, оғзи қулоғига етганча Аширмат бувани узоқдан томоша қиларди. — Қоматни кўтаринг сал! Воҳиджоннинг олдига тушаётганингизда мундай юринг, мундай! — Саид охун қўлларини икки томонга силкиб, турган жойида «шаҳдам-шаҳдам» одимлади, кулди.

Аширмат буванинг назарида эса, эғнидаги китель ўзига ҳеч ўтиришмас, уни шолпоядаги қўриқчидек беўхшов кўрсатар эди... Унга тобора шундай туюлаверди — ўзини «катта одамлар» даврасида ҳис этиб, у ёқдан-бу ёққа бетоқат юраркан, қўлларини қаерга қўярини билмай саросималанди.

Кителнинг яп-янгилиги, орденларнинг ярқираб жило сочиши уни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйган эди.

Саид охун, эрталаб кириб ўтаман, деб кетди.

Аширмат буванинг уйда ярим тунгача чиروق ўчмади. Ҳидоят ая чамадонга гоҳ ёғли патирлардан, гоҳ исирки, ноңжийдадан солмоқчи бўлиб уринар, Камолнинг хуноби ошиб, онаси келтирган нарсаларни четга суриб қўяр эди.

Аширмат бува тонгга яқин кўзи илиниб, бир зум мизғиб олди.

\* \* \*

Хўроз қичқирди. Қишлоқ узра ёйилган кўкимтир парда аста-секин чекиниб, атроф буткул ёришди...

Ҳидоят ая ўчоққа ўт ёқиб, қўймоқ пиширди. Аширмат бува бир пиёла чойни иссиқ-иссиқ хўпплаб, нари-бери тамадди қилди. Йўлга отлана бошлади.

Аширмат бува кўрпаси олиб ташланган сандал устидаги кителни қўлига олди, орденларини шилдириб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди, бир муддат қўлида ушлаб тургач, жойига қўйиб, ўйланиб қолди.

— Ҳо-ой, бўлмайсизми! Камол қараб қолди-и! — дея пешайвондан Ҳидоят аянинг овози эшитилди.

Аширмат бува чўчиб тушди-да:

— Бу ёққа ке, Воҳид! — деб хотинини чақирди.

— Ҳа-а, тақилмаган орденларингиз қолганмикан яна! — Ҳидоят ая шоша-пиша кириб келди.

— Беқасамни опчиқ! — деди Аширмат бува унга қарамай.

— Во-ой, ахир орқаси...

— Нима ишинг бор орқаси билан, опчиқавер!

— Вой, ўлибдими, кўрганлар нима дейди!!

— Нима дерди, Воҳиддек катта одамнинг отаси чопон кияр экан, дейдими! Деса, садқаи сар! Бир умр киймаган нарсани қариганимда кийиб... Қўй, хўроққанда ўхшаб қоларканман!..

Ҳидоят ая индамай нариги ўйдан тўнни олиб чиқди.

— Енгини тут! — Аширмат бува бурилиб, қўлини чўзди.

Ҳидоят ая нима қиларини билмай, бир зум гарангси-

ради, чолнинг ниятини пайқаб турган бўлса ҳам, иккилана сандал устидан кителни олди... Аширмат бува бошинигина ўгириб, қошини керганча, кўзларини чақчайтирди:

— Тўннинг енгини тут, деяпман сенга!

— Бунчи-чи!! — Ҳидоят ая қўлидаги кителни кўтариб, унга таъна билан қаради.

— Буними! — Аширмат бува беихтиёр илжайди. — Бунни сандиққа ташла!..

\* \* \*

— Аширмат ака-а, ҳо-ов Аширмат ака!..

Кураш томошасига бораётгандек тўн кийиб чиққан Аширмат бувани кўрган Саид охун бир муддат шамдек қотди, сўнг ҳовлиққанча сўзлай кетди...

## Наврўз

Қишдан чиққан қуёш жилмайди,  
Олам етди ям-яшил бахтга.  
Табиатнинг ўзи билмайди —  
Яшин тушар қайси дарахтга.  
Ёлғирлардан — нурли сочлардан  
Дов-дарахтлар қўкка етгудай.  
Симга қўнган қалдирғочлардан  
Симёғоч шод — илдиз отгудай.  
Ёғолмасдан осмонда ғаддор  
Қор булути юради дайдиб.  
Мўлжал олиб офтобни, қатор  
Кетган қушлар келмоқда қайтиб.  
«Наврўз!», дея бугун бонг урган  
Ушал удум, қадим забондир.  
Баҳор эмас бошингда турган —  
Қишдан чиққан Ўзбекистондир.

\* \* \*

Гарчи кўклам олис бўлса ҳам,  
Қишга найза санчиб, парчалаб,  
Севинчларни кўргали баҳам  
Уйимизга келар арчалар.  
Анқиб кетар хушбўй яшиллик,  
Ҳамма хурсанд, ҳамма бахтгалаб.  
Ахир, севинчимиз қандоқ яширдик  
Баҳорни соғинган бизлар — катталар!!  
Соғинмасанг, муз, қорларнинг  
Таровати, оҳори йўқ.  
Бу дунёда баҳорларни  
Кутмаганинг баҳори йўқ.



УСМОН  
ҚОЧҚОРОВ

\* \* \*

Япроқларин тўкар гулкоса,  
Гуллар гўзал, гуллар исматдир.  
Балки хато ушбу хулоса,  
Гўзаллик ҳам оддий нисбатдир.  
Таъкид нисбий, нисбий пушмон ҳам,  
Катталиқ ҳам, фурсат ҳам нисбий,  
Нисбий ахир дўст ҳам, душман ҳам,  
Қувонч нисбий, гурбат ҳам нисбий.  
Бизлар билган, билмаган хилқат,  
Нарса, тушунчалар нисбатдир.  
Нисбийликка шубҳам йўқ, фақат  
Ватан нисбат эмас, қисматдир.



НОДАР  
ДУМБАДЗЕ



# АБАДИЯТ ҚОНУНИ

РОМАН

Рус тилидан

Низом КОМИЛОВ

таржимаси

9

Профессор йигирма икки кун деганда Бачанага тўшакда у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилишга рухсат берди. Энди у тирсагига таяниб, палатадаги иккала ҳамхонасини бемалол кўра оларди. Кейинроқ шифобахш бадантарбия тайин қилинди, бу шундан иборат эдики, Бачана икки ҳафта давомида бармоқларини ёзиб-туғиб туриши лозим эди. Унга ўтиришга ижозат берилган куни — биринчи «рухсатнома» текканидан кейин орадан йигирма кун ўтгач — палатага шундай сулув бир қиз кириб келдики, анграйиб қолган Булика мурabbo солинган банкани қўлидан тушириб юборди. Кўкиштов-қора сочли, кўзлари кўм-кўк бу фаришта Бачананинг қаравоти четига ўтирганида ҳазрат Иорам бир чўқиндию оҳ тортиб қўйди.

— Хўш, энди ям худонинг борлигига ишонмайсизми, ҳурматли Бачана?!

— Ишонаман, отахон, агар туш бўлмаса, албатта! — деб жавоб берди қизнинг ҳусн-жамоли ва журъатидан ҳайратда қолган Бачана.

— Тушимда бўлса-да, менинг ҳам қаравотимга ўтурса бас! — деди Булика ва шундагина қошиқ ҳануз оғзида эканини пайқаб қолди.

— Сизнинг ёнингизга ҳам ўтаман! — деди қиз бепарво.

— Кутамаман, асал қиз, кутамаман! — деб шоша-пиша таклиф қилди Булика.

— Салом ўртоқлар! Менинг исмим Кетеван, фамилиям — Андроникашвили. Қасалхонанинг шифобахш бадантарбия бўйича бош инструктори бўламан! — дея ўзини таништирди қиз.

— Шунақа денг? Врачларимизнинг эс-ҳуши қаёқда? Нега бизни ҳар хил пантопон, персантин, интенсанлар билан қийнашади? Сизга ўхшаган жононнинг палатамизга бир марта ташрифи ўнта бўлмаса ҳам, камида бешта уколнинг ўрнини босади-ку! — деб хитоб қилди Булика.

Қиз мамнун жилмайди.

— Ҳурматли Бачана! Қаранг, куляпти! Ушлаб кўринг-чи, агар ғойиб бўлиб қолмаса, тушимиз эмас, ўнгимиз бўлиб чиқади! — деди Булика.

— Маъзур тутасиз! — Бачана қизнинг нозик бармоқларига қўл тегизди. — Суюнавер, Булика, туш эмас экан, тирик мавжудот! — деди у Буликага юзланиб, лекин қизнинг қўлини қўйвормади. Шунда қиз бармоқларини Бачананинг қафтидан аста суғуриб, унинг билагига қўйди-да, томир уришини санай бошлади. — Э-э, ҳозир томир уришига қараб ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди! Сал ўзимга келволай... — Бачана яна қизнинг қўлини ушлаб, юрагига босди. — Эшитяпсизми, қинидан чиқиб кетай деяпти?!

Бош инструктор Бачананинг билагидан қўлини олиб, митти чучварадай ихчам, чиройли қўлоғини унинг кўксига қўйди.

Бачананинг дами ичига тушиб кетди.

— Нима қиялечиз, доктор, мени ўлдирмоқчимисиз? — деб шивирлади у ва ҳазрат Иорамга ёлворгандай қараб қўйди. Чол «киложинг қанча» деган маънода кўзларини юмиб, қўлларини икки томонга ёзди.

Бир оздан сўнг қиз қаддини ростлаб, бутунлай жиддий қиёфада сўради:

— Юрагингизда оғриқ сезиясизми?

— Оғриқ аллақачон ўтиб кетган, томиримнинг уриши ҳам сиз келмасингиздан олдин жойида эди, энди ҳаммаси қайтадан бошланди... — Бачана чуқур хўрсинди.

— Нима бало, ҳамманглар битта гапни ёдлаб олганмисизлар? — деди қиз афтини буриштириб.

— Бошқалар ҳам шунақа дейишяптими? — деб сўради Бачана хафсаласи пир бўлиб.

— Албатта-да! Сиз ёзувчисиз, янгироқ гап топишингиз керак эди! — Қиз истеҳзо билан жилмайди.

— Бундан ортиқ яна қанақа янги гап бўлсин?! — деди Бачана ҳазин инграб. — Кўряпмиз-ку, мен мурдаман, шунга қарамай, сиз билан гаплашяпман...

Қиз хандон отиб кулди:

— Ҳа, буниси чиндан ҳам янги гап!.. Хўп, энди ишга ўтайлик! — У Бачананинг бўйнидан биллагини ўтказди-да, уни эҳтиётлик билан кўтариб, каравотга ўтиргизиб қўйди. — Хатха-йога ҳақида эшитганмисиз?

Бачана шошиб қолди.

— Ёшлигимда ўқиган эдим, шекилли. Ҳиндларнинг фалсафий-диний таълимоти, шундайми? Махсус жисмоний машқлар ёрдамида руҳ ила танни мукаммаллаштириш... Тўғрими?

— Тўппа-тўғри! — деди бош инструктор. — Ҳозирча хатха-йоганинг оддий усуллари бажариб турамыз, руҳни мукаммаллаштириш билан эса, бу ердан чиққанингиздан кейин ўзингиз шуғулланасиз...

— Хўп бўлади! — деди Бачана итоаткорона бош эгиб.

— «Нилуфар» нималигини биласизми? Лоақал у ҳақда эшитганмисиз? Ҳалиги... Будданинг ўтирган ҳолатини кўрган бўлсангиз керак? Ана шу ҳолат «нилуфар» дейилади...

— Тушунарли...

— Қани, бир уннаб кўрайлик-чи!.. — Қиз халатининг енгини шимарди-да, Бачананинг устидан аёлни олиб ташлади. Бачана хижолат бўлиб, қўли билан шоша-пиша ярим-яланғоч баданини яширди. Қиз унга заррача ҳам эътибор бермай, гапида давом этди: — Демак, бундай: ўнг товонимиздан ушлаб, оёғимизни чап сонимизнинг тагига ўтказамиз... — Бачана врачнинг айтганини қилди-ю, бирдан нақадар озиб кетганини пайқади: касалхонага ётмасдан илгари бунақа машқни Биров милтиқ ўқталиб турганда ҳам бажара олмаган бўларди. У шу пайтгача ўзига нотаниш аллақандай енгиллик ва эркинликни сезиб, севиниб кетди.

— Жуда соз! — деди қиз. — Энди чап товонимиздан ушлаб, оёғимизни... нима қиламиз?

— Ўнг сонимизнинг тагига олиб борамиз... — дея давом эттирди Бачана ўша оҳангда ва машқни бажаришга киришди. Аммо бу гал бўлмади. Чап товонини қимирлатиши билан жигари қаттиқ санчиб, бир зумда қора терга ботиб кетди.

— Ўзингизни зўрламанг! — деб огоҳлантирди қиз. — Агар қийналаётган бўлсангиз, аввалги ҳолатга қайтинг! Бачана оёқларини чўзган эди, шу заҳоти анча енгил тортди.

— Нима, оғридими?

— Жудаям.

— Ҳечқиси йўқ, кўникасиз, — дея тасалли берди қиз. — Энди ётиб, мушакларингизни бўш қўйинг.

Бачана ёстиққа суянди. Инструктор унинг пайларини ушлаб кўриб, бош чайқади:

— Бўш қўйинг, бўш қўйинг! Худди мурдага ўхшаб ётинг!

— Ие, бу нима деганингиз, азизим! Нариги дунёдан зўрға қайтариб келишди-ю, сиз бўлсангиз яна ўлдирмоқчисиз-а?! — деб хитоб қилди Булика.

— Ҳиндистону хатха-йогаси чакки эмас экан, қизим, лекин бошқача, христианча машқлар йўқми? — дея гапга аралашди ҳазрат Иорам.

— Христианча машқ — ибодат қилиш-да, одамларни эса фақат ибодат билан тузатиб бўлмайди! — Инструктор ранжиган бўлди.

— Бунинг нимаси бадантарбиядан қолишаркан? Қаранг-а! — Булика қўлларини ёзиб, бир неча марта чўқинди. — Эрталабки бадантарбиянинг ўзи-ку!

— Роса қарғардимку-я, сен осий бандани, аммо лекин менинг қарғишимсиз ҳам ўзинг тўппа-тўғри дўзахга йўл тутгансан! — деди жаҳл билан ҳазрат Иорам ва девор томонга ўгирилиб олди.

Қиз Буликанинг каравоти ёнига келди.

— Марҳамат!.. — Булика жой бўшатиб, сал нари сурилди.

— Раҳмат, ўтирмайман... — Қиз Буликанинг томирини ушлаб кўрди. — Сизники анча дуруст... Машқ қилиб кўрамизми?

— Биласизми, доктор, ҳурматли Бачанани мурдага айлантургунингизча ўзим машқ қилиб кўрдим... Бўлмади... Нилуфарга ўхшаб ўтириш қўлимдан келмайди. Агар шу бежирим қулоқчангизни лоақал бир марта юрагимга босмас экансиз, эрингизни ўлдириб, тўппа-тўғри турмага кетаверман. Шу менга нилуфардан осонроқ!

— Бунақа палатани энди кўришим! Беморлар эмас, масхаравозлар йиғилган экан. Ҳамширага айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, бир таъзирларингизни бериб қўйсин!

— Фақат кетмасангиз бўлди, нилуфарга ўхшаб эмас, ҳатто қизиб турган товага ўтиришга ҳам розиман! — деди Булика, лекин бош инструктор эшикни қарсиллатиб ёпиб, палатадан чиқиб кетди.

— Тагин тирик мавжудот дейсиз-а! — Булика чуқур уф тортди.

— Худди тушга ўхшайди... — деди Бачана.

— Бу аёлнинг кўзида ажинаси бор экан! — Шу пайтгача индамай ётган ҳазрат Иорам Бачана билан Буликага ўгирилди. — Ўлай агар, кўзидан ажина жилмайиб турибди! — Ҳазрат Иорам яна деворга ўгирилиб олди.

Шифобахш бадантарбия бўйича бош инструктор кетгандан кейин орадан беш минутлар ўтгач, палатага ҳамшира Женя патнис кўтариб кириб келди. Патнисда оппоқ пахтага ўралган учта шприц бор эди.

— Кардиологик саломлар! — деди Женя патнисни столга қўйиб.

— Грузия юрагининг кардиограммасига алангали салом! — деб жавоб қилди Булика.

— Хушхабар олиб келдингми дейман, Женя? Кўзларинг ёниб турибди! — дея сўз қотди Бачана.

— Янгилик! — Женя халатининг чўнтагидан чиқиб турган газетани уриб қўйди.

— Қани, қани, саҳрода қолган шўрлик йўловчиларнинг чанқоғи тезроқ босилсин! — Ҳазрат Иорам унга кўл чўзди.

— Олдин укол, янгилик кейин бўлади! — деди Женя қатъий оҳангда. — Қани, тайёрланинглар!

Учовлари бараварига аёлни кўтариб ташлаб, юзубан ётишди. Женя Бачанадан бошлади...

— Тепамда чарх урма, эй қора қарға, мен сеники эмасман! — деди сўзларни шеърӣй оҳангга солиб Бачана, нина ўрнини ишқаларкан.

— Азизим Женя, шприцни охиригача ботириш шартми? — деб сўради ҳазрат Иорам ёстиқнинг четига кўз ёшларини артиб.

— Кечирасиз, қаттиқ босворибман, — деди Женя хижолат бўлиб.

— Қанақасан ўзи! Нега ҳар доим менга келганда адашасан? Палатада осий ва шаккоқлар қуриб қолганми!

— Сабр туби — олтин... — дея ҳамшира руҳонийни юпатган бўлиб, Буликанинг ёнига келди.

— Олдин игнани кўрсат! — деб тархашлик қилди Булика.

— Мана, марҳамат!

— Ҳой, яхшилар! — деб қичқирди Булика. — Агар шу игна бўлса, унда бигизни нима дейиш керак?!

— Бўлди, жонимга тегиб кетди! Ҳар куни шу аҳвол! Ёт! — деб буюрди Женя.

— Пичоқни аввал ўзинга ур, деганлар. Қани, ўзин бир ётиб кўр-чи! Кўраман диконламаганини? Қани кел!

— Тагин йўталиб ўтирма!

— Шу қилганинга чурқ этмайман! — деди Булика ва ёстиқни тишлади. Женя шприци найзадек санчди.

— Бўлдими! — деб сўради Булика Женя игна ўрнини артаётганда.

— Бўлди!

— Узим аҳмоқман! Медицина институтига кирмайманми?! Бошқалардан қаерим кам? — деб ингради Булика. Женя кета бошлади.

— Янгилик-чи! — дея қизнинг орқасидан қичқирди ҳазрат Иорам.

Женя газетани рухонийнинг каравотига ташлади. Чол газетани олиб, кўзойнагини қидира бошлади. Бачананинг сабри чидамай, ўзиникини улоқтирди:

— Меники ҳам плюс уч. Ўқинг, отахон!

— Ҳа, яшанг! — Ҳазрат Иорам ўқишни сўнгги саҳифадан бошлади: — Ҳм, бизнинг «Динамо» «Аралат» га ютқазбди!

— Бор гап шуми? — Булика қўл силтади. — Ютқазиларини билувдим!

— Ҳисоб қанақа? — деб сўради Бачана.

— Иккию ноль! — деди ҳазрат Иорам кўзойнагини слиб.

— Жа-а асабимга тегади-да шу «Аралат». — Булика пешонасига шепатилади. — Иил бўйи фақат бизни ютишга тайёргарлик кўради! Бошқаларга ютқазса, парво ҳам қилмайди!

— Бизникилар ҳам «Аралат» билан тиззалари қалтираб ўйнашади-да! — деди ҳазрат Иорам.

— Э, қойилман, отахон! Ўзлари ҳам ишқибоз эканлар-ку! — ҳазиллашди Булика.

— «Минг қилса ҳам одамлармиз, табиатнинг ожиз бандаси...» — дея ҳазрат Иорам Николоз Бараташвилидан<sup>1</sup> далил келтирди.

— Агар менинг қўлимда бўлганда, командаларимиздан биттасини фақат тбилислик арманлардан тазардим... Шунақа зўрки улар! «Аралат»га кўрсатиб қўйишарди ўйин қанақа бўлишини... — деди Булика халёлчан.

— Отахон, бошқа саҳифаларни ҳам ўқинг-чи, футбол ҳам янгилик бўлдими?! — деди Бачана. Ҳазрат Иорам газетани варақлай бошлади, биринчи саҳифага етганда бир оз гарангсиб турди-ю:

— Ишонмайман! — дея хитоб қилди ва газета билан кўзойнакни Бачанага отди.

— Нимага ишонмайсиз? — деб сўради Бачана кўзойнагини тақаркан. Лекин шу заҳоти ўзи ҳам: — Бўлиши мумкин эмас! — деб юборди.

— Нима бўлиши мумкин эмас? Уруш бошланибдими?! — деди ўтакаси ёрилиб Булика.

— Небиеридзени ишдан олишбди! — деб жавоб берди Бачана газетадан кўз узмай.

— Небиеридзе? Қайси?... Ҳалиги... — Булика хангу манг бўлиб қолди.

— Ҳа, ўша..

— Во-о-ой... — Булика бошини сарак-сарак қилди. — Кўп одамнинг пайтавасига қурт тушадиган бўпти-да..

— Ростини айтсам, сира кутмаган эдим... — деди Бачана ўйчан қиёфада газетани бир четга қўяркан.

— Ана холос... Кечагина қандоқ одам эди-ю... Бугун қарасанг... Тушунолмай қолдим! Ишонгим келмайди! — деди ҳазрат Иорам

— Ишдан бўшатишибдими ёки озод қилишбдими? — деб сўради Булика.

— Нима фарқи бор, Гогиллашвили? Бўшатишди нима-ю, озод қилишди нима? Энг муҳими — кеча бор одам, бугун йўқ! — деди қулочини ёзиб ҳазрат Иорам.

— Нега фарқи бўлмас экан! — Булика ҳазрат Иорам томонга ўгирилди. — Озод қилиш дегани нима ўзи? Бу дегани одам оғир аҳволга тушиб қолган, ке-

чаю кундуз исқанжада яшайди... Шунда кимдир ёрдам қўлини чўзиб, уни озод қилади... Мана, масалан, Африкани олайлик... У ердаги халқ азоб-уқубатда кун кечиради, демак, уни озод қилиш керак!.. Бўшатиш дегани-чи? Бўшатиш дегани — креслога елимдай ёпишиб олган одамни бамисоли мурватдай бураб ёки михдай суғуриб олиб ташлаш дегани... Тушундингизми?

— Бу ерда «Озод қилинди», дейилган, — деди Бачана.

— Демак, аҳволи оғир экан, шунинг учун озод қилишбди...

— Иши прокуратурага оширилибди... — дея қўшиб қўйди Бачана

— Нега энди? — Булика ҳайрон бўлди.

— Порахўрлик ва ошна-оғайнигарчиликка қарши чора кўрилмаганлиги, меҳнатқашларнинг шикоятларига лоқайд қараганлиги учун.

— Тўхтанг, тўхтанг, шуларнинг ҳаммасига фақат Небиеридзенинг ўзи айбдорми?

— Ҳозирча шунақа...

— Қойилман, Небиеридзе! Яхши ишлаган экан! Бошқаларнинг кўзи қаёқда экан, бу ҳақда ёзишмабдими?

— Ўзингнинг кўзинг қаёқда эди? — дея Буликанинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Менга айтяпсизми? — деди ажабланиб Булика.

— Ҳа, сендан сўраяпман! Сен ишчилар синфининг вакилисан. Бир одам шунча ножўя иш қилган экан, сен нега индамадинг, нега қўл қовуштириб ўтирдинг?

— Сиёсий саводингиз йўқ, отахон! Биринчидан, мен ишчилар синфидан эмасман, мен майда ҳунармандман. Иккинчидан, мен Небиеридзенинг қабулхонасига қатнайвериб тўзиб кетган пойабзалингизни тузатиш билан овора эдим...

— Унинг менга алоқаси йўқ, — дея қўл силтади ҳазрат Иорам. — Небиеридзе — сизларнинг раҳнамонгиз, худога шукр, менинг ўз қодир эгам бор!

— Ҳар турли бошлиқларнинг болаларини чўқинтириб, чўнтагингизни қаплайтирсангиз майли, а?

— Тентак одамсан, Гогиллашвили! Бу ишларнинг ҳаммаси худо йўлига қилинади! Қанийди, коммунистларнинг барини чўқинтира олсам, нариги дунёда нақ авлиёнинг ёнгинасида савлат тўкиб ўтирган бўлардим!

— Ҳай, майли, сизни бу дунёнинг ишлари қизиқтирмайди, дейлик... Лекин сизлар-чи, ҳурматли Бачана? Сизлар қаёқда эдингизлар? — Булика энди ёзувчига ҳужум қила кетди.

— Сизлар, деганингиз ким? — деди Бачана ўзини гўлликка солиб.

— Ким бўларди, ёзувчилар-да!

— Бизми?.. Биз... Қаёқда эдинглар, дейсанми — Бачана каловланиб қолди. «Наҳотки, қўл қовуштириб ўтирган бўлсак?», деб сўради у ўз-ўзидан, лекин таскин берувчи бирон бир жавоб тополмагач, таассуф билан деди: — Биз, азизим Булика, сенинг ёнингда ўтириб, ўша тўзиб кетган пойабзални тузатаётувдик...

— Мана бу бошқа гап! — Булика яйраб кетди. — Хўш, энди уни нима қилишади?

— Жазолашса керак-да...

— Нима учун?

— Айтдим-ку нима учунлигини...

— Демак; у ҳеч нарсага тушунмас экан, ҳеч нарсани билмас экан-у, шунга қарамай, раҳбарлик қилаверган экан-да?

— Шунақага ўхшайди...

— Ўхшайдими ёки шунақами?

— Шунақа!

— Энди мендан эшитинг. Модомики, шунақа экан, у ҳолда уни мукофотлаш, миннатдорчилик билдириш, яхши пенсия тайинлаш, ана ўшандан кейин иккала юзидан чўл-чўл ўпиб, қўлини маҳкам қисиб хайрлашиш керак эди!

— Қайси хизматлари эвазига? — дея астойдил таажубланди Бачана.

— Қайси хизматлари, дейсизми? — Булика каравотга ўтириб олди. — Мана, сиз — ёзувчисиз, редакторсиз, ҳурматли Бачана Рамишвили. Мағриб билан Машрик

<sup>1</sup> Николоз Бараташвили (1817--1845) — Грузиянинг буюк романтик шоири.

қаёқдалигини ҳам тузук-қуруқ билмайсиз, умрингизда на денгизни, на пороходни кўргансиз, дейлик... Ана шундоқ одамни кунлардан бир кун юқорига қақриб: «Уртоқ Рамишвили! Мана сизга пороход, сизни капитан қилиб тайнлаймиз. Мана шу пароходни бутун экипаж аъзолари, йўловчилари, ичидаги юк-пуклари билан Одессадан Архангельска олиб борасиз!», дейишади. Сиз йўлга тушасиз... Бир кун сузасиз, икки кун сузасиз... Кема чайқалади, тўлқин йўловчиларни коптоқдай у бордан бу борга отади, қусмаган одам йўқ... Хулласи калом, шарти кетиб парти қолган пароходда бир амаллаб Архангельска етиб борасиз. Қани, менга айтинг-чи, денгиз ишидан тамомила беҳабар сиздай бир одамнинг кемани чўктириб юбормай, манзилга етказиб келиши мукофотга арзийдими, йўқми? Арзийди!— дея ўз саволига ўзи жавоб борди Булика.

Бачана кулиб юборди.

— Отахон, нега куляптилар бу киши? — Булика ҳазрат Иорамга юзланди.

— Гапинг тўғри, Булика! Уша жоҳил одамнинг капитан қилиб тайнлашаётганларида йўқ дейиши керак эди, ҳой биродарлар, мени бу ишга ақлим етмайди, бошқа одам топинглар, деб тўғриси айтиши керак эди!

— Эҳтимол, айтгандир-у, лекин қулоқ солишмагандир? Хўп, деявер, ўзимиз ёрдам берамиз, дейишгандир. Шунинг учун ҳам кўнақолган. Иннайкейин капитанлик лавозимдан воз кечиш ҳам осон иш эмас. Бунинг устига, ундан олдингиси ҳам ҳаминқадар одам бўлган... Сизларда-чи... ёзувчилар орасида йўқми бунақа нарса? — Булика яна Бачанага мурожаат қилди.

— Афсуски, бор. Бор бўлганда ҳам тез-тез учраб туради.

— Ана холос! Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Қандоқ бўларди? Ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Илло, улўғ Руставели бежиз айтмаган:

**Биз ёзмишнинг инъомига севинаялик аввалдан,  
Жанг—сипоҳга, қўш—деҳқонга қисмат экан азалдан,—**

деди ҳазрат Иорам виқор билан.

— Аслида, муҳтарам Иорам ота, соқол-мўйловингизни қирдириб ташлаб, бизнинг этиқодимизга ўтсангиз бўлар экан—сиздан яхши коммунист чиқади! — дея ҳазиллашди Бачана.

— Қанақа этиқод? Коммунизмми? — Руҳонийнинг капалаги учиб кетди. — Бу дунёнинг роҳати деб, оллодан юз ўгиришим керакми? Э-э, йўқ, мени маъзур тутасиз!

— Ҳа-а... Бундан чиқди, сиз коммунизм ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас экансиз, отахон! Коммунизм—бу, боя сиз Руставели тили билан айтган нарсанинг худди ўзгинаси! Коммунизм—фаровонликнинг чўққиси, унда ҳар ким қўрбига яраша меҳнат қилади, ўзининг жисмоний ва ақлий имкониятларига мос келадиган иш билан шуғулланади, бу ҳол унга олам-олам маънавий ва руҳий завқ-шавқ, қониқиб бахш этади!.. Биз, коммунистлар, сизларнинг инжилингизни ўқиганмиз... Сизлар ҳам бизнинг инжилимизни лоақал бир марта ўқиб чиқинглар, онт ичаман, бундан асло зарар кўрмайсизлар!.. Моддий неъматлар ёки, ўзингиз айтганингиздай, қорин масаласига келсак... Нима ҳам дердим... Сиз ҳақсиз! Биз бундан кейин ҳам бу ҳақда бош қотирамиз, қайғураемиз! Чунки инсон, энг аввало, моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши керак. Шунда унинг ўй-хаёли, руҳий қобилияти, таланти ва бутун хатти-ҳаракати бир бурда нон топишга эмас, балки ундан кўра муҳимроқ, олижанобрoқ ва юксакроқ мақсадларга қаратилади! Биз ер юзида рақобат, ҳасад ва хунрезликни эмас, балки озод меҳнат ва тинчликни барпо қиламиз! Бунинг учун, отахон, одамнинг қорни тўқ бўлиши керак! Бизнинг таълимотимиз, бизнинг динимиз мана шу! Бизнинг худомиз ана шундай аниқ, тайинли, сизларникига ўхшаб осмонда учиб юрмайди! — Бачана сўзини тугатди-ю, ҳаяжонини сездирмаслик учун девор томонга ўгирилиб олди. Лол бўлиб қолган ҳазрат Иорам баҳсни давом эттиришга журъат қилолмади.

— Ҳай, майли, илойим няятингизга етинг, ҳурматли Бачана! — деди у бўшашибгина ва ўзи ҳам нариги ёнбошига ағдарилди. Лекин бари бир чидаёлмай, қўшиб қўйди: — Дарвоқе, сиздан бинойидек руҳоний чиқиши мумкин экан!

Кечқурун Буликанинг олдига майда-чуйда кўтариб хотини Света келди. У ҳамма билан алоҳида-алоҳида саломлашиб чиқди, ҳамманинг олдига егулик у-бу нарса қўйди, кейин аёлнинг бир четини қайириб, Буликанинг оёқ томонига омонатгина ўтирди.

— Аҳволинг қалай, азизим? — деб сўради у кўнгли севинч ва гурурга тўлиб кетган эрдан.

— Отдайман! — деб жавоб берди Булика ва гапини тасдиқлаш учун пиширилган товуқнинг бир оёғини узиб олиб оғзига тикди, ҳаш-паш дегунча гўштини ажратиб, қоқ суякни хотинига узатди.

— Тиқилиб қолмагин тагин! — деди Света саросимага тушиб.

— Хотиржам бўл! — Булика товуқнинг иккинчи оёғини ҳам ямлади ва оғзини тўлдириб гапида давом этди: — Хўш, хотиним қалай, ҳурматли Бачана?

— Ажойиб!

— Арман қизлари орасида бунақа гўзалини учратмаган бўлсангиз кераг-а?

— Йўқ, учратмаганман...

— Шунақа! Хотиним онадан битта туғилган!

— Тўппа-тўғри! Ахир, ўзинг ҳам чаканамассан-да! — дея ҳазиллашди ҳазрат Иорам.

— Ҳали ўйнашимни кўрмабсиз!.. Нақ ҳурилиқонинг ўзи! — Булика хотинига кўз қисиб қўйди.

— Вайсақилигинг қурсин!.. — Света юзини четга бурди.

— Болалар қани? Нега оталарини кўргани келишмади?! — дея сохта жиддийлик билан сўради Булика.

— Қаерда бўларди, Автандилжон? Бугун шанба-ку, Нестан инглиз тилида, Таризл — фортепианога кетган. Булика виқор билан гап бошлади:

— Шу десангиз, ҳурматли Бачана, қизим ташқи ишлар министри бўладиган! Арманчани биладими? Билди! — Булика бармоқларини букиб, санай бошлади: — Грузинча гапирадими? Гапирэди! Инглизчани ўрганияптими? Ўрганияпти! Мактабда француз тилини ўқитишадими? Ўқитишади! Бунинг устига, қоровулимиз Фузулийнинг қизи Гванлеца унга аста-секин кўрд тилини ўргатапти... Қани айтинг-чи, қайси бир министримиз бешта тилни билади? Жавоб беринг, отахон!

— Яхши қизинг бор экан, илоҳим кўз тегмасин!

— Уғлим-чи? Уғлим — Паганини!

— Паганини скрипкачи бўлган, азизим, бизнинг ўғлимиз пианино чалади, — дея гапга аралашди эрининг нодонлигидан уялиб кетган Света.

— Ургатма! Ким нима чалганини ўзим яхши билман! Паганини мен учун энг олий инсон! Тушундингми? Болани скрипкага ўтказаман! Қайси бирига ҳақ тўлашинг нима фарқи бор? Хўш, сен нима дейсан шунга?

— Ихтиёринг, азизим, билганингни қил, фақат асабийлашма, худо хайрингни берсин!.. Профессорнинг айтишича, бир ҳафта ичида у сени оёққа тургазармиш, кейинги ҳафтага уйга рухсат берармиш. «Фақат бизга қулоқ солса бас», дейди.

— Нима, мен қулоқ солмаётган эмишманми? Берган дориларини ичяпман, ҳамма уқолларни оляпман... Мана, кўриб қўй... — Булика шошиб аёлни кўтарди.

— Бекит-э, уятсиз! — Света доғдираб қолди. — Уйда ҳам мана шу аҳвол, айбга буюрмайсизлар!..

— Э, сиз хижолат бўлманг, ҳаммамизнинг ҳам аҳволимиз шу! — деди Бачана уни юпатган бўлиб.

— Бундан ташқари, хотинжон, анчадан буён туриб юрганимни профессор билмайди. Мана! — Булика яланғоч оёқларини каравотдаан пастга туширди, ўрнидан туриб, хона ичида бир неча бор у ёқдан-бу ёққа намоийшкорона бориб келди. — Хўш, яна нимани кўр-



сатай! — У атрофига аланглади. — Қани, Света, тур ўриндан!

Хайрон бўлиб қолган хотини ўрнидан турди. Булика уни белидан қучоқлади.

— Кўй! Кўй! Кераги йўқ, кўйвор! — деб қичқирди ҳазрат Иорам, лекин у кечиккан эди: Булика хотинини даст кўтариб, томоғидан қўлиллади ўпди. Света эрининг қутилмаган бу қилиғидан қийқириб юборди, юзи лавлагидай қизариб кетди. Булика хотинини яна бир неча марта силкитиб, кейин ерга қўйди.

— Кўрдингларми? — дея хитоб қилди у яшнаб. — Света, кийимларимни опкелавер, эртагаёқ чиқиб кетаман бу ердан! Ётавериш жонга тегди!

Булика каравот четига ўтирди. У ҳансирав, лекин ўзида йўқ хурсанд эди.

— Нима қилиб қўйдинг, тентак! — деди ич-ичидан куйиниб ҳазрат Иорам.

Булика томир уришини санай бошлади. Бир муддат хаёлини бўлмайдим жим ўтирди-ю, кейин мамнун жилмайди.

— Тамом! Инфарктдан қутулдим! Яшасин ҳаёт! — Шундай деб, у яна хотинига ёпишди.

— Бўлди энди! Одамлардан уясанг-чи! — Света эрининг бағридан чиқиб, сочларини тузата бошлади. Ҳазрат Иорам билан Бачана тескари қарашди.

— Илгаригидан оғирроқсан! Нега бунақа, а? Икки-қат бўлмагин тагин! — Булика қовоғини солиб, қўли билан Светага пўписа қилган бўлди, лекин шу заҳотиёқ унга кўз қисиб қўйди.

— Вой, шўрим! Қулоқларим қар бўлиб қолса майли эди шу гапларни эшитгунча! Тилим бор деб валди-райверасанми?! — деди Света жиғибирон бўлиб. Булика қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Қарайверинглр энди, жаноблар, томоша тамом!

## 10

Қуёш улкан кумушранг тўшақда ястаниб ётарди. Унинг боши Қазбек тоғининг мангу қорлик билан қопланган ёнбағрида камалакдай товланарди. Мажолсиз қўллари пастга осилиб, шалвираб турарди.

Қуёш оғир-оғир нафас оларди.

Қуёш ҳаёт билан видолашарди.

Бачана, ҳазрат Иорам ва Булика тиз чўкканча жон бераётган олам чароғига қўлларини чўзиб, ёлворини шарди:

— Бизни тарк этма, «Қуёш! Улмагин, буюк Офтоб!

Уларнинг кўз ёшлари дарёдай бўлиб кўпириб, Кавказиони ёнбағридан шовқин-сурон билан пастга — оппоқ туманга бурканган ерга қараб талпинарди.

Қуёш эса улкан кумушранг тўшақда ётганча, боши узра фарёд чекаётган одамларнинг оҳу зорига унсиз қулоқ тутарди. Эрталаб Офтоб Кавказиони устига кўтарилди, бор кучини йиғиб энди мовий осмонга сапчимоқчи бўлиб турган эди, бирдан кўкрагида қаттиқ оғриқ сезди. Аввал бир оёғи, кейин иккинчи оёғида чўккалади бошини Қазбек бағрига қўйганча қотди-қолди.

Бутун инсоният жон талвасасига тушган Қуёшга изтироб билан тикилиб турарди. Кўча ва кўприклар, дала ва йўллар, айвону томлар одамга тўла эди. Дарахларнинг шохлари болаларга тўлиб кетганидан синиб тушай дерди.

— Бизни тарк этма, Офтоб! — дея инграрди одамзод.

Аммо одамларнинг нидоси унинг қулоғига етиб бормасди. У фақат ўзи томон узатилган ҳад-ҳисобсиз қўлларнию даҳшат тўла кўзларнигина кўриб турарди.

— Нега улар бунчалик безовта? — деб шивирлади Қуёш.

— Улар сендан тарк этмаслиқни илтижо қилишяпти! — деб жавоб берди Бачана пиқиллаб.

— Энди кеч... — деди Қуёш. Унинг бир кўзи юмилди.

— Бизни хароб этма, эй ҳаётбахш Офтоб! — дея ёлворди ҳазрат Иорам ергача эгилиб.

— Айг, нима сенга азоб беряпти, қаеринг оғрияпти? — деб сўради Булика хўрсиниб.

— Мени ер дарди азобляпти, — деб жавоб берди Офтоб, — ер дарди!

— Ахир, ерининг дарди ҳам, умри ҳам ўз қўлингдан ку! — деб хитоб қилди ҳазрат Иорам.

— Ер — менинг юрагим, вужудимда фақат ўша яшайди, фақат ўша нафас олади. Қолган барча ҳўжайраларим, бошқа барча аъзоларим ёллақачон сўнган, ўлган... Наҳотки сизлар, менга топинаётган одамлар, бундан беҳабар бўлсаларингиз?

— Унда сен ўзинг кимсан, Офтоб! — деб сўради таажжубда қолган Бачана.

— Мен — муҳаббат ўтида ёниб қул бўлган одамларнинг оташ руҳиман... Менинг ҳаётим севги йўлида жон фидо қилган кишиларнинг руҳидан озиқ олади... Энди менинг ҳам умрим интиҳосига етди, зеро ер юзида муҳаббат булоғи қуриди, одамлар севгидан эмас, хусуматдан кўпроқ қирилишяпти... Муҳаббатга ҳаёт бахш этинглр, шунда мен ҳам қайта тириламан... Ёлвораман, одамлар, менга ҳаётни, севги булоғига ташна инсонларни ҳада этинглр!.. Менга йўқолган муҳаббатимни қайтаринглр, шунда мен ҳам хизматингизда бўламан, одамлар! — Қуёшнинг нафас олиши тезлашиб, тўлғана бошлади.

— О, Олам чароғи! Биздан юз ўғирма, раҳм-шафқат қил! Бундан кейин бир-биримизни севамиз, ўлимни ҳам муҳаббатга айлантирамиз! Биз, яъни Автандил, ҳазрат Иорам ва мен, муҳаббатингни қайтаришларини сўраб, ер юзидаги барча одамларга сенинг номиндан мурожаат қиламиз! Имомни комилки, инсоният сенинг чақирғинига лаббай деб жавоб беради, нафрат ва адоватни маҳв этиб, рўйи заминга яна муҳаббат чечакларини экади!.. Фақат бизга оқ фотиҳаю меҳр-шафқат уруғидан берсанг бас! — дея илтижо қилди Бачана.

Шунда Офтоб Бачананинг бошига ўзининг иссиқ кафтини қўйди. Бачана вужудига қуёш ҳарорати билан бирга поёнсиз бир муҳаббат ва шафқат туйғуси сингиб бораётганини ҳис қилди. Офтоб бир сескандию сўнгги бор бир ёришиб... сўнди.

Бирдан Булика ҳали совиб улгурмаган қуёш бағрига ўзини отди ва йиғлаб ёлвора бошлади:

— Мени бирга олиб кет, Офтоб! Сенсиз яшаёлмайман! Муҳаббатдай мени бағрингга жо қил! Утинаман сендан, Олам чароғи!

Бачана билан ҳазрат Иорам бу ҳолни даҳшат ичида кузатиб туришди. Булика жони узилган қуёш бағрига сингиб, нурга айланди, сўнг Офтоб билан бирга ял-ял товланаётган камалак рангига қўшилиб кетди...

...Исо туғилганига қадар йигирма аср ва у туғилганидан кейин яна йигирма аср давомида Бачана билан ҳазрат Иорам сўнган Қуёшни ер юзида кўтариб юришди. Улар етим бўлиб қолган фалакка Офтобни ва зулмат қоплаган заминга нур-зиёни қайтариш мақсадида одамзоддан меҳр-муҳаббат сўраб, дарё-дарё кўзёши тўкишди. Аммо инсоният миқ этмай, ўз ҳаётининг машъаласи бўлган Қуёшни сўнгги йўлга, қабристонга кузатиб қўйди, зеро Офтоб учун ер юзида муносиб жой топилмади. Ниҳоят, Бачана билан ҳазрат Иорам ниятларига етиб, Қуёшни момиқ булутлардан ясалган тобутга ётқизишганда зим-зиё осмонда иккита қора гардиш пайдо бўлди — бири ниҳоятда улкан, иккинчиси жуда кичкина бўлиб, каттасининг соясида кичиги аранг кўзга ташланарди. Ўз чароғидан жудо бўлган одамзод уларга ҳайрат билан тикилиб қолди. Биринчи гардишдан ҳаёт билан видолашган Офтоб, иккинчисидан унинг бағрига сингиб кетган Булика қараб турарди. Бачана уларни таниб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Одамлар, бир-бирларингни севинглр! — дея хитоб қилди у овозининг борича ва музлаб ётган ерга юзтубан йиқилди.

...Шу алфозда қанча вақт ётганини Бачана эслаёлмади. Баганига сезилар-сезилмас, лекин ниҳоятда та-

ниш тафт ўтганини пайқаганидан сўнг чалқанчасига ётиб, йиғлайвериб хираллашиб қолган кўзларини осмонга қадади. Улкан гардиш энди қизғиш мис тусига кирган эди. У аста-секин чўққа айланиб, ёришиб борарди. Кичкина гардиш ҳам қизариб қолган эди. Улкан гардиш батамом ярқираб, кўкда яна олдинги Қуёшдек чарақлай бошлаганидан сўнг кичик гардиш турган жойидан қўзғалиб, яшин мисол пастга — ерга қараб отилди.

Ер юзи яна нурга кўмилди. Кавкасион тепа-сидида Қуёш чарақлар — одатдагидан рангпарроқ ва заифроқ бўлса ҳам, аввалгидай хуррам кулиб боқар эди. Қуёш нафас оларди. Қуёш тирик эди.

— Шараф бўлсин сенга, севги чироғи! Шараф бўлсин сенга, ҳаёт! — деди Бачана Офтобга қараб... У ҳам йиғлар, ҳам кулар эди.

— Бачана!.. Хурматли Бачана! Кўзингизни очинг!.. — Кўрқиб кетган ҳазрат Иорам Бачанани елкасидан ушлаб қамирлата бошлади.

Бачана ўйғонди. Бир лаҳза қаердалигини ва ўзига нима бўлганини англаёлмай, кўзларини катта-катта очганча жим ётди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, каравотда туриб ўтирди. Юраги гупиллаб урарди. Кун чиққан бўлишига қарамай, палата ичи ҳали нимқоронғи эди.

— Нима бўлди сизга, ҳурматли Бачана? Туни билан тўлганиб чиқдингиз, гоҳ кулиб, гоҳ йиғладингиз... Ёмонроқ туш кўрдингизми?

Бачана кўзларини ишқалади, кейин ўзидан-ўзи бир жилмайиб кўйди. Ҳазрат Иорам каравотига бориб, ўрнига чўзилди.

— Туш кўрдим, Иорам ота, шунақа тушки, ҳатто Коперник ҳам ҳавас қилса арзийди...

— Қанақа туш экан у?

— Қуёшнинг ўлганини кўрдим!

— Нима?! — Ҳазрат Иорам қулоқларига ишонмади.

— Ҳа. Тушимда Қуёш ўлган эмиш. Тепасида ким йиғлаб турибди, денг?

— Хўш, ким?

— Сиз, мен ва Булика... Бошқа ҳеч ким...

Ҳазрат Иорам Бачананинг ҳикоясига хийла вақт жим қулоқ солиб ўтирди. Бачана Қуёшнинг сўзларини такрорлаганидагина беҳол бир чўққиниб кўйди. Кейин кўлларини боши остида, чалкаштирганча шифтга тикилиб қолди.

— Хосиятли туш кўрибсиз, ҳурматли Бачана! — деди руҳоний узоқ сукутдан сўнг.

— Бу билан иккинчи марта кўришим! — деди Бачана.

Орага жимлик чўқди. Бирдан ҳазрат Иорам ўрнидан сакраб турдию оёқ учида юриб Буликанинг каравоти ёнига борди. Булика кўзларини очганча қимир этмай ётарди. Ранги докадек оқариб кетган эди.

— Автандил! — деди ҳазрат Иорам секингина.

Бачана ажабланди — Булика ўзини Автандил деб атамасликларини илтимос қилганидан бери улар бирор марта ҳам бу номни тилга олишмаган эди. Нима учун ҳазрат Иорам ҳозир бунақа қиялпти?

— Автандил! — дея такрорлади руҳоний овозини сал кўтариб.

— Уйғотманг, майли, ухлайверсин... Кейин ўзига айтиб бераман, — деди Бачана.

— Автандил! — Ҳазрат Иорам Буликани силкита бошлади.

— Уйқуси қаттиқ экан! — деди Бачана.

— Ҳа, қотиб ухлар экан... Сиз ҳам ухланг! Девор томонга қараб, кўзингизни юминг!

— Энди уйқу келармиди?!

— Ухланг деяпман, нарёққа ўгирилину дарров ухланг! — деб буюрди руҳоний, кейин титроқ қўл билан Буликанинг яхдек юзини юқоридан пастга қараб силлади.

— Тинчликми, Иорам ота? — деб сўради Бачана бутунлай бошқа овоз билан ва кўнгли нохуш бир нарсани сезиб, чаккалари зирқираб кетди.

— Тушингиз ўнгидан келди... Қуёш ўлди!..

Ҳазрат Иорам палата эшигини очди...

Бачана аёлни бошига ўраб, юзини ёстиққа босди ва томоғига қадалиб келган ўкирикни тийиш учун ёстиқ жилдини маҳкам тишлаб олди.

.....

— Ажабо, кўзи очик қолган марҳум эгаси деразасини беркитмай ташлаб кетган уйга ўхшайди-я... — деди ҳазрат Иорам Буликанинг жасадини палатадан олиб чиқиб кетишаётганда...

11

Меликашвили кўчасида жойлашган дорихона олдида верэлик<sup>1</sup> бир тўда ширакайф ўспирин қизғин баҳслашарди.

Баҳс хашидан<sup>2</sup> бошланди. Цицка, хаши — ичкиликдан кейинги бош оғригини тарқатиш воситаси сифатида инсоният кашф этган буюк топилма, деди. Уни Кока билан Коплик қўллаб-қувватлашди. Копака қандсиз чойга мойилроқ эди, Бачана фақат «боржомини», Бердзена «набеглави»<sup>3</sup>ни, Датико эса кочьяк билан аспириини ёқлаб чиқишди. Гарчи, ҳар бир овоз берувчи ўз фикрида қолган бўлса ҳам, расмий санокдан сўнг, табиийки, Цицка ғолиб деб топилди. Тўғри, бош оғригини қолдиришнинг бирдан бир йўли ҳаммомга тушиш, дегувчи бошқа гуруҳ ҳам бор эди. Лекин бу гуруҳга кирувчи ўспиринлар ҳозир баҳсда иштирок этмаётган, улар мутлақ кўпчиликни ташкил қилгани учун конкурсдан озод этилган эди; дарвоқе, улар баҳсда қатнаша олишмасди ҳам, чунки ўз эътиқодларига охиригача содиқ қолган бу йигитлар ҳозир ҳаммомда чўмилишаётган эди.

Баҳс винога кўчди, лекин узоқ давом этмади — биринчи ўрин яқдиллик билан Хохетянинг саккизинчи рақамли виносига берилди. Сўнг баҳс, албатта, сиёсатга келиб тақалди. Бу масалада тўла ҳамжиҳатликка эришилмади, бироқ узоқ тортишувлардан сўнг, барҳаёт сиёсий арбоблар ва ҳарбий саркардаларнинг тутган ўрнини қуйидагича белгилашга муваффақ бўлинди:

1. Сталин
2. Черчилль
3. Эйзенхауэр
4. Де-Голь
5. Жуков.

Тўғри, Жуков билан Монтгомери рақобатлашарди, лекин унга иккита овоз етмай қолди, бинобарин, Британия фельдмаршали олтинчи ўрин билан қаноатланшига мажбур бўлди.

Сиёсатдан кейин футболга гал келди. Бу муаммо силлиқ ҳал бўлди. Бутун дунёда верэлик ёшларнинг жисмоний ва маънавий талабларига жавоб берадиган биттагина одам топилди. Бу одам — Борис Пайчадзе<sup>4</sup> эди.

Санъат бобида ҳам тортишиб кўришди. Бу баҳсда, одатдагидай, Бердзена устун келди, ғолиблик гултожи Шота Руставели билан Бердзена эркатлиб Микела деб атаган Микаланжелого насиб этди.

...Мунозара иштирокчиларининг ёнидан ҳамманинг юрагига чўғ ташлаб верэлик керосинфуруш Аполлон Кавжарадзенинг қизи — хипчабел, нозиктомоқ Гуранда товусдай йўрғалаб ўтиб кетганида баҳс ирсият ўзанига қараб бурилди.

— Мана шундан кейин ҳам ирсиятни рад этиб кўринлар-чи! — деб хитоб қилди Цицка энтикиб. — Нақ жайроннинг ўзи-я! Фарзандлари қандоқ бўларкан ҳали!

<sup>1</sup> Верэ — Тбилисидаги районнинг эски номи.

<sup>2</sup> Хаши — Кавказда кенг тарқалган таом.

<sup>3</sup> «Боржоми», «Набеглави» — минерал сувларнинг номи.

<sup>4</sup> Борис Пайчадзе — узоқ вақт Тбилисининг «Динамо» командасини бошқарган машҳур футболчи.

— Кўйсанг-чи, ирсиятинг нимаси! Мени ҳам яхши боқиб, яхши кийинтиришса сўқсурдай бўлиб кетаман! — деди Коплик папирос қолдигини ахлатдонга улоқтириб.

— Ҳа-а, ҳақиқатан ҳам зўр қиз! Насли тоза! — Бердзена асосий мавзуга қайтди. — Фақат, керосин хиди анқиб тургани ёмон-да!

— Сизларни олий ўқув юртига ким қабул қилган ўзи?! Каллаварамлар! Ҳеч қанақа ирсият, насл, ирқ йўқлигини нахотки шу пайтгача билмасанглар?! Ҳамма одам баравар, инсоннинг шаклланиши эса турмуш шароити ва тарбияга боғлиқ! Ирқчилик назарияси Гитлерни нобуд қилди, сизлар эса анови нозанин Гурандани деб яна ўша назарияга қайтмоқчисизлар! — деди Кока насихатомуз оҳангда.

— Гапини қаранглару! Тагин князь Амурежиби! эмиш! Уялсанг бўларди, Кока! — дея бошини сарак-сарак қилди Цицка.

— Тупурдим Амурежибингга! Мен — материалист-ман!

— Материалист эмас, майпарастсан! Билдингми! — Цицка Коканинг оғзидаги папиросини юлиб олди.

— Бемаъни гапларни кўйсанглар-чи! — Бачана бирдан тутақиб кетди. — Мен отамга ўхшайман, отам бобомга, бобом эса ўз бобосига ўхшайди, хўш, бу ирсият эмасми? Насл дегани шу-да, ахир!

— Тўғри, лекин ҳамма гап наслнинг қанақалигида-да!

Бошқалар-ку майли-я, аммо Копака<sup>2</sup>ни насли пастликда айблаб бўлмасди. У Грузия тарихи дарслигида сурати босилган Георгий Саакадзенинг<sup>3</sup> нақ кўйиб қўйган нухаси эди. Ёрнини кенг, бурун паррақлари худди араб тулпориникидай бўртиб чиққан, кўзлари катта-катта бу болага уришқоқликда Верэдан то Навтлугига-ча<sup>4</sup> ҳеч ким бас келолмасди.

— Ирсиятни рад этиш ҳаммадан ҳам насли паст одамларга хуш ёқади! — деди Цицка.

— Демак, мен билан Коплиكنинг наслимиз паст экан-да? Шундайми? — Кока хафа бўлди.

— Ие, эсингни едингми? Ҳеч қанақа ирсият, насл, ирқ йўқ деган ўзинг эдинг-ку! Нега энди жириллайсан! — деб дўқ қилди унга Копака.

— Бас қилинглр! Ана, профессор Имедашвили келяпти, ўшандан сўраймиз! — дея орага тушди Бердзена.

— Ким сўрайди? — деди Коплик.

— Копака. Ичимизда энг наслдори шу! — дея қочирқ қилди Бачана.

— Нега мен сўрашим керак экан? Ана, Бердзена сўрасин! — Копака таклифни қатъий рад этди.

— Йўқ! Бу шарафни Цицкага бераман. Қаранглар, у тиришқоқ студентларга жудаям ўхшайди! — деб ўзини олиб қочди Бердзена ҳам.

— Бўпти, мен розиман! — Цицка тўдадан ажралиб қора портфелини қўлтиқлаганча шошмасдан келаётган профессор билан учрашишга чоғланиб турди.

Профессор болаларнинг ёнидан, ҳатто уларнинг борлигини ҳам пайқамай, ўтиб кета бошлади. Цицка югурганча унинг олдидан тўсиб чиқди ва одоб билан салом берди:

— Салом, ҳурматли профессор!

— Салом.

— Кечирасиз, ҳурматли профессор... Бир масалада тортишиб қолувдик... Шунга сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик...

— Шу ерда-я?... Қандоқ бўларкан? — Профессор атрофга аланглаб, кўзойнагини тўғрилади.

— Марҳамат, бу ёққа юринг! — Цицка уни қўлтиғидан олиб, ўртоқларининг ёнига бошлаб келди. Болалар профессорга ҳурмат юзасидан ўзларини четроққа олиб, сувоғи кўчган девор ёнидан унга жой беришди.

— Эшитаман! — Профессор портфелини бу қўлтиғидан наригисига олди.

— Биласизми, Эвтимэ Николаевич, — дея гап бошлади Коплик, — ирсият, яъни насл борми ёки йўқми деган масалада баҳслашиб қолдик. Цицка айтадики...

— Ким? — деб сўради профессор.

— Цицка.

— У нима ўзи?

— Цицка — манови-да! — Коплик ўртоғининг елкасига қўл ташлади. — Исми Давид, биз уни Цицка деб чақирамиз.

— Хўш-хўш, Цицка нима дейди?

— У билан Копаканинг фикрича...

— Копака қайси бири?

— Анови.

— Паспортида шундай ёзилганми.

— Йўқ, паспорти бўйича — Тенгиз! — деб жавоб берди Бердзена.

— Бу йигит ким? — сўради профессор.

— Бердзена!

— Грекми?<sup>1</sup>

— Йўқ, гуриялик!<sup>2</sup>

— Нима?

— Грузин.

— Исми нима?

— Мераб.

— Ўзингизники-чи?

— Коплик.

— Хайрият-э, тўғри исми ҳам эшитарканман-ку!.. Хўш, нима демоқчи эдингиз, Коплик?

— Ҳали айтдим-ку... Мановилар, табиатда ирсият билан насл мавжуд, дейишяпти, Кока иккаламиз эса...

— Ие, ҳали Кока ҳам борми? Ичи бўшми ёки сув солинганми?<sup>3</sup> — деб сўради профессор ва ўз ҳазилидан ўзи роҳатланиб кулди. Болалар ҳам хоҳолаб юборишди, улар профессорнинг кўнглини овлаганларидан хурсанд эдилар.

— Демак, Кока билан сиз ирқ ва ирсият йўқ, демоқчисизлар. Шундайми?

— Шундай, — деди Коплик.

— Тўппа-тўғри!.. Ирқчилик назарияси — илмга зид, реакцияон назария. Бу — фашистларнинг назарияси. Лекин ирсият ва унинг ўзгарувчанлигини ўрганувчи генетикага келсак, бу бутунлай бошқа масала...

— Кечирасиз, профессор, — деб унинг гапини бўлди Бердзена, — наслдор ҳайвонлар-чи? Зотдор отларни етиштиришяпти-ку! Мана, масалан, Александрск боғида наслдор кучуқларнинг махсус кўргазмасини ташкил қилишади, уларни олтин медаллар билан мукофотлашади!

— Исмингиз нима эди?

— Мераб!

— Биласизми, азизим Бердзена, кўп асрлар давомида ҳайвонот оламидаги табиий сараланиш оқиба-тида...

— Ахир инсон ҳам ижтимоий ҳайвон-ку? — Цицка профессор гапини тугатишига имкон бермади. — Қишлоқ хўжалигида селекция, чаптиштириш, янги навлар олиш деган гаплар бор-ку?

— Тўхтанглар, тўхтанглар, дўстларим, бу қанақаси — радиога ўхшаб фақат гапираркансизлар-у, эшитмас экансизлар-да?! — Профессор қулочини ёзган эди, портфели ерга тушиб кетди.

Шу пайтгача миқ этмай турган Бачана дарров портфели олиб, профессорнинг қўлтиғига қистириб қўйди ва қимтинибгина:

— Қулоғимиз сизда, ҳурматли профессор! — деди.

— А-а... Сизнинг исмингиз нима?

— Бачана.

— Гап бундай, азизларим Бачана, Кока, Коплик, Бердзена, Цицка, Копака! Бундай масалаларни кўчада ҳал қилиб бўлмайди... Марҳамат қилиб, соат бешдан

<sup>1</sup> Амурежиби — қадимги Грузиядаги князлар сулоласи.

<sup>2</sup> Копаки (груз.) — овчарка.

<sup>3</sup> Георгий Саакадзе (1580—1629) — Грузиянинг сиёсий арбоби, атоқли саркарда.

<sup>4</sup> Навтлуги — Тбилисидаги районнинг эски номи.

<sup>1</sup> Бердзени (груз.) — грек.

<sup>2</sup> Гурия — Грузиядаги область.

<sup>3</sup> Сўз ўйини: «Кока» — грузинча «кўза» дегани.

олтигача кафедраларга ёки кеч соат ўндан эрталабгача уйимга келинлар. Истаганларингча мунозара қиламиз. Маъқулми? — деб сўради профессор гангиб қолган болалардан.

— Агар мумкин бўлса, уйингизга борамиз, — деди Бачана.

— Жуда соз.

— Бизни қўйишармикан? — деб сўради Коплик ботинкасига қараб.

— Албатта! Верэлик йигитлармиз, десаларингиз бўлди.

— Хайр, мухтарам профессор! — деди Цицка.

— Омон бўлинглар! — Профессор бошидаги шляпасини хиёл кўтариб қўйди-да, йўлига равона бўлди. Болалар ҳурмат юзасидан бош эгиб қўйишди.

— Ажойиб одам-да, бекорга профессор бўлмаган! — дея Цицка музокарага нуқта қўйди.

— Болалар, Марго жинни келяпти! — деб хитоб қилди Бердзена.

Верэ бозори томондан, Меликишвили кўчасининг чап ёғидан бутун районга отнинг қашқасидай маълум бўлган Марго қўлларини силкитиб, қувноқ бир қўшиқни қуйлаб келарди:

**Кема сузар денгизда  
Узоқ ўлкалар томон.  
Совға келтирар менга,  
Омон-омон, ёр омон!**

— Хабарда! Верэлик Марго келяпти! — дея қўшиқини ора-сира бўлиб қўяр ва яна давом эттирар эди:

**Рақсга тушаман бирга,  
Хоҳ лезгинка, хоҳ танго.  
Келақолинг, кепқолинг,  
Мунтазир сизга Марго...**

Марго маст эди. Уни танийдиганлар жилмайиб саломлашиб ўтишар, кейин орқаларига ўгирилиб афсус билан бош чайқаб қўйишар эди. Бегоналар эса, ақлдан озган, бунинг устига гирт маст аёлга рўбарў бўлишдан қочиб, йўлқадан катта кўчага тушиб олишарди.

Марго болаларга ажинлашаркан, иккала қўлини лабига босди-да, кейин қулочини ёзиб, «ҳавойи» бўса йўллади:

— Верэлик йигитларга кайфи ошган Маргодан саломлар!

— Салом, Марго! — дейишди болалар қўлларини кўтариб.

— Ҳа, қадрдонларим, яна бошларинг оғрияптими? Чўнтакларингча ҳемириям бўлмаса керак-а? Юринглар мен билан, азизларим, юринглар, Танц-Геуркага тушамиз, сизларга пиво олиб бераман! — Марго сийнабандидан бир даста ўттиз сўмликни чиқариб, ҳавода силкита бошлади. — Юраверинглар, тортинманглар! Ахир, эртага сизлар ҳам мени меҳмон қилишларинг мумкин-ку!

— Марго, азизим, бор уйингга, дамингни ол... Биз ичадиганимизни ичиб бўлдик, — деди Копка мулойимлик билан.

— О, азизим, қаёққа бораман, ёлғиз бошимни қаёққа ураман?! Мени уйингга олиб кет! Эсипаст, дарди бедаво Маргога худди сенга ўхшаган одам керак! Ким унга сенчалик ҳамхўрлик қила олади?.. Менга уйлан! Раҳм-шафқат қил! Умрим бўйи сенга етишишни орзу қиламан, сен менинг юлдузимсан! Кел, лоақал бир марта бўлса ҳам паҳлавон кўксингга бағримни босай! Ёки сенга муносибмасманми, а? Мана, қадди-қоматимни кўриб қўй, ичкўйлагимни бир кўриб қўй! — Марго бир қўлини белига қўйдию иккинчи қўли билан этагини кўтариб, пастига тўр қадалган қордай оппоқ ичкўйлагини кўрсатди. — Эртага пуштирангини кияман! — Шундай деб, у тезгина кўчани кесиб ўтди-да, болаларнинг олдига келди.

— Бор, Марго, бориб дамингни ол! — Копка аёлининг елкасидан кучди.

— Менга ҳаммаларинг бараварсизлар, йигитлар! Хоҳлаганларингга турмушга чиқавераман! Ҳаммала-

рингни баб-баравар яхши кўраман! Сен нега тишингни гижирлатасан, Бердзена? Шунинг учун ҳам сен менга керакмасан! Жудаям инжиқсан, ҳаётимни заҳар-зақ-қум қиласан! Цицка — бошқача! У зиёли йигит...

— Ҳаммаларингни баб-баравар яхши кўраман, деган эдинг-ку? — дея гапга аралашди Бачана.

— Ие, сен ҳам шу ердасан, етимчагинам? Сеникига албатта бораман. Ўзим чўмилтираман, сочларингни тараб қўяман, қўйлақларингни ювиб, шимингга дазмол босаман, кейин қайтиб кетавераман. Кимга ўхшаб қолдинг сен? Ойнага бир қара...

— Бўлди, энди, Марго, бор... Кўряпсанми, одамлар тўпланаяпти... Юр, азизим, ўзим кузатиб қўяман... — Копка аёлининг қўлтиғидан олди.

— Тупурдим одамларга! Яшасин Верэнинг йигитлари! — Марго Копкани қучоқлаб, кўксига бошини қўйди-да яна ашуласини бошлади:

**Юр, азизим, юргин, кетайлик,  
Икковлашиб дунё кезайлик...**

Муюлишга етганда Копка Марго билан хайрлашиб, унинг ўзини қўйиб юборди. То аёл уйига кетаётганига ишонч ҳосил қилмагунча орқасидан қараб турди, кейин ўртоқларининг ёнига келди.

— Қўй, Копка, қўй, аза тутма! — деди Цицка ўртоғининг маънос бўлиб қолганини кўриб.

Марго Петриашвили кўчасининг охирида, кичкина-кичина иккита деразали, ертўлага ўхшаган зах бир ҳужрада истиқомат қиларди. Ҳовлидан ҳужрага тўртта ёғоч пиллапоядан тушиларди. Устига оқ чойшаб ёпилган стол, оқш ҳаққаларини занг босган темир қаравот, шкаф, иккита стул, дазмол ва дазмол босиладиган тахтача — Маргонинг бор-йўқ бисоти шу эди. Ҳужра эшигига ҳовлида ўйнаб юрадиган болалар бўр билан «Жинни Марго» деб ёзиб қўйишган. Аёл уни ўчириб ташламас, хафа ҳам бўлмас эди.

— Биринчидан, буни фаришталар ёзган, иккинчидан, тўғри гап, — дерди у.

Отасидан эрта айрилган Марго онасининг қўлида якка-ёлғиз фарзанд эди. Ёқимтой, қадди-қомати келишган, бутун маҳалла аҳли суюб-эркалайдиган бу қиз йилдан-йилга очилиб, чиройига чирой қўшилиб борарди. Верэликлар у билан фахрланишарди. Бу ҳол 1936 йилдаги ўша машҳур кунгача давом этди. Шу кунни шаҳарни мисли кўрилмаган сел босиб, Нахаловканинг ярмини оқизиб кетди, Пескидаги тегирмонни таг-туғи билан гумдон қилди, ҳаммомларнинг остки қаватида чўмилаётганлар сув остида қолди. Ўша кунни Маргонинг офтоби сўнди, толеи бир умрга қаро бўлди.

Бу воқеадан сал олдинроқ верэлик кампирлар Маргони заргар Гогиянинг эркатой ўғли Ваного унаштириб қўйган эдилар. Шаҳарнинг ўша пайтдаги таомлига кўра, келини кўрикдан ўтказишарди — қиз ҳаммомда қип-яланғоч бўлиб, ўзини бўлажак қайнонаси, қайнисинглисига кўрсатиши керак эди. Қизнинг бирор нуқсонини йўқмикан, тагин алданиб қолмайлик, деган фикрда шундай қилинарди. Қайнона ҳам, қайнисингил ҳам, Маргонинг шўрпешона онаси ҳам бор бўлсин! Шундоқ қизни ҳам текширадими?! Ахир, Марго хуркак охудай Петриашвили кўчасидан чошиб ўтиб, Меликишвили кўчасига бурилгунча сотувчилардан тортиб дўконларнинг олдига уймалашиб юрган харидорларгача — ҳамманинг оғзи ланг очилиб коларди-ку!

Хуллас, ўша яқшанба кун эрталаб Марго аёлларнинг ҳаммомига олиб боришди. Қиз ечиниб, атрофини қора қарғадай ўраб олган аёлларнинг қаршисида ғоз турди. Унинг таранг кўксини чўлғаб олган симобий сочлари, мармардай силлиқ бадани, ҳайкал янглиғ расо қадди-қоматини кўрган кампирлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Улар тишлари тушиб, ўрадай бўлиб қолган оғизларини чалпиллатганча қизнинг латофати хусусида бир-бирларига гап маъқуллаб турган бир

1 Нахаловка, Пески — Тбилисидаги районларнинг эски номи.

1 «Қочинглар!», «Йўл беринглар!»

пайта — худди ана шу дақиқада ҳаммомга бало-қазодай сел ёпирилиб кирди. Утакаси ёрилган аёллар бараварига ўзларини ташқарига уришди, аммо эшикни ичкарига тортиш ўрнига, тўс-тўполон билан орқага итара бошлашди ва шу тариқа ўз йўлларини ўзлари тўсиб қўйишди. Лойқа сув бир лаҳзада ертўлага жойлашган ҳаммомни тўлдирди. Дод-фарёдлар тинди... Ёрдамга чопиб келган одамлар ҳеч кимни қутқара олмасликларини тушунишди... Шунда кимдир ертўлалардан бирининг шифтидаги панжарага ёпишиб олган, кўзлари даҳшатдан бақрайиб қолган қизни эслади. Панжарани жойидан кўчиришди, аммо қизнинг унга чангақдай ёпишиб қолган бармоқларини ажратиб олиш осон бўлмади.

Марго бир ой касалхонада ётди. У ҳеч нарсани — онаси ва бўлажак қариндошларининг ҳалок бўлганини ҳам, ўша кунги даҳшатли селни ҳам эслаёлмасди, унинг учун гўё ҳеч нарса рўй бермагандай эди... Врачларнинг барча хатти-ҳаракатларидан наф чикмади — қиз миқ этмай тураверди... Кейин уни руҳий касалликлар шифохонасига ўтказишди. Марго у ерда ярим йил ётди. Ниҳоят, қиз сал ўзига келди, тилга кирди, аммо ақли бир умрга хиралашганини ҳамма тушунди. Шунча вақт ичида аблаҳ Вано келиндан бир марта ҳам хабар олмади, тақдири билан қизиқмади, сариқ чақа ҳам юбормади...

Марго уйига қайтгач, бир ҳафтагача ҳужрасига қамалиб ўтирди, ҳеч кимни киритмади ҳам. Бир куни эрталаб қўшнилар қизнинг қўшиқ айтганини эшитиб қолишди. Эшикни бир амаллаб очиб, ичкарига киришди. Марго стол ёнида ўтирар, столда икки шиша «сапирави» виноси турар эди. Шишалардан бири бўш, иккинчиси ҳали тўла эди. Қиз қўшниларни кўриб, бир кулиб қўйди ва яна қўшиқ бошлади:

**Рақсга тушаман бирга,  
Хоҳ лезгинка, хоҳ танго.  
Келақолинг, кепқолинг,  
Мунтазир сизга Марго...**

Қўшнилар ҳам, таниш-билишлар ҳам ўз ташвишлари билан бўлиб кетиб, аста-секин Маргони унута бошлашди. Унинг ўзи ҳам ёлғизликка кўникиб қолди. Аммо ҳамманинг ёдидан кўтарилган қиз бирор марта ҳам кўчага чиқиб тиланчилик қилмади.

У ўзига тўқ онлаларнинг кир-чирларини уйда ювиб юрди. Топгани қорнига бемалол етарди. Бора-бора, ўзи ҳам сезмай, ичкиликка ружу қўя бошлади. Қиз доим озода кийинар, ички либосларини ҳар куни алмаштирар эди. Қўлига пул тушиши билан тўйиб ичиб оларди-да, кўчада юриб севган қўшиқларини айтарди, йўловчиларга, кўриб қўйинглар, дегандай эгнидаги кўйлагини кўз-кўз қиларди. Кўйлакни ким тикканини айтишни ҳам зинҳор унутмасди...

Вақт ўтиши билан ичкилик ўз таъсирини кўрсата бошлади. Маргонинг юзи олдинги тиниқлигини йўқотиб, ажин билан қопланди. Энди эрта сўлиган, маст бўлиб кўчада ашула айтиб юрадиган бу аёлни кўрганлар орасида фақат уни ёшлигидан билган, унинг аввалги латофатини унутмаган маҳалла қарияларигина ачиниш бош чайқаб қўйишарди.

То маҳалла аҳли ақлдан озган Маргонинг қилиқларига кўниккунга қадар шўрпешона қизнинг устидан кулган, уни калака қилган одамлар ҳам бўлди. Шу тўфайли Марго сўкиншига ўрганди. Катта кўчанинг ўртасига туриб олиб, дилини оғритган одамни шундай беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилардики, йўловчилар қулоқларини беркитиб ўтиб кетишарди. Аммо ёш болага кўзи тушди дегунча дарров жим бўлар ва секин уйига жўнаб қолар эди.

— Фариштанинг қулоғини булғатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳатто худонинг ҳам! — дерди у.

Яна бир нарса: Марго шунчалик ночор аҳволда яшашига қарамай, бирор марта ҳам қизлик номусига доғ туширмади, ифратини йўқотмади. Верэнинг уни танийдиган ҳар бир фуқароси қизнинг фариштадай поклигига қасам ича оларди...

Кечкурун Марго Бачананикига келди.

— Уйдამисан, етимчагинам? — деб қичқирди ва у жавобни ҳам кутмай хонага кирди. Бачана стол ёнида ўтириб халқ хўжалигини планлаштиришни ўрганарди — чоршанба куни имтиҳон топшириш керак эди.

— Нима дейсан, Марго? — деди у консектнни бир четга қўйиб.

— Қани, ювадиган нима нарсанг бор? — деб сўради Марго ва консектнни олиб арақлай бошлади.

— Ҳеч нарсам йўқ. Ҳаммаси эгнимда!

— Қараб кўр, топилиб қолар! — Марго бўш келмади.

Бачана шкафни очиб, иккита эски кўйлак билан роса ўнгиб кетган шимни полга ташлади.

— Эҳтиёт бўлиб юв, сузилиб турибди ўзи, деб илтимос қилди у ва яна консектнга шўнғиб кетди.

— Нахотки, консектннг шунчалик қизиқ бўлса, бош кўтаргинг келмайди-я! — деди Марго девордаги шкафчани очиб.

— Жудаям қизиқ, ундан ташқари яқинда имтиҳоним бор!

— Вой, тентаг-эй! Қизиқ бўлса, ўқиганинг учун пул тўлашармиди, қайтага сендан пул олишарди! — Марго зарда билан шкафни ёпди. — Бўш қутини нима қиласан олиб ўтириб? Ҳовлига чиқариб ташла!.. Ичадиган нарсанг борми?

— Валерьянка бор.

— Валерьянкагни имтиҳон олдидан профессорингга бер!

Марго энгашиб, полда ётган шим ва кўйлакларни олди. Қаддини ростлади-ю, афтини буриштирганча қорнини чангаллаб қолди.

— Вой ўлгур-эй, кечадан бери қийнайди-я! — деди у ва кўйлаклардан бирини ёйиб кўриб, бош чайқайди: — Нима бу ўзи — кўйлакми ё дастурхонми? Танц-Геурканинг бутун таомномаси ёзилган-ку! Уялмайсанми?

— Уяламан, азизим Марго, лекин иложим қанча?

— Уйлан, тентак, уйлан!

— Шунақа дегин? Хотинни нима билан боқаман?

— Бир-бирларингни ейсанлар!

— Бўпти, уйланаман! — дея ваъда берди Бачана.

— Кийимларингни эртага кечкурун опкеламан. Беш сўм тайёрлаб қўй! — Марго эшикка қараб юрди. Кейин бирдан тўхтаб, этагини кўтарди-да, чиройли креп-жоржет турсигини кўрсатди: — Қани, топ-чи, кимнинг иштони бу?

Бачана елкасини қисди.

— Ташқи ишлар темир йўли маданият министрники! — деди Марго ғурур билан ва хонадан чиқиб кетди.

Эртасига кечкурун Марго келмади. «Ичган бўлса, ухлаб ётгандир-да», деб ўйлади Бачана ва ўзи йўлга тушди.

Ҳужра эшиги очиқ эди, чироқ ёниб турарди. Марго тўшақда гулдор, пуштиранг тунги кўйлақда ётарди. Унинг юзи қизариб, бўғриқиб кетган, кўзларида ҳовур бор эди.

— Ҳа-а, етимчагинам, келдингми, билувдим келишингни, — дея жилмайди у ва қўлтиғидан термометрни олиб Бачанага узатди. — Ма, қара-чи, қанчайкин? Ўзим ҳеч нарсани кўрмаяпман, кўз олдимда нуқул сариқ ҳалқачалар айланяпти...

Бачана термометрга қараб, дами ичига тушиб кетди: симоб устунни ўттиз тўққизу тўққизда турарди.

— Нима бўлди сенга, Марго?

— Билмайман, азизим... Бир бало ичимни пармалаётганга ўхшайди... Вино ҳам, ароқ ҳам кор қилмади... Кечгача аранг чидадим... Мана, энди ётиб қолдим... Қанча бўпти?

— Кўп... — деди Бачана термометрни столга қўйиб.

— Қанча ахир?

— Ўттиз саккиз...

— Шиминг билан кўйлакларинг столда турибди. Худого шукр, танзимоллашга улгурдим... Шкафни очсанг, сирка бор, озгина сув аралаштиргин-да, сочиқни

қўллаб, пешонамга қўйиб қўй... Бошим тарс ёрилиб кетай даяпти. Шўрлик бошимга шу етмай турувди Бачана Маргонинг илтимосини бажарди.

— Ҳозир бориб, бирортасини олиб келаман, — деди у.

— Кимни?

— Дўхтирни.

— Э-э, мен телбага кимнинг кўзи учиб турибди дейсан? Уларнинг қўлида соғ одамлар ўлиб кетяпти-ку қаровсиз қолиб... — дея жилмайди Марго.

Бачана индамай ҳужрадан чиқдию Петришвили кўчасининг эстагига қараб чолиб кетди.

Уртоқлари дорихона олдида нима ҳақдадир баҳслашиб туришарди.

— Марго ўляпти! — деди Бачана ҳаллослаб бориб.

— Нега ўлади?! Кеча шу ерда кўрувдик-ку? — Тенгиз хайрон бўлди.

— Кўрувдик, лекин ҳозир ўляпти! — деб такрорлади Бачана.

— У нима деганинг? Тушунтириброқ гапирсангни! — дея жеркиб берди Коплик.

— Айтяпман-ку — ўляпти!

— Нима бўпти? — деб сўради Цицка.

— Қорним оғрияпти, дейди. Ҳарорати — қирқ!

— Нима бўлган экан, Датико? — деб сўради Копака.

— Билмайман, Тенгиз. Врач-хирургни чақирриш керак.

— Шатиришвилини кимга борамиз! — деди Кока.

— Шатришвилининг — аблаҳ одам! Текин ҳеч қаёққа бормайди, ҳозир ухлаб ётган бўлишиям мумкин! — Бердзена ижирғаниб, бир четга қараб тупурди.

— Қўйинглари уни! Ҳозир бориб, Вахтангнинг отаси Игнатий амакини бошлаб келаман, у яхши киши! — Цицка шундай дедию тўдадан ажралиб, чопганча кетди.

Беш минутдан сўнг болалар оёқ учиди юриб Маргонинг ҳужрасига киришди-да, индамай каравот ёнига тизилишди. Аёл ҳамон типирчилаб ётарди. Болаларни кўргач, тирсагига суяниб гавдасини хиёл кўтарди-ю, кейин яна ўзини ёстиққа ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Сал ўтмай, қандайдир асабий севинч билан кула бошлади.

— Қадрдон укаларим... Сизларни кутган эдим, хато қилмаган эканман... Азизларим... Нега азага келган одамдай тизилишиб турибсизлар? Уларингни эркин хис қилинглари... Илойим бор дәрдрларингиз телба Маргога ўтсин...

— Ташвишланма, Марго, ҳозир Цицка врачни бошлаб келади, — деди Тенгиз базўр.

— Врачни нима қиламан? Мен энди ўлмайман. Оғриқ ҳам йўқолди, ҳароратим ҳам пасайди... — Марго пешонасидаги ҳўл сочиқни олиб, бурчакка улоқтирди. Бачана сочиқни қайтадан ҳўллаб, яна беморнинг бошига қўйди.

— Етимчагинам, йигитларни сен ваҳимага солдингми? Улардан кечирим сўра! Ҳозироқ сўра! Уҳ-ҳў! Қайси бемордан, айниқса, жинни бемордан шунча одам ҳол сўрагани келган?! Яшавор, Марго! Офарин, Марго! — Қиз яна йиғлашга тушди. Болалар нима қилишларини билмай, бошларини қўйи эгганича туришарди. Марго ўзини андак босиб олгач, яна Бачанга мурожаат қилди: — Анови шкафда ёғоч қутича бор, ўшани олиб бер... Раҳмат... — У қутичани кўксига қўйди, бир оз ўйланиб тургач, қулоғига тутиб силкитиб кўрди, кейин мамнун жилмайди-да, қопқоғини очди. Қутичада арзон нархли узук, исирға, билагузук ва бошқа ҳар хил ялтироқ нарсалар бор эди.

— Мана бу бебаҳо тош Афғонистоннинг пойтахти Кобилдан атайлаб малика Тамарага келтирилган... — Марго қутичадан мовий кўзли, икки сўмгина турадиган жез узукни олди. — Буни сенга тақдим этаман, Копака... Уйланганинга келиннинг ўнг қўлига, ўрта бармоғига тақиб қўй... Маргонинг совғаси, дегин. Яна шуниям айтгинки, агар мен ёшроқ бўлганимда у қиз сени тушида ҳам кўрмасди... Омадингни берсин!.. Ма, ол!..

Тенгиз узукни олдию бир ютиниб қўйди.

— Мана бу сенинг хотинингга, князь Кока Амирежиби, ҳинд маржонидан ясалган исирға... Кўк кўзли, қорасоч, оқбадан аёлларга ярашади... Ма, ол, тортинма!.. — Марго Коканинг кафтига ўйинчоқ исирғани қўйди.

— Мана бу тилла билагузук — сенга, Бердзена!.. Доғистон заргарлари ясаган... Бунақа билагузук баланд бўйли, кўкси таранг, қоракўз аёлларга мос тушади... Тақдим этаман сенга! — Бердзена Маргонинг қўлидан консерва қутисидан ясалган ҳалқани эҳтиром билан олди-да, чурқ этмай хонадан чолиб чиқиб кетди.

— Бу эса менга! — Марго илга тизилган кумуш тангаларни кўксига қўйди. — Бу маржонни эсимни таниганимдан буён олиб юраман, шунинг учун ҳеч кимга бермайман... Хафа бўлманглари!.. Бачана, яқинроқ кел!

Бачана қизнинг ёнига борди.

— Сенга манави форс зумрадини бераман... Албатта камбағал, етим қизга уйлангин, бошқаси сени тушунмайди... Ма, ол, илойим бахтинг очилсин!.. — Бачана Маргонинг қўлидан сим ўтказилган яшил тугмачани олди. — Қолганларини ўзинг тарқат...

Бачана қутичани кўтарганча ҳар қайси боланинг олдига бориб, қўлига илинган нарсани биттадан улашиб чиқди.

— Чарчадим... Бу ўлгур пармалашини қўймапти... — Марго инграб, бошини орқага ташлади

— Бир оз чиди, Марго, ҳадемай врач кепқолади!

Кўрқма! — деди Коплик овози титраб.

— Нега кўрқарканман? Бу кунни кўпдан буён кутаман, худди қуёш чиқишини кутгандай кутаман... Тезроқ келақолсанг-чи, ажал, нега мени бунча қийнайсан?! — Марго кўзларини юмди. Икки юздан дув-дув ёш оқиб тушди.

— Келди! — деди кимдир.

Хонага профессор билан Цицка кириб келишди. Профессор ҳамма билан бош силкиб саломлашгач, тўппа-тўғри Марго ётган каравот ёнига борди. Болалар шошиб унга стул қўйиб беришди. Профессор беморнинг томир уришини кўрди, кейин мисдай қизиб ётган пешонасига кафтини қўйди.

Марго кўзларини очди.

— Салом, азизим! — деди профессор кулиб.

Марго қўли билан кўзёшларини артиб, докторга тикилиб қаради.

— Худо хайрингизни берсин, муҳтарам Игнатий! — деди қиз жилмайиб.

— Исимини қаёқдан биласиз?

— Сизни ким танимайди! Грузиянинг ярми сиз туфайли у дунёдан қайтиб келган!

— Сал камроғи! — дея ҳазиллашди профессор. — Хўш, нима безовта қияпти, азизим?

— Манови шумтакалар ярим кечада оромингизни бузгани мени безовта қияпти!

— Буни ўйламанг, — деди профессор, — касбим шу, кундузи ухлайвераман... Қаерингиз оғрияпти?

— Ичим ёниб кетяпти, доктор...

— Қачондан бери?

— Эрталабдан... Йўқ, кечадан, ўтган кундан бери...

Авалл ароқ ичсам босиларди... Бугун ётиб қолдим... — Қани, адёлни кўтаринг-чи! — деди профессор.

Марго болаларга, сўнг профессорга қаради:

— Жинни бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, уяламан, доктор...

— Ҳаммамиз ҳам маълум даражада жиннимиз, лекин ҳеч нарсдан уялмаймиз, — деб тўнғиллади профессор ва ўзи адёлни кўтариб ташлади. Болалар юзларини четга буришди. Профессор тўрт бармоғи билан беморнинг қорнини оҳиста боса бошлади: — Оғрияптими?.. Оғрияптими?!

Марго лабини тишланганча миқ этмасди. Профессор кўриб бўлгандан кейингина қиз инграб юборди:

— Ҳамма ерим оғрияпти, доктор, бундан кўра ўлганим яхши...

Профессор адёлни ёпиб қўйиб, беморнинг ўнг тиз-

засини букди-да, аста-секин юқорига кўтариб, қорнига тиради. Марго қичқириб юборди.

Профессор шошиб ўрнидан турди.

— Телефон борми?

Цицка Маргога савол назари билан қаради.

— Дугладзеникида бор, — деди қиз инграб.

— Дарҳол «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилинглар, Игнатий Жикия илтимос қиялпти, денглар. Тез етиб келишин!

Цицка чолиб чиқиб кетди.

— Аҳволим оғирми, доктор? — Марго ўрнидан туриб, каравот четига ўтирди.

— Ётинг, азизим, сизга қимирлаш мумкин эмас! —

Профессор қизни яна оҳиста ўрнига ётқизиб қўйди. — Шу пайтгача қаерда эдингиз?

— Ҳечқиси йўқ, доктор, ўлим мен учун — байрам. Ўзингизни қийнаманг...

Профессор стол ёнига бориб ўтирдию бошини кафтига тираганча жим бўлиб қолди.

Кока профессор костюмининг ён чўнтагига сездирмайгина пул солиб қўйди. Профессор Кокага қайрилиб ҳам қарамай, пулни олиб столга қўйди. Кейин қўйин чўнтагидан бир даста ўн сўмликни чиқариб, ҳалиги пулларнинг ёнига ташлади. Сўнг ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Болалар унга эргашиди.

— Умид борми, профессор? — деб сўради Бердзена.

Профессор бош чайқади.

— Сираям-а? — деди Тенгиз.

— Бир процент...

— Унга нима бўлган ўзи, профессор?

— Перитонит... Кўричаги ёрилиб кетган... Уч кундан бери шу аҳволда юрибди-я... Шунақа ҳам бўладими!..

Ун беш минутлардан сўнг «Тез ёрдам» машинаси келди. Маргони замбилга ётқизиб, машинага олиб бориди. Хўжрасидан чиқаётганда у болаларга юзланди:

— Алвидо, Верэнинг йигитлари! Алвидо, қадрон укаларим! — Шундай деб, у замбилдан хиёл бошини кўтарди-да, ёлвориб илтижо қилди: — Ҳаммомга борманглар! Ҳеч қачон ҳаммомга борманглар! Менинг васиятим шу!..

Маргонинг жасадини сешанбада, 1936 йилги тошқин куни Маргонинг ўзи келтирилган ўша касалхона биносидан чиқаришди.

Бутун Верэ, Петриашвили ҳамда Меликишвили кўчалари одамга лиқ тўлган, Маргони танийдиганлардан кўра уни танимайдиганлар кўпроқ эди.

Гулга кўмиб ташланган тобутни Верэ довонидан саккиз йигит кўтариб борарди, улар билан ёнма-ён яна саккиз тобуткаш одимларди. Тобутдан сал олдинроқда гуллар билан безатилган автомашини ўрмаларди. Гул шунақа кўп эдики, гўё улкан жонли гулдаста кабристонга ўз оёғи билан юриб бораётгандай туюларди.

Меликишвили кўчасида ҳаракат тўхтаб қолди. На автобус, на машина, на тремвай юра оларди. Петриашвили кўчаси муюлишига етганда йигитлар беш минутга тўхташди. Аввал битта машина, кейин иккинчиси, сал ўтмай бошқалари ҳам сигнал бошлади. Бир зумда бутун маҳаллани сурункали садо тугти кетди.

— Яна қанақа намойиш?! — деб бақирди тасодифан бу машиналар оқимига кириб қолган бошқа бир шофёр кабинадан бошини чиқазиб: — Қачонгача турамиз бу аҳволда?!

— Сигнал бер! — деди унга шу маҳаллалик бир йигит.

— Нега? — дея ҳайрон бўлди шофёр.

— Керак!

— Керак деганинг нимаси?!

— Керак деганим — мана! — Йигит кабина зинасига сакраб чиқиб, ўзи сигнални босди.

— Қўлингни торт! Аккумулятор ўтириб қолади!..

— Ҳечқиси йўқ, итариб юргизамиз! — деб жавоб берди йигит сигналдан кўлини олмай.

— Намунча ваҳима! Қанақа амалдорни кўмишяпти ўзи?! — Шофёр хуноб бўлиб, яна кабинадан бошини чиқазди.

— Верэлик Маргони кўмяпмиз...

— Кимни?

— Менга қара, бос дегандан кейин босавермайсанми! — Йигит шофёрнинг бошини ичкарига итарди. — Қанақа галварссан ўзи?!

Шофёр бояғи йигит жиддий гапирётганини англаб, бор кучи билан сигнални боса бошлади. Йигит бошқа машинанинг олдига борди. Ҳаял ўтмай бу машина ҳам сигнал бера бошлади. Йигит сал узоқлашгач, шофёр тўнғиллаб қўйди:

— Жанна Д'Аркни кўмишяптими дейман?!

— Йўқ, Марго жинини кўмишяпти! — деди шу ердан ўтиб кетаётган бир одам.

— Жинини?! Жинини ҳам шунча ваҳима билан кўмишадими?

— Бизда шундай! — деб жавоб берди машина ёнида турган мотам иштирокчиларидан бири.

— Қойилман! Бунақа маҳаллада ўлсанг ҳам алам қилмайди! — деб хитоб қилди таъсирланиб кетган шофёр.

Кечқурун Танц-Геурка майхонаси верэлик йигитлар билан тўлди. Столлар одмигина тузалган эди — нон, пишлоқ, вино, редиска. Косагул сайлашмади. Ҳамма жой-жойига ўтириб, ғала-ғовур тингандан кейин Цицка ўрнидан турди-да, стаканига вино тўлдириб, икки-уч томчисини нонга томизди ва тўпланганларга қарата шундай деди:

— Маҳалламиз бошига тушган қайғу учун, маҳалламиз кўзёшлари ва қувончи учун, маҳалламизни тарк этган нафосат учун!

Ҳамма ўрнидан туриб, стаканини бўшатди.

Шу куни Танц-Геурка майхонасида бошқа бирорта ҳам сўз айтилмади, бирор стакан ҳам вино ичилмади.

— Бўшсан, Рамишвили, бўшсан... — Ҳафсаласи пир бўлган профессор истамайгина Бачананинг имтиҳон дафтарчасини варақлай бошлади. — Нима гап ўзи?

Бачана индамади.

— Сенга нима бўлди, Рамишвили? — Саволига жавоб ололмаган профессорнинг тоқати тоқ бўлиб кетди.

— Тобим қочиб қолди, муҳтарам профессор, яхши тайёрланолмадим...

— Тобинг қочиб қолмаган, анови жинни аёл билан ўралашиб қолгансан! Кеча тобутининг орқасида, худди туғишгандай, бош эгиб кетаётганингни кўрмабманми?

— У жинни эмас эди, муҳтарам профессор, — деди Бачана.

— Ким бўлмаса? Шоҳ Ирақлийми? Тавба, бутун маҳалла оёққа турибди-я! Икки соат ҳаракат тўхтаб қолди!

— У хаста аёл эди, муҳтарам профессор, руҳан хаста аёл эди! — Бачана ўпкаси тўлиб кетганини сезиб, ўрнидан турди.

— Қаёққа? — Профессор ҳайрон бўлди.

— Бошқа сафар келаман, — деди Бачана аста.

— Сенга бирор яқинлик томони бормиди унинг? — У менинг опам эди...

Профессор Бачананинг кўзларига тикилиб қаради. Бачана бу нигоҳга бардош беролмай бошини эгди. Орага жимлик чўкди. Ниҳоят, профессор имтиҳон дафтарчасини ёпиб, Бачанага узатди ва:

— Боравер, Рамишвили! — дедию ўрнидан туриб, дераза олдига борди.

Бачана дафтарчани чўнтагига солиб, хонадан чиқди.

— Хўш, қалай? Неччи бўлди? — Студентлар уни дув қуршаб олишди.

Бачана жавоб бермади. Коридорга бурилмай, зинаподдан чопқиллаганча университет ҳовлисига тушди-да, ўзини бўш скамейкага ташлади. Шу ўтирганча узоқ вақт ўтирди, у ҳеч нарсага кўрмасди ҳам, сезмасди ҳам. Анчадан кейин чўнтагидан имтиҳон дафтарчасини олиб, беихтиёр очиб қаради.

...Бу — Бачананинг ҳаётидаги биринчи «беш» эди

У дафтарчасини ёпди, салдан кейин яна очиб қараган эди, ҳеч нарсага кўра олмади.

Бачананинг кўзлари жиққа ёш эди.  
Бачана йиғларди.

12

Буликанинг ўлимидан сўнг профессор Бачана билан руҳонийни ёмон ўй-хаёллардан асраш ниятида палатага ҳеч кимни ётқизмасликини ва бўш каравотни олиб чиқиб кетишни буюрди. Аммо бўш жой бўш каравотдан ҳам совуқроқ кўринар экан.

Ҳар кун эрталаб уйғонишлари билан Бачана ҳам, ҳазрат Иорам ҳам яқиндагинада Буликанинг каравоти турган жойга беҳтиёр қараб қўйишар, юраклари ичидан зирқираб кетар эди. Кейин, кун бўйи у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ётган пайтларида ҳам, гўё мана ҳозир Булика ҳазил аралаш луқма ташлайдигандай жим бўлиб қолишарди.

Бу аҳвол икки ҳафтагача давом этди. Кейин вақт ўз ишини қилиб, Бачана ҳам, ҳазрат Иорам ҳам Буликанинг йўқлигига аста-секин кўника боришди...

Бир кун эрталаб ҳазрат Иорам Бачанага кутилмадан савол бериб қолди:

— Ҳурматли Бачана, сизни Дидуби қабристонига қўйишса керак, а?

Бачана аввалига кулиб юборди, кейин безовталаниб қолди:

— Нима бало, ёмон туш кўрдингизми?

— Шунақа, лекин тушим сизга эмас, ўзимга алоқадор, — деб жавоб берди ҳазрат Иорам синиқ оҳангда.

— Ундай бўлса, қаерга қўйилишни мендан эмас, сиздан сўраш керак экан... Негадир муғомбирлик қилясиз, отахон!

— Топдингиз... Демокриманки, мабодо сиз сағанага қўйилсангиз, менга ҳам ўша ердан, черков ҳовлисида икки қулоч жой топилиб қолар...

— Агар бунақа нуқтаи назардан қаралса, мен Ёзувчилар союзининг ҳовлисига кўмилишим керак... Башарти, сиз Дидуби черковига нозир бўлиб ишга ўтсангиз, қабрда девор-дармиён қўшни бўлишимиз ҳам мумкин!

— Демак, сизнинг жойингиз тайин, акс ҳолда бунақа ҳазил қилмасдингиз! — дея хулоса ясади ҳазрат Иорам.

— Янглишяпсиз!

— Нима учун?

— Чунки Дидуби қабристони тўлиб бўлган. Мени у ерга тикиштиришнинг иложи йўқ... Агар тикка қилиб кўмишмасам... Лекин бир нарсага имоним комил: иккаламизни ҳам қабрсиз қолдиришмайди.

Ҳазрат Иорам оғир хўрсинди.

— Қанақа туш кўрдингиз ўзи, отахон?

— Асти сўраманг!.. Шу пайтгача ўзим жанозасини ўқиб, нариги дунёга йўллаган марҳумлар Ортачала черковининг ҳовлисига тўпланиб, менинг чиқишимни кутиб туришганмиш!

— Хўш, кейин нима бўлди? Чиқдингизми?

— Э-э... мен кўрқоқ, мен нодон... меҳробга яшириб ўтирганмишман... Эсласам, уятдан ерга кириб кетгим ёки ўзимни осиб қўйгим келади!..

— Ўз жимига қасд қилиш, отахон, инсон эркини намойиш этишнинг энг олий шакли. Лекин, афсуски, бу нарсани динингиз қатъиян манъ қилади, ниҳоятда оғир гуноҳ ҳисоблайди! — деди Бачана жиддий оҳангда.

— Билишимча, ўзини ўлдирган одамга сизлар ҳам чапак чалмайсизлар, шекилли? — деди ҳазрат Иорам.

— Ҳар ҳолда, баъзи масалаларда фикримиз бир жойдан чиқаяпти. Шунинг учун ҳам, сиздан яхши коммунист чиқади, деган эдим-да!

— Агар ёдингизда бўлса, мен сизга, аксинча бўлиши ҳам мумкин, деб айтган эдим! — Ҳазрат Иорам ҳам бўш келмади.

— Кўпам ошиқманг бунга, отахон, тагин бутун қавмингизни коммунистга айлантирвормайин!

— Сиздан кутиш мумкин! Коммунистнинг олдида,

бунинг устига яна ёзувчи бўлса, руҳоний ҳам ип эшолмайди! Менинг биттагина умидим — жоннинг бошқа шамойилда инъикос этишидан. Бу дунёга қайта тирилиб келганингизда, эҳтимол, ана ўшанда ҳақ таолога сиғиниб қоларсиз! — Ҳазрат Иорам бир чўқиниб олди.

— Ёзувчи зоти, отахон, ўз халқининг содиқ ити бўлади... Мен жоннинг бошқа шаклда пайдо бўлишига ишонмайман, мабодо, шундай бўлган тақдирда ҳам, менинг жоним ҳеч шубҳасиз ит қиёфасига киради. Бинобарин, мен ўлганимдан кейин кўча-кўйда санғиб юрган дайди итларга раҳм-шафқат қилинг, уларга тош отманг, чунки ўша итларнинг бири мен бўлишим мумкин!

— Ажаб гапларни гапирдингиз, ҳурматли Бачана! Аммо-лекин ҳар бир ўлган ёзувчининг жони дайди итлар танасига ўтаверса, бу дунёда яшашнинг қизиғи қолармикан? — деди ҳазрат Иорам истеҳзо билан кулиб.

— Қизиғи қолмайди, албатта, агар сизнинг жонларингиз бўри қиёфасига кирса!

— Нега энди бўри бўларкан?

— Ўз қавмларидан қочиб, яшириниб олган руҳоний арслон бўлармиди! — деди Бачана кулгисини аранг босиб. Ҳазрат Иорам ётган жойида бир қимирлаб қўйди, лекин ҳадеганда жавоб тополмай, нариги ёнбошига ағдарилди.

— Лекин сиз ташвишланманг, — дея давом этди Бачана, — хайрли туш кўрибсиз. Юз йил яшайсиз.

Ҳазрат Иорамга сал жон кирди.

— Марҳамат қилиб, айтинг-чи, — деди у, — сизларнинг маъмуриятингизга солиштирганда менинг вазифам қайси лавозимга тўғри келади?

— Қавмингизда қанча одам бор?

— Биз диндорларни ҳисобини олмаймиз.

— Ҳа, майли. Черковингиз хайр-садақадан қанча даромад қилади?

— Хўш, нима десамикин... Ҳар ҳолда, ибодатхонанинг таъмирига етмайди...

— Қандай кун кечиряпсизлар бўлмаса?

— Давлат пул бериб туради.

— Йўғ-э! Коммунистлар черковга пул берадими?! — дея хитоб қилди Бачана.

— Нима қипти! Черковни қавмлардан маҳрум қилгандан кейин беради-да...

— Ҳа-а-а... Ундай бўлса, сизнинг вазифангиз, отахон, бизнинг маъмурий тартибларимизга кўра, қишлоқ клубининг мудир лавозимига тўғри келади, — деди Бачана ҳазрат Иорамнинг жамиятдаги ўрнига аниқлик киритиб.

— Куляпсизми?

— Нега энди?

— Диний семинарияни тугатганман-а!

— Кўпчилик клуб мудирларимиз олий маълумотга, ҳеч бўлмаганда — ўрта махсус маълумотга эга! Унвонларини айтмайсизми! Хизмат кўрсатган санъат арбоби, хизмат кўрсатган маданият ходими!.. Сизларнинг орангизда лоақал бирорта республикада хизмат кўрсатган руҳоний борми? Бунақасини эшитмаганман? — Бачана очик-ойдин тантана қиларди.

Ҳазрат Иорамнинг руҳи тушиб кетди.

— Қўйинг, хафа бўлманг! Яхшиси, бизнинг томонимизга ўтинг, сўз берман: сизни райкомга инструктор қилиб тайинлаймиз!

— Ҳурматли Бачана! — Руҳоний астойдил хафа бўлди. — Бу ерга нима учун келгансиз ўзи? Православ динини яқсон қилиш учунми ёки инфарктингизни даволаш учунми?! Ўзингиз биз томонга ўтақолинг, сизни ноиб қилиб тайинлайман, ахир хоҳласангиз!

— Нега ҳаҳлингиз чиқади, отахон? Агар таълимotingиз тўғри бўлса, ўлганимдан кейин бутунлай сизнинг ихтиёрингизда бўламан. Ушанда мени нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз! — деди кулиб Бачана.

— Э, қуллуқ бўтагинам! У дунёда сиз билан учраш-



маймиз! — дея ҳазрат Иорам бу таклифни кескин рад этди.

— Нима учун?

— Хомтама бўлманг! Коммунистларнинг тили билан айтганда, таржимаи ҳолингиз сизни жаннатга тавсия эмиш учун асло имкон бермайди. Сиз тўппа-тўғри дўзахга равона бўласиз! Тушундингизми?

— Дўстлигимиз-чи? Наҳотки, у дунёда ошна-оғайнигарчилик бўлмаса? — Бачана руҳонийнинг хўнглини юшватмоқчи бўлди.

— Сиз шайтондан дарс олган одамсиз! Менинг оғайнигим фойда бермайди...

— Агар тавба қилсам-чи?

— Гуноҳингизни бўйингизга оласизми?

— Гуноҳим бўлмаса-чи?

— Албатта. Сизда гуноҳ нима қилсин! Дунё ўзингизники, нимаики қилсангиз ҳам сиз ҳақ бўлиб чиқарасиз!.. — Ҳазрат Иорам қўл силтади.

— Имони басаломат инсонлар хушбахтдир, отахон... Қилаётган ишимизнинг тўғрилигига бизнинг имонимиз комил... — деди Бачана жиддий.

...Палатага ҳамшира Женя кириб келди. Бачана билан ҳазрат Иорам дарров аёлни қайириб, юзтубан ётишди-да, укол қилинадиган жойларини очишди. Женя хаҳолаб кулиб юборди:

— Бекитинглар, ўртоқлар, бекитинглар! Бу гал қўлимда шприц йўқ... Сизга меҳмон опкеляпман, хурматли Бачана, шу аҳволда кутиб олсангиз қандоқ бўларкин!?

— Меҳмон? Нима иши бор экан? — Бачана хушёр тортиди.

— Соғлигингиз билан қизиқяпти... Тувак тураверсинми ёки опчиқиб кетайми? — деди Женя ҳамон кулгисини босолмай.

— Эркаки ё аёлми?

— Аёл. Яқинларингиздан экан...

— Ундай бўлса, тураверсин! — Бачана навбатдаги учрашувга ҳозирланди.

— Хўп бўлади!

Женя чиқиб кетди. Шу заҳоти палатага сочларига оқ оралаган, ўрта ёшлардаги ҳаракатчан бир аёл кирди. Қўлида семиз папкаси ҳам бор эди. У хонанинг ўртасига етганда тўхтаб, бир оз иккиланиб турди-да, сўнг ҳазрат Иорамнинг каравоти томон юрди.

— Салом! Мен оилангизнинг дўсти Нина Санеблидзе бўламан! — деди у ва таклифни ҳам кутмасдан руҳонийнинг рўпарасига ўтирди.

— Оиланинг дўсти?! — Чол ажабланди.

— Ҳа. Отангиз Акакий билан менинг дадам Лазарь 1915 йилдан 1916 йилгача Боку sanoat техникумида бирга ўқишган.

— Сиз кимнинг олдига келдингиз ўзи? — деб сўради руҳоний ҳайрон бўлиб ва Бачанага бир қараб қўйди. Бачана афтини буриштириб, гаплашаверинг, деган ишорани қилди.

— Кимнинг олдига бўларди? — Аёл ҳам астойдил таажжубланди. — Сизнинг олдингизга-да!

— Мени танийсизми? Илгари учрашганмисиз? — Ҳазрат Иорам ролга кира бошлади.

— Ё тавба, бу шунчалик қийин нарса эканми? Ҳаммаёқда — радиода ҳам, телевизорда ҳам — фақат сизни эшитиб, сизни кўрамиз: Бачана Рамишвили, Бачана Рамишвили!.. Лекин сал ўзгарибсиз... Соқол қўйворибсиз...

— Ҳа, палата салқинроқ... — Ҳазрат Иорам соқолини бир силаб, аёлга яхшилаб ўранди.

— Албатта! Дард билан ҳазиллашиб бўладими!

— Ҳм... Менинг олдимга бирор иш билан келдингизми, хоним? — Руҳонийнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Ҳа. Аҳволингиз қалай?

— Раҳмат. Ҳозир анча тузукман... Узингиз-чи?

— Менми? Мен ўялпман, адо бўялпман, чўкяпман, ёниб кетяпман! — дея юрагидоғини тўкиб солди аёл.

— Менинг қандай ёрдаими тегиши мумкин? — Ҳазрат Иорам ўз хизматини таклиф қилди.

— Ердам дейсизми? Ердам керак эмас, мени қўтаринг! — деб талаб қилди аёл.

— Қўлимдан келармикин? — дея иккилангандай бўлди ҳазрат Иорам.

— Вой, у нима деганингиз?! Сизнинг қўлингиздан келмайдими?! Бачана Рамишвили-я?! Ҳа-ҳа-ҳа! — дея ёлғондан кулди меҳмон. — Сизнинг бир оғиз сўзингиз, тўрт энлик хатингиз, битта кўнғирофингиз...

— Нима илтимосингиз бор! Эшитаман! — Ҳазрат Иорам бу шаддод аёл билан қилаётган суҳбати яқинда Бачана билан муттаҳам тамакифуруш ўртасида бўлиб ўтган мунозарога ўхшаб кетаётганини пайқайди.

— Иккинчи август куни, куппа-кундузи, ҳамманинг олдида ўғлимни сўйишди!

Ҳазрат Иорам тахта бўлиб қолди.

— Ким? Қаерда? — деди у базўр.

— Виждонсиз порахўр, эсипаст... Университетнинг бир юзу еттинчи хонасида... — деди аёл йўғламсираб ва бидирлаб қўшиб қўйди: — Ундан кейин бирор нарса ўзгарди, деб ўйлайсизми?

— Кимдан кейин? — Ҳазрат Иорам тушунмади.

— Ушандан кейин! — деб аёл кўзи билан шифтга ишора қилди. — Мениям, ўғлимниям пичоқсиз сўйди, аблаҳ! Бола боёқишни аудиториядан қўлда кўтариб олиб чиқишди... Уч йил-э! Болани уч фандан — грузинча, инглизча ва тарихдан роппа-роса уч йил тайёрланган эдим! Ҳар битта фанга етти юз сўмдан тўлаганман! Мана, оқибати!..

Ҳазрат Иорам аёлнинг ўғли тириклигига ишонч ҳосил қилиб, енгил тин олди.

— Мактабда-чи? Мактабда ўқимаганми ўғлингиз?

— Узингиз ўқигансиз-ку мактабда! Хўш, нимани ўргатишган?

— Ҳазрат Иорам жавоб тополмай, ерга қаради.

— Автандилнинг васиятини! ёддан ўқиб беришни талаб қилибди боладан! Ярамас! Имтиҳонга тайёрлангани учун ҳар биттасидан етти юз сўмдан санаб олган ўз ўқувчиларидан сўрасин эди! Автандилнинг васияти-я! Уни Руставелининг ўзи ҳам ёд билмаган, билганда овора бўлиб ёзиб ўтирмас эди!

— Йўғ-э, кўйсангиз-чи! — дея эътироз билдирди ҳазрат Иорам.

— Ҳа, нима? Унинг ўзи ҳам ўша лаънати васиятни ўқимаган! Унинг куйгур, порахўр!

— Нега унақа деб ўйлайсиз?

— Ўйлайдиган жойи йўқ бунини! Башарасидан шундоқ кўриниб турибди!

— Ишонмайман! — Ҳазрат Иорам бўш келмади.

— Гаров бойлашамиз! — Аёл чолга қўлини узатди.

— Нимадан? — дея рози бўлди руҳоний ҳам қизиқиб кетиб.

— Хоҳлаган нарсангиздан! Умуман, Руставелини, дунё тарихини ва инглиз тилини ёд билган болаларга университетнинг кераги йўқ! Маълумотга, одатда, маълумоти йўқлар муҳтож бўлади! Ана шунча!

— Хўп. Энди нима қилишимиз керак? — деб ҳазрат Иорам умумий ва олий таълим тўғрисидаги янги қондалар тарғиботини бўлиб қўйди.

— Менга ёрдам беришингиз керак! — деди аёл.

Ҳазрат Иорам мадад кутиб, Бачанага қаради. Бачана оғзини сочиқ билан бекитганча, бош чайқаб қўя қолди.

— Қандай ёрдам? — деб сўради руҳоний хуноби ошиб.

— Олий таълим министрининг олдига кирасиз.

— Касалхонада ётибман-ку?

— Кўнғироқ қилинг ё хат ёзиб беринг.

— Нима деб ёзаман?

— Фалончи менинг қариндошим, мактабда аёло ўқиган, яхши тайёрланган, спортчи, дейсиз... Яна нима?

— Билмайман, — деди зарда билан ҳазрат Иорам.

1 «Автандилнинг васияти» — Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёлган паҳлавон» поэмасидаги бир боб.

— Мана, мактаб берган справка. Уқувчилар спартакиадасида учинчи ўринни олган. Узунликка сакраш — уч метр, баландликка — бир метру ўн етти сантиметр...

— Унақа бўлса, жисмоний тарбия институтига кирасолсин. Манави оғайним спортчи, ёрдам беради! — дея ҳазрат Иорам Бачанани кўрсатди. У юзидаги сочиқни олиб, маъқуллагандай бош силкиди.

— Нималар, делясиз? Жисмоний тарбияга бало борми?! — Аёл Бачанга жиркангандай қараб қўйди. — Мен сассиқ така эмас, ўғил ўстирмақчиман!

— Нега унақа дейсиз, хоним? — деди хафа бўлиб Бачана. — Думбадзе, Гокиели, Хникина, Джугелилар! жисмоний тарбия институтини тугатишган...

— Спортчимисиз? — дея унинг гапини бўлди аёл.

— Ҳа.

— Сиз ҳам инфарктмисиз?

— Ҳа.

— Баттар бўлинг!

Бачана кулиб қўйди:

— Раҳмат!

Аёл ўзининг беандиша гапини силлиқлашга уринди: — Худо шифо берсин!

— Худога ишонасизми? — Ҳазрат Иорам севиниб кетди.

— Ишонганларга худо кўп ёрдам берганми? Сиз менга ёрдам беринг, мен учун худо ҳам, халоскор ҳам сиз бўласиз!

— Қўлимдан келмайди, ўлай агар! — деди ҳазрат Иорам оғир уҳ тортиб.

— Депутат, Марказий Комитет аъзоси, редактор бўлатуриб, сизнинг қўлингиздан келмаса, бошқа кимнинг қўлидан келади?.. — Аёл жизганак бўлиб кетди.

— Менга қаранг, муҳтарам хоним, Марказий Комитетнинг ошна-оғайнигарчилик тўғрисидаги қарорини ўқимаганмисиз? — деб сўради руҳоний асабийлашиб.

— Ошна-оғайнигарчиликнинг нима алоқаси бор? Мен биров учун эмас, ўз ўғлим учун сўраяпман! — Аёл ҳамон бўш келмасди.

— Иложи йўқ! Бунинг устига, ўғлингизга аллақачон «икки» қўйиб бўлишибди. Келинг, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик! — деди чўрт кесиб ҳазрат Иорам ва девор томонга ўгирилиб олди.

— Бўпти, бўпти... — Аёл таслим бўлди: — Унда бошқа масалада ёрдам беринг...

— Яна нима?! — Ҳазрат Иорамнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Эшитишимча, Первوماй райижрокомининг раиси оғайнингиз экан... Бошимизда уй ташвиши бор. Қўшнимиз Сололакидан<sup>2</sup> тўрт хонали уй олди. Нимага олди, қайси хизматлари эвазига олди — бу ёғи номаълум... Қисқаси, ўшанинг хонасини ўзимникига қўшиб олмақчимиз. Ўғлим колониядан хат ёзиб, уйланмоқчиман, дебди. Ҳадемай муддати тугайди. Унияш ташвишини қилиш керакми, йўқми? Қилиш керак!.. Тўғри, у хонага бошқа даъвогар ҳам бор, лекин адолат билан қаралса, бизники бўлиши керак. Ён томонга зинапоя ўрнатиб, битта эшик очилса, бизнинг ошхонамиз билан ўша хонанинг айвонини қўшнининг икки хонали уйига улавориш мумкин. Қўшнига Церетели кўчасидан бошқа уй топиб қўйдик. Сал узоқроқ, майдони ҳам тўрт метру ўн тўрт сантиметрга кичикроқ, лекин ремонтини ўзимиз қилиб берамиз, эрим текинга телефон ҳам қўйдириб бермоқчи. Уша уйнинг ёнгинасида бир касалманд, сўққабош кампир яшайди. Илойим умри узоқ бўлсин-у, лекин ҳадемай ўлади. Утган йили эрим унга ўғил тутинган, иссиқ-совуғидан ўзимиз хабар олиб тураемиз. Агар кенжамизни иссиғида кампирникига пропискадан ўтказиб қўймасак, ўша битта хонадан ҳам айриламиз, тушунайсизми? Бутун меҳнатларимиз зое кетади!.. Битта кўнгирагингиз кифоя, ҳурматли Бачана! Кейин умрбод дуои жонингизни қилиб юрамиз!

<sup>1</sup> Нина Думбадзе, Елена Гокиели, Надежда Хникина, Мизия Джугели — донг таратган машҳур спортчилар.

<sup>2</sup> Сололаки — Тбилисидаги районнинг эски номи.

— Яхши бўлардику-я, лекин... мен раисни танимайман-да... — Ҳазрат Иорам пешонасидаги терни артди:

— Сиз танимасангиз, у танийди! — деб хитоб қилди аёл.

— Билмадим-ов... — Ҳазрат Иорам нима қилишини билмай, яна Бачанга қаради. Шўрлик руҳонийга ичи ачиб кетган Бачана энди суҳбатга ўзи аралашмаса бўлмаслигини сезди.

— Мен аниқ биламан, улар бир-бирларини танишмайди!

— Ишонмайман!

— Онт ичаман! — деди Бачана қўлини кўксига қўйиб.

— Балки ўзингиз ёрдам берворарсиз? — Аёл энди Бачана томонга ўгирилиб олди.

— Мен фақат жисмоний тарбия институтидагиларни танийман...

— Эсизгина... Ҳа, майли, келаси йили кенжа ўғлим мактабни тугатади. Ўзи сузишга уста, Кобулетида қирғоқдан юз метр нарига сузиб бориб, сув тубидан бемалол тошни олиб чиқаверади! Фамилиянгизни айтворинг, келаси йили албатта сизни қидириб топаман. — Аёл сумкасидан қоғоз-қалам олди.

— Келаси йилгача тирик бўлсам, албатта...

— Бу томони ҳам бор... Лекин мен омадли аёлман... Ҳар эҳтимолга қарши фамилиянгизни ёзиб қўяверай...

Шу ерга етганда Бачана чидаёлмади, бутун ўйинни барбод қилди.

— Ҳа, майли, ёзинг: Бачана Рамишвили! — деди у ошкора ғурур билан.

Аёл қулоқларига ишонмади, оғзи ланг очилиб, қалам ушлаган қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Нима дедингиз?!

— Ҳа, фамилиям Рамишвили! — деб такрорлади Бачана.

— Бу киши ким бўлмаса? — дея аёл ҳазрат Иорамга ишора қилди.

— Бу киши Ортачала черковининг ноziри Иорам Канделаки.

Аёлнинг қўли шалвираб тушди, ранги бўздай оқариб кетди.

— Ҳали шу одам, худога ишонасизми, деб сўраб ўтирибдимми?!

— Менда ҳам қисман айб бор, лекин... — дея ўзини оқлашга уринди ҳазрат Иорам.

Аёл ўрнидан турди. Палатага ноқулай жимлик чўқди.

— Инсонпарварлигингиз шуми ҳали? — деди аёл Бачанга еб юборғудай тикилиб.

Бачана индамай елкасини қисди ва тилининг остига волидол ташлади.

— Масхарабозлар! — Аёл шундай дедию палатадан отилиб чиқиб кетди.

— Ҳа-а... яхши бўлмади, — деди ҳазрат Иорам:

— Жудаям... Ҳаммасига мен айбдорман. Кечиринг...

— Кечирдим, илло, ўзимнинг ҳам айбим оз эмас, лекин сизга раҳиман келади! Наҳотки, ер юзида фақат соғлигингиз билангина қизиқадиган одам топилмаса? — Ҳазрат Иорамнинг овозида шу қадар ҳамдардлик бор эдики, бу гапни эшитиб Бачананинг ўзи эзилиб кетди. — Кўп одам безовта қиладиганга ўхшайди, а? Қанчасига ёрдам беришга ҳам тўғри келар?

— Сизга осон, одамларнинг ўзлари оёғингизга бош уриб, фақат бир нарсани — гуноҳларини сўраб беришни илтимос қилишади.

— Кўлдан бери шу аҳволми?

— Редактор бўлганимдан бери... Агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетсам, ҳаммасига тупураман, йиғиштираман бунақа ишни!.. Инсоний қиёфамни йўқотдим, отахон, қандайдир хайр-эҳсон комитетининг расига айланиб қолдим... Илтимос қилавериб, одамларнинг жонига тегиб кетдим...

— Хайр-эҳсон — савоб иш, — деди ҳазрат Иорам.

— Тўғри, умрим бўйи одамларга яхшилик қилиб

келяпман, лекин... ҳалиги аёл... Хўш, яхшилик қилишга арзийдими ўша аёл?

— Иккиюзламачи, мунофиқ! — деди ҳазрат Иорам дангал.

— Қўлида шам билан тиз чўкиб, оллодан марҳамат тилайдиган мана шунақа мунофиқларга сиз қандай қарайсиз?

— Бизнинг битта устунлик томонимиз бор, ҳурматли Бачана: бизга келувчилар ёрдам сўраб тўғридан-тўғри парвардигорнинг ўзига мурожаат қилишади.

— Ҳа, баракалла, отахон! Сиз ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият укламайдиган умумий формуладан фойдаланасиз, яъни «Оллонинг иродаси», деб қўя қоласиз. Жудаям қулай формула, тан бериш керак!.. Лекин биз мураккаб ва аниқ-равшан формулаларга суяниб иш кўралик: «Бу қонунга зид!» ва «Бу қонуний!», деймиз. Бунинг устига, биз курашишимиз керак, тушуняспизми? Сиғиниш эмас, курашишимиз керак! Қонунни бузишга қарши ва қонунни қарор топтириш учун курашишимиз керак. Гуноҳкорларни сизлар олло ҳукмига ҳавола қиласизлар, биз эса одил судга топширамиз!.. Сизларга осон, Иорам ота, сизларга осон!..

Рухоний жавоб қайтармади, бошини аёлга буркаб, жим бўлиб қолди.

— ..Бари бир, инсон яхшилик уруғини сочиши керак, — деди у анчадан кейин.

— Лекин бу уруғ қанақа мева беришини олдиндан билиш қийин-да... Агар истасангиз, ўз ҳаётиндан бир воқеани сўзлаб бераман, ўзи эртатка ўхшаса ҳам, лекин бўлган воқеа...

— Жоним билан эшитаман! — Ҳазрат Иорам аёлга тагидан бошини чиқариб, ҳикояни тинглашга шайланди.

— Бир куни секретарь қиз кабинетим эшигини қия очиб: «Бачана Акакиевич, қандайдир бир маймун қабул қилишингизни сўраяпти», деб қолди. «Майли, кирсин».

Кабинетга кичкина бир маймун кириб, жикқа ҳўл, яхдек қўлини узатди (ҳамма хушомадгўй ва товламачиларга хос белги!), столга алланамалар ёзилган бир даста қоғозни кўйди-да, бурчакка бориб, индамай тикилиб тураверди.

Мен қоғозларга кўз югуртириб чиқдим. Булар — ҳикматли сўзлар, қочирма, ҳазил-мутоиба ва шунга ўхшаган нарсалар эди. Одатда бунақа нарсалар газеталарнинг яқшанба сони, сўнгги саҳифада «Бир қайнови ичида...» ёки «Дам олиш соатида» деган умумий сарлавҳа остида бериб борилади. Мен кўриб чиққан қоришиқ ҳам чидаса бўладиган, маймуннинг ўзига мос нарса эди.

«Дарвиннинг таълимотиға асосан бу маймун ҳам қачонлардир одамга айланса ажабмас», деб ўйладим ва ҳикматли сўзларидан уч-тўрттасини газетада эълон қилдим. Шулардан бири эсимда қолган: «Дорихоналаримиздан термометр қидириш учун одамнинг ҳарорати ҳақиқатан ҳам баланд бўлиши керак».

— Чакки эмас! — деди кулиб ҳазрат Иорам.

— Ушанда мен ҳам шундай деб ўйловдим... Кўп ўтмай маймун яна келди. Ҳеч қайсимиз уни танимай қолдик — у одамга ўхшаб кийиниб олган эди. Яна ҳазил-мутоиба ва қочирма гаплардан йиғиб келган экан. Уларни ўқидиму услубидан дарров билдим — буларни ўша маймун ёзган эди.

«Менга қара, — дедим унга, — сен яқинда бу ерга келиб кетган анови маймунисан-ку?»

«Тўғри, — деб жавоб берди у, — ўша маймунман. Лекин жудаям одам бўлгим келяпти, шу масалада менга ёрдам беринг».

«Хўп, — дедим, — лекин одамни меҳнат яратади. Бориб ишлагин, бир оз сабр қилгин!»

«Биламан, — деб жавоб берди у, — бу ҳақда кўп ўқиганман. Бироқ мен бесабр маймунлар зотиданман. Бундан ташқари, кўпчилик мени аллақачон одам қаторига қўшиб қўйган».

«Майли, гапинг ерда қолмасин, — дедим мен, — яна бир жуфт қочирма-ларингни газетада босаман, лекин сенга бундан нима фойда? Бари бир, маймунлигингча қолаверасан-ку?»

«Сиз бунни сотиб қўймаг-да!», деб илтимос қилди маймун ва миннатдорчилик билдириб, чиқиб кетди.

Табиатан кўнгли бўш одамман. Маймунга раҳмим келди. Бунинг устига, у одамларнинг юриш-туриши ва гап-сўзларига жуда келиштириб тақлид қиларди. Хуллас, «асар»ларидан яна икки-учтасини газетада эълон қилдим. Майли, шу билан тинчиса тинчий қолсин, дедим, қўлидан бошқа яна нима келарди? Шундай қилиб, бизнинг маймун одам қиёфасига кирди...

— Наҳотки, унинг одам эмас, маймун эканлигини ҳеч ким пайқамасди? — дея Бачананинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Пайқашмади, отахон, пайқашмади! Одамга айланган маймундан кўра, маймунга айланган одамни таниш осонроқ... Яқинда ҳайвонот боғидан учта маймун қочиб кетибди. Милициядагилар дарров шошилинч кенгаш чақириб, қандай қилиб қочоқларни тезроқ қўлга тушириш устида бош қотира бошлашибди. Кенгаш анча чўзилибди. Шунда бир милиционер ўрнидан туриб: «Ўртоқ подполковник, мажлисни тезроқ тугатақолайлик, маймунлар одамларга аралашиб кетса, топишимиз қийин бўлади!», деган экан.

— Хўш, кейин-чи? — деб сўради ҳазрат Иорам сабрсизлик билан.

— Маймунлардан иккитасини топишибди, учинчисини ҳалигача қидиришгаётган эмиш... Ҳа, гапдан чалғиб кетдим... Ҳалиги маймун одам қаторига қўшилибди... Орадан бир неча йил ўтгач, яна редакцияга кирди келди. Бу гал... ҳикоялар олиб келган эди. Уларни ўқидиму тепа сочим тикка бўлиб кетди.

«Хой, ноинсоф, бу нима қилганинг?! — дедим. — Шунга ҳикоя деб кўтариб келдингми?!»

«Нега унақа дейсиз? — деб хафа бўлди маймун. — Танқидчи сифатида ҳикояларим ўзимга жудаям ёқади!»

«Епирай, — дея ҳайрон бўлдим мен, — ҳали танқидчи ҳам бўлиб олдингми?»

«Ҳа, — деди у ғурур билан, — танқидчиман, илмий даражам бор, радио-телевизорга қиқиб тураман, «билчим» жамяти йўли билан лекциялар ўқийман, олий ўқув юртиларидан бирида дарс бераман».

Маймуннинг лекциясини эшитиб юрган студентларга раҳмим келди, лекин иложим қанча? Мен кафедра мудири ёки ректор эмасманки, маймуннинг кавушини тўғрилаб қўйсам! Бунақа қилишга маънавий ҳаққим ҳам йўқ — ахир, уни ўзим одам қаторига қўшганман-ку!..

— Лекин сиз одамларга, бу киши лектор эмас, — маймун, дейшингиз мумкин эди-ку! — деди ҳазрат Иорам таъна билан.

— Айтиб ҳам кўрдим, отахон, лекин кечиккан эканман... «Сен ўзинг маймунисан!», деб жавоб беришди одамлар.

— Ажаб бўпти!

— Ҳақ гап! — деди Бачана.

— Кейин нима бўлди? — Ҳазрат Иорам ростдан ҳам бўғилиб кетган эди.

— Нима бўларди: ҳикояларини қайтариб бердим...

— Индамай олавердимми?

— Тўполок қилди! «Ёзувчилар союзининг аъзоси бўлмаганим учун шундай қиялмасиз, — деди. — Яқинда союзга кираман, ана ўшанда гаплашамиз сиз билан!», деб нўписа қилди. Сендақа маймунларга союзда ўрин йўқ, демоқчи бўлдим-у, лекин, тилимни тишладим...»

— Нега гапирмадингиз, ҳурматли Бачана? — деди ҳазрат Иорам жиғибийрон бўлиб.

— Чунки илгари ундан баттарроқларига ҳам Ёзувчилар союзиға кириш учун тавсиянома ёзиб берганман-да, Иорам ота!.. — Бачана индамай қолди.

— Кейин қайтиб учрашмадингларми?

— Учрашмай бўладими! У Ёзувчилар союзиға аъзо бўлди, ҳатто мен билан дўстлашиб ҳам кетди. Ҳар қадаҳ кўтарганда, «Отам!.. Устозим!», демаса, кўнгли



ўрнига тушмас эди... Кейинроқ, менинг номзодимни депутатликка қўйишганда атайлаб райком секретарининг олдига бориб, миннатдорчилик билдирибди.

— Йўғ-э!

— Рост. Секретарининг олдига кириб, шундай дебди: «Грузин ёзувчилари номидан, китобхонлар номидан, қадрдонимиз Бачана Рамишвили ишлаётган газета редакцияси ходимлари ҳамда кўпдан-кўп дўстлари номидан унга билдирилган юксак ишонч учун, ҳурматли Николай Петрович, сизга чин қалбдан миннатдорчилик билдираман. Фақат сиздай принципа, дадил ва олижаноб коммунистгина Бачана Рамишвилининг ўтмишидан кўз юмган ҳолда, фақат унинг шахсий фазилатларига қараб, ҳукм чиқариши мумкин...» «Қанақа ўтмиши?», деб сўрабди ҳайрон бўлиб секретарь. «Арзизмаган гаплар! Энг муҳими, сиз мана шунақа икки-чикирларга парво қилмагансиз. Масалан, Рамишвилининг ота-онаси бир вақтлар қувғин қилинган, ўзи ёш-лигида турмада ётиб чиққан... англашилмовчилик орқасида, албатта... Лекин, ўзингиз биласиз, анкета анкета-да... Ёки, айтайлик, яқинда Рамишвили муҳаррирлик қилаётган газетада «большевиклар» деган сўз ўрнига «меньшевиклар» деган сўз ўтиб кетган... Сизнинг инсонийлигингиз, принципааллигингиз ҳам шунда-да!.. Бунақа фактлардан кўз юмиш, ҳали жуда ёш, айтарли хизмати ҳам йўқ бир одамга шунчалик катта ишонч билдириб, таваккал қилиш ҳазил гапми! Бунақа иш фақат сиздай кўпни кўрган, принципаал раҳбарнинггина қўлидан келади. Биз сизни ана шундай коммунист деб биламиз, ҳурматли Николай Петрович! Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман! Раҳмат, минг раҳмат сизга!» Мана шундоқ дебди маймун райком секретарига... — деб ҳикоясини тугатди Бачана.

— Ҳозир қаерда у? — деб сўради ҳазрат Иорам бу гаплардан хангу манг бўлиб.

— Ким билади... Эртага мени кўргани келиб қолиши ҳам мумкин...

### 13

Бачанани партия аъзолигига номзодликка қабул қилиш масаласини райком бюросига қўйишдан олдин уни райкомга суҳбатга таклиф этишди.

Бачана парткабинетга кириб, узун стол ёнидан жой олган уч нафар эркакка таъзим қилди-да, пойгакка қўйилган стулга омонатгина ўтирди.

— Уртоқ Рамишвили, бугунги суҳбатимиз расмий характерда бўлади. Мақсад битта: партия ўз сафига кимни қабул қилаётганини яхши билиб олиши керак. Бинобарин, агар эътироз билдирмасангиз, сизга бир нечта савол берамиз. Эҳтимол, сизнинг ҳам бизга саволларингиз бордир, — деди Бачанага, столнинг ўнг томонида ўтирган киши. Унинг олдига Бачананинг шахсий делоси турарди.

— Марҳамат, бемалол, қандоқ лозим бўлса... — деди Бачана ва юраги гупиялаб уриб кетганини сезди. Бу суҳбат кўпроқ имтиҳонни эслатарди, фарқи шунда эдики, имтиҳон олувчилар ҳозир хоҳлаган фанларидан савол бера олардилар.

— Авваламбор танишиб қўяйлик. Биз — кекса большевиклармиз. Менинг исмим Александр, фамилиям Иорданишвили, — деди суҳбатни бошлаган киши. — Булар менинг дўстларим: Вано Бандзеладзе ва Давид Манагадзе.

— Бехад хурсандман, салом! — Бачана ўрнидан сал кўтарилди.

— Марҳамат, ўтиринг! — Иорданишвилининг товуши паст, ширали бўлиб, ўзи чўтир, қўйқўз, қирғийбурун киши эди. — Мени бир нарса кизиқтиради: нима учун шу пайтгача партияга ўтмагансиз?

Бачана бу саволни кутиб турган, сийқа жавобни ҳам тайёрлаб қўйган эди: яъни, коммунист деган юксак номга ўзимни ҳали муносиб эмасман, деб ҳисоблаб келардим, демоқчи эди. Лекин бошқача жавоб қайтарди:

— Шу пайтгача мени қабул қилишмаган!

— Нима учун? — деб сўради юзлари қип-қизил, бурни пучуқ, кичкина кўзлари ўйнаб турадиган Бандзеладзе. Бачана унинг кўзлари қанақа рангдалигини сира илғай олмади.

— Аризамда ҳаммаси ёзилган...

Иорданишвили шахсий делони очиб, Бачананинг аризасига кўз югуртириб қикди, лекин ҳеч нарса демади.

— Ота-онам бадном қилинган, — дея қўшиб қўйди Бачана.

— Ҳозир улар оқланган, — деди Иорданишвили шерикларига қараб.

— Ундай бўлса, комсомолга қанақа қилиб киргансиз? — деб мурожаат қилди Бачанага боши Кавказ овчаркасиникидай катта, сочлари пахмоқ Манагадзе. Унинг кўзлари жудаям мулойим боқарди.

— Ота-онам қамалганини яширганман...

Суҳбат ўтказаетганлар ажабланиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Шунақа денг... Мактабдагилар буни билишмасмиди? — деб сўради Манагадзе.

— Билишарди. Комсомол комитетининг секретари ҳам биларди.

— У ҳам индамадимми?

— Ҳа.

— Нега энди?

— У менинг яқин дўстим эди... Уруш кетаётган оғир йиллар... У пайтда комсомолга ҳўжакўрсинга киришмасди... Буни дўстим яхши биларди...

— Яна ким биларди?

— Ҳамма биларди... Райкомдан ташқари.

— Ҳеч ким сотиб қўймадимми?

— Йўқ, ҳеч ким сотмаган! — деб жавоб берди Иорданишвили Бачана учун ва унинг делосини бир четга суриб қўйди.

— Нима деб ўйлайсиз, ота-онангиз қамалганини билатуриб, сизни комсомолга қабул қилишармиди?

— Йўқ, қабул қилишмасди!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Айтинг-чи, — деб гап бошлади Бандзеладзе, — юрагингизда ота-онангизнинг алами бўлганми, ҳозир ҳам шу алам туйғуси борми?

Бачана салбий жавоб бериши кераклигини — йўғ-э, қанақа алам бўлиши мумкин, дейиши лозимлигини биларди. Лекин у тўғриси айтишни афзал кўрди:

— Бор эди! — деди ва қўллари титраб, қутидан папирос олди.

— Менга ҳам беринг! — дея қўлини чўзди Манагадзе ички бир ҳаяжон билан. Бачана унга папирос қутиси билан гугуртни узатди.

— Кейин-чи?... Ўтиб кетди... Утиб кетди... — деб сўради Бандзеладзе қутидан папирос олиб.

— Утиб кетди... Лекин, орадан кўп йиллар ўтгач, яна пайдо бўлди. — Бачана буруқсатиб ичига тутун тортди.

— Қачон?

— Ота-онамни оқлашгидан кейин. Ушанда мен суюниш ўрнига қаттиқ ўксидим... — Бачана папиросини ўчириб, янгисини тутатди. — Чунки шунча йиллар давомида биз ноҳақ азоб тортдик, ноҳақ камситилдик...

— Ҳозир қаерда ота-онангиз? — деб сўради Иорданишвили.

— Улар вафот этишган.

— Ҳозир мана шу кайфият билан партияга кирайсизми? — деди Бандзеладзе.

Бачана ўйланиб қолди. Бандзеладзе бетоқат бўлиб, оғзидаги папиросни чайнай бошлади. Сукунат чўзилиб кетди. Ниҳоят, Бачана тилга кирди:

— Биламан, тарих зиддиятларга тўла... Одамлар хато қилишади. Хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз... Кейин улар ўз хатоларини тузатишади — биров олдинроқ, биров кечроқ. Баъзилар, нимаики иш қилган бўлсам — ҳаммаси тўғри деб, шунга астойдил ишониб дунёдан кўз юмишади: уларнинг хатосини келгуси авлод тузатади... Менга ситам ўтказган кишилар

жазоларини тортиб бўлишди, улар ҳозир абадийликка юз тутишган... Энди бошқарув ишига янги авлод, менинг тенгдошларим келяпти. Улардан қасос олишга менинг ҳаққим йўқ. Аксинча, олдинги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳам мен уларнинг ёнида бўлишим керак. Бунинг устига, улар тутган йўлнинг ҳақлигига ишонаман, бу йўлни ўз йўлим деб биланам. Яна бир нарса, энг муҳими, ёзувчининг субъектив бўлишга ҳаққи йўқ! Объективлик туйғусини йўқотган ёзувчининг ижоди сариқ чақага ҳам арзимайд!

Бандзеладзе маъқуллаб, бош силкиб қўйди. Иорданишвили янги савол берди:

— Владимир Ильич Лениннинг Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон ва Тоғ республикаси коммунистларига мактуби билан танишмисиз?

Бачана узоқ ўйлаб туриб, жавоб берди:

— Ҳурматли Александр, мабодо ўртоқ Лениннинг бу ёки бошқа хатлари билан таниш бўлмасам, мени партиёга қабул қилишадими, йўқми?

Иорданишвили бир ғудранди-ю, индамай қолди. Шундан кейин Бачананинг ўзи гапни давом эттирди:

— Сиз мендан фақат ўзингиз билган нарсаларни сўраяпсизми ёки билишим зарур бўлган нарсаларни сўраяпсизми?

— Билиб қўйсангиз чакки бўлмайдиган нарсалар ҳақида сўраяпсан, ўртоқ Рамишвили... Бу мактуб бизга ва бизнинг дўстларимизга қарата ёзилган...

Бачана ноқулай аҳволда қолди. Ўрнидан туриб, бир нима демоқчи бўлган эди, Иорданишвили имкон бермади:

— Хайр, ўртоқ Рамишвили! — деди у ҳам ўрнидан туриб.

Бачана титраб кетди. «Тамом!», деган даҳшатли ўй кечди кўнглидан ва шу оннинг ўзида кўкрагида қаттиқ оғриқ сезди. Стулга ўтирдию юрагини чангаллаб қолди.

— Нима бўлди сизга? — деди Манагадзе типирчилаб.

Бачана бир амаллаб ўрнидан турди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳурматли Давид, ўтиб кетади... Мана, ўтиб кетди! — дея жилмайди Бачана.

— Эртага соат бирда масалангиз бюрода кўрилади. Уйлайманки, ҳаммаси жойида бўлади... Анови хатни ҳар ҳолда ўқиб чиқинг, агар вақт топсангиз... — деб маслаҳат берди Иорданишвили.

— Ҳурматли Александр, «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Тоғ республикасидаги коммунист ўртоқларга» деган мактубини Ленин 1921 йилнинг 14 апрелида ёзган, ўша йилнинг 8 майида бу мактуб «Правда Грузин» газетасининг элик бешинчи сониди босилиб чиққан...

— Қизиқ одам экансиз, Рамишвили! — деди кулиб Иорданишвили. — Хайр!

— Хайр, сизларга катта раҳмат! — Бачана ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, парткабинетдан чиқиб кетди.

Роппа-роса соат бирда Бачанани райкомнинг биринчи секретари кабинетига таклиф қилишди. У кабинетга кириб, узун стол атрофида ўтирган бюро аъзоларига таъзим қилди ва девор ёнига қатор қилиб қўйилган стулларнинг қайси бирига ўтиришни билмай, бир оз каловланиб турди. Бундай пайтларда умуман ўтириш мумкинми, йўқми — Бачана яхши билмасди.

— Марҳамат, ўтиринг! — деган таниш овоз эшитилди.

Бачана бошини кўтарди ва шундагина райкомнинг ёш секретарини кўрди. У ўнг кўзини қисганча Бачанга жилмайиб қараб турарди. Бачана ўртадаги стулларнинг бирига ўтирди.

— Менингча, узоқ таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак, — деди райком секретарини ўрнидан туриб. — Бачана Рамишвилини ҳаммамиз яхши биламиз. Бугун у катта оиламизнинг аъзоси бўляпти... Сиз-

ларни ариза, анкета ва тавсияномалар билан таништираман...

— Кераги йўқ! — деди кимдир.

Секретарь Бачананинг шахсий делосини бир четга қўйиб, ўтирганларга мурожаат қилди:

— Саволлар борми?

— Менда савол бор! — деди бюро аъзоларидан бири.

Бачананинг аъзойи бадани музлаб кетди.

Секретарь унга ғалати бир қараб қўйди.

— Марҳамат!

Орага, Бачанга сўнгсиздай бўлиб туюлган қисқа сукунат чўкди.

— Айтинг-чи, ўртоқ Рамишвили, партиёга нима мақсадда кирапсиз?

Ҳамма Бачанга қаради. У ўрнидан туриб, рўмолчаси билан юзини артди, жавоб беришга оғиз жуфтлади-ю, лекин бирдан тўхтаб қолди. Бачана Рамишвили коммунистлар партиясининг аъзоси бўладими ёки йўқми — ҳозир мана шу масалани ҳал қилаётган одамларга у нима дейиши керак? Бунақа пайтда қандай жавоб бериш лозимлигини Бачана биларди: партиё Уставини ва Программасига тўла-тўқис қўшилади, партиясининг барча топшириқларини сўзсиз бажаради, партиё иши учун жонини қурбон қилишга ҳам тайёр, коммунистик жамиятнинг актив қурувчиси бўлмоқчи... — бу гапларни у ёддан биларди, лекин ҳозир шундоқ дейиш унга ўринсиз, кулгили бўлиб туюлди. Зеро, бу ишларни бажариш учун коммунист бўлиш шарт эмас. Бундан ташқари, бюро аъзолари орасида унга монелик қиладиган бирорта ҳам одам йўқ эди... Шунинг учун Бачана:

— Партия сафларида ҳалол одамлар иложи борича кўпроқ бўлишни хоҳлайман, — дедию жойига ўтирди.

Кабинет ичидан худди майин шабададек ҳайрат шиври елиб ўтди. Кейин жимлик чўкди. Бачана бошини куйи эгганча ўтирарди. Бир оздан сўнг қулоғига секретарининг:

— Уртоқлар, мен Бачана Рамишвилини болалигидан бери биланам, айтишим мумкинки, у сочидан тирноғигача коммунист, — деган сўзлари эшитилди. — Шу сабабли аллақачондан бери уни коммунист деб ҳисоблайман ва номзодини батамом қўллаб-қувватлайман. Бачана Акакиевич Рамишвили Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясини аъзолигига номзодликка қабул қилинсин, деган ўртоқлар қўл кўтарсин.

...Шунда партиё тарихида бирор марта ҳам учрамаган ҳодиса юз берди: бошқаларга қўшилиб, Бачана Рамишвилининг ўзи ҳам қўлини кўтарди.

14

Тбилисида икки кун тинимсиз лайлакқор ёғди. Транспорт ҳаракати тўхтаб қолди. Кўчалар шўх-шан овозларга, шодон қаҳқаҳаларга, тийғаниб йиқилган одамларнинг хитобларию қорбўрон ўйнаётган ёш-яланнинг қийқириқларига тўлиб кетди. Ҳаво тозаланиб, аллақандай енгил ва тотли таъм касб этди. Гўё оқбадан Тбилиси қор маликаси янглиғ ўз кўчаларида сайр этиб юрар, бемаврид оқарган кумушранг сочларини шаҳар аҳолиси олдида кўз-кўз қилар эди.

Кеч соат тўққиздан ошган эди. Бачана пальтосининг ёқасини кўтариб, иккала қўлини чўнтакларига солганча Ваке боғида бамайлихотир айланиб юрарди. У ҳеч нарса ҳақида ўйламас, сеҳрли қор пардасининг юзларини ёқимли чимчилашдан жимгина роҳатланар эди. Мосашвили кўчасининг муюлишига етганда бурчакдан отилиб чиққан аёл билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Тасодифан икковлари ҳам чўчиб тушишди. Бир неча дақиқа қапишганча туришгач, — бу орада Бачана унинг катта-катта, чақноқ кўзларини илғашга улгурди, — аёлга тезгина йўл бўшатиб, гўё айб иш қилиб қўйган кишидай, шошиб узр сўради:

— Худо ҳаққи, кечиринг, калбатано!

Кейин, бундай мурожаат учун аёл жудаям ёш эканини пайқаб, қўшиб қўйди:

— Кечиринг, яхши қиз!

— Ҳечқиси йўқ! — деди аёл ва йўлига равона бўлди.

Бачана узоқлашиб бораётган аёлнинг орқасидан тикилганча йўга толди: «Агар дунёда адолат ва ички сезги деган нарса бор бўлса, ҳозир у орқасига қара-ши керак!» Ростдан ҳам қайрилиб қаради. Бачана аста унга томон юра бошлади, аёл ҳам изига қайтди. Бир-бирларига юзма-юз бўлгач, тўхташди. Бачананинг нафаси бўғзига тикилгандай бўлди.

— Салом!

— Салом! — деб жавоб берди аёл унга қўлини узатиб.

Бачана апил-тапил қўлқопини ечди-да, аёлнинг юмшоқ ва илиқгина қўлини ушлади. Кўзларига қараб туриб, нотаниш жувоннинг ҳам қаттиқ ҳаяжонланаётганини сезди.

— Қаёққа кетяпсиз? — Бачананинг миясига келган биринчи савол шу бўлди.

— Уйга, — деди аёл қўлларини мўйна пўстинининг чўнтагига солиб.

— Жудаям чиройли экансиз! — Бачана шундай дедию дув қизариб кетди.

— Биламан, — деди аёл хотиржам.

— Уз гўзаллигини англаш тўғриси ҳам ажойиб бўлса керак, а?!

— Қайдам... — Аёл елкасини қисди.

— Албатта, яхши-да! Масалан, мен чиройли аёлларни кўрсам, ҳаммавақт роҳат қиламан! — Бачана энди ўзини анча босиб олган эди.

— Сезилиб турибди! — деди аёл жилмайиб.

— Балки, бемаъни саволларим билан вақтингизни олаётгандирман? — Бачана бирдан эсига тушиб қолгандай оҳангда гапирди.

Аёл йўқ дегандай бош чайқади.

— Бачана Рамишвилига жудаям ўхшар экансиз!

— Жудаям! — деб жавоб берди севиниб кетган Бачана ва кўнгли ғурур ҳиссига тўлди.

— Сизга бошқалар ҳам бунни айтишганми?

— Мени танийдиганларнинг қарийб ҳаммаси айтган!

— Ҳайратланарли ўхшашлик!

— Шу қадар ҳайратланарлики, ҳатто паспортимга ҳам Бачана Рамишвили деб ёзилган! — деди кулиб Бачана.

Аёл унга шубҳаланиб қараб қўйди.

— Қани, фуражкангизни олинг-чи!

Бачана қор босган фуражканини ечиб, тиззасига урди.

— Ё тавба! — деб хитоб қилди аёл. — Ростдан ҳам Бачана Рамишвили экансиз-ку!

— Исмингиз нима? — деб сўради Бачана юрак ютиб.

— Қизимнинг исми Майя...

Бачана довдираб қолди.

— Қизингиз бир ёшда бўлса керак-да? — деди у бу ёғини силлиқлашга уриниб.

— Ун еттида!

— Қўйинг-э!

— Майяни ўртага қўйиб онт ичаман!

— Узингизнинг исмингиз нима?

— Мария.

— Жудаям гўзалсиз, Мария!

— Сиз ҳам...

Бачана уялиб кетди.

— Йўғ-э...

— Майяни ўртага қўйиб онт ичаман! — деб такрорлади аёл.

— Ё қизингиз йўқ, ёки онтингиз самимий эмас! — деди Бачана афсуслангандай.

— Бор гапни айтяпман! — деди аёл жиддий. Сўнг шартта бурилди-да, жўнаб қолди.

— Тўхтаң! — деб қичқирди Бачана. Аёл тўхтади. — Сизни кузатиб қўяман!

— Узоқда тураман.

— Қерда?

— Воронцов кўприги ёнида.

— Ҳа, узоқроқ экан. Лекин бари бир кузатишга ижозат беринг.

— Йўқ, бир ўзим кетмоқчиман! — Аёл бошини орқага ташлаб, бежирим юзларини қор бўронига тутди.

— Қўрқмайсизми?

Аёл бош чайқадию тез-тез юриб кета бошлади.

Бачана унинг орқасидан тикилганча сеҳрлангандай туриб қолди. Аёл қаддини ғоз тутиб, мағрур қадан ташлаб борарди. Эгнидаги ёқаси ейилиб кетган қалта пўстини ҳам, оёқларидаги анчагина эскириб қолган этиклари ҳам хушбичим қоматининг беқиёс жозибасини кўздан яширолмас эди. Аёл муюлишга бурилгандан кейингина Бачана ўзига келди.

— Вой тентаг-эй! Лоақал фамилиясини ҳам сўрамабман-а!

У жойидан қўзғалдию ўқдай учиб Чавчавадзе кўчасига чиқди, лекин аёлнинг қораси кўринмади. У иссиқ кафтга тушиб эриб кетган қор учқунидай ғойиб бўлган эди...

Бачана уйига қайтди. Устидаги қорни қоқиб ташлаб, эшик остидаги гиламча тагидан пайпаслаб қалитни олди-да, ичкарига кирди ва умрида биринчи марта юракни орзиқтириб юборувчи ёлғизликни ҳис қилди...

## 15

Уша куни Бачана икки кишини қабул қилди — улардан бири соппа-соғ, иккинчиси эса телба эди. Дарвоқе, бу нарса кейин маълум бўлди, аввалига иккаласи ҳам Бачанага дуппа-дуруст одамга ўхшаб кўринган эди.

Бачана кабинетига ўтириб, мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган комбинат директорининг ҳийла-найранглари, ахлоқсизлиги ҳамда ўзбошимчилиги ҳақида ёзилган фельетонни таҳрир қилаётган эди. Фельетон жуда кескин ва соз ёзилган; навбатдаги соннинг шовшув кўтарадиган, асосий материали бўлиши керак эди, шунинг учун ҳам фельетон тайёрланаётганидан фақат Бачана билан унинг муаллифигина хабардор эдилар. Фельетоннинг бошланиши жуда ғалати эди...

Халқаро вагон купесидида икки аёл ўтирарди. Улар тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Сухбат қизигандан қизиб, ҳар турли олди-қочдилардан гаплашиб бўлишгач, навбат танишу нотанишларга келди. Уларнинг гийбати ҳам анчагина чўзилди. Ниҳоят, республикада обрўли бир одамнинг гўрига ўт қалаб туришганда аёллардан бирини қаттиқ йўтал тутиб, нафаси бўғила бошлади. Ҳовлиқиб етиб келган поезд врачни уни аранг ўзига келтирди. Нима сабабдан бунақа бўлди, деган саволга ҳол-жони қолмаган аёл ҳамроҳининг купеда осийлиқ турган пўстинини кўрсатди:

— Мушук... мўйнаси...

— Қанақа мўйна? — Врач тушунмади.

— Аллергия... Мушук мўйнасини кўрсам, мазам қочади...

— Э, шунақа денг... Бўлмаса, пўстинни купедан олиб чиқиб кетишга тўғри келади...

— Нима деяпсиз, эсингиз жойидами?! — дея пўстиннинг эгаси бобиллаб берди. — Нега мушукники бўларкан?! Сувсар мўйнаси бу! Тўрт минг беш юзга олганман!

— Қанчага олган бўлсангиз ҳам пўстинни лоақал бир неча минутга опчиқиб туриш керак...

Анча тортишувдан кейин провонник пўстинни олиб чиқиб кетди, жабрдийда аёл шу заҳоти тинчиди-қолди...

Ҳаммаси мана шундан бошланди. Тасодифан поездда чувалган калава думалай-думалай, охири мўйна буюмлар комбинатига етиб тўхтади. Калаванинг изидан эса, темир йўл, транспорт ва медицинага мутлақо алоқаси йўқ, аммо мўйнининг нави билан баҳосини яхши биладиган одамлар тушишган эди.

Мана энди, ана шу комбинатнинг директори ёғ босган кўзларини сузиб Бачананинг рўпарасида тиржайиб турарди. Бачана уни танимасди, лекин чўққа-

дай семиз бу одамнинг ўта сурбет ва ўзига бино кўйган кимса эканини бир қарашдаёқ пайқади.

— Салом! — деди у ва таклифни ҳам кутмасдан Бачананинг столи ёнида турган креслога ўтирди.

Бачана фельетонни бир четга суриб, қулоғим сизда дегандай, меҳмонга қаради. Аммо у миқ этмасди. Бир минутлар чамаси шу алфозда ўтди.

— Қулоғим сизда! — деди ниҳоят Бачана.

— Йўқ, менинг қулоғим сизда! — деди меҳмон жилмайиб.

— Тушунмадим...

— Мен мўйна буюмлар комбинатининг директори бўламан! — Меҳмон Бачанага сарғайиб кетган шиллик кўзларини қадади.

«Ўт пуфагининг мазаси йўққа ўхшайди», деб кўнглидан кечирди Бачана.

— Фамилиянгиз нима?

— Сандро Маглаперидзе. Фамилиям сизга таниш бўлиши керак! — деди у товуши хириллаб.

— Энди эшитиб турибман! — Бачана ёлғон гапирди. — Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Нима иш билан келдингиз? Мен сизни таклиф қилмовдим...

— Комбинатим тўғрисида кўтарилган шов-шувлар масаласида келдим. Сизга маслаҳатим шуки, нодон ва бемаъни одамларнинг ғийбатларига қулоқ солманг... Нимаики гап бўлса, ўзимдан сўрайверинг! — деди Маглаперидзе насиҳатомуз.

— Тушунмадим, нималар деяпсиз... Ҳеч нарсадан хабарим йўқ... — деди Бачана совуққина.

— Ҳаммасини биласиз... Афсуски... Ўз ходимларимнинг хизмати бу... Ҳай, майли, улар билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан!

«Безбет! Мен билан нега бунақа гаплашяпти!» Бачананинг қони қайнаб кетди, лекин дарров ўзини босиб, хотиржам жавоб берди:

— Қайтариб айтаман, ҳеч нарсадан хабарим йўқ...

Тушунтириброқ гапиринг!

— Бўпти! Лекин сизга маълум бўлган нарсалар ҳақида эмас, ўзимга маълум бўлган нарсалар ҳақида гапираман!

— Қулоғим сизда.

— Газетангизнинг эртанги сонида «Мушук терисини ёпинган паҳлавон» деган фельетон босилиши керак... Умуман, бу бемаъни фельетоннинг автори улуғ Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонини ўқиб чиқса ёмон бўлмас эди. Достонда ниҳоятда ибратли сўзлар бор:

**Улуғлайлик дўстларни деб жонни берган эрларни,  
Қадрлайлик яхшиликка булоқ бўлган дилларни.**

Ва яна:

**Баҳор фасли ўтиб кетиб, гул сўлмоққа бошлайди,  
Бошқа бир гул униб-ўсиб гулистонда яшнайди.**

— Бу сатрлар сизга таниш деб умид қиламан, — дея қўшиб қўйди Маглаперидзе жилмайиб.

— Мени ишдан олиб ташлаш учун келмаганмисиз ишқилиб! — Бачана ҳам кулиб жавоб қайтарди.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, ҳурматли Бачана! Шунчаки огоҳлантириб қўймоқчиман: эртага чиқадиган фельетон юқори органдаги, менинг комбинатимга раҳбарлик қиладиган ўртоққа маъқул бўлармикан, шу ҳақда ўйлаб кўрдингизми?

— Фельетоннинг мазмунини қаердан биласиз?

— Биламан, ҳурматли Бачана, биламан... Фельетонда айтилишича, мен юлғич ва фирибгарман, ўйнашим ҳам бор... Яна қандайдир бир жирраки аёл ва аллақандай пўстин билан боғлиқ кулгили воқеа ҳикоя қилинади... Қисқаси, ўзингиз ҳақингизда ўйланг, ҳурматли Бачана! Тагингиздаги курси сиз ўйлаганчалик мустаҳкам эмас... Тажрибамдан биламан...

Бачана ғазабдан қип-қизариб кетди-ю, лекин сир бой бермади:

— Ҳўш, нима маслаҳат берасиз, ўртоқ Маглаперидзе?

— Авваламбор — ўзингизни босинг. Тўғри, мен ҳам

қаттиқ ҳаяжондеман... Ҳа, сизнинг ҳузурингизга келиш мен учун ҳақорат! Бундай пайтларда, одатда, редакторларнинг олдига бухгалтерларимни юбораман... Сиз — ҳузурига илтимос билан шахсан ўзим таширф буюрган биринчи редакторсиз! Шунини эътиборга олинг!

— Илтифотингиздан ғоят бахтиёрман! — Бачана бош эгиб қўйди.

— Кесатмай қўяқолинг, ҳурматли Бачана... Сизни ҳурмат қилганим учун бу ерга келдим... Умуман олганда, кесатиш — бу менинг касбим...

— Ундай бўлса вақтни бекорга ўтказаяпсиз! — деди Бачана.

— Фельетонни олиб ташлаш керак! — деди Маглаперидзе узин-кесил.

— Овора бўласиз!

— Сизга шундай бир одам кўнғироқ қиладики...

— Худонинг ўзи кўнғироқ қилмайдами! Газета тегиб қўйилган, уни тўхтатиш давлатга эллик минг сўмга тушади... Келинг, беҳуда гапни чўзмайлик...

— Қанчага? — дея кулиб сўради Маглаперидзе.

— Эллик минг сўмга! — деб такрорлади Бачана.

— Ўзим тўлайман!

— Давлат сизнинг садақангизга зор эмас!

— Давлат, азизим, мен билан сизга ўхшаган одамлардан ташкил топган. Агар одамлар бир-бирларини қўллаб-қувватламасалар, давлат қўлайди. Наҳотки шунини тушунмасангиз?

Бу одамнинг сурбетларча тиржайиб туриши Бачананинг асабини зговларди.

— Агар фирибгарлик ва пул найрангларини ўзаро қўллаб-қувватлаш деб тушунсангиз, катта хато қиласиз, ҳурматли Сандро! Ҳамма нарса ҳам пулга сотилавермайди!

Маглаперидзе ўрнидан турди:

— Сиз ҳали пати чиқмаган жўжаҳўрозсиз, ҳурматли Бачана! Қичқиритишни эндигина ўрганапсиз, эҳтиёт бўлинг, тагин пих ёрмасингиздан олдин овозингиздан ажрелиб қолманг!

— Маслаҳатларингизни эътиборга оламан!

— Яна бир гап. Моэм айтадики, инсонда бешта туйғудан ташқари яна олтинчи туйғу ҳам бўлади, мана шу олтинчи туйғусиз қолганлари бир тийин...

— Қанақа туйғу экан у? — деб сўради Бачана мийғида кулиб.

— Пул, ҳурматли Бачана, пул! — деди Маглаперидзе ўшундай табассум билан.

— Шунга қарамай, эртага фельетон газетада босилиб чиқади, кейин тегишли органлар унга ўз муносабатларини билдиришади.

— Ва редакция улардан жавоб кутади!

— Ҳеч шубҳасиз!

— Сизга раҳмим келади, ҳурматли Бачана, жудаям раҳмим келади!..

Маглаперидзе эшикка қараб юрди.

«Аблаҳ!» Бачана унинг орқасидан шундай деб бақирмоқчи бўлиб турган эди, аммо комбинат директори чакқонлик қилди: ташқарига чиқиб, эшикни шартта ёпди.

Иккинчи киши Бачананинг кабинетига, гўё унинг ўзини босиб олишини атай кутиб тургандай, бир соатлардан кейин кирди. У ниҳоятда хушмуомала, ба-савлат одам бўлиб, кўзларидан ақл ва эзулик ёғилар эди.

— Салом, ҳурматли редактор!

Бачана ўрнидан туриб, меҳмон билан қўл олиб кўришга, ўтиришга жой кўрсатди. Меҳмон унга миннатдорчилик билдирди, шляпасини ечиб, портфели билан бирга узунчоқ столга қўйди, шундан кейингина таклиф этилган креслога ўтирди.

— Ижозатингиз билан ўзимни таништирсам: Бош статистика бошқармасининг ходими Галактион Георгиевич Мтварадзе!

— Хурсандман... Хизмат!



— Бевозта қилганим учун, қимматли вақтингизни олаётганим учун узр... Илло, сизнинг одамшаванда-лигингиздан бохабарман, бинобарин, ярим соатгина фурсатингизни олишга журъат этаман.

— Бемалол, бир соатга бўлса ҳам розиман!

— Азбаройи бу ғалати воқеа — ҳа, сиз учун ғалати бўлган воқеа — тарихи билан хаёлингизни банд қилиб ўтирмаслик учун биратўла фактларни баён қилиб қўя қоламан. Фақат бир илтимос, гапимни бўлманг ва ўринсиз саволлар берманг. Кейин секретарингизга айтсангиз, суҳбатимиз пайтида кабинетга ҳеч кимни киритмасэ.

Бачана қўнғироқ тугмачасини босган эди, секретарь аёл мўралади.

— Елена Сергеевна, мен йўқман. Ярим соатдан кейин бўламан.

Секретарь аёл бош силкиб, эшикни ёпди.

— Кулогим сизда! — деди Бачана меҳмонга қараб ва қўлига қалам олди.

— Йўқ, йўқ, ёзининг кераги йўқ!

Бачана қаламини жойига қўйди.

— Демак, гап бундай: мен гуманоидман!

Бачана сесканиб кетди:

— Нима? Нима дедингиз?!

— Ҳа, мен гуманоидман! — деб такрорлади Мтварадзе.

Бачана нима гаплигига тушунди. Лекин сўзини бўлмасликка ваъда қилгани учун бошқа савол бермади.

— Шунақа денг. Марҳамат, гапираверинг!

— Биз Гомос сайёрасидан келганмиз, Андромед туманлигидан Ерга тушиб, илк бор ҳаёт уруғини сочганмиз. Бу воқеага шунчалик кўп вақт бўлганки, уни ҳисоблаб чиқишга инсониятнинг ақли етмайди, бинобарин, математик рақамлар билан бошингизни қотириб ўтирмайман... Гапнинг лўндаси, биз Ерга ҳаёт олиб келганмиз... Бу коинотда амалга оширилган тенги йўқ эксперимент эди. Тажриба муваффақиятли чиқди, Ерга ҳаёт барпо бўлди ва у ўз самараларини бера бошлади.

— Битта савол бор! — деди Бачана қўлини кўтариб.

— Фақат мавзудан четга чиқманг! — деб огоҳлантирди уни Мтварадзе.

— Айтинг-чи, Галактион Георгиевич, шахсан ўзингиз қачон ва қандай қилиб бизнинг планетамизга келиб қолгансиз?

— Шундай савол туғилишини билардим... Гап шунданки, биздаги тараққиёт замон ва макдон тушунмасини тамомила йўққа чиқазган. Бу тушунча бизда хоҳиш деган нарсага тенг бўлиб қолган. Мени тушуняпсизми? Демокриманки, биз космик кемалар, учиб юрувчи тарелкалар ва ҳаракатланшининг бошқа техник воситалари ёрдамига суянмасдан, бир лаҳзада хоҳлаган жойимизга бориб қобилиятига эгамиз... Шахсан ўзингизга келсак, мен ҳеч қаердан келмаганман. Ерга ҳаёт уруғини олиб келган экспедиция тараққиёт жараёнини тартибга солиб туриш мақсадида бизнинг вақти-вақти билан пайдо бўлишимизни ирсий жиҳатдан программалаштириб қўйган. Бундай усул организмга ўз такомиллини ўзи белгилаш имконини беради...

— Ундай бўлса, гуманоид эканлигингизни қаяқолдан биласиз?

— Бу ҳақда Гомосдаги илмий марказлар тегишли пайда биотоклар орқали бизга хабар қилишади.

— Шундай хабарни қачон олгансиз?

— Яқинда, ўтган яшанбада. Одам сифатида ухлаб, гуманоид бўлиб уйғондим.

— Ҳаммаси тушунарли! — деди Бачана.

— Ҳеч нарсага тушунганингиз йўқ! Бунинг устига, мени жинни деб ўйлаясиз-у, лекин сир бой бермаясиз. Одобингиз учун ташаккур!

Бачана хижолат бўлиб қолди. Гуманоид сўзида давом этди:

— Экспериментдан кузатилган асосий мақсад бошқа планеталарда тараққиёт имконияти борми-йўқми — шуни аниқлаш эди.

— Хўш, қандай хулосага келдинглар?

— Шундай имконият бор экан!

— Худога минг қатла шукр! — Бачана севиниб кетди.

— Лекин сизлардаги тараққиёт нотекис. Худди кардиограммага ўхшайди. Сизлар тез-тез дардга чалиниб турасизлар, зеро кўпдан-кўп ортиқча, ўринсиз хатти-ҳаракат қиласизлар. Инсоният ҳақиша ташвишда, қўнгли нотинч. Наслингиз бутунлай миздан чиқиб кетган пайларда урушлар, ваболар, очарчилик, маънавий қашшоқлик ва фалокатлар бошланади.

— Ахир, нима учун бизни тергамайсизлар, тўғри йўлга солмайсизлар? Инсонпарварлигингиз қаяқда қолди?

— Космосда аралашмаслик қонуни мавжуд. Ҳар бир тирик организм тараққиётининг олий шаклига ўзи мустақил эришиши лозим.

— Бу адолатдан эмас, Галактион Георгиевич! Модомики, эксперимент ўтказган экансизлар, ўзинглар ёрдам беришинглар, тараққиётнинг тўғри йўлини кўрсатишинглар керак.

— Шундай қиялпмиз ҳам. Бизнинг ёрдамимиз тўсқинлик қилишдан иборат. Тушуняпсизми? Биз инсониятнинг нотўғри йўлга кириб кетишига қаршилик кўрсатамиз. Биз нотўғри ривожланаётган уруғларни яқсон этамиз.

— Буни қандай амалга оширасизлар? — деб сўради Бачана астойдил қизиқиб. Шу тобда у адашган одамзод номидан ҳақиқий гуманоид билан баҳслашарди.

— Биз йўлдан озган инсониятни икки марта асраб қолдик: биринчи бор — фахш ва ахлоқсизлик Содом ва Гоморра шаҳарларини кунпаякун қилган пайда, иккинчи гал эса, оламни сув босиб, инсоният буткул ҳалокат ёқасига келиб қолган дақиқаларда. Бу фалокатларни сизлар жудонинг қаҳрига йўясизлар, ихтиёр ўзларингизда, сизлар учун оқ билан қоранинг фарқи йўқ. — Мтварадзе мийиғида кулиб қўйди.

— Наҳотки, инсониятга кўрсатган бор-йўқ ёрдаминглар шу бўлса? Рухий ёрдам-чи? Маънавий ёрдам-чи? Нима учун ахлоқий жиҳатдан бизни яна ҳам юк-юк қилиб қилишни хоҳламайсизлар? — Бачанининг ўзига ҳам, ер юзидаги биродарларига ҳам астойдил ичи ачиб кетди.

— Нега энди! Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида, қайси замонлигидан қатъи назар, одамзод ахлоқига таъсир кўрсатувчи — ижобий маънода, албатта — гуманоид генлари пайдо бўлиб туради. Бундай аралашувни биз табиий ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

— Галактион Георгиевич, ўзингиздан бошқа яна бирон бир гуманоиднинг исмини айта оласизми? — деб сўради Бачана.

— Албатта! Ҳаммини эслай олмайман, лекин айримларини айтишим мумкин: Гомер, Сервантес, Бетховен, Руставели, Шекспир, Гёте, Леонардо да Винчи, Боккаччо, Архимед, Жордано Бруно, Жанна Д'Арк, Толстой, Пушкин, шоҳ Парнаваз, Давид Бунёдкор, Авраам Линкольн, Фолкнер, Гегель, Кант, Владимир Ульянов, Блок, Эйнштейн, Чарли Чаплин, Галактион, Важа, Акакий, Илья...! Санаб адо қилиб бўлмайди.

— Сизнингча, Галактион Георгиевич, ҳозирги жамият яхши ривожланяптими, тўғри йўлдан борляптими?

— Инсоният оғир аҳволда ҳозир! — дея хўрсинди Мтварадзе. — Агар одамзод боя мен номларини тилга олган гуманоидларнинг ўғитларига ўз вақтида қулоқ осганда эди, ҳозир ишларингиз анча дуруст бўлган бўлура эди... Аммо-лекин, одамлар космосга назар ташлагандан бери биз — гуманоидларда умид пайдо бўлди. Инсон ўзида ажайиб куч — синчковликни кашф этди. Ҳа, ҳа! Ўзинглар қадрига етмаган худ-

<sup>1</sup> Парнаваз — Грузия подшоҳи, Александр Македонскийнинг замондоши; Давид Бунёдкор (1073—1125) — Грузия подшоҳи, Давид IV Георгиевич; Галактион Табидзе — Грузия халқ шоири; Важа Пшавела, Акакий Церетели, Илья Чавчавадзе — грузин адабиёти классиклари.

ди мана шу синчковлик туфайли ернинг ашаддий тортиши кучини енгиб, космосга чиқишга муваффақ бўлдинглар...

— Хўш, энди сув тошқини ёки Содом-Гоморра фалокати такрорланмайдими?

— Агар эскирган деб, мен санаб ўтган гуманоидларнинг таълимотидан юз ўгирмасанглар, бундай фалокатлар бўлмайди... Ишонинг, уларнинг таълимоти кони фойда, кишини мусаффо қилади... Бинобарин, тараққиёт меваларини эҳтиёт қилинглар, ўтмиш даҳолари яратган асарларни асраб-авайланглар! Ахир, улар қанчадан-қанча меҳнат, қон ва кўз ёшлари эвазига дунёга келган!— Мтварадзе соатиға қараб, ўрнидан турди.— Масаланинг асосий моҳиятини сўзлаб бўлдим... Эътиборингиз учун мингдан-минг раҳмат! — У кўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Яна битта савол, Галактион Георгиевич! Нима учун айнан менинг олдимга келдингиз? Уз сиригингизни нима учун менга ошкор қилдингиз?

Мтварадзенинг юзига нурли табассум ёйилди, Бачана унинг кўзларидаги дардчил ифодани шундагина пайқайди.

— Наҳотки, менинг исми шарифимдан ҳеч нарса ни англамаётган бўлсангиз? Галактион — Галактика, Мтварадзе — Ой! Эртага кадрдон сайёрам Гомосга қайтиб кетаман... Ердга вазифамни бажариб бўлдим. Энди эса, охириги топшириқни адо этиб, шуни айтишим керакки, азизим Бачана Акакиевич, сиз — гуманоидсиз!

Бачананинг юраги ҳаприқиб, томоғига бир нарса қадалгандай бўлди.

— Хайр, дўстим ва биродарим! Мана, энди сиз Ердаги вазифангиздан огоҳ бўлдингиз!

Галактион Бачанани қучоқлаб, бағрига босди, кейин шартта бурилди-да, тез-тез юриб кабинетдан чиқиб кетди.

...Бачана секретарь аёл хонага қандай кирганини ҳам, столга бир уюм қоғозни қачон ташлаб кетганини ҳам сезмади. У дераза олдида турганча бесабаб-беихтиёр жилмаяр, иккала юзидан эса ёш оқар эди...

Бачана тун бўйи ухлаёлмади. Эрталаб редакцияга келибоқ Статистика бошқармасига кўнғироқ қилди.

— Алло, эшитаман! — деган ёқимли овоз эшитилди трубкадан.

— Статистика бошқармасими?

— Худди шундай.

— Айтинг-чи, яхши қиз, сизларда Галактион Мтварадзе деган одам ишлайдими?

— Мтварадзе? Анови жинними? Кечирасиз, ким сўраяпти?

— Галактионнинг дўстиман.

— Бир ҳафтадан бери қораси кўринмайди... Трубка Бачананинг кўлида муаллақ қолди.

— Алло, алло...

Бачана трубкани жойига қўйди...

16

Бачана Рамишвили 14 июлда туғилган. Бу сана дунёнинг барча календарларида бор, лекин, табиийки, Бачананинг туғилган куни сифатида эмас, балки Бастилия ҳалокатга учраган ва Франция республикаси дунёга келган кун сифатида қайд этилган.

Мана, Бачана рўпарасида очиқ турган календарга жилмайганча тикилиб, ўй суриб ўтирибди...

...14 июлда туғилган французлар бу кунни тантанали нишонлашади, албатта. Аммо Бачана туғилган кунни ким билади? Ҳеч ким. Эҳтимол, шахсий делоси сақланаётган кадрлар бўлимида, тагин, яқинда унга мuddатсиз паспорт топширган милициянинг паспорт бўлимида ишлайдиганлар билишар. Лекин билиш — эслаш деган сўз эмас... Охириги марта Бачананинг туғилган кунини у тўққиз ёшга тўлганда нишонлашган эди.

1 Мтваре — ой (грузинча).

Ушанда синфдош дўсти Вахтанг Элбакидзе унга ўзи юрадиган, қип-қизил ўт ўчирувчилар машинасини совға қилган эди... Уҳ-ҳў, бунга қанча вақт бўлди-ю!.. Шундан бери Бачананинг туғилган кунини атиги уч мартагина эслатишди:

— Сен туғилган кунга минг лаънат! — дейишди у биринчи марта тамаки чекканда.

— Туғилмай қаро ерга кирсанг бўлмасмиди! — дейишди у биринчи бор уйга маст бўлиб келганида.

— Сен ваҳшийни ким туққан ўзи! — дейишди у нон карточкасини йўқотиб қўйганида.

Бу фалокатни у турли пайтларда, турли одамлардан эшитган, аммо улардан ўшанда ҳам хафа бўлмаган, ҳозир ҳам ҳеч кимдан гинаси йўқ, чунки биринчи ва иккинчи дафъа гапирганлар унинг соғлиғини ўйлашган, учинчисидан эса — муқаррар оч қолиш хавфидан таҳликага тушиб шундай дейишган. Туғилган кунини тилга олган ва аллақачонлар дунёдан кўз юмган бу одамларни у бениҳоя миннатдорчилик билан хотирлайди. Уларнинг бу эзуликларига жавобан мазорларини мунтазам зиёрат қилиб, қабрларига ҳар гал анвойи гулдасталар қўйиб келади.

...Мана, бугун ҳам... Бугун дунёга келган қанчадан-қанча одамга гуллар совға қилишади, бугун оламдан ўтган қанчадан-қанча кишининг қабри гулчамбарларга кўмилади... Бугун қанчалаб гўдакнинг кўзлари очилиб, қанчасиники абадий юмилади... Бачана умр шажарасидай тўхтовсиз айланиб турган улкан чархпалакни кўз олдиға келтирди. Хаёлидан минглаб чехралар — таниш ва нотаниш, жилмайган ва маъюс, ҳайрон ва мамнун, хўмрайган ва шодон, сўлғин ва бахтиёр чехралар ўта бошлади... Ёлғондакам кема, автомобиль, самолёт ва отлардан ўлғудай ҳолдан тойган, боши айланиб, жони ҳалқумига келган одамлар тушиб келишар, уларнинг ўрнини бошқалари эгаллашарди... Бачанага гўё ўзи ҳам ҳозир чархпалакдан тушгандай, боши гир айланаётгандай туюлди. Ўрнидан туриб, гандираклаганча дераза ёнига борди-да, уни ланг очиб юборди. Хонага кечки салқин ёпирилиб кирди. Кейин эшикни очиб, коридорға мўралади. Редакцияда ҳеч ким қолмаган эди. Бугун Бачана туғилган кунини бирон бир йўсинда нишонламоқчи бўлди-ю, лекин ходимларга эрталоқ жавоб бериб юборишдан бўлак дурустроқ нарсани ўйлаб тополмади. Одамлар ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлиб тарқалишди.

У ўрнига келиб ўтириб, стол тортмасидан қўлиға илинган биринчи хатни олди. «Нега кўршапалаклар бошларини пастга осилтириб ухлашади?» деб аталарди мақола.

Телефон жиринглаб қолди. «Бемаҳалда ким бўлдикин?», деб кўнглидан кечирди у ва ажабланиб трубкани олди.

— Эшитаман!

Жавоб бўлмади.

— Лаббай, эшитаман!

Трубкадан бировнинг нафас олишиға ўхшаш пишиллаган овоз эшитилди. Бачана жавобни ҳам кутмай, трубкани жойига қўйди-да, яна қўлёзмаға қайтди. Дарҳақиқат, нима учун кўршапалаклар бошларини пастга осилтириб ухлашади? Бачана қўлёзмани ўқиб ўтирмади, бир қарашда бемаъни бўлиб туюлган бу саволға негадир ўзи жавоб топгиси келиб қолди. Балки... Болалиғида, жисмоний тарбия дарсларида Бачана неча мароталаб турникка осилиб, бошини пастга қилиб турган, ўқитувчисидан мақтовлар эшитган, аммо бундан асло роҳатланмаган эди. Бир гал Кобулетиди ўн беш минутча шу алфозда туришға мажбур бўлган эди: балиқчилар чалажон болани сувдан тортиб олиб, ичидаги сувни аранг чиқариб ташлашди, ўшанда шунча вақт оёғини осмондан қилиб турганини эсласа, Бачананинг эти жимирлашиб кетади. Хўш, бундай ғайритабиий ҳолат кўршапалакларға нима учун ёқаркин? Қизиқ... Бачана олдидаги қўлёзмадан жавоб изламоқчи бўлиб турган эди, шу пайт кабинет эшиги очилиб, хонаға ниҳоятда кетворган бир аёл кириб келди.

— Мен келдим! — деди у хона ўртасида тўхтаб. Бачана довдираб қолди: рўпарасида Мария турарди! Бачана унга ўтиришни таклиф қилмоқчи бўлган эди, тили айланмади, турай деса — тиззаларида мажол йўқ; жилмайишга уринган эди, худди тош қотгандай, башарасида ҳеч қандай ифода сезилмади. У бир лаҳзага гунгу лол бўлиб қолди. Аёл эса таранг кўкси ва оппоқ юзини кўз-кўз қилгандай қимир этмай турарди.

— Сизга кўнғироқ қилган эдим, — деди у секин. — Биаламан! — Бачана сал ўзига келди. — Нафасингизни эшитдим.

— Уйда йўқ экансиз, шунинг учун бу ёққа кўнғироқ қилишга мажбур бўлдим.

— Келинг, хизмат? — деди Бачана беихтиёр.

— Юринг!

— Қаёққа? — деб сўради таажжубланиб Бачана.

— Хоҳлаган ерингизга!

Бачана донг қотиб қолди.

— Марҳамат, ўтиринг! — деди у аранг.

Аммо аёл жойидан жилмади. Баланд бўйли, сочлари қоп-қора, лаблари лоларанг бу аёл эгнига оппоқ юбка билан яшил кофта кийиб олган эди. Шу тобда у деразадан ошиб кирган кўклами эслатарди.

— Юринг! — деб такрорлади аёл, қўлидаги яшил сумкачасини бетоқатлик билан силкиганча. Бачана ўрнидан турди, аёлнинг хушбичим оёқларидаги яшил туфлиларини у шундагина паққади.

Икковлон индамай кабинетдан чиқиди.

Кўчада Бачана такси тутатди.

— Қаёққа? — деб сўради ҳайдовчи.

— Хоҳлаган ерингизга! — деди Бачана ва ҳамроҳига аста кўз қирини ташлади. Аёл мийиғида кулиб қўйди.

Улар Комсомол хиёбонига кўтарилиб, кичик бир ресторанинг айвонига жойлашишди.

— Официант Бачананинг олдига таомномани қўйиб, нари кетди.

— Нима бўюрайин? — деб сўради Бачана.

— Қовурилган картошка.

— Яна?

— Ҳеч нарса.

— Вино-чи?

— Ўзингиз биласиз.

— Коньяк буюрсам-чи?

— Йўқ.

— Бўлмаса, «Тобаани» ичамиз.

— Майли.

Официант келгунча Бачана сигарета тутатди ва Марияга ҳам таклиф қилди.

— Раҳмат, мен чекмайман.

Орага жимлик чўкди. Бачана Марияга тикилганча сигарета буруқситиб ўйларди... Бу аёл нима учун келди? Иш биланми ёки яқинроқ танишиш учунми? Ёки бўлмаса... Йўқ, туғилган кунимни билиши мумкин эмас!.. Хўш, келишга уни нима мажбур қилди?.. Сўрасинми? Лекин Бачана бу саволни беришга ийманарди. Одобсизлик бўлади, деб ўйлагани учун эмас. Йўқ. У бу ғалати аёл билан учрашган кунидек юрагининг туб-тубида милтиллаган умид учқунини сўндириб қўйишдан кўрқарди...

Ниҳоят, официант келдию Бачана анча енгил тортди.

— Нимангиз бор? — деб сўради.

— Парранда сутти! — деб жавоб берди официант.

— Унақа бўлса, бизга қовурилган картошка билан «Тобаани» келтиринг.

Официант дудуқланиб қолди

— Қўзичоқ гўшtidан пиширилган кабоб, бузук гўшtidан тайёрланган кабоб, қовурилган жўжа, чакапули, абхазура, мужужи, татаряхни<sup>1</sup>, надуги<sup>2</sup>, мчади<sup>3</sup>, пишлоқ, ёнғоқ... Хоҳлаганингизни танланг!

<sup>1</sup> Чакапули, абхазура, мужужи, татаряхни — гўштдан тайёрланадиган грузин миллий таомлари.

<sup>2</sup> Надуги — сутли таом.

<sup>3</sup> Мчади — зогора нон.

— Булбулнинг тили йўқми? Қовурилгани! — дея ҳазиллашди Бачана.

— Қовурилгани йўқ, қайнатилгани — истаганингизча! — Официант ҳам бўш келмади.

— Ҳаммасини опкелаверинг!

— Ёнғоқ билан «Тобаани», — деди Мария.

Официант «хўп бўлади» дегандай бош силкиб, зипиллаганча ошхона томон йўрғалаб кетди.

— Мария, ҳозир қаерда эканлигингизни эрингиз биладимиз? — деб сўради Бачана кўққисдан ва бемаъни савол берганини англаб, қизариб кетди.

— Мен буни сиздан сўраётганим йўқ, чунки буйдоқлигингизни биаламан, — деди Мария кулиб.

— Демак турмушга чиқмаган экансиз-да? — Бачана негадир ўзича шундай хулосага келди.

— Ҳозир эрим йўқ, — деди Мария.

— Нима учун? — деб сўради Бачана ва яна «қовун туширганини» сезиб қолди.

Аёл индамади.

— Яъни, демоқчиманки, қизингизнинг отаси борми йўқми? — дея бу ёғини силлиқлашга уринди Бачана.

— Отаси ҳам бор, эри ҳам бор! — деб жавоб берди Мария.

Бачана яна сигарета тутатди. Иккала қўлини саланглатганча официант қайтиб келди.

— Кабоб тугабди, азизлар... Жўжани тавсия қилмайман, чунки инкубатордан чиққан... Биқин гўштини бугун опкелишмабди... «Тобаани» йўқ, шампан виноси ҳам... Швейцария ва Ростов пишлоғию «Саэро»<sup>1</sup> билан редиска бор...

Бачана ҳайрон бўлиб қолди.

— Парранда сутти-чи? — деб сўради Мария.

— Ачиб қопти! — дея ҳазил қилди официант.

Мария шундай қаҳқаҳа отиб кулдими, атрофда ўтирганлар бараварига унга қарашди.

— Директорингиз қаерда? — деб сўради Бачана.

— Ҳозир йўқ, бир жойга кетган... Қайтиши билан бошлаб келаман!

«Бу официант ё тентак, ёки мени таниб, бозордан харид қилинган нарсаларни яширишяпти», деб ўйлади ва Бачана ва Марияга юзланди:

— Кетдик! Биринчи учрашувимизни редискаю «Саэро» билан нишонлашни истамайман...

— Гап бунда эмас-ку! — деди Мария. — Борини опкелаверсин. Ўзимизни Ленинград қамалида деб тасаввур этамиз... Бир-биримизга тикилиб ўтираверамиз... Бу оқшом умрбод ёдимизда қолади...

Бачананинг миясини яна шубҳа-гумонлар кемира бошлади: «Мендан нима истайди ўзи? Уни ким жўннатган? Нима мақсадда келдикин? Наҳотки, фақат мен билан учрашиш учун келган бўлса?» У бошини кўтариб, Марияга кўз қирини ташлади. Мария бутунлай бошқа томонга тикилиб турарди. Бачана ҳам ўша ёққа қарадию қандайдир бир басавлат киши билан гаплашиб турган официантни кўрди. Бегона одам бир нималар дер, официант эса, худди кўғирчоқдай, тинмай калласини ликиллатар эди.

— Сизга қарши фитна тайёрланяпти! — деди Мария Бачанага.

— Агар ниятлари сизни мендан тортиб олиш бўлса — овора бўлишади! — Бачана кулиб, столда ётган алюмин пичоқни қўлига олди.

— Бу пичоқ билан мени ҳимоя қилолмайсиз! — деди Мария жилмайиб.

— Унда тишларимни ишга соламан! — деб жавоб берди Бачана официант томонга қараб. Лекин официант ҳам, семиз киши ҳам ғойиб бўлишган эди. — Мария, ортиқ чидаёлмайман! Менинг олдимга нима учун келдингиз? Мақсадингиз нима?

— Мен сиздан ҳеч нарса сўраётганим йўқ-ку? — дея таажжубланди Мария.

— Пичоқсиз сўйяпсиз мени... Кўнглингиздагини очиқ айтинг!

<sup>1</sup> «Саэро» — винонинг номи.

— Асло хавотирланманг. Эртага Кутаисига учиб кетаман. Одатим бўйича, учиб олдидан юрагимга яқин киши билан хайрлашмоқчиман. Бор гап шу!

— Нега энди? — Бачана шошиб қолди.

— Қайдам... Ҳар гал самолётга бир бало бўладигандай, ўзим учун азиз одамларни охириги марта кўраётгандай туюлаверади негадир... — Мария бошини куйи эгди.

— Мен ҳам ўшандай кишилар тоифасига кираманми? — деб сўради таажжубланиб Бачана. Мария кўзини ердан узмай, бош иргади. — Бунга... бу бахтга мушарраф бўлишимга сабаб нима?

— Кошкийди ўзим билсам!..

— Шунақа азиз кишиларингиз анчагинами?

То жавоб бўлгунча Бачананинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Шу бугунга қадар атиги биттагина ана шундай одам бор эди — қизим Майя. Энди иккинчи киши пайдо бўлди, бу — сиз.

«Ё мен туш кўряпман, ёки бу аёл — жодугарнинг ўзгинаси», деган фикр кечди Бачананинг кўнглидан. Мария эса бирдан бошини кўтариб, ҳаяжон билан сўзлай кетди:

— Биламан, сиз мени тентак ёки фирибгар аёл деб ўйлаясиз... Ишонинг, нега шундай бўлаётганини ўзим ҳам билмайман!.. Бир йилдан бери ўз ёғимга ўзим қовуриламан... Майли, ҳечқиси йўқ! Мен иродали аёлман! Ҳозир шартта тураману кетаман! — Мария ўрнидан турди.

— Агар кетсангиз, мени ўлди, деяверинг! — Бачана аёлнинг муздек бармоқларидан ушлади, аёл ҳам унинг астойдил гапирётганига ишонди. Бачана буни тушуниб, Мариянинг қўлини ўпди.

— Раҳмат! — деди Мария жойига ўтираркан.

Бир маҳал сархил таомлар билан тўла патнис кўтарган официант пайдо бўлди.

— Ёпирай, шунча нарса қаёқдан топила қолди? — деб сўради Бачана ажабланиб.

— Директоримиз келдилар, сизни кўриб, шуларни бериб юбордилар, — деди официант.

— Директорингиз ким?

— Ҳозир ўзлари келадилар.

— У киши мени танийдими?

— Таниш ҳам гапми?... Ишдан бўшатиб юборишларига сал қолди! Менинг нима айбим бор? Одамнинг кимлиги, қаерда ишлаши пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку, ахир! Минг марта узр! — Официант таъзим қилиб, чопганича изига қайтди.

Бачанага сал жон кирди. У шампан шшасини пақиллатиб очиб, қадаҳларни лиммо-лим тўлдирди.

— Сизга айтадиган битта сирим бор, Мария...

— Йўқ, биринчи сўз — меники! — Мария қадаҳни қўлига олди

Бачананинг бутун жисми қулоққа айланди.

Мария шампан кўпиги тинишини кутиб турди, кейин Нарикала<sup>1</sup> тепасига кўтарилган ойга қадаҳнинг бу томонидан қаради. Бачана ҳам шундай қилди. Ой аввал титради, чайқалди, сўнг қадаҳни аста тўлдириб, қаҳрабо суюқлик ичида эриб кетди. Бачанага гўё у муздек, тилларанг ойни ушлаб тургандай туюлди.

— Бугун ой ўн тўрт кунлик бўлди... — деди Мария секин. — Ойнинг қиқиш ва ботиш пайти қадимдан маълум, унинг қачон кўриниб, қачон тўлишини ҳам ҳамма билади. Аммо, ой қачон пайдо бўлган, у қачон туғилган — буни ҳеч ким билмайди... Мен шу қадаҳни туғилган кунини биров эсламайдиган одамларнинг соғлиғи учун ичаман...

Мария Бачана билан қадаҳини уриштирди. Бачананинг қадаҳидаги ой яна титради, кейин аста-секин эриб, гип-тиниқ қаҳрабо суюқликка айланди. Мария билан Бачана қадаҳларини охиригача сипқоришди. Бачана яна осмонга қараган эди, ой кўринмади. У булутлар ортига беркинган эди.

— Биз ойни ичиб юбордик! — дея хитоб қилди

Бачана бу ғалати тасодифдан болалардай қувониб.

— Илойим, ой тургунча туринг! Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! — Мария қадаҳни столга қўйди. — Ҳа, айтгандай, аллақандай сир ҳақида гапирмоқчи эдингиз, мен сизга халақит бердим, — дея эслатди у.

Бирдан Бачананинг ўпкаси тўлиб кетди, ғалати бу аёлнинг кўксига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

— Биласизми... айтмоқчиманки... сиз жудаям чиройлисиз, Мария! Улсам майлими?

Бунга жавобан аёл мулойимгина жилмайди. Бачана ўрнидан турди-да, стол оша энгашиб, Мариянинг катта-катта, нам кўзларидан ўпди. Шу он буларнинг столига боя официант билан гаплашиб турган семиз киши яқинлашаётганини кўрди.

— Салом! — деди у хириллаган товуш билан.

— Салом! — деди Бачана ҳам.

— Ижозатингиз билан, ҳурматли Бачана, атиги бир минутга оромингизни бузаман...

— Утиринг, марҳамат... Бу киши танишим — Мария...

Нотаниш киши икки букилиб таъзим қилди, сўнг Мариянинг қўлини олиб ўпди, шундан кейингина стулга ўтирди.

— Танимадингиз-а, ҳурматли Бачана? — У чўнтагидан уч қути «Винстон» сигаретасини чиқариб, биттасини Мариянинг олдига, иккинчисини Бачананинг олдига, учинчисини эса ўзининг олдига қўйди.

Бачана унга диққат билан тикилди, миясида аллақандай хотиралар тиклангандай бўлди-ю, аммо сира илғаб ололмади, бинобарин, хижолат чекиб, деди:

— Кўзимга иссиқ кўрнияпсиз-у, қаерда учрашганимизни эслолмай турибман.

— Сандро Маглаперидзедман, мўйна буюмлар комбинатидан...

— Э-э-э! — дея хитоб қилди Бачана. — Қайси шамол учирди!.. Қалайсиз, ҳозир қаердасиз, ҳурматли Сандро?

— Раҳмат, тупроқдан ташқари, дегандай юрибмиз...

— Агар эски гапларни юзимга солиш учун келган бўлсангиз, бугун бу ишни қила кўрманг... Чунки бугун Француз республикасининг туғилган куни ва менинг ҳам туғилган куним! — деди Бачана кулиб ва Маглаперидзедга шампан тўла қадаҳни узатди.

— Э-э, нималар деяпсиз! Нега юзингизга соларканман?! Аксинча, сизга миннатдорчилик билдириш учун келдим, ҳурматли Бачана!.. Хўш, неччига кирдингиз?

— Қирқ бешга.

— Ёпирай! Ҳали бутун ҳузур-ҳаловат олдинда-ку! Мухаббат ҳам! — Маглаперидзе Марияга қараб қўйди. Мария уялганидан қизариб кетди. — Табриклайман, ҳурматли Бачана! Бахтли бўлинг! Сиз — ўзингиз ҳар қанча хоҳлаган тақдирингизда ҳам, бировга ёмонлик қилишни билмайдиган одамсиз!

— Ростданми?

— Албатта! Уша фельетон босилиб чиққанидан кейин жуда машҳур бўлиб кетдим! Мени бутун Грузия таниди!..

Бачана кулиб юборди:

— Бунақа машҳурликни душманамга ҳам раво кўрмасдим.

— Унақа деманг... Машҳурликда гап кўп... Геростратни бир эслаб кўринг... Фельетонингиз ёвузлик ниқобини йиртиб, ҳақиқатнинг тантана қилишига ёрдам берди.

— Бунга шубҳам йўқ...

Бачана Маглаперидзени бу ерга миннатдорчилик туйғуси бошлаб келмаганини ич-ичидан сезиб турарди.

— Ҳа, ҳа... Фельетондан сўнг тергов органлари ўша хотиннинг қаллоб ва фирибгар эканини аниқлашди.. Уз муносабатини билдириши учун сиз фельетонни жўнатган одам эса ҳақиқий ватанпарвар бўлиб чиқди...

— Қандай қилиб? — деб сўради Бачана ва Магла-

<sup>1</sup> Нарикала — Тбилисидаги эски қалъа.

перидзени ўтиришга таклиф қилгани учун ичида аф-сусланди.

— Сизнинг ҳисобингиз бўйича, газетанинг териб қўйилган сонидан фельетонни олиб ташлаш давлатга эллик минг сўмга тушарди, шундайми? У одам зарари йигирма беш минг сўмга келтирди...

Бачана ҳайрон бўлиб қолди. Маглаперидзе бунни сезиб, хотиржам изоҳ берди:

— У жуда оддий йўл тутди: фельетонингизга парво қилмай қўяқолди.

— Пора бердим, яъни йигирма беш минг сўм қистирдим, демоқчимисиз?

— Пора деганда сиз нимани тушунасиз, ҳурматли Бачана? Сизга яхшилик қилган, ёрдам берган одамга билдирилган миннатдорчиликними? Ахир, Руставелининг ахлоқ кодекси бугун ҳам биз учун дастуриламал эмасми? Автандилнинг вазирга айтган гапларини бир эсланг-а:

### Дўстлар учун жонфидалиқ — ғоят улуғ фазилат, Оғир кунлар синовида билинади дўст фақат.

— Кўриб турибман, ифлос фалсафангизни асл манбалардан фойдаланиб, пухта ишлаб чиқибсиз! — деди кесатиб Бачана.

— О, классик адабиёт — бебаҳо хазина... Руставелини худди Инжилдай ҳар кун қайта-қайта ўқийман... Дарвоқе, сизнинг асарларингизни ҳам ўқиб тураман ва ўзим учун талайгина ибратли нарсаларни топаман... Ҳамроҳингиз бениҳоя гўзал, ҳурматли Бачана,— дея Маглаперидзе мавзунини бирдан бошқа ёққа буриб юборди, — тақинчоқларсиз бу қадар кўхлик аёлни умримда биринчи кўришим!

Бачана бу гапни асло кутмаган эди, шунинг учун ҳам дабдурустдан нима дейишни билмай қолди.

— Хотинингизнинг тақинчоқлари кўп бўлса кераг-а?! — деб сўради Мария Маглаперидзедан ва ҳаяжонини яшириш учун вино ҳўплади.

— Ҳар ҳолда, нолимайди... Лекин мен хотинларни назарда тутаетганим йўқ... Ҳалигидай... оиладан ташқарида ҳаётимизни гуллаб турадиган аёллар ҳам бўлади...

Мариянинг ғазоби бўғзига келди-ю, лекин ўзини босди.

Бачана суҳбатни олдинги мавзуга бурмоқчи бўлди: — Фельетондан кейин ҳаётингизда ҳеч нарса ўзгармадими?

— Нега ўзгармас экан, ҳурматли Бачана?! Биринчидан, комбинатимиз куйиб кетди. Бунга эскирган электр симлари сабаб бўлди... Иккинчидан, ҳўжайиним пенсияга чиқди, ҳозир савдо соҳасида ишлапти... У мени ҳам ёнига тортди. Биргалашиб ресторанларнинг янги бирлашмасини туздик... Гўё Нерон ўт қўйган Рим култепаси устиде қайтадан шаҳар барпо қилдик, хи-хи-хи!... — Маглаперидзе беўшован ҳирийглади.

— Ҳа, жудаям пихини ёрган, хавфли фирибгар эканлигингизга энди ишондим, ҳурматли Сандро... Ижоният бўлиши билан бу масалага яна албатта қайтаман, — деди Бачана жиддий.

— Бу гапни асло кутмаган эдим сиздан! Шунча вақт ичида кўзингиз очилган, қай пайтда қичқаришни ўрганиб олгансиз, деб ўйловдим... Ҳалиям ўша-ўшасиз... Бемаҳал қичқирган жўжаҳўрозларни нима қилишларини биласизми?

— Кўрқитяпсизми? — Бачана ғазабдан титраб кетди.

— Шу ифлос билан ади-бади айтишиб ўтирасизми? — деди бирдан Мария Бачанага қараб. Маглаперидзе сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мария ҳам турди.

— Жўнанг, бу ердан! — деди Бачана ўзини аранг босиб Маглаперидзеге.

— Аёлларнинг нозига учманг, ҳурматли Бачана... Македониялик жангчилар фоҳишаларнинг сўзига кириб, дунёдаги энг гўзал шаҳар — Персиполисга ўт қўйиб юборишган... — Маглаперидзе Марияга нафрат билан тикилди. Шу пайт, Бачана бирор нарса дейишга улгурмай, Мария Маглаперидзенинг чаккасига шапалоқ тортиб юборди. Ресторанда ўтирганлар гурр этиб шу

томонга қарашди, аммо бу ҳодиса шу қадар тез ўтдики, ҳеч ким ҳеч нарсани кўролмади ҳам... Орага бир лаҳза сукунат чўкди... Бачана бирдан столнинг Маглаперидзе турган томони кўтарила бошлаганини сезиб қолди. У бор гавдаси билан столга ётиб олди. Маглаперидзе столни ағдариб юборишга ҳарчанд уринмасин, уддасидан чиқолмади. Бу сўзсиз олишув бир неча дақиқа давом этди. Бачана билан Маглаперидзенинг чакка томирлари ўйнаб, кўзлари қонга тўлган эди...

— Овора бўласан! — деб пичирлади Бачана, аммо унинг овозидаги қаҳр-ғезаб шу қадар кучли эдики, Маглаперидзе бирдан бўшашиб кетди. Афти аввалги тусга кирди, кўзлари мулойимлашди. У столдан нарироқ бориб, Марияга мурожаат қилди:

— Миннатдорман, хоним! — Бу яхшилигингизни умрбод эсимдан чиқармайман.

Ранги докадек оқариб кетган Мария чурқ этмади. — Жўнанг, Маглаперидзе! — Бачана бу гапни шу қадар хотиржам айтдики, бунга ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Маглаперидзе шартта бурилиб, нари кетди. Бачана билан Мария юз берган воқеа таъсирида бир лаҳза гарангсиз туришди, кейин жойларига ўтиришди. Анча пайтгача икковларидан ҳам садо чиқмади. Жимликни биринчи бўлиб Бачана бузди:

— Мария, самолётга олган билетингни кўрсат-чи. Мария сумкасини очиб, титроқ қўли билан уни анчагача титкилади, ниҳоят, билетни топиб, Бачанага узатди.

Бачана билетга қарамади ҳам, уни майда-майда қилиб йиртиб, кулдонга ташлади-да, ёқиб юборди.

— Ташлаб кетма мени, Мария! — деди у аста ёниб тугаетган билетга тикилганча. Мария сезилар-сезилмас бош силкиб қўйди. Бачана қадахларни тўлдириб, официантни чақирди:

— Ҳисоб-китоб қилинг.

— Ҳаммаси тўланган!

— Ким тўлади?

— Директоримиз!

Бачана кулиб юборди.

— Ана сенга Бастилиянинг забт этилиши!.. Сен учун, Мария! — Улар қадахларини уриштиришди. Мария ўрнидан турди-да, Бачананинг олдига келиб, уни юзидан ўпди. Кейин яна қайтиб бориб жойига ўтирди ва иккала қўлини юзига босганча ҳўнграб йиғлаб юборди...

Тоғ тепасида юксалиб турган Шавнабада<sup>1</sup> черкови ҳақиқатан ҳам қора чакмон кийиб олган чўпонни эслатади. Гўё у қўлини кўзларига соябон қилиб, Мтқвари, Алгети, Машавера ва Храми<sup>2</sup> соҳилларида ўтлаб юрган қўй-қўзиларга тикилиб турганга ўхшайди. Тоғ этагига жойлашган Рустави, Болниси, Марнеулилар<sup>3</sup>, худди подани қўриқлаётган баҳайбат итлардай, оғизларидан тутун ва олов пуркашади.

Ҳарир туман пардасига ўранган, гумбази нақ осмонга санчилган Шавнабада кеч кузда ҳайратомуз чирой касб этади.

Якшанба. Торгина арава йўлида бир машина ўрмалапти. У маст одамдай тинимсиз чайқалади, ҳар бурилишда тўхтаб, орқага тисланади-да, бор кучини тўплаб, яна олдинга интилади ва кучана-кучана навбатдаги довондан ошиб ўтади.

Черков рўпарасидаги сўнги довонга етганда машина яна тўхтаб қолди. Бачана биринчи тезликка олиб, муфтани бўшатди. Машинанинг орқа ғилдираклари остидан қум ва шағал отила бошлади. Бачана яна газ

<sup>1</sup> Шавнабада — тоғнинг номи; «шави» грузинча — қора, «набада» — чакмон дегани.

<sup>2</sup> Мтқвари, Алгети, Машавера, Храми — дарё номлари.

<sup>3</sup> Руставели, Болниси, Марнеули — Тбилиси яқинидаги шаҳарларнинг номлари.

берди. Филдираклар шиддат билан айланиб, ҳаммаёқни куйган резина ҳиди тутиб кетди.

— Тушиб тураман, — деди Мария.

— Утиравер. Юки энгил бўлгани учун ҳам кўзгалолмаяпти, — деб тушунтирди Бачана.

У машинани орқага тисариб туриб, тезликни улади-да, қаттиқ газ берди. Машина олдинга қараб отилди.

— Мана, етиб келдик!

Бачана машинани дарахт тагида тўхтатди.

Мария машинадан тушди, туфлисини ечиб, ўт устидан оёқ яланг анча жойгача чолиб борди, кейин ҳовли ўртасида тўхтаб, қулочларини ёзди-да, оёқ учида туриб, худди қизалоқлардай, гир айланди.

— Ёпирай, олло таолога яқинлашиб қолибмиз-ку!

Сўнг черков рўпарасида чўнкайиб ўтирдию бошини тиззалари устига қўйганча, худди ибодат қилаётган роҳибалардай қотди-қолди.

Бачана машинанинг юкхонасидан егулик нарсаларни олиб, дарахт остига ўрнатилган столга келтириб қўйди, кейин Мариянинг ёнига бориб, астагина ерга чўккалади ва уни елкасидан қучиб, кулиб туриб деди:

— Қани, Мария, бир тиловат қилиб юбор-чи!

Мария ҳам чўкка тушди, кафтини кўтарди-да, кўзларини юмганча ўқий бошлади:

**Сен — ишончим, суянган тоғим,  
Дилимга нур, қалбимга ором.  
Сен — кўкдаги ёнган юлдузим,  
Ҳам қуёшим дегайман мудом.  
Адоғи йўқ тиниқ чашмасан,  
Қанотлари парқу фариштам.  
Яратгандан тилаганим шу —  
Мен билан бўл, бирга бўл ҳар дам!**

Мария жим бўлиб қолди.

Бачана бу шеърни ёддан биларди, лекин ҳеч қачон, бирор марта ҳам унинг дуони эслатувчи мазмуни устида бош қотириб ўтирмаган эди. Мана энди, бирдан вужудини алланечук ҳаловат чулғаб, қалби тўлқинланиб кетди. У Марияни ўзига қаратиб, сўради:

— Нима бу — тиловатми ёки истакми?

— Бари бир эмасми?

**Эҳ, офтобжон, офтобжон,  
Тоғ ортига беркинма.  
Қалтирайди қиз шўрлик,  
Тафтингни дариг тутма.  
Қучоғингга ол уни,  
Айт севги ашуласин.  
Кутмайди сохибжамол —  
Топиб кетар бошқасин!**

Мариянинг илтижосини гўё табиат уққандай бўлди: тоғ ортидан улкан қуёш кўтарилиб, черковни чўғдай қизиб турган бағрига босдию кўз очиб-юмгунча теваарак-атрофдаги туманни сут каби ичиб юборди.

Мария Бачананинг кўксига ёпишганча куйиниб гапирди кетди. Унинг сўзлари ростдан ҳам тиловатни эслатди:

— Ташлаб кетма, мени, Бачана!.. Ташлаб кетма, яқка-ёлғиз суянчим сенсан!.. Шу пайтгача нега ёнимда эмасдинг?.. Қанчадан-қанча балолардан асраб қолган бўлардинг... Сени биринчи бор кўрган кунимдан буён ҳамма нарсдан юз ўгирдим!.. Сендан бўлак ҳеч нарса керакмас менга!.. Сен менинг илоҳимсан, мен фақат сенга сизинаман — ҳеч қачон ташлаб кетма мени, ўтмишга улоқтирма! Истамайман! Чарчадим!.. Умр бўйи қидира-қидира, сени эндигина топдим!.. Ташлаб кетма!.. — Мария йиғлаб юборди.

Бутун қалби туғён уриб турган бу аёлнинг ўтли таваллосини Бачана киприк қоқмай эшитди. Сўнг унга тасалли беришга уринди:

— Нималар деясан, Мария?.. Ким айтди, мени, ташлаб кетади, деб?.. Қўй, ўзингни бос!.. Йиғлама, азизим!.. Ҳамиша бирга бўламиз!..

Мария сал ўзига келгач, Бачана уни аста ўт устига

ётқизди-да, ўрнидан туриб, черковга қараб юрди. Унинг ўзи ҳам Мариядан кам ҳаяжонда эмасди.

Черковнинг ичи зах ва нимқоронғи эди. Бачана теваарак-атрофга разм сола бошлади.

Зах тортиб, сувоғи кўчиб кетган деворлар... На санам бор, на деворга ишланган бирорта расм... Бурчакда — устига ситилганроқ кўк мато ёпилган, бир оёғи калта ёғоч стол турибди, столда эса алмисоқдан қолган шамдон билан, афтидан, дарвешроқ одам чизиб ташлаб кетган Биби Мариянинг суврати... Шамдондаги учала шам ёниб тугаёзган... Столда яна бир боғлам шам билан ғижимланган уч сўмлик пул...

— Ҳей! — деб қичқирди Бачана.

— Ҳе-е-е-ей! — деган акс садо эшитилди.

Гумбаз шифтида ғу-ғулаётган кабутарлар париллаб учиб, бирин-кетин дарчалардан ташқари чиқиб кетишди... Бачана черков ичини кўздан кечира бошлади. Кунчиқар томондаги деворнинг баъзи ерларини шам ёқилаверганидан одам бўйи баравар қурум босган. Баъзи жойларда экскурсияга келганларнинг узундан-узоқ рўйхати. Фамилияларининг ёнига уй адреслари билан черковга ташриф буюрилган вақт ҳам ёзиб қўйилган. Бачана Исо алайҳиссаломнинг меҳроб деворига ишланган, туси ўчаёзган яккаю ягона суврати остига битилган икки сатр шеърни кўриб қолди. Унда қандайдир ҳаваскор шоир олло-таолони очиқдан-очиқ рад этган эди:

**Ишонмайман, эй парвардигор,  
На суратик, на сийратинг бор!**

Шеърнинг тагига «Комсомол-атеист» деб имзо чекилган.

Сал қўйироқда унга жавоб ҳам бор:

**Гар худога ишонмасанг, ўздан кўнглинг бўлса тўқ,  
Эй комсомол, нега келдинг бу ён кўзинг қилиб лўқ!  
Ташвишларим етиб ортар, йўл нотекис, кўп йироқ,  
Тинч қўй мени, даҳрий бола, тинч қўйганинг яхшироқ!**

Имзо — «Исо Масих».

Бачана хахолаб кулиб юборди: бу ғойибона мушоирада атеистнинг парвардигори оламга ютқазгани яқин қол кўриниб турарди.

Черковдан чиқиб, Бачана Марияни учратмади.

— Мария, қаёқдасан? — деб қичқирди у.

Жавоб бўлмади. «Нега ёлғиз ташлаб кетдим-а!», деган ўй кечди кўнглидан ва черков атрофини зир айланиб, уни қидира бошлади.

Мария эса дарахт тагидаги стол ёнида қандайдир бир мўйсафид билан бамайлихотир гаплашиб ўтирарди. Бачана уларнинг олдида борди:

— Қаёққа ғойиб бўлдинг? Утакамни ёриб юбординг-ку!.. Ассалому алайкум! — Бачана чолга ўгирилди.

— Ваалайкум ассалом! — Чол бошидаги думалоқ кигиз қалпоғини ечди.

— Тамадди қилволамизми? — деб сўради Бачана Мариядан.

— Жоним билан! Қорним очди! — деди Мария. — Отахон ҳам бизга шерик бўладилар.

— Албатта! Менинг ҳам ул-бул нарсам бор! — Чол тўрвасини очди, ундан хонаки нон, пишлоқ, пишган гўшт, саримсоқпиез ва ярим шиша ароқ олиб, столга қўйди. Бачана машинадан бир шиша вино келтирди.

— Олдини, болаларим, биттадан ароқ отамиз! — деди чол ва тўрвасидан мўъжазгина мугузни олиб, ичига бир пуфлади-да, ароқ тўлдириб, Бачанага узатди:

— Қани, тутдан қилинганини ҳам бир татиб кўр-чи! Йўқ, олдин бир нарса девор!

— Душманларимиз куйиб, дўстларимиз кулаверсин!

Бачана ароқни ичиб юборди, бир оз жим тургач, мамнуният билан хитоб қилди:

— Ҳа, зўр ароқ экан!

Хурсанд бўлиб кетган қария ўзига келди.

— Шодлик бор жойда қайғу ҳам бор... Ҳар иккаласи учун ичамиз, соғ-саломат бўлсан, бас! Ҳаёт учун! — У мугузни парватиб, соқол босган юзига каф-

тини суртди, кейин Марияга ароқ кўйди.— Энди навбат сеники, қизим! Худо сени шундоқ чиройли қилиб яратибди, сўзларинг ҳам ўзинга ўхшаган ёқимли бўлиши керак!

Мария мугузни қўлига олди.

— Неччига кирдингиз, отахон?

— Э-э, — қария қўл силтади, — етмишдан ошиб кетдим!

— Илойим яна шунча йил умр кўринг!

— Қаердансиз?

— Хўв анови қишлоқдан.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Мол боқяпман.— Чол иккита сигир билан уч нафар кўй ўтлаб юрган нариги ёнбағирликка ишора қилди.

— Ўзингизникими?

— Ҳа.

— Яхши даромад қиласизми?

— Даромад қаёқда! Бу жониворлар ўзини ўзи эпласа ҳам катта гап.

— Нимага боқиб юрибсиз бўлмаса?

— Эрмак-да, болам. Бир-икки хўплам сути бор, озгина юнг беради, иннайкейин, онда-сонда уч-тўрт қадоқ гўшт ҳам тегиб туради... Шу туёқ икки баравар кўп бўлганда эди... Ҳозир орқасидан лўкиллаб юрганга арзимайди! Буларнинг фойдасидан бўрига ем бўлиши кўпроқ..

— Давлатга топширасизми?

— Албатта, топшираман.

— Нимани топширасиз?

— Айтдим-ку — озгина сут, озгина юнг, озгина гўшт...

— Икки баравар кўп бўлганда-чи?

— Ие, шуняма сўрайдими одам, ўғлим? Кўп бўлса, кўп топширадим-да... Гўримга орқалаб кетармидим? Ё давлатга топширадим, ё бозорга опчиқардим...

— Колхозда ишлайсизми, Георгий ота?

— Э-э, менга йўл бўлсин, ўғлим, бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда бўлса! Болаларим ишлашади. Мол боққани ҳам қўйишмайди. Бизни шарманда қилиб нима қиласиз, тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими, дейишади. Гўшт билан сутни давлатга магазиндан сотиб олиб топшираверишармиш! Эшитяпсанми? Магазиндан-а! Уша магазинга қаёқдан келади? Бу ҳақда ўйлашмайдиам баччагарлар!

— Георгий ота, бу черковга қарайдиган одам борми? — дея бирдан сўраб қолди Мария.

— Бор, бир кампир бор... Қишлоқда туради. Унинг ҳам исми Мария... Черковдаги столда турган санамни ўша чизган... Касалманд боёқиш, бу ёққа ҳафтада бир марта зўрға кўтарилади. Шунгаям раҳмат...

— Шамни ким ёққан? — деб сўради Бачана.

— Ким бўларди, мен ёққанман-да.

— Пул-чи? Пул қаёқдан кепқолди?

— Қаёқдан келарди? Мен қўйдим. Шам олиш учун...

— Худога ишонасизми, Георгий ота? — деди Мария.

Чол ўйлашиб қолди. Кейин черковнинг гумбазидан пастигача кўз ташлаб чиқди, бир оз бош қашлаб турдию яна черковга қаради.

— Нима десамикин... Очиғини айтсам, унчалик ҳам ишонмайман... Локин, тонг саҳардан қаро кечгача бу ерда ёлғиз ўзимман, атрофимда тирик жон йўқ... Шундоқ бўлгандан кейин беихтиёр худони ўйларкан киши...

— Хўш, худо деганда нималарни ўйлайсиз?

Георгий ота яна черковга бир қараб қўйди.

— Нималарни ўйлардим?... Бировлар қўрган ибодатхоналарни хароб қилган одам бунинг эвазига янгиларини қўрсин, дейман, токи улар олдингиларидан ҳам чиройлироқ бўлсин... Манови черковга бир қара... Уни ким қўрган, қачон қўрган — ҳеч ким билмайди. Маърака кунлари одам оқиб келади бу ерга, ҳар тарафдан — арманлар ҳам, татарлар ҳам, греклар ҳам, руслар ҳам... Грузинларни айтмай қўя қолай... Келиб, ибодат қилишади. Менга қолса, бунақа черковда

ибодат қилгандан кўра, очиқ далада ибодат қилган минг марта афзал... У ерда худо яхшироқ эшитади... Бу харобазорга худо у ёқда турсин, бандасининг ҳам киргиси келмайди... Мен бу гапларни нима учун гапиряпман? Демоқчиманки, черков қаровсиз ташлаб қўйилган. Хўш, ўрнига нима қўришди?

— Тушунмадим, Георгий ота...

— Нимасига тушунмайсан? Илгарилари, ўғлим, черковга келган одам тепага кўтарилиб, эшиқдан ҳовлига бошини эгиб кирарди, черков олдида бош кийимини ечарди, черков ичига шам ёқиб кетарди... Сизларга тушунтиришнинг ҳожати йўқ, ўзинглар ўқиган одам-сизлар, ҳаммасини мендан яхши биласизлар... Мана, бизнинг қишлоқ советини олайлик. Ярим хароба бинога жойлашган, яна ижара ҳақи тўлайди. У ерга одамлар бош кийимини ечиш у ёқда турсин, ёнбошига тупуриб, сўкиниб киради... Менинча, қишлоқ советиникидан баланд, ундан чиройли бино бўлмаслиги керак бутун қишлоқда... Сизлар ўйлайсизларки, илгари одамларнинг қўрби етмаганми черковдан баланд иморат қўришга? Қўрби етган, аммо-лекин журъат қилолмаган!.. Бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган!.. Ҳозир-чи? Ҳозир қолхозимиз раиси турадиган иморатни қишлоқ советининг биносига солиштирсангиз ҳов анови тепалик билан Казбекчалик фарқи бор! Митька шофёрнинг гаражи ҳам клубимиздан уч баравар катта!.. Бунақа қишлоқ советига нажот сўраб ким борарди? Ҳеч ким бормайди. Нима, биз камбағалмизми? Йўқ! Худога шукр, қишлоғимиз бадавлат, ўзига тўқ! Нон ҳам, вино ҳам, сабзавот ҳам етарли! Одамнинг чўчкадан нима фарқи бор? Фарқи шундаки, одам дарахнинг тепасидаги мевани териб ейди, чўчка бўлса ерга тўкилганларини ейди. Бу билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, ҳар ишни ўз вақтида қилиш керак! Кечикдигими, мева ерга тўкилдими — тамом, уни чўчка илиб кетади!.. Бир куни қишлоқ советининг раисига шартта-шартта гапирдим: «Қанақа одамсан ўзи?! — дедим. — Хўжайин бўлсанг, совет ҳокимияти бўлсанг!.. Мундоқ жонингни койитгин, хумлар, тузукроқ бино қўргин, одамлар қишлоқ советига яйраб-яшнаб кирадиган бўлсин!» У нима дейди денг: «Пул-сиз, лимитсиз қанақа қилиб қўраман?», дейди. «Лимитинг нимаси?» «Лимит — бу гишт дегани!» Эшитяп-сизларми? Гишт йўқ эмиш! Хўш, Митьканинг гаражига ёки қолхоз раисининг қасрига гишт қаердан топилади?.. Хўп, гишт тополмас экансан, ҳеч бўлмаса, соқол-лингни олиб юргин ёки тақводор одамларга ўхшаб соқол қўйгин! Тузукроқ кийингин! Токи одамлар сенга ҳурмат билан қарасин! Шундай қилса бўладими? Бўлади! Лекин қилмайди баччагар! Ундан кўра қишлоқда сигиримнинг обрўси баландроқ. Нима учун! Шунинг учунки, сигирим ҳаммавақт ювилган-таралган, тагин саккиз литрдан сут беради! Мана, сизга аҳвол! Е нотўғри гапиряпманми? — Чол сўзини тугатиб, стаканларга вино қўйди.

— Ҳаммаси тўғри, Георгий ота, — деди Бачана, — лекин ростини айтинг-чи, бирор марта шу ҳақда мажлисда гапирганмисиз?

— Гапирганман бир марта...

— Қачон?

— Ёшинг неччида?

— Қирқдан ўтганман.

— Унда мен ўттиз ёшда эдим, гапириб балога қолганман. Сал бўлмаса...

— Ҳозир замон бошқача, Георгий ота!

— Бошқача бўлса, ана, бошқалар гапирсин... Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим.

— Ҳали яшамоқчиман, девдингиз шекилли?

— Эҳ, ёшлар, ёшлар! Ҳамма нарсани оғизда битказасизлар-қўясизлар! Ишга келганда... Дарвоқе, райкомданмисан, ўғлим?

Бачана қулиб юборди.

— Йўқ, Георгий ота, мен ёзувчиман, газета редакториман.

— Редактор? Жуда соз. Мана шуларни газетангда ёзиб чиққин!

— Ёзаман ҳам!  
 — Қийиндир-ов...  
 — Нега энди? Георгий Тушмалишвили шундай фикр-да, деб ёзаман.  
 — Ҳаммасини менга ағдармоқчимисан? — Чолнинг капалаги учиб кетди.  
 — Йўғ-э! «Қисман унинг фикрига қўшиламан», дейман.  
 — Қисманми?  
 — Ҳа.  
 — Демак, фикримга тўла қўшилмайсан?  
 — Йўк.  
 — Ярмига-чи?  
 — Ярмига қўшиламан.  
 — Майли, ярмини ёз.  
 — Албатта ёзаман!  
 — Омон бўлсак, кўрармиз, — деди Георгий ота ишонқирамай ва Марияга мурожаат қилди: — Ёз-дими?  
 — Ёзади! — дея кулиб жавоб берди Мария.  
 — Дарвоқе, сўраганинг айби йўк, сизлар бир-бирларингизга ким бўласизлар? — деб қолди Георгий ота бирдан.  
 Мария бу саволни кутмаган эди, хижолат бўлиб елкасини қисди ва нима жавоб қилай, дегандай Бачанага қаради.  
 — Биз, Георгий ота, бир-биримизни яхши кўрамыз, бу ерга никоҳ ўқитиш учун келувдик. Кашиш йўк экан, ҳайронман, энди ким никоҳдан ўтказиб қўяди бизни? — деди Бачана кулиб.  
 — Кашишнинг нима кераги бор? Агар ростдан ҳам бир-бирларингизни севсангиз, ўзим никоҳлаб қўяверман! — деди Георгий ота ўрнидан туриб. — Қани, ёнма-ён туринглар-чи! Исмнинг нима?  
 — Бачана.  
 — Сенинг исмингни биламан. — Мария.  
 Георгий ота чап қўлини юкорига кўтариб, ўнг қўлига вино қўйилган стаканни олди.  
 — Болаларим, Мария билан Бачана! Илоҳим, тонги шабнам умр йўлларингизга тўшалган беғубор пой-андоз, кўкдаги офтоб — бошларингизга гултож, мана бу кўҳна черков билан она ер — муҳаббатингизга безавол гувоҳ бўлсин! Мен, Георгий Тушмалишвили, бақавли олло таоло Нух пайғамбарини сийлагандай,

сизларга оқ фотиҳа бераман. Ўзларингдан кўпайинглар! Фарзандларингиз юртимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшсин! Муҳаббат бир умрлик йўлдошингиз бўлсин! Ҳамиша ёри вафодор, ачиқ-чучук кунларда бир-бирларингизга мададкор бўлинглар! Омин!.. Мени тўйга айтиш ҳам эсларингдан чиқмасин!

Георгий ота стаканни охиригача бўшатди-да, оғзини енига артиб, Мария билан Бачананинг ёнига келди ва уларни навбатма-навбат чўлпиллатиб ўпди.

— Қани энди, бирорта кашиш Георгий Тушмалишвилидан яхшироқ никоҳ ўқийман, деб мақтаниб кўрсинчи! — деди у хахолаб ва кўкрагига бир уриб қўйди.

— Раҳмат сизга, Георгий ота! — дея чолга миннатдорчилик билдирди Бачана. Мария эса бошини қуйи эгганча индамай турарди.

— Болаларингиз бири биридан чиройли бўлади! Кўпайтираверинглар! — Георгий ота сумкасини қўлига олди.

— Кетяпсизми? — деди афсусланиб Бачана.

— Бормасам бўлмайди, молларим колхоз экинига кириб кетса, қоровулдан балога қоламан!.. Хайр, болаларим! Яна йўлларинг тушса, мени қидириб топинглар, мен шу атрофда бўламан.

— Хайр, Георгий ота! Омон бўлинг. Кимки — хоҳ эркак, хоҳ аёл мана шу кимсасиз жойда сизга ҳамдарду ҳамнафас бўлса — ниятига етсин!

Бачана билан Георгий ота қаттиқ қўл қисишиб хайрлашишди. Бир неча қадам юргач, чол бирдан орқасига қайрилиб, ўпкалагандай қичқирди:

— Сен-чи, Мария, мендан хафа бўлдингми? Ё никоҳни ёмон ўқидимми?

Мария турган жойидан ўқдай отилиб, Георгий отанинг ёнига чопиб борди-да, унинг бўйнига осилиб, соқол босган юзидан ўпа кетди. Кейин худди шундай шитоб билан бурилиб, черковга қараб югурди.

Бачана Георгий отанинг орқасидан бир оз қараб турди-да, Мариянинг изидан юрди.

Мария стол пойида тиз чўккан эди. Биби Марям сурати қаршисига учта шам ёниб турарди.

Бачана аёлнинг пичирлашига анча вақт қулоқ солиб турди. Сўзларини эшитмаса ҳам Мариянинг тиловат қилаётганини тушунди. Кейин, гижимланган уч сўмлик ёнига астагина ўн сўм ташлади-да, оёқ учида юриб черковдан чиқди.

### Охири келгуси сонда



Шеърятга кириб келмоқ, назаримда, ишққа кириб келмоқ, ўтга кириб келмоқдан ўзга эмас. Кириб келгач эса устод Навоий айтганларидек: «Ўт аро куймакдан ўзга чора йўқ».


Бу ўт аро ўзи ўртаниб, куйиб яшамаган куйчи, халқнинг куюнчак куйчиси бўлмайди.

Матлуба, бу шеърлар сенинг халққа айтаётган илк сўзинг, аммо мен хаёлкаш кўзларингда жиққа ёш билан шеър ўқиганларинг, шеър тинглаганларингни кўп кўрдим. Бу таъсирчан юрак, бу гўзал изтироблар қутлуғ бўлсин! Мен сенга умри узун ҳайрат, ҳаётнинг қишу қорларида ҳам олови сўнмас, содиқ, фидойи юрак тилайман.

Зеро, бу майдон ичра ҳаммамиз учун ҳам, сингилжон (яна қайтараман):

Ўт аро куймакдан ўзга чора йўқ.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА



МАТЛУБА  
ҲАМРОЕВА

\*\*\*

## Бир гўзал тонг отар

Бир гўзал тонг отар...

Бир қўшиқ оқади жўшқин ва дилбар,

Оҳангдан сесканиб уйғонар хона.

Қизлардек нозланиб кулади еллар,

Гулларни қитиқлаб дали-девона.

Бир гўзал тонг отар...

Севинчдан майсалар қатида виқор,

Сарғайган бодомзор чўмилар нурга.

Ушбу дам юракда неки ҳислар бор,

Кўчиргим келади битталаб шеърга.

Бир гўзал тонг отар...

Мовий кенгликларга тўймайман

боқиб,

Гоҳ Сайхун, гоҳ Жайхун бўлар

ўйларим.

Ўйларим, ҳисларим мавжида оқиб,

Ўзбекистон ҳақда келар куйлагим.

Бир гўзал тонг отар...

\*\*\*

Бу тунда ухламанг, тонггача тингланг,

Олис юлдузларнинг мунаввар оҳин.

Бу тунда ухламанг, тонггача тинмай

Ўқиб чиқинг мунис кўзлар нигоҳин.

Ҳилват хоналарда лоқайд мудраманг,

Ойнинг шуъласига тикилманг лоқайд.

Ҳатто айтолмасиз куюниб аттанг,

Мангу ухламоққа етганида пайт.

Бу тунда ухламанг...

Эртақлар тинглардик болаликда биз,  
Дунёни эртақ деб тан олар эдик.  
Улғайгани сари тасаввуримиз,  
Эртақларга ортиқ ишонмай кўйдик.

Эртақлар айланди фалсафаларга,  
Мурғак тушунчалар кўтардилар қад.  
Ялинмаймиз энди Мўмин бобога,  
Биз билан юзма-юз энди ҳақиқат.

Эртага ўғлимиз ёки қизимиз  
Эртақ айтиб бер, деб қисташи аён.  
Шунда биз чирт юмиб икки кўзимиз,  
Эртақлар айтамыз ёлғондан-ёлғон.

Улар рост билади сўзларимизни,  
Чулғар кўзларини теран бир хаёл.  
Берилиб, ишониб тинглашар бизни,  
Биз Мўмин бобони тинглаган мисол.

Баҳонада биз ҳам ташвишдан бўшаб,  
Бир дам болаликка бориб қайтамыз.  
Шунинг учунмикан соғиниб, қўмсаб,  
Биз ҳам болаларга эртақ айтамыз...

\*\*\*

Бугун сизни кўп эсладим ўша боғчада,  
Мажнунтоллар эртагига осганча қулоқ.  
Асли шу боғ бизни бахтсиз қилган бўлса-да,  
Шод кўнларга қайтмоқ истаб кездим мен узоқ.  
Севишганлар кўзларидан учади қақин,  
Ишонч ила бир-бирига айтадилар роз.  
Менинг ўксик юрагимни пичоқлар секин  
Мажнунтоллар сочларидан таралган овоз.  
Элас-элас хаёлимга келар бир қўшиқ  
Ва тоғдаги оҳуларнинг ёлворган оҳи.  
Мажнунтоллар сочларида абадий қўшиқ —  
Юракдаги муҳаббатнинг ўлмаган руҳи.



ИВАН  
БУНИН

## Ҳикоялар

### ХИЛВАТ ХИЁБОНЛАР



Расмларни З. МАЛАХОВА чизган

**К** узнинг совуқ, ёгин-сочинли палласида ёмғирдан шилтаси чиқиб, эгри-бугри, қорамтир ғилдирак изларидан топталиб ётган Туланинг кенг йўлларида бирида тебраниб бораётган тўрт ғилдиракли соябон арава узун ёғоч уй қаршисига келиб тўхтади: уйнинг бир тарафида подшолик тасарруфидаги почта бекати, нариги томонида эса йўловчилар ҳордиқ чиқариб тунаб қолиши ёки самовар қайнаттириб, тамадди қилиб олиши мумкин бўлган хусусий мусофирхона жойлашган. Лойга ботган араванинг соябони тепага ярим кўтарилган, извошга қўшилган учта жайдари отнинг думи балчиқ сачрамаслиги учун тугиб қўйилган эди.

Извошчининг жойида — ўриндиқда белини маҳкам сириб олган, қорамағиз юзи тунд ва жиддий чорпахил мужик ўтирибди; камдан-кам кишиларда учрайдиган қоп-қора, қуюқ соқоли уни қадимги қароқчиларга ўхшатиб турарди; соябон остида катта шапкали, николайча қундуз ёқали кулранг шинель кийган басавлат ҳарбий қария ўтирар, унинг қошлари ҳали тим-қора бўлса ҳам, мўйловига туташган чакка соқоли оппоқ оқариб кетган эди; ияги ва бағбақаси тозалаб қирилган, умуман, у ташқи кўринишдан Александр II га шундай ўхшаб кетардики, бу ўхшашлик Александр II даврида яшаган ҳарбий кишиларнинг деярли барчасида учрарди; унинг қарашлари ҳам қатъий, саволомуз, шу билан бирга, бирмунча ҳорғин эди.

Отлар тўхтаган заҳоти у тик, текис қўнжли ҳарбийча этикдаги оёқларини аравадан пастга осилтирди-да, буғу терисидан тикилган қўлқопли қўллари билан шинелининг этакларини тутган кўйи ёғоч уй ёнидаги майдончага сакраб тўшди.

— Чапга юринг, зоти олийлари, — дея извошчи ўриндиқдан турмай дағал товуш билан қичқирди; ҳарбий киши остонадан ҳатларкан, баланд гавдасини сал энгаштирганча, аввал даҳлизга, кейин меҳмонхонага кирди.

Меҳмонхона озода, саранжом ва иссиққина эди. Чап томондаги деворга зар ҳалли авлиё суврати осил-

Максим Горький, Иван Бунин ва Леонид Андреев Неополдаги ресторанлардан бирида сўхбатлашиб ўтиришарди... Ногаҳон бир киши кириб келади. Ёзувчилар уни уч минутдан кузатиб, сўнгра тасвирлаб беришга шартлашади. Горький унинг костюми кулранг, ўзи рангпар, қўллари узун ва қизғиш эканини айтади. Андреев эса ҳеч нарса, ҳатто костюмининг тусини ҳам илғаб ололмагани учун бирон бир фикр айтмайди. Навбат Бунига келади. Бунин аввал унинг ташқи қиёфасини тасвирлаб беради, сўнгра жаҳонгашта товламачилардан эканини таъкидлайди. Бош официантни чақириб, ундан сўраганларида, «Бу одам ким, исми шарифи нима — билмайман, лекин у ҳақда ёмон гаплар юради», деб жавоб беради...

Буниннинг ноёб истеъдодига тан бериб, бу воқеани Алексей Толстойга ҳикоя қилиб берган буюк Горький доимо, ҳатто ўзаро муносабатлари кескинлашиб кетган пайтларда ҳам, замондош ёзувчиларни Буниндан ўрганишга даъват этарди, у ҳақда: «Бунин... бутун борлиги билан худди таранг тортилган торга ўхшайди, унинг босиқлиги эса улкан ботиний қудратнинг аломатидир... Қандай истеъдод! Қандай тил!...», дея завқланиб сўзларди.

Дарҳақиқат, академик ёзувчи, Пушкин ва Халқаро Нобель мукофотлари лауреати Иван Алексеевич Бунин (1870—1952 йил) — асримизнинг буюк реалист ёзувчиларидан бири. Унинг асарларида бепоён Россия, рус характери, рус қалби беқиёс, бетакрор ифодасини топган. «Қишлоқ», «Арсеньевнинг ҳаёти», «Захар Воробьёв», «Аглая», «Сан-Францисколик жаноб», «Чаннинг тушлари» сингари насрий асарлари, теран лирик-фалсафий шеърлари, «Хазонрезлик» достони, Лонгелло, Байрон, Мицкевичдан қилган таржималари рус адабиётининг дурдоналарига айланиб қолди.

Бироқ, Буниннинг ҳаёт йўли мураккаб кечди. У Октябрь инқилобининг буюклигини кейинчалик қалби билан ҳис этган бўлса-да, уни тан олгиси келмай муҳожирликда яшайди. Аммо у Ватандан умид узмади, ундан юз ўгирмади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Францияда истиқомат қилар экан, даврнинг қийинчиликларига, очликка қарамай, фашистлар матбуотининг сон-саносиз тақлифларини кескин рад этди, бир сатрини ҳам уларга раво кўрмади. Аксинча, антифашист қочқинларни Грассдаги уйига яширди, совет қўшинларининг ҳарбий ҳаракатларини ҳаяжон билан кузатиб, иш бўлмасидаги Совет Иттифоқи харитасига мунтазам белгилар қўйиб борди.

Бунин Ватан билан доимо алоқада бўлди. У китобларини нашр эттириш учун Москвага жўнатар, К. Федин, А. Твардовский, К. Паустовский, Н. Телешов сингари совет ёзувчилари асарларини ҳамisha кузатиб бориб, фикр-мулоҳазаларини билдирар, улар билан хат ёзишиб турар эди.

Фақат, жуда катта истеъдод ва Ватанга бўлган улкан муҳаббатгина Бунинни ижодкор сифатида ҳалокатдан сақлаб қолди. У совет Россияси ҳаётини яхши билмас, табиийки, у ҳақда ёза олмади эди. Эҳтимол, унинг ижодида шу сабабдан ҳам хотира-ҳикоялар вужудга келгандир. Ана шу туркумдаги «Иерихон гули», «Олис ҳаёт», «Чипта кавуш», «Тун», «Руся», «Қузғун» ҳамда журналхонлар диққатига ҳавола этилаётган «Хилват хибонлар», «Совуқ куз», «Бернар» ҳикоялари бадият даражасининг юксаклиги билан хотирот қобиғидан чиқиб, инсон қалбининг буюк достонига айланди.

Иван Бунин асарларини ўқиган ҳар бир китобхон буюк ёзувчи ҳаётини кўздига келтирар экан, унинг бир пайтлар айтган сўзлари нақадар ҳақлигига амин бўлади: «Қачонлардир ҳаётимда содир бўлган воқеаларга — кечмишимга бу дунёда ўлим йўқ, ҳалокат йўқ! Токи Қалбим, Муҳаббатим, Хотиротим яшар экан, айрилиқлар ҳам, йўқотишлар ҳам мен учун ҳечдир!»

ган, унинг остида топ-тоза, дағалроқ матодан тикилган дастурхон ёзиглиқ стол, стол теграида ялтиратиб ювиб қўйилган тахта харрақлар. Хонанинг ўнг бурчагида яқинда бўр билан оқланган ошхона печкаси; ён томонда ола-була от ёпқичи ёпилган кат — суянчиқсиз диванга ўхшаш бир нарса печканинг биқинига тақаштириб жойлаштирилган; печка тарафдан кўк шўраванинг, ҳил-ҳил пишиб ётган қўй гўшти, карам ва дафна баргининг қоришиқ, лаззатбахш ҳиди таралади.

Меҳмон шинелини ечиб тахта ўриндиққа қўйди, мундир, пўрим ҳарбий этиклар яққол кўзга ташланиб, гавдаси янада басавлат тус олди, кейин қўлқоп ва бош кийимини ечди-да, озгин, рангпар қўллари билан сочини кетма-кет ҳорғин таради — оппоқ, хуюқ сочлари иккала чаккаси узра фатила-фатила бўлиб тушди, билинар-билимас чечак асорати қолган чўзинчоқ, чиройли юзида, қора кўзларида фавуқлодда бир жонланиш пайдо бўлди. Меҳмонхонада ҳеч ким кўринмасди, у даҳлиз эшигини очаркан, овозини баралла қўйиб қичқирди:

— Ҳой, одам борми бу ерда?

— Шу заҳотиёқ меҳмонхонага қора сочли, қора қошли, ёши ўтинқираб қолганига қарамай, ҳали-ҳамон диловар, кекса лўли хотинларга ўдшаган бир аёл кириб келди. Унинг ёноқ чаккалари, дудоғининг устини қисми нафис туклар — ирнлар билан безанган эди. Қомати тўла бўлса ҳам, кушдек енгил ва нозик одимлар, бўлик кўкраклар қизил кофтасини туртиб турар, қора

жун юбкаси остидаги қорни эса, худди ғознинг қорнидай, учбурчак бир тарзда кўринар эди.

— Хуш келибсиз, зоти олийлари, — деди у. — Тамади қилмоқчимилар ёки самовар қўйишни буюрадиларми?

Мусофир киши аёлнинг дум-думалоқ елкасига, тўзғиброқ қолган қизғиш татарча бошмоқли хушбичим оёқларига бирров кўз югуртирди ва эйтиборсизлик билан қисқа-қисқа қилиб деди:

— Қой ичмоқчиман. Бу ернинг бекасимсан, хизматкормисан?

— Бекаман, зоти олийлари.

— Демак, меҳмонхонани ёлғиз ўзинг бошқарсан?

— Худди шундай, зоти олийлари, ўзим.

— Бу қанақаси бўлди, а? Ҳамма ишни қўлингга оловибсан, ё тулмисан дейман?

— Эр қилмадим, зоти олийлари, аммо — сабаби тиркичилик, қолаверса, ўзим ҳам хўжалик ишлари билан шуғулланишни яхши кўраман.

— Ҳа-ҳа, шундай дегин. Кўп яхши. Уйни покиза тутаркансан, бу ишинг менга маъқул.

Аёл синовчан нигоҳини ҳарбий кишидан бир нафас бўлсин узмас, андак қисилган, хаёлчан кўзлари унга қадалган эди.

— Покизаликни ҳам жонимдан ортиқ кўраман, — дея жавоб берди у. — Ахир, аслзодалар хонадонидан ўсдим, тарбият топдим, шундай бўлгач, рўзғор тутишим ҳам шунга яраша бўлади-да, Николай Алексеевич.

Мусофир илкис қаддини ростлади, кўзлари катта-катта очилиб, юзлари қизариб кетди.

— Надежда! Сенмисан?— деди у шоша-пиша.

— Менман, Николай Алексеевич,— дея жавоб берди аёл.

— Ё раббий, ё раббий, буни қара-я!— деди мусофир тахта ўриндиққа ўтираркан, кўзларини ҳамон аёлдан узмай.— Ким ҳам шундай бўлишини ўйлабди дейсан? Кўришмаганимизга неча йил бўлди экан-а? Уттиз беш йилми?

— Уттиз йил, Николай Алексеевич. Мен қирқ саккизга кирдим, сиз ҳам олтимишга бориб қолгандирсиз?

— Шунга яқинроқ... Ё таваба, жуда қизиқ бўлди, а?

— Нимаси қизиқ, тақсир?

— Ҳаммаси, ҳаммаси-да... Наҳотки тушунмаётган бўлсанг!

Мусофирнинг ҳорғинлиги ва паришонлигидан асар ҳам қолмаган, энди у ерга тикилганча меҳмонхона бўйлаб кескин одимлар эди. Бир пайт у шартта тўхтади, юзлари лов-лов ёниб, сўз бошлади:

— Ушандан кейин сен тўғрингда ҳеч нарса эшитмадим. Қандай қилиб бу ерларга келиб қолдинг? Нега аслзодалар хонадонидан кетдинг?

— Сиз кетганингиздан кейин улар менга ҳам жавоб бериб юборишди.

— Кейин қаерларда яшадинг?

— Сиз сўраманг, мен айтмай қўяқолай, тақсир.

— Эрга ҳам чиқмадим, дедингми боя?

— Ҳа, тақсир.

— Нима учун? Шунчалик ҳусни латофатинг бўлатуриб-а?

— Журъат қилолмадим, тақсир.

— Нега журъат қилолмадим, дейсан? Нима деганинг бу?

— Нимасини ҳам айтай энди? Балки ёдингиздадир, ахир сизни қанчалар яхши кўрардим...

Мусофир бу сўзлардан беҳад мутаассир бўлди, азбаройи қизариб кетганидан кўзларига ёш қалқди, сўнгра қовоқ ўйиб, яна хона бўйлаб нари-бери одимлай бошлади.

— Ҳамма нарса ўткинчидир, азизим,— дея ғудранди у.— Муҳаббат, ёшлик — ҳамма-ҳаммаси фонийдир. Нима бўлган бўлса, ўтди-кетди. Ҳаммаси даҳмазаю бемазагарчиликдан иборат. Вақти келиб, бари унутилади. Иовнинг муқаддас китобида бу хусусда нима дейилган, биласанми? «Оқиб кетган сувлар янглиғ хотирлагайсан».

— Нима бўлсаям, пешонада бори бўларкан, Николай Алексеевич. Ёшлик-ку, ҳеч кимсага вафо қилмайди, аммо муҳаббат — бошқа нарса.

Николай Алексеевич бошини хиёл кўтариб, юришдан тўхтади-да, ҳасратли кулимсираб қўйди:

— Сен мени бир умр севолмасдинг-ку, ахир!

— Йўқ, севишмо мумкин эди; ўшандан буён қанча йиллар ўтди, аммо мен ёлғиз муҳаббатим билан яшадим. Сизнинг аввалгидай эмаслигингизни, орамизда неки ўтган бўлса, барини унутмоғингиз мумкинлигини, бу билан ҳеч нарса йўқотмаслигингизни ҳам билардим... Лекин, ҳозир... Энди гина-кудурат қилиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ, албатта; аммо, тўғрисини айтганда, ўшанда сиз мени жуда шафқатсизларча ташлаб кетган эдингиз — мана шунинг учун ҳам ўзимни ўзим бир неча бор ўлдирмоқчи бўлганман, сизни деб чеккан азобларимни айтиб адо қилиб бўлмайди. Николай Алексеевич, ёдингизда, қандай даврлар эдики, ўшанда сизни Николенька деб чақирардим, сиз эса мени, эслайсизми, нима деб атардингиз? Айтгандай, мендан лутфингизни дарёғ тутмай, қандайдир «Хилват хиёбонлар» тўғрисидаги шеърларни ўқисам ҳам индамас эдингиз,— дея нохуш жилмайганча қўшиб қўйди аёл.

— Эҳ-хе, сен ҳақиқатан ҳам ажойиб эдинг!— деди меҳмон армон билан бош чайқаркан.— Қандай жозибдор, қандай диловар эдинг-а! Кўзларинг ёниб турарди, жуда хушқомат эдинг. Эсингдами, сени кўрган-

да ҳамма ортингдан ниҳоясиз ҳайрат билан термилиб қоларди?

— Эсимда, тақсир. Аммо сиз ҳам ўшанда ғоят ажойиб эдингиз-да. Ана шунинг учун ҳам мен бор ҳусни латофатимни, бутун ёшлик жозибамни сизга фидо қилган эдим. Ахир, буларни унутиб бўларканми!

— Ҳа-ҳа! Ҳаммаси ўтаркан. Ҳаммаси унутиларкан.

— Тўғри, ҳамма нарса ўтади-ю, аммо ҳамма нарса ҳам унутилавермас экан-да.

— Бас, бас, мени холи қўй,— деди меҳмон тўсатдан ва қайрилиб дераза ёнига борди.— Илтимос, чиқиб кет бу ердан,— дея ёлворди у, сўнг дастрўмолини олиб, оҳиста кўзларига босди-да, бидирлаганча:— Ишқилиб, мени худо кечирсин,— деди.— Сен-ку кечирган кўринсан-а...

Аёл эшик олдида етганда таққа тўхтади:

— Йўқ, Николай Алексеевич, мен сизни кечирмаганман. Модомики, гап ҳиссиётларимиз ҳақида бораркан, тўғрисини айтмай иложим йўқ: гуноҳингиздан ўтишни ҳарчанд истасам-да, ҳаргиз кечиролмадим. Уша пайтларда сиз мен учун ёруғ дунёдаги энг азиз киши эдингиз, кейин ҳам шундай бўлиб қолдингиз. Шу ваздан ҳам сизни кечиролмадим. Келинг, яхшиси, шуларни эслаб ўтирмайлик, гўрга кирган қайтиб чиқармиди ҳеч жаҳонда!

— Ҳа-ҳа, тўғри, ўтган ишга саловат; буюр, отни қўшишин,— деди мусофир дераза олдида нари жиларкан, бирмунча жиддий, совуққон оҳангда.— Аммо, мен сенга айтсам, ҳаётда сира омадим юришмади, бахтиёр бўлолмадим, тагин бошқача ўйлаб юрма илтимос. Балки менинг гапларим сендаги худкашлик, иззатталаблик ҳиссиётига зиддир; балки улар сени таҳқир этар, бироқ мен очигини айтаман: хотинимни кўр-кўрона, телбалардек севар эдим. У эса, аввал хиёнат қилди, сўнг мен сени ташлаб кетгандагидан кўра ҳам баттар таҳқирлаб, ташлаб кетди. Уғлимга қаттиқ меҳр қўйган эдим — вояга етгунича унга не-не умидлару не-не орзуларимни болаган эдим-а! У эса одам эмас, исрофгар, сурбет, имонсиз, виждонсиз, ярамас бир ҳайвон бўлиб чиқди... Сирасини айтганда, буларнинг ҳаммаси турмушдаги ўша даҳмазаю бемазагарчиликнинг бир кўриниши холос. Хўп, майли, омон бўл, азизам. Уйлаб қарасам, сендан айрилиб, мен ҳам ҳаётдаги энг бебаҳо гавҳаримдан жудо бўлган эканман.

Аёл унга яқин келди, эгилиб қўлини ўпди; Николай Алексеевич ҳам унинг қўлларидан ўпди.

— Буюр, отларни қўшаверишин...— деди у.

...Соябон арава хусусий мусофирхонадан олислаб бораркан, Николай Алексеевич хомуш ўйлар эди: «Ҳа, жудаям чиройли эди, гўзал эди, соҳира эди!» У хайрлашаётиб айтган сўнги сўзларини эсга олди ва Надежданинг фақат қўлларидан ўпганини эслаб уялди, аммо шу заҳотиёқ уятчанлигидан хижолат чекди. «У менга умрининг энг гўзал даврини, олтин дақиқаларини бахш этгани рост эмасми, ахир?!»

Сўник қуёш эндигина уфққа бош қўйган эди. Извошчи ҳам алланарсаларни ўйлаган қўйи отларни йўрттириб борар, арава катта йўлдаги сон-саноқсиз, қоп-қоранга филдирак излари бўйлаб шалоплаганча тебрана-тебрана елар эди. Ниҳоят, извошчи қўпол, тўпори товушда сўз қотди:

— Анали хотин, зоти олийлари, жўнашимиз биланоқ дераза олдида келиб орқамиздан термилиб қолди. Аввалдан танишлигингиз бўлса керак-да, зоти олийлари?

— Ҳа, Клим, таниш эдик.

— Ақли расо хотин у. Жуда бойиб-битиби кетаётганмиш — ҳамманинг оғзида шу гап. Қарзга пул ҳам бериб туради.

— Шуям мартаба бўпти-ю!

— Мартаба бўлмай-чи! Тўкин-сочин яшаш кимгаям ёқмайди! Аммо, ростини айтганда, ўзи жуда яхши хотин-да. Бировга зиғирча ёмонлик қилганини ҳали ҳеч ким эшитмаган. Жарақ-жарақ пулли қарзга беради-ю, баъзи бойвучалардай тирриқлик қилмайди. Лекин, ўз ишига пишиқ — қаттиқ хотин! Ландавурлик қилиб қарз-

ни вақтида тўламасанг, ўзингдан ўпкала, аяб ўтирмайд.

— Ҳа-ҳа, ўзингдан ўпкала... Тезроқ ҳайда, мунча имилламасанг, поезддан кечикиб қолмайлик тагин...

Уфққа чўкиб бораётган қуёшнинг қаҳрабона ёғдулари кимсасиз далаларда танҳогина жилваланади, отлар ўтлоқ йўлдан, худди сузиб кетаётгандек, бир маромда чопиб борар эди. Николай Алексеевич отларнинг ялт-юлт кўзга чалинаётган тақаларига термилиб ўтираркан, қора қошларини чамирганча ўйлар эди:

«Ҳа, ўзингдан ўпкала. Ажойиб дамлар эди-да ўшан-

1938 йил, 20 октябрь

**У**ша йилнинг июнь ойида У қўрамизда меҳмон бўлди — У доим ўзимизнинг одам саналарди: раҳматли отаси отамнинг ҳам дўсти, ҳам қўшниси эди. Фердинанд Сарой шахрида ўн бешинчи июнь куни ўлдирилди. Ун олтинчи июнь эрталаб эса почтадан газета келди. Отам қўлида кечки Москва газетаси, хонасидан чиқиб, бизлар — У, ойм ва мен ханузгача чой ичиб ўтирган емакхонага кирди-да:

— Мана энди, дўстларим, уруш!— деди.— Саройда Австрия шахзодаси ўлдирилибди. Бу — уруш дегани!

Авлиё Пётр куни — отамнинг таваллуд санаси эди — бизникига жуда кўп меҳмон келди, тушлик маҳали менинг Унга унаштирилганим маълум қилинди. Бироқ ўн тўққизинчи июлда Германия Россияга уруш очди...

Сентябрда У бизникига фақат бир кунга — урушга жўнаш олтидан хўшланиши келди (у пайтлар ҳамма, уруш тезда тугайди, деб ўйлар ва, шунинг учун ҳам, тўйимиз кўклагга қолдирилган эди). Мана, хайрлашув оқшоми. Кечки овқатдан сўнг, таомилга кўра, самовар олиб кирилди, шунда отам буғдан терлаган дераза ойнасига тикилиб, деди:

— Ажаб барвақт ва совуқ куз!

Биз ўша оқшоом соқин ўлтирар, ҳаддан ташқари босиқ, ботиний ўй ва туйғуларимизни сир тутганча, аҳён-аҳёнда бир-биримизга шунчаки сўз қотиб қўяр эдик. Отамнинг куз ҳақидаги гапида ҳам ёлғондакам лоқайдлик бор эди. Мен балкон эшигига яқинлашиб, рўмончам билан ойнани ардим: боғ узра, қоп-қора осмондан шаффоф муз бўлақларига ўхшаш қиррадор ва равшан юлдузлар чарақларди. Отам гавдасини ўриндиқ суюнчиғига ташлаганча, стол тепасидаги қизиб кетган олма чироққа паришон тикилиб тамаки тутатарди, кўз-ойнак таққан ойм эса чироқ ёғдусида камоли диққат билан ипак халтача тикарди — биз унинг нима эканини яхши билардик, — бу ҳолат ҳам таъсирчан, ҳам даҳшатли эди. Отам Ундан сўради:

— Шундай қилиб, бари бир нонуштага қолмай, эрталаб барвақт кетмоқчиман, дегин?

— Ҳа, агар рухсат этсангиз, эрталаб,— дея жавоб берди У.— Минг таассуф, лекин ҳали уйдагиларимга бирон бир кўрсатма ҳам берган эмасман.

Отам енгил сўлиш олди:

— Майли, ихтиёринг, азизим. Гап шунақа экан, у ҳолда ойинг билан биз энди ухлайлик, эртага сени албатта кузатиб қўймоқчимиз...

Ойм ўрнидан туриб, бўлажак куёвини чўқинтирди, У эса аввал оймнинг, кейин отамнинг қўлини ўпди. Иккимиз холи қолгач, биз тагин бир муддат емакхонада бўлдик — мен қарта сузишга тутиндим, У эса хонанинг у бурчидан бу бурчига жим бориб келарди, салдан кейин:

— Хоҳлайсанми, бир оз айланиб келамиз?— деб сўради.

да! Наинки ажойиб, чинакам афсунгар дамлар эди! «Атрофда наъматак гул очмиш алвон, хилват хиёбонлар шивирлар танҳо...» Ё раб, ё раб, кейин нима бўлган эди ўзи? Агар Надеждани ташлаб кетмаганимда нима бўларди? Қандай бемаънилик, қандай бемазагарчилиг-а! Ахир, мана шу Надежда хароб бир мусофирхона соҳибаси бўлмай, менинг хотиним бўлиши, Петербургдаги хонадонимга бека, боаларимга она бўлиши ҳам мумкин эди-ку?!

У кўзларини беҳол юмиб, бошини оҳиста чайқаб қўйди.

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

## СОВУҚ КУЗ

Кўнглим тобора хиралашиб борарди, лоқайдгина жавоб бердим:

— Майли...

У даҳлизда кийинатуриб нима ҳақдадир ўйларкан, мийғида жозибали қулганча Фетнинг шеърини эслади:

**Совуқ эрур бу куз нақадар!  
Нимчангни кий, шолингни ўра...**

— Нимча йўқ,— дедим.— Кейин нима эди?

— Ёдимда йўқ. Янглишмасам, мана бундай шекилли:

**Гўё ёнғин аста юксалар  
Қарағайлар оралаб,— қара...**

— Қанақа ёнғин?

— Ойнинг чиқишини айтмоқчидир-да. Бу мисраларда қишлоқ кузининг аллақандай таровати бор: «Нимчангни кий, шолингни ўра...» Боболаримиз ва бувиларимиз замони... Эҳ, худойим-эй, худойим-эй!

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса, азизам. Бари бир мунгли. Ҳам мунгли, ҳам яхши. Мен жуда, жуда яхши кўраман сени...

Биз кийиниб, емакхона орқали балконга чиқдик, ундан боққа тушдик. Аввалига шу қадар қоронғи эдики, мен беихтиёр унинг енгидан ушлаб олдим. Кейин жавоҳирдек ярқироқ юлдузларга кўмилган бутюқларнинг учлари ёришаётган кўкда қорайиб кўрина бошлади. У тўхтаб, уй томонга ўгирилди:

— Қара, деразалар қандайдир бошқача, кузга хос майин ёғду сочяпти. Ўлмасам, бу оқшоми ҳеч қачон унутмайман...

Мен уйга қарадим, У мени швейцарча ёпинғичим устидан қучди. Тивит рўмолимни сал очиб, ўпсин деб бошимни сезилар-сезилмас орқага ташладим. Упгач, У юзимга тикилди.

— Кўзларинг қандай чарақлайди-я,— деди.— Совқотмаясанми? Ҳавони қара, қишнинг ўзгинаси. Мабо-до ўлиб кетсам, ҳар қалай, мени дарров унутиб юбор-масан?

Мен ўйлаб қолдим: «Ростдан ҳам ўлдириб қўйишса-я! Наҳотки, мен Уни қандайдир қисқа муддатга бўлса ҳам ёдимдан чиқарсам — ахир, бу дунёда ҳамма нарса бир кун келиб унутилади-ку!» Уз ўйимдан ўзим чўчиб, шошиб жавоб бердим:

— Ундай дема! Сен ўлсанг, мен ортиқ яшолмайман!

У бир оз жим қолгач, дон-дона қилиб деди:

— Начора, агар ўлсам, мен сени у ёқда кутаман. Сен тўйиб яша, бу ёруғ дунёда ҳўб ўйнаб-кул, кейин ёнимга боргин.

Мен алам билан ҳўнграб юбордим.

Эрталаб У кетди. Ойм кеча ўзи тиккан ўша машъум халтачани Унинг бўйнига осиб қўйди — халтачада оймнинг ота-боболари урушларда тақиб юрган жажжи олтин бут бор эди,— кейин биз Уни аллақандай ҳая-



жонли ноумидлик билан чўқинтирдик. Сўнг Унинг ортидан тикилиб, кимингидир узоқ сафарга кузатаётганинда бўладиган гангиш ичида, фақат биз билан илк қуёш нурларидан ўт-ўланлар узра ярқираб ётган қиrowsли, фарахбахш эрта ўртасидагина вужудга келган эйдликни ҳис этган кўйи, эшик олдидаги зинада қотиб турдик. Бир оздан кейин ҳувиллаб қолган уйга қайтиб кирдик. Мен елкаларимни маҳкам қучганча, нима қилишга ҳайрон, бор овоз билан хўнграшни ҳам, қўшиқ айтишни ҳам билмай хоналар бўйлаб тентий бошладим...

Уни ўлдиришди — қандай даҳшатли сўз! — Галицияда, бир ойдан сўнг ўлдиришди. Мана, ўшандан бери ўттиз йил ўтди. Узундан-узоқ туялган бу йиллар мобайнида бошимдан кўп, жуда кўп воқеалар кечди: улар ҳақида диққат билан ўйлар экансан, кечмиш деб аталган бу сирли, англаш мушкул, ақл ҳам, юрак ҳам бовар қилмайдиган ҳодисаларни хотирангга бирма-бир саралайсан киши. Ун саккизинчи йилнинг кўкламида, отамдан ҳам, онамдан ҳам ажралган дамлар, мен Москвада, Смоленск бозоридаги «Бекам, энди қалайсиз, қатик берсам ялайсиз?», деб доим устимдан куладиган чайқовчи хотиннинг ертўласида истиқомат қилардим. Мен ҳам чайқов билан шуғулланар, у пайтлардаги кўплар қатори, гоҳ қандайдир узукми, гоҳ жажжи хочми, гоҳ куя еган мўйнами — қолган-қутган баъзи нарсаларимни папоқ кийган, шинеллари ёқавайрон солдатларга пуллар эдим. Ана ўшанда, кунлардан бир кун бозорнинг Арбатга туташ бурчагида, камдан-кам учрайдиган гўзал қалбли, истеъфога чиққан ҳарбий киши билан танишдим, тез орада турмуш қуриб, у билан Екатеринодарга жўнаб кетдим. Эримнинг кўнгилиларга қўшилишга интилган ўн етти ёшлардаги жияни ҳам биз билан бирга эди. Салкам икки ҳафта йўл юрдик: мен — чипта кавушдаги қишлоқи аёл, у — оҳори тўкилган казакча чакмонли, узун соқолига оқ оралаган деҳқон, хуллас, Дон ва Кубанда икки йилдан ортиқ яшадик. Қишда, денгизда бўрон кўзгалган бир пайтда бошқа сон-саноқсиз қочқинларга қўшилиб, Новороссийск-

дан Туркияга қараб суздик; йўлда эрим терламадан ўлди. Шундан кейин бу ёруғ дунёда менинг учовгина яқин кишим қолди: эримнинг жияни, унинг ёшгина хотини ва уларнинг қизчаси — етти ойлик чақалоқ. Лекин, кўп ўтмай, эримнинг жияни гўдакни менга топшириб, хотини билан Қримга, Врангель паноҳига жўнаб қолди. Шу-шу, улар бедарак кетишди. Мен эса оғир, қора меҳнат билан ҳам ўзимни, ҳам қизчани боқиб, яна анча вақт Истанбулда яшадим. Кейин қизчани етаклаб, кўплар қатори не-не юртларда саргардон бўлмадим, дейсиз! Болгария, Сербия, Чехия, Бельгия, Париж, Ницца... Қизча аллақачон улғайиб, жуда ёқимтой, аммо менга бутунлай бепарқ қарайдиган француз қизига айланиб, Парижда муқим яшаб қолди, у энди Мадлен яқинидаги қандолат дўконидида хизмат қилар, кумушранг тирноқли нозик қўллари билан шоколад қутилари силлиқ қоғозларга ўрар ва уни заррин боғичлар билан тугиб, харидорларга тутқазар эди; мен эса худо берган насибага қаноат қилиб то ҳануз Ниццада яшайман... Ниццада биринчи марта минг тўққиз юз ўн иккинчи йили бўлган эдим — унинг кейинчалик мен учун хор-зорликлар масканига айланишини ўша бахтиёр кунларимда хаёлимга келтира олармидим!

Бир пайтлар ўйламай-нетмай, сен ўлсанг, ортиқ яшолмайман, деган одам — мен ана шундай қилиб, Унинг ўлимидан кейин ҳам яшайвердим. Бироқ, ўшандан буён бошимдан кечган савдоларни эслар эканман, доим ўз-ўзимдан сўрайман: ҳўш, у кунлардан нима қолди? Сўнг ўзимга ўзим жавоб қиламан: биргина ўша — совуқ куз оқшоми... Наҳотки, ҳаётимда, шундай оқшом бўлган? Ҳа, бўлган эди: Умр бўйи кўрган куним фақат шу, — қолганлари маънисиз тушдек ўтди-кетди. Ва мен ишонаман, жуда қаттиқ ишонаман: қайдадир у ёқда, ҳув ўша оқшомдагидек навқирон муҳаббатю ўша ёшлиги билан У мени кутмоқда. «Сен тўйиб яша, бу ёруғ дунёда ҳўб ўйнаб-кул, кейин ёнимга боргин...» Мен тўйиб яшадим, ҳўп ўйнаб-кулдим, энди тезда ёнингга бораман.

1944 йил, 3 май

## БЕРНАР

Менинг бу дунёдаги кунларим жуда оз қолди энди. Энди Антиб яқинида, бандаргоҳга қўшни бўлган Денгизбўйи Альпида бир вақтлар Бернар ҳақида қилган қайдларим тез-тез ёдимга тушади.

— Бернар деразамга бир сиқим қум отган пайтда мен донг қотиб ухлаб ётардим...

Мопассаннинг «Сувда» ҳикояси ана шундай бошланади, 1888 йилнинг 6 апрелида, «Бальямий» яхтаси Антиб бандаргоҳини тарк этиши олдида, Бернар Мопассанни шу тахлит уйғотган эди.

— Деразани очишим билан юзимга, кўксимга ва вужудимга туннинг фарахбахш эпкинни урилди. Кўкдаги ҳарир мовийлик юлдузларнинг жонли жилвасидан титраб турарди...

— Ҳаво бугун айни муддао, жаноб.

— Шамол-чи?

— Соҳилдан эсяпти, жаноб.

Орадан ярим соат ўтди, улар энди аллақачон очик денгизда эдилар:

— Уфқ бўзариб борар, олисда, Фаришталар кўрфази ортида Ниццанинг чироқлари, ундан ҳам олисроқда эса Вильфраншнинг айланиб турувчи маёғи кўрминар эди... Ҳали ўзи кўзга ташланмаётган бўлса-да, лекин қор билан қоплангани сезилиб турган тоғлардан баъзан қуруқ ва совуқ ҳаво эпкинни келиб турарди...

— Бандаргоҳдан чиқишимиз биланок яхтага гўё жон кирди, яйраб кетди, тезлиги ошди, енгил ва майда мавжлар узра рақс туша бошлади... Тонг ёришиб борар, юлдузлар бир-бир ўчар эди... Ҳув олис кўкда, Ницца устида Юқори Альпнинг қорли чўққилари аллақандай ўзгача бир пушти ёлқинга чулғаниб борарди...

— Мен қуёш чиқишини томоша қилиш мақсадида рулни Бернарга бердим. Кучая бошлаган шабада яхтани титроқ тўлқинлар узра олға ҳайдарди, мен қайдадир, олисларда янграган кўнғироқ садосини эшитдим. Angelus бонг чаларди... Одамлар ҳали уйкуда ётган, лекин замин аллақачон уйғонган мана шу майин, шаффоф тонг палласини нақадар яхши кўраман! Тўйиб нафас олсан, мусаффо ҳавони симирасан, биз учун абадий сирли ва буюк изтиробга айланган дунёнинг тугилиб келаётган борлигини кўрасан киши!..

— Бернар — озгин, чаққон, ҳайратланарли даражада озодалик ва саришталikka ружу қўйган, ғамхўр, сезгир. У поқдил, садоқатли инсон, ажойиб денгизчи...

Булар Бернар ҳақидаги Мопассаннинг сўзлари. Бернар эса ўзи ҳақида мана бундай деган эди.

— Мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман. Je crois bien que j'étais un bon marin.

Бундан у ўлими олдида айтган, бу унинг «Бальямий» 1888 йилнинг 6 апрелида, денгизга йўл олган ўша Антибда, ўлим тўшагида айтган сўнгги сўзлари эди!

Улимидан бир оз илгари Бернарни кўрган киши шундай ҳикоя қилади:

— Кўп йиллар мобайнида Бернар буюк шоирнинг денгизда кечган саркаш ҳаётига ҳамроҳлик қилди, Мопассан то ўша машъум сафарга, Парижга, доктор Бланш ҳузурига йўл олгунига қадар Бернар ундан айрилмади.

— Бернар ўзининг ўша Антибида ҳаётдан кўз юмди. Лекин мен уни яқиндагина кўпинча «Бальамий» лангарда турадиган мўъжаз Антиб бандаргоҳининг нурафшон соҳилида кўрган эдим.

— Баланд бўйли, қотма, юзлари денгиз шўридан дағаллашган Бернарни гапга солиш осон эмас эди. Бироқ суҳба: мавзуи Мопассанга бориб тақалдимми, бас, мовий кўзлари шу ондаёқ жонланиб кетарди, Мопассан ҳақида у шундай тўлқинланиб сўзлардики!..

— Энди у абадий сукут кўйнига чўмган. Унинг сўнги сўзлари шу эди: «Мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман».

Мен бу сўзларни у айнан қай тахлит айтганини яққол тасаввур қиламан. Бу сўзларни у қатъият ва ифтихор билан, офтобдан қорайган, қариликдан қуруқшаган кўллари ила чўқина туриб айтган:

*Je crois bien que j'étais un bon marin.*

Хўш бу сўзлар билан у нима демоқчи бўлган? Бу дунёга келиб, яхши денгизчи сифатида одамларга наф етказганидан ифтихор туйғусими бу? Йўқ: тангри ҳар биримизга ҳаёт ила муайян бир истеъдод ҳам ато этганини ва уни тупроққа қориштирмасликдек муқаддас бурчни зиммамизга юклаганини айтмоқчи эди у. Хўш, булар нима учун керак? Буни билмаймиз. Бироқ биз тубига ҳеч қачон етиб бўлмайдиган бу дунёда ҳар

бир мавжудот учун маъно ва дунёдаги ҳамма нарса-нинг «яхши» бўлиши учун қандайдир мақсад зарурлигини, бу илоҳий мақсадга етишмоқ эса бизнинг тангри олдидаги хизматимиз, айни пайтда ҳам қувончимиз, ҳам ифтихоримиз эканини билишимиз шарт. Бернар буни яхши билар ва ҳис қилар эди. У зиммасига худо юклаган камтарин бурчни умр бўйи муносиб ихлос ва садоқат билан адо этди, тангрига қўрққанидан эмас, виждонан хизмат қилди. Шундай экан, у умрининг сўнги дақиқаларида ўша сўзларни айтмаслиги мумкинмиди? «Банданг тавбасини даргоҳида қабул айлагувчи эй бирубор тангри таоло, сенга ва одамларга қарата бугун шуни айтишга журъат этаманки, мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман».

— Денгиздаги бирон бир нарсага Бернар бефарқ қараёлмас эди, деб ёзади Мопассан: ногаҳон дуч келган, қайдадир очиқ денгизда шамол эсаётганидан далолат берувчи совуқ оқимга ҳам, ғарбда изғирин шамол турганини англатувчи Эстерел кўкидаги булутларга ҳам... У яхтани шу қадар озода сақлардики, ҳатто кеманинг мис қопланган қайсидир бир қисмига тушган денгиз томчисига ҳам чидаб туролмас эди...

Ажабо, Бернарнинг бу томчини дарҳол артиб олишидан кимга наф бўлиши мумкин? У эса албатта артиб кўяр эди. Хўш, нега? Нима учун?

Ахир, ҳаммаси «яхши» бўлишини ҳатто худонинг ўзи хуш кўради-ку! Бернар ҳам ўз ижодининг «яхши» эканини кўриб, ўзи қувонар эди.

Назаримда, сўнги кунларим билан хўшлашар эканман, мен бир санъаткор сифатида, ўз ҳақимда ўлими олдидан бир пайтлар Бернар айтган ўша сўзларга ўхшаш гапни айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.



# Одамсимон маймун билан суҳбат

— Одам эди-ку, наслинг, айт-чи, нега, маймунжон,  
Одам бўлолмай қолдинг, топмадингми ё имкон!

Одам бўлсанг, чаманда ғунчалар узар эдинг,  
Шоир бўлиб, завқланиб, шеър-ғазал тузар эдинг.

Ё ҳофиз бўлиб юртда, сайрардинг булбул мисол,  
Кашфиётлар қилардинг олим бўлиб, эҳтимол.

Қизиқ кўринмоқдасан бугун менинг кўзимга  
Нега одам бўлмадинг, айт, маймунжон, ўзимга!

— Одамга айлансаму ҳофиз ё шоир бўлсам,  
Сийқа қофияларни тизишга моҳир бўлсам;

Ёки бир бефаросат, ношуд, дилёзор бўлсам,  
Ё буйруқбоз, порахўр, худбин мансабдор бўлсам;

Баъзи бир «устоз» каби ёшлардан «куйиб» юрсам,  
Кимлардан ранжиб-ёниб, кимнидир «суйиб» юрсам;

Ё айтайлик, бир беор, чайқовчи, қаллоб бўлсам,  
Уғри, муттаҳам, бебурд, мунофиқ, жаллоб бўлсам;

Яхшими, пойлаб зимдан чалиб юрсам ё оёқ!! —  
Йўқ, бундан маймуликча яшаганим яхшироқ!

\*\*\*

Ёшлик чоғим тушларимда учиб юрардим,  
Оппоқ-оппоқ булутларни қучиб юрардим.  
Қанотимни йўқотмай деб, чўчиб юрардим.


Сени топдим, энди ростдан учиб юрибман,  
Еру осмон ўртасида кўчиб юрибман,  
Уша кўрган тушларимдан чўчиб юрибман...

## Ловат дарёси билан суҳбат

Отам Шокир ҲАСАН хотирасига

— Сўзла, дарё, сувинг нега қорадир!  
— Қора кунлар кўриб бағрим ярадир.  
Соҳилимда шер йигитлар жанг қилган,  
Неча мардлар қучоғимга йиқилган...  
Мавжларимда шу ўғлонлар қони бор,  
Тўлқинимда шижоати — жони бор.  
Сувим эмас, кийганим бу — қорадир,  
Уша-ўша бағрим силққан ярадир.

1 Новгороддаги Ловат дарёсининг суви қорадир.



ДАДАХОН  
ҲАСАН

## Қушчанинг нидоси

Мен қушчаман, менда йўқдир беҳудуд қудрат,  
Бургутлардек яшолмасман ўлжа талашиб.  
Менинг ёниқ хонишларим эзгулик фақат,  
Яшасам бас, чаманларга кўшиқ улашиб.

Асли шундай тайин бўлган ўрним дунёда,  
Шу кичкина юрагимда ҳам завқ, ҳам мунглир.  
Ҳатто ўша қурқураган бургут қояда  
Менинг нозик овозимни кўз юмиб тинглир.

## Булбул

Илк бор бир ғунчанинг васлини тилаб,  
Тонггача дил розин баён этибди.  
Ғунча юз очганда эса саҳарлаб,  
Уни бир бегона узиб кетибди...  
Шу-шу одамлардан олисда юриб,  
Сокин чаманларда нола қилармиш.  
Энди у уззуқун ҳаққа ёлбориб,  
Фақат одамларга инсоф тилармиш.



НУРАЛИ  
ҚОБУЛ

# РАССОМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

ЭССЕ

Инсон дунёга қўшиқ айтиб келиб,  
қўшиқ айтиб кетади, бўтам.  
Энамнинг сўзи

Ёрил тош-эй, ёрил тош,  
Мен онамни кўрайин-а,  
Дийдорига тўйин-а,  
Дийдорига тўйин.  
Ёрилма тош, ёрилма,  
Мен онамни кўрмайин-а,  
Бизларни ташлаб кетган  
Дийдорига тўймайин-а  
Дийдорига тўймайин...

Рўзи Чориев қўшиқ айтди. Узидаги табиийлик, самимийлик, болаларча покизалик ва беғуборликни қўшиққа солиб айтди. Қўшиқни жон қулоғи билан тинглаётган кампир ва келинчак булоққа-сувга тушишганини ҳам унутган, атрофидан одамлар аримайдиغان, серсоқол ҳамқишлоқ рассомнинг сурат чизаётиб, бор вужуди билан қўшиқ айтаётганидан ҳайратда эдилар.

— Мен раҳматли отасининг овозини эшитганман. Ё тавба, худди ўзи-я! Одам деган ўлмас эканда, а?— ёқасини ушлайди кампир. Келинчак ҳамроҳининг сўзларини эшитмасди. У ҳамма нарсани унутган, қўшиқ оҳанги қалбида бир вақтлар ўзи орзу қилган, лекин армон бўлиб дил қатида қолиб кетган тотли хотираларни уйғотган эди.

Унинг дардли қўшиғи ҳар гал менга ҳам Заркамар яйловларида овозимизни баралла қўйиб, қўй боққан кунларни, Ойқор тоғидан ҳашар қилиб, қуриган шох-шабба ташиган ойдин тунларни эслатади. Хонназар бобонинг тоғ этагига жойлашган тегирмонига буғдой ортиб берган сокин ва салқин тонглари ёдга солиб, қалбимда аллақандай илохий, юракни орзиқтирувчи туйғулар уйғотади. Биринчи бор мен бу қўшиқни Майрам момомдан эшитганман. Босмачилар ўлдириб кетган эри, урушга кетиб қайтмаган уч ўғли, фарзанд кўрмагани учун турмуши бузилган яккаю ягона қизи қайғусида йиғлайвериш, унинг кўзи ожиз бўлиб қолган. Бу қўшиқ мени ўйинқароқ болагимга олиб кетади. Уйимизда қандай таом пиширилса, ҳар кечқурун Майрам момоникига бир коса олиб борардим. Одамларнинг меҳрибонлигидан қалби ийибми, ўзига ҳамманинг раҳми келадиган бўлиб қолганиданми, момо тинмай йиғларди. Майрам момо ўз-ўзи билан гаплашиб, таомга қўл узатганда, қорайиб кетган қумғондан чой дамлаб бериб, уйга қайтардим. Кўпинча, энамнинг руҳсати билан олдиларида ётиб ҳам қолардим. Мана, энди Майрам момом ҳам йўқ. «Одамзод бир сиқим тупроқ, болам», дерди момом урчуғини айлантериш...

Мен бу туйгулардан маҳрум бўлишни истамай, булутлар қўйнида мизғитган Қўхитанг тизмаларига — рассомни куйлатган, йиғлатган, тенгсиз картиналар яратишга илҳомлантирган Оқтов ва Қоратов чўққиларига тикиламан. Бир қараганда, Пошхурт қишлоғи атрофи тоғлар билан ўралган қадимий ҳарбий шаҳарни эслатади. Бу бежиз ўхшатиш эмас. Қишлоқнинг юқори қисмидаги минг йиллик Довулқўрғон харобалари Бақтрия давлатининг энг тараққий топган шаҳарларидан бўлган дейишади. Қор ва ёмғир сувлари йилма-йил емириб келаётган қўрғон харобалари ҳозирги ҳолида ҳам кишини ҳайратга солиб, сирли сукут сақлаётган олис тарих қаърига етаклайди. Атрофдан қайнаб чиқадиган мингдан ортиқ булоқ ўтмишда чиндан ҳам қўрғон сув билан ўралган мустаҳкам истеҳком бўлганидан дарак беради. Қўрғон харобаларига маънос тикиларканман, беихтиёр хаёлимдан ушбу фикрлар кечди: жисмоний меҳнатга келганда, биз ҳали ота-боболаримиз даражасига етганимизча йўқ...

Довулқўрғоннинг меъморчилик ҳам ҳарбий жиҳатдан мукамал қилиб қурилганию бу ерда бажарилган безак ишлари ўз йўлига. Шунча миқдордаги тупроқни ўша давр имкониятлари билан бир жойга ташиб келтиришнинг ўзи бўлади! Ҳар бир даврнинг ҳам ҳақиқий баҳоси ўз муддатини ўтаб, абадиятга йўл олгачина билинади. Умуман, қандай бўлмасин, абадият меҳнатга бориб тақалади.

Биз то ҳануз меҳнатни санъат даражасига кўтариш учун курашяптиз. Бу на фақат меҳнат, балки яшаш тарзини санъат даражасига кўтариш демакдир. Ушандагина, эҳтимол инсон ўз ҳаётидан тўла қониқши ҳисси билан яшар. Бунинг учун ҳали кўп иш қилиш керакка ўхшайди. Шахсни тарбиялаш борасида тубдан бошқача йўл тутиш лозим, назаримда? Кишиларимизда меъёридан ортиқ бепарволик мавжуд. Бу яхшиликка олиб бормади. Атроф-муҳитни, табиат ва одамларни юрак-юракдан сева билишни ўрганишимиз керак. Бизда учрайдиган нуқсонлар, юз берадиган камчиликлар ҳам аслида бир-биримизни керагича сева олмаслигимизда. Негадир, айрим дақиқаларда қалбимизда нур ва муҳаббат етишмай қолади.

Кўҳна Сурхон воҳасида (жумладан, Пошхурт қишлоғида ҳам) бундан бир неча асрлар бурун қазилган коризлар мавжуд. Қаторасига қазилган бир неча қудуқларни бирлаштириб, коризлардан сув ер юзасига (ҳатто баландликка) оқизилади. Ақл-заковат билан пухта ўйлаб бажарилган бу иш бизга ота-боболаримиз донишмандлиги, тadbиркорлигидан сабоқ беради. Тупроқ тўла хуржун ортилган эшакни қиялик бўйлаб ҳайдаб, қуйидан юқорига сув чиқариш усули-чи?! Буларнинг ҳаммасида ҳақиқий заковат сингган меҳнат ва санъат бор!

Рўзи булар ҳақида жуда эрта, ҳали тенгдошлари қорин қайғусида юрган пайтлардаёқ фикр юритмоқчи бўлар, ақли жумбоқлардан чувалса ҳам ўзини қандайдир муҳим воқеалар кутаётгандек яшарди. Лекин нималигини тасаввур эта олмас, бу — ўша, бир вақтлар Чехов ва Горький куйиб-пишиб таъкидлаган, юксак маданият пойдевори бўлган меҳнат ҳақидаги илк болалик тушунчалари эди.

Инсон характери ва қалби у туғилиб ўсган ҳамда яшаётган ерга, табиатга мутаносиб ҳолатда шаклланади. Бу ерларда нигоҳинг кўз илғамас далалар, бепоён бўшлиқлар, олис ва қорли тоғларга бориб туташиди. Учқур хаёл дала бўйлаб яшиндек учиб, оппоқ чўққиларга сингиб кетади... Қорли қоялар учидан парку булутлар оҳиста сузади. Булутларни ёриб чиққан чўққиларнинг қорли учлари қизиган Шарқ қуёшида ўзгача товланади. Юрагинг ҳаприкиб самога тикиласан. Осмон кўм-кўк, беғубор. Тез-тез учиб қўнаётган кулранг дала чумчуқларининг чуғур-чуғурини тўрғайнинг шитоб билан чулдираши бўлади. Майин шамол кун ботиш томонда ер ҳайдаётган тракторнинг бўғиқ, овозини олиб келади. Инсон эртанги кунни янада яхши бўлишини орзу қилиб ер ҳайдамоқда — меҳнат қилмоқда. Қўй боқиб юрган болаларнинг чиллак ўйнаб, бир-бирини зувиллатишаётгани (бу ўйинда ютган томон чиллак отади, ютказган томон бир «зу-у-в-в» деганча, нафас олмасдан чўпни маррага олиб келиши шарт) қулоққа чалинади. Бу нўзал ва такрорланмас манзарадан, бу беғубор ҳаётдан узоклашиб қолганингдан сўнг, унинг қадрини биларкансан.

Бир пайтлар, шу чиллак ўйнаган болалар ичиде Рўзи исмли етимча ҳам бўларди. У шерикларига қараганда,

анча маънос кўринар, одми ва юпун кийинарди. Аммо астойдил киришса, ҳар қандай ўйинда ҳам ютиб чиқарди. Унга кимлардир дакки берай, лекин у беозор эди. У эсини танигандан буён ҳаётга ҳайрат билан боқар, нимадан-дир қониқмаслик, қандайдир муҳим ва ҳечам кечиктириб бўлмас ишни бажариш ҳисси билан ёнарди. Лекин қалбида туғён ураётган туйғу сирини сира ҳам англай олмас, гўё бунинг эрта-индин билиб оладигандек, ҳадеганда, болалар уйдан қочиб тоққа чиқиб кетарди. Қорни очик-қандагина ётоқхонага маънос тортиб кириб келар, беғубор ва гуноҳсиз қўйқўзларини мўлтиратиб тарбиячига тикилиб тураверарди. Уни ҳеч ким койимас, тўғрироғи, койиб бўлмасди. Тарбиячилар ҳам ҳайрон қолишарди. Унинг ҳеч кимнига ўхшамаган беозор, қўйқўзлари бунга «йўл қўймасди». Уни тартибга чақириб қўймоқчи бўлган ҳар қандай киши ҳам кўзи кўзига тушиши билан, беихтиёр унга бирон бир яхшилик қилиш пайига тушиб қоларди.

Бир кун номозшомда болалар уйига чакмони устидан белини сиқиб боғлаган, қулоқчинини бостириб кийган киши келди:

— О-о! Жиянгинам! Жигаримнинг боласи!— дерди у Рўзини бағрига босиб. Рўзи қувончдан йиғлаб юборди. У шу пайтгача ўзини ҳеч кими йўқ, акасини эса ўлиб кетган деб ўйлаб юрарди. Ким бўлмасин, қариндоши борлигидан боши осмонга етди. Ётоқхона бўйлаб югуриб, болаларга бирма-бир айтиб чиқмоқчи бўлди.

— Менга қара, Рўзижон!— деди ҳалиги киши белбоғи учи билан Рўзининг кўз ёшларини артиб.— Мен сенинг туққан амакинг бўламан! Чечанг билан жуда яхши, тўқ яшаймиз. Сени олиб кетгани келдим. Дўконда ишлайман. Ёнимда ишлаб, ўқиб юраверасан! Фақат, мана бу тарбиячиларинг билишмасин! Мен уларга, сени бир ҳафтада олиб келаман, деб тилхат ёзиб бераман, хўпми? Бўлмаса, сенга руҳат беришмайди.

Рўзининг кўз олдига бирданига ўз уйи, унга меҳрибонлик қиладиган одамлар келдию гап-сўзсиз кўна қолди. Чакмонли одам уни отига мингаштириб олиб кетди. Улар қарийб бир ярим кун йўл юришди. Бу беозоргина болани кўрган уй бекаси:

— Яхши бўпти, хўп бўпти, болаларга қарашиб юради,— деди суюнганини яширмай.

— Дўконни айтмайсанми, дўконни! Туз тортавериб бел ишдан чиқадиган бўляпти. Қарашади. Одамлар ҳозир бир қорни учун нималар қилишмаяпти.

— Чакмонли амаки эртаси кунни уни эргаштириб, дўконга борди. Дўконда туз, совун ва ёғ сотиларди. Совун ва ёғ камчи бўлганидан, асосан туз билан савдо-сотик қилишга тўғри келарди. Амаки унга тузни торозида тортиб сотишни ўргатди. Бир-бирига ўхшаш бир неча кунлар ўтиб, уч-тўрт нафар бенаво кампирга белул туз берганлиги учун чакмонли амакиси уни қувиб солди:

— Нон эмас!— деди у Рўзини койиб.— Бунақада умр бўйи биринг икки бўлмай, итнинг кейинги оёғидек судралиб ўтасан!

Кейин у қандайдир отлиқнинг қўлига пул тутқазиб, болани Шерободдаги етимхонага элтиб ташлашни тайинлади.

...У бутун борлиқни, одамларни ва мавжудотни борлигича қабул қилади. Ҳамма-ҳаммасини севади. Ёмонликдан нафратланиш туйғуси нақадар кучли бўлса, кечира олиш ҳисси унда яна ҳам кучлороқдир. У бахилликдан бўлак ҳамма нарсани ва ҳатто ақлсиз қотилликни ҳам кечира олади. Унинг бу хислатини муҳокама қилиш ҳеч кимнинг ҳиссасига кирмайди. Бу шарт ҳам эмас. Қалбда ҳаётга нисбатан юксак муҳаббат билан яшаётган кишиларда бундай нуқсоннинг бўлиши табиий. Умр поёнига етган сари инсон бу ҳақиқатга яқинлашиб бораверади.

У ҳали ақли етмаган ҳолда, борлиққа ва одамларга бўлган чексиз муҳаббатини айтиш йўлларини ахтарарди. У ўз ҳақиқатини беғубор ва покиза табиатдан, қорли тоғлардан, шарқираб оққан сойлардан, «қурей-қурей»лашиб осмонни оппоқ қўшиққа тўлдириб, юракка армон чўғини ташлаб ўтаётган турналардан сўрарди. Тоғлар унга сабру тоқатдан, табиат сокинликдан, сойлар манзилга етиш йўлида курашмоқ ва бепоён далалар бағри кенгликдан дарс беради...

Ўзимча чамалаб юрган бир фикрнинг ҳақиқатга яқин

эканлигига имон келтираман. Ҳақиқий талантлар ё тоғ бағридан, ё дарё бўйидан ёки бепоеён чўлдан, ё азим шаҳардан чиқади. Унда тоғларнинг улғуворлиги, дарёнинг теранлиги, чўлнинг дарди, бағри кенлиги мужассамлашади. Эл орасида бекорга: «Яшасанг кўчи баландда ёки шаҳри азимда яша», деган гап юрмайди.

...Чориев ҳамон кўшиқ айтарди. Қўли холст юзасида тез-тез югурар, кўшиқ орасида, ҳаракатини кузатаётган ҳамқишлоқларига қараб, самимий жилмаярди. Талантли одамлар ўзи шундай, бошқа соҳаларнинг ҳам билимдони бўлади. Лев Толстой етук рассом бўлган ва ҳатто Жюль Вернинг «Дунё бўйлаб 80 кун саёхат» асарига резақлар ишлаган. Рўзи Чориевнинг дўсти, таниқли эстрада кўшиқчиси Ботир Зокировнинг картиналари-чи? Ҳикояларини айтмайсизми?!

Чориевнинг дардли қалбни сеҳрловчи кўшиғи мени семимли Сурхон далаларига, буюк ўзбек ерининг қадимий ва навқирон бир парчасига етаклайди. Мен унинг ўзини ҳам узоқроқ кўрмасам, соғиниб қоламан. Расмий мулоқотлар, сохта мулозиматлар, боринги, нотабийликдан безганимда, Чориевни кўриб унинг гапини эшитиш мен учун ҳаётий заруратга айланади. Негадир биз ўзбек ёзувчилари рассомларимиз билан яхши алоқада эмасмиз. Бир-биримизни чуқур билмаймиз. Тасвирий санъатдек покиза ва беғубор оламга кириш ёзувчи дидини юксалтиради. Адабиётдан узоқ рассом умрбоқий, мукаммал картиналар яратолмайди. Шу ўйлар билан, Чориевнинг картиналари зўрға сиғадиган каталакдек устахонасига йўл оламан. Қани, қўлимда бўлсаю унга кенг ва ёруғ устахона ажратиб берсам, дейман. Лекин бу унинг эсида ҳам йўқ. Ҳақиқий санъаткор қаерда ва қандай шароитда бўлмасин, ўзи кўзлаган юксак идеаллар учун курашаверади.

Чамаси, бундан уч йилча бурун Чориев менга «Механизатор Тошев оиласи» деган асарини кўрсатган эди. Ушанда ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган бу асар ҳамон шундоққина кўз ўнгимда турибди. Оиланинг тўққиз нафар фарзанди ёнма-ён батартиб тизилишган. Илк қарашдаёқ, диққатини оиланинг бош фарзанди бўлса керак, энг олдинда ўтирган қиз тортиди. Расмда бўлса ҳам, негадир унинг кўзларига тик қаролмасдим. Юзидаги маъсулик, ибо, тортинчоқлик, нимадандир ҳадиқ, фақат ўзига аён бир оғир ўй, бутун қиёфасидаги беғуборлик мени ўйлатиб қўйди. Асардаги ҳар тўққиз кишининг ўз орзу-ўйи, интилиши бор. Орқа пландаги тошдевордан тортиб, оиланинг энг кенжа фарзанди ёнида биқиниб турган улоқ-қача, ҳамма-ҳаммаси Шарқ ҳаёти ва дардининг бир бўлагидек тасвирланади.

Картина нега менда чуқур таассурот уйғотди? Нега уни кўрганимдан сўнг маъюслашиб, бир нимасини йўқотган одамдек бўлиб қолдим? Уша қиз менга кимни эслатди? Бу қиёфани илгарди ҳам кўрганманми ёки бировга ўхшайдими? Ким бўлса ҳам, у менинг қалбимга яқин кишилардан эди, назаримда. Жуда кўп вақт қийналиб юрдим. Ниҳоят, рассом асаридеги ўша «қиз»ни топдим! У опам София билан ўқийдиган, мен ҳаммадан ҳам яхши кўрадиган Ойбуви опанинг, меҳрибонлигини ҳеч кимга тенглаб бўлмайдиган, гўзал, оддий гапи ҳам кўшиққа ўхшаб кетадиган Ойбуви опанинг худди ўзи эди. Бир зум ўзимни ўн ёшли бола ҳис этиб, ширин хотиралар оғушида борлиқни унутдим. Мактабга эрта борганимдан ўшанда мен бешинчи синфда ўқирдим. Кўз олдимдан Галахирмонжой далаларида Ойбуви опам билан югуриб кўшиқ айтганларимиз, чўпонларнинг унга гап отишгани, кечқурун, пода қайганида, эчкиларини ажратиб уйларига ҳайдаб борганим, унинг чўнтагимни тўлдириб кўғирмоч солиб қўйганларини эсладим. Уйимиз кунчиқишидаги тепаликда ўн беш кунлик ойнинг кўтарилишини томоша қилиб ўтириб, қўлоғимга: «Нурралижон, уни кўрганим ҳам йўқ, қандай қилиб яшаб кетаман?» дегани, бу сўзга кейинчалик тушуниб қолиб, кўзимга олам тор келганидан, лойсувоқ томимизга ағанаб: «Нега энди Ойбуви опа бошқа қишлоққа кетиб қолади? Нега уни ўзимизнинг қишлоққа беришмайди? Мен энди қандай қилиб у кишини кўраман? Энди у киши ҳечам бизникка келмайди!» дея йиғлайвериб, кўзимнинг шишиб кетганлари хотирга келади. Асар қалбимда Ойбуви опамга бўлган такрорланмас эътиқод, соф болалик туйғу-

си билан йўғрилган меҳр-муҳаббатни жунбушга келтирди. Ойбуви опамни шу қадар соғиниб кетдимки, шу пайтгача уни бирор марта ҳам йўқламаганим учун ўзимни қойирдим. Энди қишлоғимизга борсам, албатта, Ойбуви опамнинг, болаликдай ширин, беғубор ва беозор Ойбуви опамнинг уйига бораман, болаларини ўйнатаман. Алдаб қошимга ўсма қўйганлари, мени довучча ўғирлашга юборганида, Нозик момонинг ити қоғиб олгани, Галахирмонжой далаларидан тезак терганимизда, ўтинчиларнинг қуванларини эслаймиз... Доимо ўзи шундай, қандай санъат асарига кўзим тушмасин, уни болалик йилларим билан ўлчамим келаверади. Шарқнинг семимли хонандаси, СССР халқ артисти Жўрабек Муродовнинг «Ме ояд» номли кўшиғи хотирамда қишлоғимиз болалари билан дала бошидан икки боғдан ўтни эшакка ортиб, ўт устида ўтирганча, бор овозда эсимизга келган кўшиқни хиргойи қилиб, уйга қайтганларимиз, қишлоққа киришимиз билан уфқ орти қизариб, тоғ этагида қишлоқ подаси кўринганларини жонлантиради. Бу туйғуларни бирор нарсага қиёслаш қийин. Чинакам санъат асаригина кишига ана шундай туйғу ва завқ бағишлаши мумкин. Бу санъатнинг яратилишида шубҳасиз санъаткор вояга етган муҳит ва унинг такрорланмас шахсияти ётади.

Тасвирий санъат асарлари киши қалбига яқин қандайдир кўшиқни эслатади. Бир кун устоз Саид Аҳмад: «Ҳар бир асарни ёзаётганимда, ўзимча бирор бир кўшиқни ўйлаб ўтираман», деган эди. Бу ажойиб, дилга яқин гап. Муҳаббатдан нурафшон қалбгина кўшиқни, мусиқани тушунади. Аслида ҳам, инсон дунёга кўшиқ айтиб келиб, кўшиқ айтиб кетади. Рўзи Чориевнинг сўзи билан айтганда, дард билан келиб, дард билан кетади.

Мен севган уч кўшиқ бор: биринчи кўшиғим — Шолохов! Ҳа, ҳозирда асримизнинг энг буюк одами бўлмиш Михаил Шолохов! У билан асрдош эканлигимдан фахрланаман. Бу кўшиқни умрининг барча фаслларида, бамисоли Петр Ильич Чайковскийнинг «Йилнинг ўн икки фасли» пьесасидек, ҳазин куйлаш мумкин! Бу кўшиқ шиддатли, мунгли, қайғули ва жўшқин! Яна бир семимли кўшиғим — Чингиз Айтматов! Бу шундай кўшиқки, уни қачон бўлмасин, бир марта айтасан! Шундаёқ бу кўшиқ борлигини қамраб олади, ўрқач-ўрқач сеҳрли тўлқинларида; сени ўзинг тасаввур этиб-этмаган қайғу ва қувончларини гирдобига элтиб ташлайди. Бу туйғу қалбингни абадий ёритиб, ҳаётингга нур, орзуларингга парвоз бахш этади.

Учинчи кўшиғимни кейинроқ айтман. Бу — менга ота ҳам қилмаган яхшиликларни кўргазган, ҳали эсимни таниб бундай бағри кенгликни, ақлу-заковатни кўрмаганми,— мен учун мангу ақида бўлиб қоладиган инсон кўшиғидир. Ҳали ҳаёт эканман, бу кўшиқни абадул-абад куйланувчи пардаларда сўзга соламан!

Айни пайтда эса мен рассом Рўзи Чориевнинг кўшиғи ни тинглаяпман...

Ҳали у бола экан, ёмғирдан кейинги тиниқ кўл бўйида осмон ва далалар билан туташиб кетган беқасам рангли камалакни (қишлоқ болалари уни «Ҳасан-Ҳусан» ҳам де йишади!) қувиб, кўлга тушиб кетганларини ҳеч унутолмайди.

— Уни тутолмадим, кетиб қолди!— деган у ўшанда ўзини қутқазиб олган одамларга кўзини жавдиратиб У ҳануз ўша, жимир-жимир ўзига чорлаб, кўзни қамаштириб ташлаб кетувчи беқасам рангни қўмсайди. Рассом инсон сифатидаги беадоқ армонлар жо унинг кўшиғида.

Онасидан олти ойлигида етим қолиб, холаси эмизиб ёшига етказган Рўзига «Ёрилтош»дан онасини илтижо қилиб сўрашни илк бор ана шу холаси ўргатган. Эсини таниб, атак-чечак тили чиққанда, алақандай қорақал унга онаси йўқлигини, бундан кейин ҳам бўлмаслигини тушунтирган. Шундан сўнг, у холасидан тинимсиз онасини сўраб-суриштирадиган бўлди. Шунда... Ёрилтош ҳақида кўшиқни холаси унга ўргатди. Илк бор кўшиқни эшитган да, қувончдан кўзлари ёшланиб кетди. Шу кўшиқни тошларга айтсам, онажоним келадилар, деб ўйларди у. Тошларга нола қилавериб, овози битиб қолар, лекин тош ёрилиб онажонни чиқа қолмасди. Онажони энди умуман қайтиб келмаслигини англаганда, бу дард унинг мурғаккин қалбини ларзага келтирди. Беш ёшига етар-етмас Рўзин

болалар уйига элиб топширдилар. Илгари онажонини соғиниб тошларга арз қилса, энди у қайғу ва қувончларига сирдош ёрилтошларини соғинарди. Бора-бора бу соғинч жажжи-жажжи суратчаларга айланади, қоғозларга кўча бошлади. Илк бор тарбиячилари расмга иштиёқманд болаларни тўплаб, доскага Васнецовнинг «Уч баҳодир»ини осиб қўйиб, кўчирма ишлашни топширганида, у қувончдан антикиб кетди. Ҳамма ўз билганича, бу расмни узоқ чизди. Ҳаяжонланганданми, қўли унчалик ўрганмаганлигиданми, Рўзининг «Уч баҳодир»и яхши чиқмади. Кўпчилик болалар жуда қотириб кўчиришди, фақат Рўзиники бошқачароқ эди.

— Нега расмда йўқ ранглари чиздинг? Бу ранглари қаерда кўргансан? — деди тарбиячи Рўзига меҳр билан тикилиб.

У жавоб қайтара олмади. Кўчирма ишлай олмагани алам қилиб, ҳўнграб йўғлаб юборди.

— Аслида, сенки ҳаммасидан зўр! Сен «Уч баҳодир»ни ўз рангларинг билан чизмоқчи бўлибсан! — деди тарбиячи унинг бошини силаб, кўз ёшларини артаркан. — Йўғламагин, бировнинг йўғлаганини кўрсам, юрак-бағрим эзилиб кетади.

Тарбиячисини хафа қилмаслик учун у йўғламади. Бироқ ҳамма тарқаб, ўз иши билан кетгач, яшириниб олиб тўйиб-тўйиб йўғлади. Шу кундан бошлаб, ҳаммадан яшириб «Уч баҳодир»ни машқ қилди. Тежаб-тергаб йўғлаб тангаларига сотиб олган картон қоғозларига у неча марта «Уч баҳодир»ни чизганлигини эслолмайди. Энг сўнгги, ўзига ёққанни тарбиячига кўрсатганида, у ҳайратдан бир зум қотиб қолди.

— Сен Васнецов бўласан! — деди у қувончдан антикиб чапак чаларкан.

Инсон эришажак ҳар бир ғалаба пойдевори унинг ўзига ишонган кундан бошланади. Ғалаба — ана шу ишонч мевасидир. Рўзи Чориевдаги бу ишонч Улкашунослик музейи директори Гавриил Василевич Парфёнов тузган «Ёш ўлкашунослар» тўғараги аъзолари билан, бундан ўн минг йиллар олдин ибтидоий аждодларимиз чизган бутун дунёга машҳур Зараутсой суратларини ўрганиш ҳамда уни кўчириб ишлаш мобайнида, ўзига хос суратда шаклланди. У кейинчалик ўзига қадрдон бўлиб қолган ранглари эҳтимол илк бор ана шу — Пошхурт қишлоғига туташ афсонавий Зараутсойда учратгандир. Ибтидоий аждодларимиз чизган суратлар ҳаммани ҳайратга соларди. Қишлоқда: «Зараутсойдаги суратлар — девларнинг расми», «Уларни девлар чизган», деганга ўрша турли миш-мишлар юрарди. Аксарият, болалар у ерга кўрқа-писа боришарди. Рўзи эса «девларнинг суратлари»ни севиб қолган эди. Зараутсой суратлари — унинг илк университети бўлди.

Музейда расмом Наталья Николаевна Попова ишларди. «Сурхоннинг ҳақиқий рангини сен топасан», деди у бир кун Рўзига башоратомуз. Доим Рўзига ҳайрат билан боқарди. Бора-бора бу ҳайрат оналик меҳр-муҳаббатига айланди. Рўзи поповалар оиласига аъзо бўлиб кирди. Наталья Николаевна Рўзини жаҳон тасвирий санъати классикларининг ҳаёти ва ижоди билан таништириш жараёнида, унда ўз ҳаётини санъатга бағишлашдек юксак ишончни уйғота олди.

Еттинчи синфни битирган Рўзи сеҳрли Сурхон тасвирлари: булутлар билан сирлашган нур рангидаги Кўхитанг ва Боботоғни, Амунинг ҳаворанг тўлқинлари ва Шерободнинг кўз илғамас даштлари қиёфасини хаёлан чизиб, уларни холстга кўчириш ихтисосини ўрганиш иштиёқида Тошкентга келди. Павел Беньков номидаги Рассомлик билим юртида бу умид чечак ёзди. Чориевнинг иктидори ҳисобга олиниб, уни бирданига икки поғона юқори курсга қабул қилишди. Таҳсилнинг дастлабки йилларидаёқ илк картиналари «Қорасув каналда», «Бухоро бозори» асарлари дунёга келди. Унинг тилга тушган биринчи асари — «Бухоро бозори» 1959 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси пайтида намоиш этилди. Шу йили у СССР Бадий Академияси қошидаги И. Репин номига қўйилган Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтига қабул қилинди. Оғир ҳаёт сўқмоқларидан юриб бу олий даргоҳга етиб келган

Рўзи Чориевга энди ҳақиқий устоз, мураббий ва муаллим керак эди. Ленинградда уни худди ана шундай инсон — СССР халқ рассоми, профессор Юрий Непринцев кутарди. Рассом ижодида ана шу олий таҳсилнинг таъсири шубҳасиздир. Унинг бундан кейинги асарлари аниқ мақсад сари йўналтирилгандир. Мана, унинг «Бойсунликлар» картинаси. Асарда Сурхоннинг яқин ўмиши — бободан тортиб, бу даштларнинг келажаги — неварачага, уч авлод тасвирланган. Орқа пландаги ям-яшил дарахт кишилар этиқодининг қатъийлиги, букилмас иродалари рамзи сифатида, барқ уриб яшнаб турибди.

Р. Чориевнинг олтмишинчи йиллар охиригача (аниқроғи, 1967 йилгача) яратган асарларида асосан совуқ (яшил, кўк, зангори) ранглар ҳукмронлик қиларди. Бу — Ленинграддаги беш йиллик ўқиш мобайнида, Россиянинг кўнчи ранги кўзи ва кўнглига сингиб қолганидан эди. Аини давр ижодидаги бу ранглар Ўрта Осиё, айниқса, Сурхоннинг иссиқ ранглари босиб кетган эди. Мазкур ҳолни рассом мухлислари ўз вақтида сезишди. Рўзи Чориевнинг 1971 йили Термизда очилган шахсий кўрғазмасидаги «Ис-таклар дафтари»га рассом илҳосмандларидан бир қиз: «Талантли, аммо рутубатли. Кўпроқ нур керак!», деб ёзган бўлса, иккинчиси: «Ҳа, ҳа, кўпроқ нур!» дея қўшимча қилган.

Етмишинчи йиллардан бошлаб рассом асарларида яна иссиқ (сарик, қизил, жигар) ранглар ёрқинроқ товлана бошлади. Рўзи Чориев Ғарб тасвирий санъати, Уйғониш даври ёдгорликлари, Шарқ безаклари ҳамда миниатюраларининг классик услубий қонунятларини чуқур ўрганиш, идрок эта билиш йўлида тинимсиз изланди. Натижада, унинг тасвир услубида ифодалаш имконияти кенгайди.

Шу нарсани пайқадимки, у ҳам туғилган қишлоғига бориб турмаса, ёзолмай қолар экан. Бир неча кун у чўпонларга қўшилиб қўй боқарди. Сурувини адаштириб қўйган чўпон бола билан туманли дарада эчки излайди. Нўхат ўраётган деҳқонга кўмаклашади. Болалар билан гулхан ёқиб, гурунглашади. Албатта, бу — ерга яқин одамнинг одати. Тезкор асримизнинг энг катта фожиаларидан бири ҳам шундаки, биз тобора она-ердан узоқлашиб боряпмиз. Натижада, табиийлик ва самимиятни йўқотаямиз.

...Яқинда, Рўзи ака қишлоғидан менга қайғули хабар топиб келди:

— Ойбувингиз вафот этибди, — деди у кўзини мендан олиб қочиб.

— Нима?! Нимага вафот этаркан! — сўрадим нафасим бўғзимга тикилиб.

— Менингитнинг қандайдир тури билан оғриб вафот этибди! — деди у намли кўзларини ердан узиб.

...Эҳ, у қизнинг дардли кўзлари: «Уладиган одам ўзи бошқача бўлади», дердилар раҳматли энам. Мени мафтун этган, хаёлчан чеҳраси билан беғубор болалигимга етаклаган бу киз образи қалбимда зўр армон бўлиб қолди.

Эрнест Хемингуэй: «Фақат, яхши инсонлардангина яхши ёзувчилар чиқади», деб бежиз айтмаган. Людвиг Фейербах: «Ҳақиқий ёзувчилар — инсониятнинг виждонидир», деганида икки юз фоиз ҳақ эди. Даставвал ўз виждони олдида, сўнгра табиат ва борлиқ қошида покиза бўлган кишидангина туб моҳият этибори билан ҳақиқий санъаткор чиқади.

Биз кўпгина ҳолларда ўз қобилиятимиз даражасини билишда янглишамиз. Аниқроғи, инсон улғайиши билан, билими ва ақли ошиб бормаса ҳам, ҳаёт тажрибасига таяниб, ўзига ортиқча баҳо берадиган бўлиб қолади. Бунинг сабабларидан бири ҳам яна юқоридаги гап — табиатдан йироқлашишдир. Табиатни ҳис этиб, тушуна билиш, унга яқинлик — кишини ҳар қандай оқибати ҳунук воқеа-ҳодисалардан асрайди, ортиқча туйғуларини жиловлал туради.

Табиатга минг қатла шукрки, дунёда меҳр-муҳаббат деган буюк туйғу бор. Бўлмаса, инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи қолмасди. Аслини олганда, Чингиз Айтматов айтганидек, муҳаббат ҳеч кимга фойда ҳам келтирмайди, зиён ҳам. Лекин усиз яшаб бўлмайди. Дунёни ушлаб турган туйғу ҳам муҳаббатдир.

Рўзи ака Ленинград орқали Қримга учиб ўтиб, қарийб

икки ой уйда бўлмади. У киши билан гаплашадиган муҳим иш бўлмаса-да, келишини интизорлик билан кутардим. Келмаслигини билсам ҳам, ҳар кун кечкурун пиёда унинг уйига равона бўламан. Чойшаблар тутиб ташланган ойнаванд айвонни ўсиб кетган тоқ ва номозшомгул шохлари қоплаб ётади. Бегоналимни пайқаган қўшни расомнинг ити менга ҳафсала билан ёпишади. Хаёлларим тўзи кетганидан хафа бўлиб, орқага қайтаман. Ахир, биз хаёлан Рўзи ака билан гаплашётган эдик-да.

Уйимизда, ўлимиз Ойқор тугилганда Рўзи ака тақдим этган «Ойқор» номли картина бор. Мен бу асарни илк бор устахонада кўриб, ҳайрат ва қувончдан энтикиб кетганман. Асарда Ойқор тоғи ва тоғ этакларининг апрель ойларидаги бетакрор гўзаллиги акс эттирилган. Булутлар билан сўйлашаётган қорли чўққилар баҳор қуёшида нур таратиб товланмоқда. Одатда, бундай пайтларда тоғ этаклари ва паст текисликлар кўм-кўк бўлади. Бу ҳаммага маълум. Лекин картинада қизил ва сарғиш ранглар ҳукмрондир. Унга кўзи тушган кўпчилик менга: «Тоғ ҳам қип-қизил бўладими? Тепасида қуёш бўлмаса?», деган саволни беришади. Тўғри, бу ҳали қорли тоғларда лолақизғалдоқлар очилмаган пайтлар. Шундай экан, расом қизил ва сарғиш рангни қаердан олган? Буни расомнинг табиати мукаммал билишидан қидирмоқ керак. Табиатдан йироқ киши уни ўзгалар кўзи билан баҳолайди. Шунинг учун ҳам, Леонардо да Винчи: «Бевосита табиати ўрганган киши унинг фарзанди, ўзга ижодкорлар асарларидан руҳланганлар эса унинг неварасидир», деган. Ўзи, биздаги санъатшуносларнинг кўпчилиги шунақа. Ҳар қандай картинадан бахс кетса бир хил қолибди, анъанавий гапларни тизиб ташлашади. Булар — туйғуси ўтмаслашган, фикрлашдан ортда қолган «...шунос»лар, холос.

Рўзи Чориевнинг иш услуби айрим талантли ёзувчилар услубига ўхшаб кетади. Жаҳоннинг кўпчилик буюк прозаиклари ўз асарларини жуда узоқ ўйлаб, қисқа муддатларда ёзиб тугатишган. Ҳақиқий санъат асари ана шундай буюк эҳтирос ва илҳом билан санокли дақиқаларда яратилади. Ижодкор хаёли бундай лаҳзаларда ўзини ўраб турган муҳитдан беҳад юксакларда кезади. Бамисли, ер ўз ўқи атрофидан чиқиб кетгандек. Бизда бу ҳолни шарқча шоирона тил билан илҳом париси келган дақиқалар, деб аташади. Аммо бу — асар қисқа муддатда батамом ёзиб тугатилади, дегани эмас. Энг муҳими, бу дақиқада асар дунёга келади. Ижодкор кўнглини қоғозга бўшатади. Кейин уни истаганча сайқаллаши мумкин.

Санъаткорда илк учрашган кишининг ким эканлигини тезда пайкаб олиш қобилияти жуда муҳимдир. Чориев келажакда яна дуч келиши ва портретини ишлаши мумкин бўлган кишиларни беш-ўн йил бурун ўрганиб, сўраб-суриштириб юради.

— О-о! Сизни яхши биламан! — дейди у, ўша киши билан учрашганда қувончини яширолмай. Қарабсизки, бир неча сеансда портрет тайёр. Унинг бу усулини кўпчилик ўзбек расомлари инкор этакдилар. Тўғри, бу уларнинг иши. Мен эса Рўзи Чориевни ўзбек тасвирий санъатининг талантли прозаиги дейман. Шундай дейман-у, унинг асарларида поэтика кўпроқдир. Ўзбек портрет жанрининг тенгсиз устаси Абдулҳақ Абдуллаев эса Чориевнинг ижодаги курашчанлигини назарда тутиб, уни «гладиатор» деб атади. Бу моҳир расом чизаётганида худди заргарлардек ҳаракат қилади. Натура билан ишлаши сон-саноксиз ижрочилардан иборат оркестрни бошқараётган ўта нозик дидли дирижёрга ўхшайди. Ана нозик қалб, ана ўзига хос ижод услуби ва таланти! Бу сирли, поклик тўла қалб жуда улуғ сўзларга муносибдир. Вақти соати билан бу гаплар, кечроқ бўлса-да, айтилади (биз доимо икир-чикирлар билан бўлиб, муҳим ишларга кечикиб юрамиз!).

...Яна «Ойқор» картинасига қайтаман. Илк баҳор кунларида қори эндигина эрий бошлаган қорли чўққилар, тоғнинг ёнбағирлари ботаётган қуёш нурида ёниб, алвон рангга киради. Бундай дақиқаларда тоққа тикилиб қараб бўлмайди, кўз қамашади. Тоғ этакларидаги яккам-дуккам заранг, пишол, терак ва толлар оппоқ нур дарахтига айланади. Таъбир жоиз келиб, мабодо бутун тоғ яхлит бадий асар деб қараладиган бўлса, бу манзара ва дақиқаларни асарнинг кульминацион нуқтаси дейиши мумкин. Ҳамма гап ана шу дақиқа ва нуқтани илғаш, уни топа би-

лишда. Бу — расом диди ва истёдодини белгиловчи фактордир. Бундай манзаралар Чориев юрагини неча бор жунбушга келтирган, унинг учун қадрдон эди. Агар у тоғ табиатини пухтароқ билмаганида, эрталабки ёхуд кечки бирор бир манзарани танлаб кўя қолган бўларди. Бинобарин, инсоннинг санъатни тушуниши табиат воситасидагина мукаммаллашиши мумкин.

Рўзи Чориев кўпдан буён Абдулла Орипов портрети устида ишларди.

— Абдулла ака бирор марта ҳам устахонага келиб, кўриниш бергани йўқ, сиз эса уни кўрмасданоқ портретни тугалласиз, — дедим бир гал Абдулла Ориповнинг портретдаги хаёлангача чехрасидан кўз узолмай.

— Ана у, қаршимда турибди, — деди Рўзи ака бўшлиққа қўл чўзиб, баланд ва жарангдор оҳангда. — Мен уни қарийб ўн йилдан бери хаёлимда чизиб юрибман. Уни гўзаллик ва поклик рамзи сифатида тасвирламоқчиман. У ана шундай инсон. Бир мажлисда зериканимдан унинг портретини қаламда чизиб ўзига кўрсатдим. У сурат остига икки қатор шеър ёзиб қўйди:

#### Абдулланинг шудир бори, Чизди уни Рўзи Чори!

Ҳа-ҳа-ҳа! Зўр-а! Икром Акбаров билан Ботир Зокировни йигирма йилдан буён чизаман. Улгунимга қадар чизсам керак. Бир ёзувчи неча киши орқали, ҳатто ўзи ҳам учраб, портретини ишлашини сўради. «Хўп» дедим-у, қўл бормаяпти. Чизолмасман деб кўркаман. Сени ўша, тасвирлаётганим табиат ёки инсон билан нимадир боғлаб турмасан, унда ўзинг излаган бирор бир ҳақиқатни кўрмасанг, ҳеч нарса чиқмайди. Биз расомларнинг яхши-ёмонимизни чизганимизга қараб, дарҳол аниқлаш мумкин. Аммо ёзувчилар чатоқроқ. Нималигини билиб улгурмасингданоқ, ёстиқдек қилиб тўртта романни ёзиб ташлашади. Тўғри, унинг ҳам ўзи даражасидаги ўқувчиси бор. Китоби магазинда кўринмаса, «зўр ёзувчи эканман», деб юраверади. Биласанми, мен нимани ёмон кўраман. Ёзиш-чизиш қўлидан келмасям, ўзича бу мажбуриятни зиммасига олганларни. Аслида, бундайларнинг ўзи тузуққина бир салбий образ. Улар ўзларидаги арзимас имкониятни ижодкорлик таланти, деб ишоняшади. Тўғри, буларга ҳам қаттиққўллик қилиб бўлмайди: «Кучли, ўрта ва паст даражадаги адабиётлари бўлмаган адабиёт — мукаммал адабиёт эмас», деган экан кимдир. Ҳаёт воқеалари орасидан ҳаммабоп, қаймоғини топиб ёзмоқ керак. Ҳар бир даврнинг ўз ҳақиқати бор. Ана шуни ёзмоқ керак. Демокчи-манки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган воқеа ва ҳодисалар, умуминсоний туйғуларни қуйлаш лозим. Аммо бунда доимо, биринчи галда, инсон қалби муаммолари туриши шарт. Теран туйғулар инсон қалби кўриғининг баҳоридир...

Уйлаб қарасам, Чориевда ҳам, Абдулла Ориповга ўхшаб, бор қудратини «мана» дея кўрсата олиш, ўз ғоялари учун имкониятлари даражасида қураша билиш кучи етишмас экан. Бу камчилик эмас, йўқ, камтарлиқнинг биринчи кўриниши — камсуқумликдир. Одамлар оғзи билан юришга ўрганаётган бизнинг асримизда айнан камсуқум инсонлар кун сайин камайиб бормоқда. Бундай беозор одамларни тушунишадими, ардоқлашни ишташмайди. Лев Толстой: «Ҳақиқий донолик — камсуқумликда», деган замонларда одамлар бу қадар уддабурро, қилни қирқ ёрадиган эмасмикин? Яна ким билсин! Камтар ва камсуқум киши бировлар учун қўлидан келган яхшиликни қилади. Оёққа туриб олган анчайин шоғирд эса кўп ҳолларда, устозига қараганда, пихини ёрган, эпчил чиқиб қолади. Аммо уларни ҳам тўла айблаб бўлмайди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, яратиш қандай бўлмасин, курашиш демакдир. Шу ўринда қувингандаги Покистон шоири Файз Аҳмад Файзнинг: «Ёзувчи фақат кузатмаслиги, аксинча, курашмоғи керак», деган сўзлари ўринлидир. Лекин ҳозирги айрим ижодкорларимиз, бундан Файз Аҳмад Файз айтган маънода эмас, манфаатпарастлик маъносида ташунадилар. Бу ҳолнинг ҳам объектив ва субъектив сабаблари бор. Шу ҳақда ўйлар эканман, беихтиёр хаёлимга Васил Шукшиннинг бир гапи келади. Қайсидир журнал муҳбири саволларига берган жавобда у: «Биз кўпроқ яхши ишлашга эмас, яхши сўзлашга ўрганилмиз», деган эди.

Айни вақтида айтилган гап. Кўпчилик ҳолларда гапга уста кишилар ёмон ишлашади. Меҳнаткаш одамнинг эса гапир-ришга вақти бўлмайди, бу ҳақда ўйламайди ҳам. Ёзувчилар ҳам (талантлилари бундан мустасно) шунақа бўлишади, шекилли.

Рўзи Чориев умр бўйи оддий, жуда оддий (аслида ҳақиқат ҳам оддий эмасми!) нарсалардан ҳайратланиб, ўзи билан мулоқотдаги оддий одамлар ва нарсаларни соғиниб яшаб келади. У хотин-қизлар жиягидаги каштани кўрганда ҳам, унча чиройли бўлмаган, одоблигина бир қиз билан танишганда ҳам, ўзини йўқотиб қўяр даражада ҳайратланади. Ҳаёт ҳақиқатлари ва дунё сирларини илк бор англаётган ўсмирдек қотиб қолади ёки азбароли завқланганидан қичқириб юборади. Бу ҳайрат замирида эса борлиққа, инсонларга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси ётади.

Бизнинг фожиамиз ҳам шундаки, кўп ҳолларда ёнгинамиздаги оддий ҳақиқат ва гўзаллики пайқамай яшаймиз. Агар инсоният ўзидаги ҳозирги бепарволик касрини чўқур англаб, уни тағ-томири билан йўқ қилмас экан, бир кун келиб, бунга қарши кураша олмай қолади...

Ниҳоят, бу талантли рассомнинг камчиликлари ҳақида ҳам узоқ-узоқ ўйга толаман. Эллика кирган бўлса ҳам яши билан ёмонни, дўст билан душманни ажратолмайди. Бу камчили унинг учун бир кун қимматга тушиши мумкин. (Олғир «санъатшунос» ва рассомлар, делетантлар унинг бу камчилигидан усталик билан фойдаланадилар.) Бундай одамлар, бошларига мушуқ ташвиш тушганда (жонкуярлари бўлмаса) ҳимоясиз қоладилар. Дарҳақиқат, Чориев ҳам Ленинградда ўқиган йиллари бир мактуб ёзиб, ёш бошига зўр ташвиш орттирган. Хатда, совет даври тасвирий санъатда ҳам турлича йўналишлар бўлиши мумкинлиги, ижтимоий моҳияти билан эса социалистик реализмга хизмат қилишдан; тараққийпарвар классик тасвир усулларидан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия методини ҳаётга тубдан яқинлаштириш, санъатда милликдан баҳс юритиларди.

Ушбу хат туйғайли, сал бўлмаса, уни институтдан ҳайдашаёзди. Хайриятки, кимлардир уни тўғри тушуниб, сақлаб қолишди. Бу — қотиб қолган, аммо кўп ҳолларда ҳукмрон қарашларга қарши, баъзан англаб-англанмаган ёшлик курашининг ғўр усули эди.

Кишини толиктирайдиган, ёқимли баҳор оқшомларидан бирида яна унинг уйига йўналдим. Икки қаватли рассомлар уйи атрофини ўраган сирень ва дўлана дарактлари гулининг ёқимли ҳиди хотиралар қатини титкилайди. Сиреннинг таскин берувчи ҳидидан қорғин кеча ҳам ҳузур қилаётгандек. Уйнинг айвонига тикилиб, сиренлар олдида туриб қолдим. Рўзи аканинг ўзи чиқиб қолар, деган ўйда эдим. Унинг картина ва эскизлар осиб ташланган уйини хаёлан тасаввур этиб, эшик тутқичига қўл узатдим. Унинг уйи ва устахонаси деярли ҳеч вақт саранжом-саршихта бўлмасди. Лекин жуда беғубор, дунёнинг бемаъни ташвишларидан холи олий бир рух, ҳолат ҳукмрон эди. Рўзи аканинг хотини ҳам у қадар уддабурро аёл эмас. Бор-йўғи иккита боласи бўлса ҳам, ўн болали аёлларга ўхшаб қўқиб ётади. Ижобий маънода, жудаям Чориевбоп, беғам хотин. Агар пишиқ, тиниб-тинчимас аёл бўлганида, билмадим, болафезъл Чориевнинг аҳволи нима кечаркин? Ростадан ҳам, ташқаридан қараганда, беғамликка ўхшаб кетадиган, лекин ҳалоллик устига қурилган беозорлик хислатлари Чориевда истаганча топилади. Бунинг дунёнинг ижодга алоқасиз ташвишларига бефарқ қараш деб атаса ҳам бўлаверади. Турмуш ташвишларини ҳисоб-китоб қилиб, маълум график асосида бажарадиган бўлсанг, одатда, ижод галга қолдирилади. Бир нарсага эришиш учун, кўпинча, иккинчи нарсадан воз кечиш керак.

У жуда кўп кишиларга картиналар совға қилади. Область ва районларда ташкил этиладиган музейларга бепул асарлар жўнатади. Унинг анчайин шогирдлари аллақачон бойиб кетишган. У эса бу ҳақда ўйлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Бунинг ташвишини чекиб юрганида, у биз билган Рўзи Чориев бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Оҳиста оёқ босиб залга кирдим. Негадир Рўзи ака кўринмасди. Бола-чақасини Ленинградга жўнатган эди. Устахонада бўлса, нега уйини очик қолдирди экан? Ҳали

бир қарорга келиб улгурмаган эдимки, Рўзи аканинг болаларниқидек қувноқ, беғубор кулгиси эшитилди.

— Эҳ-хе-е, нега аразладинг? Аразлама. Ҳали қандай махлуқ эканлигингни билмайсан-у, аразлайсан. Яхши эмас, уят бўлади. Эҳ-хе-хе!..

Чориев овқат столи ортидаги сержун пўстак устида ағанаб, мушуқ болағ ри билан ўйнашарди. Болалаган кулранг она мушуқ унинг хатти-ҳаракатларини кузатганча сулайиб ётар, болалари уни ҳар томондан турткилаб эмишарди. Уйга кирганимни пайқаган она мушуқ сергакланиб, болаларини ялай бошлади. Рўзи ака мушуқвачалар учун балик консервасини эча бошлади.

— Мушуқларни консерва билан эмас, сут ёки қатиқ билан боқиш керак,— Рўзи акага яқинлашдим.

— Сут ҳам, қатиқ ҳам, гўшт ҳам йўқ. Марина бўлмаса, шунақа, ҳамма нарса тугаб қоларкан. Консерва еялмиз. Бунинг ҳам Икром Акбаровнинг хотини берган,— деди у менга болаларча мўлтираркан.— Биттаси ўлиб қолди, онаси тишлаб олиб чиқди—да, панжалари билан ерни қовлаб кўмди. Чўнқайиб ўтирганча, осмонга қараб йиғлади. Мен ҳам йиғладим. Боласи ўлиб қолгандан бери, хафа бўлмасин деб, залда ётпман. Кетсам миёвлашаверади, миёвлашаверади...

Чориев тўлқинларди, руҳида севинч яширинган дард ҳукмрон эди. Нимадан тўлқинланаётганлигини бир сўз билан тушунириб бўлмасди. Қизиқ, унинг ҳар бир гапидан завқланиб, ҳузур қиламан. Негаки, у юрагидаги гапни ўйлаб-нетиб ўтирмай, тўғриден-тўғри айтаверади. Самимият дегани, менимча, шу бўлса керак. Уни гапиртириш учун атайлаб саволлар беравераман. У эса ўша заҳотиёқ кутилмаган ва ҳайратланарли жавоблар қайтаради.

— Мушуқ болалабди-я?— дейман уни гапга солиш учун.

— Ҳаёт. Баҳор. Мушуқ тўғди. Қандай гўзал. Мартирос Сарьяннинг юбилейига бораман. Қандай яхши. Сарьян дегани — яна бир Арманистон дегани. Мен Ереванга кетиб қолсам, мушуқларга ким қарайди. Мушуқвачаларнинг кўзи ҳам очилганча йўқ. Ёки сен буларни уйингга олиб кетасанми? Уйингнинг балкони йўқ, қаердаям боқасан.

У жимиб қолди. Сўнг менга бир қараб қўйди-да, пўстакнинг жунини ўйнай бошлади.

— Қачон? Ким билан кетасиз?— сўрадим.

У эшитмади. Хаёллари аллақайларга эргаштириб кетди, шекилли. Мен унинг кўзларидан шу фикрларни ўқардим.

...Улуғлик ва гўзаллики ҳам юракка сиғдира билиш керак экан. Сарьян ана шундай буюк, юракка сиғдириб бўлмайди. Бахтиёрликни ҳис этиш ҳам бахт. Бунинг учун туйғуларни асраш ва тарбиялаш керак. Бу хотирани тарбиялаш демакдир. Уйлаяпман: ақл ўз-ўзидан тарбияланармикин, туйғуми? Менимча, туйғуни, туйғуни тарбияламоқ керак! У барибир санъатда бирламчи бўлиб қолади. Ҳис эта билмаслик — фожиа. Аслида, ҳамма нарса ҳам ақлга бўйсунди-ю, инсон ўз туйғуларининг қули бўлиб қолаверади. Ақл кўпроқ сиёсатда асқотади. Албатта, мен эзгуликка хизмат қиладиган ақл тўғрисида гапиряпман. Ақлнинг ёвузликка хизмат қилишдан ҳам хавфлироқ, даҳшатлироқ куч борми?!

— Кеча Баҳодир Жалоловнинг уйига борувдим. Болгариядан санъатшунослар келишган экан. «Ётиб қолинг», деб анча қўсташди. «Йўқ, мушугим туққан, уйга боришим керак», дедим.

У ликопчада мушуқларга овқат қўйди-да, дераза раҳига суяниб, икки қўлини осилтирганча хаёлга чўмди. Бир муддатдан сўнг тилга кирди:

— Бир ёш рассомнинг устахонасига борганимизни ўйлаяпман. ГФРлик санъатшунос докторга анчагина картиналарини кўрсатди. Жазоир, Польша, Урта Ер денгизи, Миср манзаралари... Уларни кубалик, ёхуд инглиз рассоми ҳам худди шундай тасвирлаши мумкин. Ижодкор яратётган образини юрак призмасидан ўтказиши керак. Шундагина, унинг услуби шаклланади. Рассом қурувчи-инженер эмас. Инженер бир хил проектдаги бир неча чиройли уйлари сифатли қилиб, қуриб ташлайверади. Катта-катта муқофотлар олади. Негадир, назаримда, рассомларимиз ҳам уларга тақлид қилишаётганга ўхшайди. Му-

ҳаббат, муҳаббат, меҳр-муҳаббат! Ҳамма буюк ва оддий ишларнинг бошида ана шу туйғу туради. Яқинда, «Гулистон» журналида Машраб Бобоевнинг яхши бир шеърини ўқиб қолдим:

Биз ёзмишнинг инъомига севинаялик аввалдан,  
Жанг — сипоҳга, қўш — деҳқонга қисмат экан азалдан,—  
Ўзимга ярашадир, душманним ҳам бир талай,  
Ўпишиб кўришамиз гўё адоват абас.  
«Ёмонсан», деган сўзини меҳри эмас, ҳар қалай,  
Номардлиги тўфайли айтиши мумкин эмас.  
Мени яхши кўради бу дунёда бир аёл,  
Лайлию Зухралар ҳам унга келолмагай бас.  
Лекин «Яхши кўраман» деёлмайди бемалол,  
Сабабини биласиз... Айтиши мумкин эмас.  
Бошқа эшитган барча яхши-ёмон гапларим  
Уринсам-уринмасам, қизиқтирмайди зарра.  
Дўстим ҳам, душманним ҳам, кейин ўша дилбарим  
Менга муносабатин айтса дейман баралла.

Балки баралла айтса, ўша нарсаларнинг қизиғи қолмас. Нима дейсан?! Яхши гап. Ажойиб шоир. Танқидчилар доимо тўйдан кейин ногора чалиб юришади. Сабаби, улар маълум бир талантни астойдил тушуниб етиш ўрнига, ўз ўқиган ва билганларини намойиш қилмоқчи хуш кўрадилар. Биз санъатшуносларга ёлчимагандек, сизлар ҳам адабиётшуносларга ёлчимагансиз.

Кейин Чориев ғимирлаб, ёзишга тайёргарлик кўра бошлади. Бўёқ ва чўткаларни эринмай, битталаб овқат столига ташиди.

— Сени чизаман. Қаршимда тик тур,— деди кўзи ёниб. Бир зум нима қиларимни билмай, каловланиб қолдим. Ҳеч қачон унинг кўзлари бу қадар жиддий тус олиб, порлаб кетганини кўрмаган эдим. Унинг шу ҳолатдаги портретларини кўрганимда, ҳар гал хаёлимдан: «Чориев ўзини бўрттириб чизибди», деган фикр кечарди. Энди билсам, унинг кўзлари аслида ҳам шундай экан.

— Мушугимиз туғмасаям, ишлар бор. Кетишим керак,— дедим ноқулай аҳволдан қутулиш учун.

У эса ҳеч гапни эшитмагандек, ҳафсала билан ишга киришиб кетди. Ташлаб кетолмаслигимни, умуман, у нима деса йўқ дея олмаслигимни билади. Менинг эса хаёлимдан ялт этиб Федерико Гарсиа Лорканинг: «Ҳар қандай тантанали маросим адабий қабримиз устига қўйилгувчи бир тошдир» деган сўзлари ўтди.

Бу пайтда кулранг она мушук болалари билан ҳуриллашиб ухлар, магнитофонда дам-бадам аллақандай янги чиққан инглиз эстрада ансамбли, машҳур француз кўшиқчиси Шарль Азнаур куйларди. Чориев эса чап қўлидаги латтани маҳкам сиқимлаганча, чўткаларни тез-тез алмаштириб ишлар, ўзича минғирлаб хиргойи қиларди.

У ивирсиган устахонасида доимо кимларнидир кутиб яшайди. Булар турли тоифадаги кишилар. Рассомнинг ўзи «Замондошларим» деб атаган йирик асаридан улар образини яратиб келяпти. Асар қарийб ўн беш йилдан бери чизилади. «Шу асар асосида, Ўзбекистоннинг бирор ерида, ушбу номда панно яратмоқчиман», дейди у.

Одатда ҳар бир ижодкорни ўраган ижодий муҳит ва кишилар бўлади. Барчага бирдек яхшилик тилагувчи, ноҳақлик қаршида сукут сақлай олмайдиган Чориевни ўраган муҳит камалак рангига ўхшайди. Бу одамлар орасида дуч келганга насиҳат қилувчи сергап раҳбардан тортиб, рассомга гоят яқин оддий ўрмон қоровули ёки чўпон, ҳар балони кўрган, тегирмоннинг дўлига ташласанг, бутун чиқадиганлар, Тошкентнинг ультратрамодадаги қизлари ҳам бор. Чориев буларнинг ҳаммаси билан тил топиша олади. Ундаги юксак самимият, меҳр қаршида руҳан яқин бўлмаганлар ҳам довдираб қолишади. Биров ўзини алдаганини сезса, Чориев бор овози билан қаҳ-қаҳлаб кулади, унга раҳми келганидан маъюсина мўлтираб узоқ тикилиб қолади.

Умуман, у тўғри қилади. Сичқонни буғдой ўғирлашдан

батамом маҳрум этиб кўринг-чи? Қандай аҳволга тушаркин. Қаҳрамонимиз атрофида ўралашиб юрган ана шундай каламушлар, айниқса, «санъатшунослар йўқ эмас. У шуларни ҳам яхши кўради.

...Шарль Азнаур куйларди. Муסיқа садолари остида ишлашнинг гашти ўзгача. Тунда, айниқса, ярим тунда бундай музикани эшитиш ҳузур. Кўпчиликлари рассомлар ўз асарларини музика эшитиб ўтириб яратишган. Айниқса, Васнецов жуда кўп асарларини бевосита музика таъсирида чизган. «Музикасиз,— деган эди у,— мен эҳтимол «Жангоҳ»ни ҳам, ўзимнинг бошқа асарларимни, айниқса, «Алёнушка» ва «Баҳодирлар»ни ярата олмаган бўлардим. Уларнинг ҳаммаси музика таъсирида идрок этиб яратилган... Мен «Қирғин»ни чизаётиб, Бах музикасидан таъсирланганман. «Баҳодирлар»им Бетховен музикаларини «тинглашган», «Қор қиз» халқ кўшиқлари ва Римский-Корсаков музикасидан баҳраманд бўлган».

...У пўстак устида мизгитган мушук болаларига тез-тез қараб, мамнун жилмайганча хиргойи қиларди.

— Нега ана у мушукча алоҳида ётибди? Нуқул бир ўзи тентираб кетиб қолаверади. Балки онаси эмизмагандир?— дейди у менга хаёлчан тикилиб.— Бирор егулик берсакмикан?

Мен эса деворга қараб, юракни ҳаприқтирувчи чексиз коинот ва чанқоқ юлдузлар фонидан чизилган Беруний портретини томоша қиламан.

— Ҳали еёлмайди. Бир-икки кун онасини эмсин, сўнг сут-пут бериш мумкин.

У индамай ишини давом эттиради. Мен энди кичкина тахтачага ишланган раққоса суратини кузатаман. Нафис бўёқлар, сарвдек қаддиқомат, кўзга таскин берувчи ранглар. Тахтачанинг орқа томонига Мукаррама Турғунбоева портрети ишланган. Асар «Баҳор» ансамбли ва Рўзи Чориевнинг Швеция сафари пайтида ишланган.

Тунги соат тўртларда хайрлашдик. Рўзи ака онасини йўқотиб қўйган мушукваччани тўдасига қўшиб қўйди. Туфлимни кийишга анча қийналдим. Узоқ тик турганимдан оёғим ишиби кетган экан...

Анчагача уникига бормаи юрдим. Соғиниб ишлаш одатини биламан. «Ёзиш учун соғиниш керак!» дейди у. Кошки, ёзиш касалига йўлиққан «ёзувчи»ларимиз буниси ҳис этсалар!..

— Нимани ёмон кўрасиз?— сўрадим бир кун туйқудан уни гапиртириш учун.

— Хасисликни!— деди у баралла.— Хасислардан хоинликкача бўлган барча жиноятларни кутиш мумкин. Бундайларда аниқ эзгу мақсад, агар у ижодкор бўлса, позиция бўлмайди. Худбин ва бахил киши бир умр ўзидан устунларни севолмай, алам билан улар пайини қирқишга умрини сарфлайди. Бу билан улар маълум бир кишигагина эмас, умумданиятга, миллий ривожга тўсқинлик қилишади. Биласанми, тут дарахтини шу қадар яхши кўраманки, у фидойи одамларга ўхшайди. Ҳар бир тут ўзи яланғоч қолиб, меваси ва барги билан ҳам жамиятга наф келтиради. Яна, вайсаки билимдонларни ҳам ёқтирмайман. Энг оддий ва меҳнаткаш ҳайвон эшакдир. Кимдир эшакка ўқишни ўргатмоқчи бўлганида, уни кузатиб турган иккинчи киши: «Яхшиси ўзинг ундан сукут сақлашни ўрган», деган экан...

У узоқ жимиб қолди. Сўнг олис-олисларга тикилганча деди:

— Дунёда энг гўзал туйғу — аёлларга бўлган муҳаббатдир. Инсоннинг бахти ҳам, фожиаси ҳам шундан бошланиб, шунда тугайди!.. Нодир мўйқалами табиат билан тиллашадиган бу моҳир рассом, шу топдаги фалсафаси билан, энг оддий замин кишиси эди.

— Нимани истайсиз?— Тилимга келган биринчи саволни бердим, унинг яна жимиб қолишидан кўрқиб.

— Кунимдан бурун ўлмасликни,— деб жавоб қилди у тиниқ кулгу аралаш.— Шундагина қадим Сурхон рангини топиб, Ўзбекистон қиёфасини кўнглимдагидек чизишга улгураман.



МАРГАР  
МАРГАРЯН

## Ер дарди

Ер дардин сув денгизга элтар,  
Элтиб адо этолмас ҳаргиз:  
Чўккан дарддан тўғилар гавҳар,  
Шўрлаб ётар шу дарддан денгиз.

Ер дардин сув денгизга элтар,  
Аммо дардин сездирмас замин.  
Ерни ҳар кун одамлар тепар,  
Замин-чи, ер одамлар ғамин.

Сув булутга берар ер дардин,  
Бизлар учун булут бир эртак.  
Лекин у ҳам ернинг фарзанди,  
Кўз ёш бўлиб қайтадир бешак.

Ер дардин сув қайтарар ерга,  
Ер қалбига сизар сўнг қайғу.  
Қолажак дард ер билан бирга,  
Булоқ бўлиб қайтар аммо сув.

Замин дарди — одамлар дарди,  
Биз юваниз ерми тер билан.  
Уртада ишқ кўприқдир гарчи,  
Кўпроқ ундан ғам ўтар экан.

Ер дардин сув денгизга элтар,  
Шўртанг эрур шу важдан денгиз.

\* \* \*

Менинг қувончимда қайғу бор оз-моз,  
Жавоб берай десам ғам босар ногоҳ:  
Бу оз-моз қайғумга ўтмишим мумтоз,  
Ўтган кунларимга мен ўзим гувоҳ.  
Менинг севинчимда ярадор қушлар,  
Ярадор умидлар, дардли ёш вужуд,  
Онам кўз ёшлари, қўрқинчли тушлар,  
Тоғимнинг ёмғирли нигоҳи мавжуд.  
Бахтимда мужассам бузилган уйлар,  
Куйинди эшиклар, куллар бўрони,  
Севишганлар кўзин чўқиган ўйлар,  
Дил қирғоғин бузган кўзёш тўфони.  
Менинг қувончимда қайғу бор оз-моз,  
Усиз яшолмагай ҳеч қачон юрак.  
Қайғусиз бахт кулиб беролмас овоз,  
Шоир бўлмоққа ҳам катта дард керак.  
Дардимда ҳам тагин дардлар бор оз-моз...

Э. МУҲАММАД таржималари

## Хотиралар

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган  
ШАУМ ҳамда Вачаган МИНОЯНЛАР  
хотирасига

Қирларга ўралган сўқмоқларга,  
Бошоқларга чирмашган шамолларга,  
Урилган далага — ангорларга,  
Куздаги бетиним ёмғирларга,  
Баҳорги куртакка  
Ва саратонга  
Қоришиб бормоқда  
Хотиралар, оҳ...  
Энди улар қайтмас ҳеч қачон.  
Туманли кунларда  
Қирга тирмашиб,  
Тонг саҳарда  
Кетганларию  
Чошгоҳ чоғи  
Кетганлари ҳам.  
Шудгорланган далалар бўйлаб  
Қайтмагайлар  
Тонг саҳарда ҳам,  
Қайтмагайлар  
Чошгоҳ чоғи ва  
Тун келса-да, ҳеч қайтмагайлар.  
Тепаликлар ёмғир ичида,  
Пичан ичра гивирлар шамол.  
Йўқотишлар дарду ғамидан  
Хира тортган кўзларда баъзан  
Ёш қалқийди... — Уларга аён:  
Ёмғирли кун  
Кетганлари ҳам,  
Қуёшли кун  
Кетганлари ҳам  
Қайтмагайлар энди ҳеч қачон.

Русчадан У. АЗИМОВ таржимаси

ЭДУАРД  
МИЛITОНЯН

## Сўзлар

Шоир кўзларини юмиб олди оғриқ зарбидан,  
Шунда сўзлар қўлларидан қуйилиб келди.  
Бино бўлмайд туриб,  
Бир сўзни ҳам билмас эди ул.  
Яна бир сўз билмайд ул  
барҳам топган дам.  
Тирикликда эса... Тириклик, демак, —  
СЎЗЛАР ЗАМОНИ.

Шоир тишларини ғижирлатар оғриқ зарбидан,  
Шунда сўзлар қуйилади нақ кўзларидан.

Русчадан С. ФИЕС таржимаси



МИРАЗИЗ  
АЪЗАМ

# Ғафур Ғулом каломи

**Д**астлаб бу табаррук номни қачон эшитдим? Бутун ҳофизамни ҳаракатлантиришга уринаман. Анигини эслолмайман. Тахминимча, оиламиздаги бир суҳбатдан кейин қулоғимда қолди, шекилли.

— Ғафур Ғулом ёшлигида Мастура опоғойга совчи юборган. Бахмал дўппили, қорачадан келган, камбағалгина йигит эди. Булар бой, ўзига тўқ оиладан бўлганлари учун беришмаган. Мана, замон айланиб, булар ўтириб қолишди. Ғафур Ғулом туппа-тузук шоир бўлиб кетди.

Бу гапни ким айтгани эсимда йўқ. Мастура опоғойи деганимиз қўшни хотин эди. Кўзлари катта-катта, овози йўғонгина. Шоирлар ёшлигида «камбағал», кейин «туппа-тузук» одам бўлиб кетишлари, унга қизини бермаганлар кейинчалик афсусланиб юриши мумкинлиги ҳақидаги ажабтовур хулоса гўдак хаёлимга ўрнашиб қолган бўлса керак.

Балки, Ғафур Ғулом номини иккинчи ё учинчи синфда ўқиб юрганимда, «Икки ёшлик» шеърдан эслаб қолгандирман. Шеърда шундай мисралар бор эди:

Пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча,  
Ялангоёқ, йиртиқ иштон, товшим борича:  
«Шамол, баҳрнинг камол!

Чўлоқ кетмонингни олиб кет!»...

«Пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча» сатри бизнинг уйимиз тасвирига ўхшаганлиги учунми, «Чўлоқ кетмонингни олиб кет!», деб шамолга бақираётган бола билан ҳамжиҳат эдим. Ана шунда Ғафур Ғулом деган шоирни яхши кўрганман. Бу — 1944 йил эди, чамамда.

Кейинроқ, «Сен етим эмассан», «Мен яҳудий», «Аввал ўқи!» «Олтин медаль» шеърлари орқали, Ғафур Ғулом жонажон шоирим бўлиб қолди.

Учинчи синфда эканимизда, Ғафур Ғуломни носир сифатида кашф этганмиз. Синфимизга кимдир босмаҳонадан «Ёдгор» ва «Шум бола» қиссалари босилган контроль листларни топиб келган. Бир синф бола бир ўтиришда уларни ўқиб чиқиб, Ғафур Ғуломнинг ҳали босмадан чиқмаган китобини кутиб юрганларимиз шундоқ кўз олдимда турибди. Бу — 1953 йилнинг май ойлари эди.

Студентлик йилларимда, биринчи бор бўлса керак, 1.Май кўчаси, 25-уйдаги Езувчилар Союзининг мажлислар залида Ғафур Ғуломнинг ўзини кўрдим. Янглишмасам, ўшанда бадий таржима масалалари кўрилаётган эди. Кимдир минбарга чиқиб, Ғафур Ғулом Лев Толстойни ёки бошқа рус классикларини ўз тилига ўғирмаётир, деб гинахонлик қилиб қолди. Ғафур Ғулом жавоб нутқида шундай дегани эсимда:

— Бадий таржима кишидан улкан қобилият талаб қилади. Таржимон учун иккала тилни билиш кам, у тил тараққиёти қонунларини ҳам пухта билиши лозим. Масалан, бугунги тилимиз 20-йиллар тилига ўхшамайди. Биз у пайтларда «Берегись поезда!» деган жумлани «Оташ аравадан хурк!» деб таржима қилардик, ҳозир: «Поезддан сақлан!» деймиз, ким билади, 20-30 йилдан кейин нима дерканмиз? Ҳа, мен бадий таржимадан бирмунча тажрибага эгаман. Хусусан, «Отелло»ни ўзбек тилига ўғирганимда, ҳар бир жумлани овоз чиқариб ўқиб кўрардим. Қахрамон қиёфасига кириб, ёнимда бошқалар билан муомала қилзётгандек, у ёқдан-бу ёққа юриб, ўзим билан ўзим гаплашиб кўрардим. Таржимамни яхши баҳоладинглар, раҳмат. Аммо ҳозир ўзим уни ўқисам, кўп жойлари ёқмайди. Ҳозир уни бошқача таржима қилган бўлардим. Келгуси авлодлар: «Ғафур Ғулом русчани билмас экан!», дермикан, деб хавотирдаман. Таржима қилишга қўрқиб қолдим. Сизлар мени азизлаб, ҳурмат қилиб чиқараварсизлар. Аммо насларимиз сизни ҳам, мени ҳам кўрмайди. Мен ўшалар олдида юзим ёруғ бўлишини хоҳлайман. Мени маъзур тутинглар.

Мен бу ерда Ғафур аканинг нутқини айнан ўз луғати билан келтирдим, деб айтолмайман. Аммо гап мазмуни шундай эди. Агар нутқ стенограммаси сақланган бўлса, ҳеч шубҳасиз, ўша нутқнинг аслини тиклаш ўринли бўлар эди.

Ғафур аканинг яна бир нутқини мендан бошқалар ҳам яхши эсласча керак. Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида, у республикамиз ёш ижодкорларига қарата шундай деган эди:

— Дуруст, сенлар рус адабиётини яхши биласанлар. Ҳамманг ўқимишли, саводхонсан. Европа адабиётини оқизмай-томизмай ўқигансан. Жаҳон адабиётдан унча-мунча хабарларинг бор. Аммо ўзбек адабиётини биласанларми? Ҳеч қайсинг билмайсан. Самарқанд адабиётини биласанларми? Фақат XIII—XIV асрнинг ўзида 400 дан ортиқ шоир ўтган. Бухоро адабиётини, биласанларми? X—XII асрнинг ўзида 300 дан ортиқ шоир яшаган. Қўқон адабиётини биласанларми? Фақат Гулҳаний яшаган даврнинг

ўзидан 300 дан ортиқ шоир бўлган. Хоразм адабиётини ҳам билмасанлар. XIX асрнинг ўзидан юзлаб шоирлар яшаб ижод этган. Дарсликларга кирган 10—15 та шеърни ёдлаб, ўзбек адабиётини билдим, деб керилиб юрасанлар. Ҳали мен тарихчилар, олимлар, носирларни айтмаёқ кўя қолай.

Мен Ғафур аканинг бу фикрларига тўла қўшилган ҳолда, йичимдан қайнаб келаётган эътирозларимни ютиб ўтирдим. Ахир, ҳозир мактабларда эски ўзбек тили ва ёзуви ўқитилмайди-ку?! Биз қандай қилиб, ўз адабиётимизни ўқийлик? Лоақал ундан хабардор бўлайлик!?

Ғафур аканинг ўша нутқидан шундай фикр ҳам бор эди: — Ҳамманг «Онам дерман», «Отам дерман», деб ёзсан. Дуруст, она-отани ҳурмат қилиш керак. Оналар ҳақида шеър битиш — муқаддас нарса. Аммо реализм деган йўлдан борларинг. Сенлар эса анави... сантимент деймизми... ўшандан ўтмайсанлар!

Менга ҳаётимда Ғафур Ғулум билан 30—40 марта юзмаюз ўтириб, гаплашиш насиб этган. Гап шундаки, 1959—67 йиллар давомида мен болаларнинг «Ғунча» журнали редакциясида адабий ходим бўлиб ишлаганман. Бу йиллар ичида журнал учун Ғафур акадан ўн бешта шеър ундирдим. Булар қуйидагилардир: «Буни топинг, қизларим», «Бобомиз бизни севган, биз ҳам уни севамиз», «Дадам ва мен», «Қиш», «Бизнинг учар юлдуз», «Бизнинг асримиз», «Уйлашни ўрганамиз», «Энди уруш бўлмайди», «Онажонимга», «Бизнинг уйда уч қиз бор», «Кеккаймачоқ Собиржон», «Уйинчи қиз», «Аҳмаджон фотограф», «Чақчақлашайлик», «Яна қизиқ ҳангома».

Ғафур аканинг антиқа феъллари бор эди. Бировни жини ёқтирар, бировни ёқтирмас, бундайлар шоир билан учрашгач, албатта ундан норози бўлиб юришарди. Қудрат Ҳикматдек истеъдодли шоир ҳам ундан ранжиброқ гапирарди:

— Ғафур аканг — тўрс. Қуддус Муҳаммадий унинг уйига олиб борганида, мени «яхши шоир», деб таништирган. Ғафур ака менга қараб: «Ҳамма шоирлар устозларига хизмат қилишган. Қани, тур, бориб анави печканинг кулини ол! Шеърни кейин ўқийсан!» деган. Ойбек ака бўлса, уйларига борганимда, бошдан-оёқ разм солиб: «Оёғингдаги ботинканг йиртилиб қолибди, мана пул, янгисини сотиб ол!» деб ёрдам берган. «Шарқ юлдузи»га редакторлигида ҳар сонидан шеъримни босиб чиқарарди.

Мамнуният билан айта оламаник, Ғафур ака ҳеч қачон менга дағал гапирган эмас. Сўхбатимиз аллақандай лирик оҳангда бўларди. Назаримда, гаплашиб ўтирамиз-у, лекин кўпинча у мени кўрмасди. Мен унинг учун янги бир авлод вакили эдим, холос. Шахсим, шахсиятим билан қизиқмасди. Мен кимман, қаерда тураман, нимани ўйлайман, нима билан машғулман — бунинг аҳамияти йўқ эди. «Ғунча» дан келувчи бола. Ҳамсуҳбат. Шундай одамман унинг учун. Икки авлоднинг икки вакили. У бунга, бу унга ўз даври, ўз сафдошлари ҳақида оз-оздан хабар берувчи кишилар. Тўғри, мен билан ҳам биринчи учрашувимизда бироз ҳазиллашган, бу ҳақда «Ғафур Ғулум билан сўнги учрашувим» шеъримда ёзган эдим. Фақат бир марта Ғафур ака исмиمنى сўраган. «Шум бола»нинг янги варианты устидан ишлаётган экан, шекилли, кўп ўтмай, қиссининг эълон қилинган янги бобларида Миразиз деган номни учратдим. Билишимча, ўшанда у бирорта ном излаб ўтирган бўлса керак. Бир гал шеър сўраб борганимда, у менга қараб:

— Қизиқсан-а, — деди, — «Ғунча» ўзи кичкинтой болаларга аталган бўлса, уруш ва тинчлик мавзуида уларга қандай шеър айтаман? Уруш бўлмағур нарса, яшасин тинчлик, дейманми? Йўқ, бошқа таклиф билан кел. Бунинг бўлмайди!

— Нега бўлмас экан?! Бўлади! — дедим ўжарлик қилиб. — Мана мен, ўша Шум бола юрган томонларданман. Сағбон, Ачавот, Ҳуррият кўчаларини биласиз. Ана ўша Ҳуррият кўчасида Миржалил ака деган киши туради. Урушга бориб келган. Икки қўли йўқ. Бир болани кўраман. У ҳайрон, қачон ўша кишини кўрса, оғзи очилиб қараб қолади. Нега бу кишининг қўли йўқ, деб ўйласа керак-да. Наҳотки, шу ҳақда ёзиш мумкин бўлмаса!?

— Ким дединг?

— Миржалил ака!

— Менга қара, дуруст бола экансан. Тўғри, ёзса бўлади... Балки ўзинг ёзарсан!

— Сиз ёзинг. Яхши ёзасиз!

— Майли. Эртага кел. Фақат саҳарлаб кел. Ҳўроз қичқирмасдан. Соат саккизгача шеър битиши керак.

Ҳа, Ғафур ака шеърни саҳарлаб ёзишни яхши кўрарди.

Дўстим. Раззоқ Абдурашид айтади:

— Мен бир гал шеър сўраб борганимда, Ғафур ака: «Сўфини биласанми? Сўфи азон айтмасдан кел!», деди. Бордим. Тонг билан туриб, «Қуёшнинг ёруғлиги ҳамма халққа баробар» деган шеърини ёзиб берган ўшанда. Шеър битгач, менга яна бир ўқиб берди-да, «Қалай, камчилиги йўқми?», деб сўради Ғафур ака. Мен: «Шеърингиз, етти бўғинли, аммо бир жойида олти бўғин кетди: «Офтоб нури каби», дедим.

— Ана шунда, сенлар «офтоб»ни икки бўғинда ўқийсанлар. Бизнинг классик адабиётимизда «офтоб» сўзи уч бўғин қилиб ўқилади: «офитоб», билдингми? «Офтоб» ёзилади, «офитоб» ўқилади!

Ана шундай. Ғафур ака тенгдошларимиздан Раззоқ Абдурашид билан ҳам эркин фикр алмашаркан. Яна у киши раҳматли Хайриддин Салоҳни ҳам хуш кўрардик.

Бир борганимда, Ғафур ака шундай деди:

— Биласанми? Менга бир котиб керак. Ҳеч ерда ишласан мен билан юрадиган бўлса. Хаёлимга кўп шеърлар келади. Котиб ёнида юрса, айтганларимни ёзиб олса, дейман. Хайридинга айтиб кўргин. Менга котиб бўлсин. Мен уни яхши кўраман. Узига ҳам ёмон бўлмайди.

Гапни Хайридинга етказдим. Аммо бу нарса амалга ошмай, очик қолди.

Ғафур Ғулумнинг ўзидан кейинги адабий авлод ҳақидаги башоретомуз гапларини ҳануз унутолмайман. Эҳтимол, бу гаплар зиммамда қарз бўлиб қолаётгани учун ҳам шундайдир. Уша кунги сўхбатимизда очилиб кетиб, ичида борини тўкиб ташлаганидан жуда-жуда ажабланганман.

— Мен тенгдошлар орасида А.ни яхши кўраман. Бир кун ўзига айтгин. Фақат кейинроқ. Редактор бўлмаган пайтида айт. Токи, Ғафур Ғулум мендан таъма қилипти, деб ўйламасин. Мен ёзсам шундоғам чиқарман. У ақлли, покиза одам. Редактор бўлгандан кейин, барибир турли хаёлларга бориши мумкин-да. Шундай бўлишини хохламайман. Лекин бу гапим сенга қарз. Гапимни албатта айтасан.

Ғафур аканинг вафотидан сўнг бу омонат гапни эгасига етказдим. У ҳамон редактор эди. Айтишга айтдим-у, лекин қиттай афсусландим. Назаримда, Ғафур ака эмас, энди ўзим ундан таъма қилаётгандек бўлиб қолдим. Сал шошмасам бўларкан.

— Б., — деди Ғафур ака давом этиб, — қобилиятсиз одам. Юқорига лаганбардорлик қилади. Пастдагиларни эзади. У жилд-жилд китоблар чиқариши мумкин. Аммо адабиётга бундан заррача наф йўқ.

Унинг бу башоратини эндиликда ҳаёт исботлади.

— В. нинг ҳикоялари ўткир. Халқчил. Менга ёқади. Ҳикматли сўзларга бой. Ҳамма тоифадаги одамларга қовушиб кетаверади. Яхши асарлар яратиши мумкин.

Ғафур Ғулумнинг ишлаш услуби ҳам ўзига хос, антиқа эди. Дастлаб у шеъри, кайфият яратиш учун бир ҳовлини айланиб келар, ёхуд невараси Мирзамухторни етаклаб келиб, уни гапга соларди. Болз билан мулоқотда мулоийм тортиб, қувноқлик билан тезда иноқлашар эди.

— Қани, Мирзамухтор бу ёққа келинг-чи, — деди бир кун даҳлизда ўйнаб ўтирган неварасини чақиртириб. Мирзамухтор ўралашиб келгач:

— Сизга нима берай, айтинг? Мана шу қаламни хоҳлайсизми? — Қўлига қалам тутди.

— Менга қаймоқ беринг. Морозний бўлсам майли.

— Бу ёққа ҳозир ейдиган нарса керак. Қалам билан ишлари йўқ, — деди Ғафур ака неварасига табассум билан назар ташлаб. Сўнг яна саволга тутди:

— Хўш, қаламни хоҳламайсизми?

— Морозний...

Мен Ғафур акадан болалар хаёлини ўстирувчи шеър сўраб келган эдим. Невараси Мирзамухтор билан юқоридаги сўхбатдан сўнг, «Уйлашни ўрганамиз» деган сарлавха ёзилди. Кетма-кет:

Мухторжон.  
Олти ёшли.  
Синглисидан сўради,—  
деган сатрлар тизилди. Шу заҳоти менга:  
— Қизлардан бирининг отини айтиб юбор!— деди Фа-  
фур ака.  
— Мунис,— дедим. Шеър давом этди:

**Мунисхон,  
Ростингни айт,  
Уйлашни биласанми!**

Сал кейинроқ, Мирзамухторнинг бояги хоҳиши шеърга туша бошлади:

**Морожнийдан тоғ бўлса,  
Нуқул гилос боғ бўлса,  
Туядай пишлоқ бўлса,  
Бир қозон қаймоқ бўлса...**

Шундай қилиб, Фафур Ғулломнинг кичкинтойларга атал-  
ган энг машҳур шеъри яратилди. Бу шеър рангли расм-  
лар билан безатилиб, рус ва ўзбек тилларида алоҳида-  
алоҳида китобчалар сифатида ҳам нашр этилди.

Фафур аканинг юқоридаги каби тажрибаси менга ҳам  
болалар учун шеър ёзишимда кўп марта қўл келган.

Куз кунларининг бирида Фафур аканинг ўзи редакция-  
мизга кириб келди:

— Қиш ҳақида шеър девдинг-а! Столга ўтириб, қоғоз,  
қалам ол!— деди ва ҳозирланган заҳотим, «Қиш» шеъ-  
рини диктовка қилди. Ярим соат ичида шеър битди. «Ажаб-  
ланарли жойи шундаки, доим саҳарлаб ёзадиган одам  
тушга яқин келиб, шеър айтиб кетди.

— Ажаб, редакциядаги бу тўс-тўполон, кирди-чиқдилар  
орасида қандай қилиб ёздингиз?— дедим.

— Мен ёзаман десам, ёнимда бомба портласа ҳам  
ёзаман! — деди. Аммо бу, шунчаки, бир эрка мақтанаш  
эди. Чунки бошқа кун шундай бир воқеанинг гувоҳи бўл-  
ганман. У саҳар чоғи «Бизнинг уйда уч қиз бор» шеър-  
ни ҳовлидаги каравотда ўтириб ёзарди. Уғли Улуғбек ўр-  
нидан туриб қолди, шекилли, уй ичида чиройли бир  
куйни ҳуштак қилиб чала бошлади. Фафур ака ишни шарт-  
та тўхтатди-да, уйга қараб қичқирди:

— Ҳой, Ҳуштак! Бу ерда шоир шеър ёзаяпти. Ҳуштакни  
бас қилинг!

Мен қотиб-қотиб кулдим. Кейинчалик ўйлаб, оддий  
маъносиз шовқин-сурон, тақир-туқур, тапир-тупурлар  
унинг эътиборини бўлмаса ҳам, маъноли овозлар, айниқ-  
са, куй унинг диққатини бўлар экан, деган хулосага кел-  
дим.

Фафур ака шеър ёзганда қийналганини сира кўрмаган-  
ман. Фақат бир марта шундай воқеа рўй берди. Аммо  
чиндан ҳам шеърга тутқич бермайдиган мавзу эди. КПСС-  
нинг XXII съезди таассуротлари ҳақида болаларга шеър  
ёзиб беринг, деб бордим. У «Бизнинг асримиз» шеърини  
бошлади:

**Дадам тушиб поездга,  
Кетгандилар съездга.  
Куни кеча қайдилар,  
Ҳаммасини айтдилар.**

Шеър самимий, содда тил билан бошланди-ю, аммо  
ўрталарига бориб, юришмай қолди. Сухбатга ўтдик. Гап  
айланиб, Қуддус Муҳаммадий шеърятига келди.

— Қуддус жуда ажойиб, тоза тўлқинли шоир. Айтган-  
ча, шу шеърни Қуддус билан ёза қолсак бўлмайдами? —  
Сўнг телефон қилиб, Қуддус Муҳаммадийни уйига таклиф  
этди. Аммо шу пайт Улуғбек келиб, чарчаган дадасини  
дам олишга қистади.

— Йўқ, ҳозир Қуддус келади. Шеърни бирга тугатамиз.  
Ётмайман.

— Ётасиз! Дам олмасангиз бўлмайди!

Фафур ака менга юзланди:

— Сиз кимсиз — Фафур Ғулломсиз, шерикчилик қил-  
манг, демоқчи бу! Барибир, бирга ёзамиз. Майли, мен  
бирпас дам олай. Сен кетмай тур. Кетсанг хафа бўламан.  
Қуддус келгандан кейин ёзамиз.

Фафур акани ёқтизиб чиққан Улуғбек менга:

— Энди сиз кетаверинг, эртага келарсиз,— деди.

— Хафа бўлишлари мумкин,— дедим уйга қараб.

— Мен жавоб қиламан.

Эртасига Фафур ака гина қилди:

— Кечз нимага кетиб қолдинг? Қуддус ҳам келиб ке-  
типти. Яхши бўлмади.

— Уғлингиз...

— Уятли иш бўлди-да!— деди қаттиқ куйиниб. Шеър-  
ни охирига етказгунча, яна икки кун сарфлади. Фафур Ғу-  
лом бирорта шеърини бу қадар узоқ ва бўлиб-бўлиб  
ёзмаган эди...



## Орол туни


Тўлқин-тўлқин  
бўлиб денгиз  
чайқалади  
беланчакдай  
(Мўйноқда тун.  
Йигит турар  
ўзи ёлғиз).

Жимир, жимир  
қилиб денгиз  
ҳаяжонда  
тўлғонади  
(Шаҳар сокин.  
Тол тагида  
йигит турар  
ҳали ёлғиз).

Аста, аста  
пардасини  
силкиб, силкиб  
юлдуз чиқар  
(Шаҳар ойдин.  
Тол тагида  
Энди турар  
йигит ва қиз).

Янғроқ қўшиқ  
аста қоплар  
денгизни ҳам,  
борлиқни ҳам  
(Майин шамол.  
Тол тагида  
ҳали турар  
йигит ва қиз).

Қўшиқ сўнар,  
денгиз тинар,  
туман қоплар  
юлдузни ҳам  
(Денгиз ёлғиз,  
шамол ёлғиз,  
тол ҳам қолди  
энди ёлғиз).



ҲАЙИТҒОЙ  
АБДУСОДИҚОВ

## Ёшликка

Сен шу ерда кутиб тур,  
Мен ҳув сариқ чўллардан  
Ялангоёқ чопиб келаман.

Сен шу ерда кутиб тур,  
Мен юғурик сойлардан  
Зилоланиб оқиб келаман.

Сен шу ерда кутиб тур,  
Мен яланғоч толларга  
Довул бўлиб урай гувиллаб.

Сен шу ерда кутиб тур,  
Мен ям-яшил майсани  
Сабо билан ўтайин силаб.

Сен шу ерда кутиб тур,  
Мен узун соч гўзалга  
Айтай: «Қалам қошлигим».

Сен шу ерда кутиб тур...  
Чўғлар сўнсин кўзимда,  
Сўнг кетавер, ёшлигим.

## Соғиниш

Атрофда майсалар ям-яшил,  
Шўх ўйноқлаб шамол эсмоқда.  
Лолаларга ранг бериб қизил  
Улкаларга Баҳор келмоқда  
(Мен сени учратган кезни соғиндим,  
Қалбимни яшнатган қизни соғиндим).

Келинчакка ўхшайди Баҳор,  
Оппоқ рўмол, яшил кўйлақда.  
Ибо қилиб, гўё гўзал ёр  
Улкаларда баҳор кезмоқда  
(Мен эса олтин соч кузни соғиндим  
Ёмғирда нам бўлган юзни соғиндим).

Саболардан лолалар қалқир,  
Гул улашиб Баҳор кезмоқда.  
Фақат менинг дилим тап-тақир,  
Қалбимни шу Баҳор эзмоқда  
(Тушунгин, мен ахир кузни соғиндим  
Ёмғирда нам бўлган юзни соғиндим).



АХМАД  
ОТАБОВ

# ЭНГ МУҲИМИ- ИШОНЧ

Сўнги ўн йил мобайнида адабиётимиз зарварағига бирмунча янги номлар қайд этилди. Улар ўзлари билан адабиёт баҳрига янги тўлқин олиб келдилар. Инсоншуносликнинг янги, нозик қирраларини изламоқдалар. Айниқса, ёш адиблар Мурод Муҳаммад Дўст ва Тоғай Муроднинг қисса жанридаги илк тажрибалари эътиборга лойиқдир. Ҳар иккала қиссани ҳам ёритган нур аввало мавзунинг халқчиллигидадир. Лев Толстой таъкидлаганидек, санъат асарининг халқ маънавий эҳтиёжини кўзлаб яратилганиёқ қувончли ҳолат. Тасвирнинг халқ турмуши билан узвийлиги улар кўтарган масала халқчиллигини таъминлаган. Воқелик таҳлилидан чиқарган адабий хулосалари эса халқ нуқтаи назари ифодасидир.

«Чоллардан бири» қиссасида М. М. Дўст қишлоқ ҳаёти мисолида; кишиларимиз ҳамжиҳатлигини таъминловчи кучни қидиради.

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида эса нопармон ёз осмонининг зумрад юлдузлари эмас, инсон қалбидаги мангу юлдуз — инсонийликни тараннум этилади.

М. М. Дўст қиссаси бош қаҳрамони Мустафо етмишга кирганига қарамай, кун икки меҳнатда ўтади: «баҳорда... қовун-тарвуз экади, макка экади», ва ҳоказо. Ундаги яна бир хусусият — мўминлик. Болта қассоб ундан кулади. Буқачасини сўйгани, учун истаганича ҳақ берса-да, қассоб уни ранжити: «Нима бало, ғирт хотинга ўхшайсиз!.. Қондан қўрқасиз, пичоқдан қўрқасиз...». Бироқ Мустафо Болтага қарши «исён» қилмайди. Мустафо мўмин, камгап, бироқ у муте эмас. Бу характерга хос хусусият фикрлаш тарзининг мустақиллигида. Мустафо чол бир воқеа-ҳодиса ёки айтилган гапни ўйлаб кўради, ичида муҳокама қилади, умумлаштиради, хулоса чиқаради. «Энди Болта қассобни мол сўйгани чақирмайман», деб ўйлайди... Гўнг қориб туриб, қирқ йил бурун кўмилган тақинчоқларни эслайди: «Гўнгдан-ку, таппи ясайсан, таппини қишда ёқасан, уйинг исийди... Тилладан не наф!.. Отамдан ўтди, акамдан ўтди... Менданам ўтади...» Қачонлардир бахтининг бутун бўлишини шу тиллага боғлаган у. Угли урушда ҳалок бўлди, ёлғиз қизи ўйнаш ортириб юзини ерга қаратди — бахти ярим. Бу ланъати тақинчоқлар эса шундайлигича ётибди! Йўқ, ундан шарофат топмайди! Тилладан бахт бўлганида, дастлаб Мустафо тож киярди. Ана, тақдирдан кутгани гўнг тагида, унинг асл жойи шу! Меҳнатда ўтган умр — унга имондан тахт берди. Бу алдамайди. Бу керак! Ишонмоқ керак бунга. Одамга ишонгандай, худди Мустафо Усмонга ишонгандай, ишонмоқ керак.

Характердаги бош хусусият ана шундай тадрижий ривожланади.

«...Усмонанининг бахти чопмаган». Сўйгани рад этгач, ичадиган бўлган. На ота, на ўғай она кўнглини топиб мумолага қилмаган. Улардан совиган Усмон Мустафо чолниқда яшайди. Чолнинг қабр тоши учун ажратган буюртма пулини ичиб кўяди. Бироқ Мустафо уни ҳайдаш ўрнига, қиморда Болта қассобга ютқазган қарзини ҳам тўлайди. Бу Усмонга таъсир этмай қолмасди. Ахир, унга «етти болорли уйча» эмас, ишонч керак эди! «Худонинг бандаси, мен кофиргаям бир марта ишонгин, ишонмасанг соб бўламан!», дейди у Камол раисга. Дунёда Усмон учун ёлғиз паноҳ — Мустафо чолнинг уйи. Чунки бу уйда эзгулик, инсонга ишонч бор. Мана у, тун ярмида қайтиб келди. Маст эмас, лекин йиғлаяпти.

«— Майли йиғласин, кампир,— дейди Мустафо.— Кўзига йиғи кептими, одам бўламан дегани... Сен эртага кўлига беш юз сўм бер. Махсум билан бориб, Ғуччи акамнинг отини қайтариб олишсин... Салим қароқчиға Ғуччи акамнинг оти ҳаром».

Салим қароқчиға сотилган Ғуччи чолнинг оти Мустафонинга эмас, Ибодулла Махсумни ҳам қаттиқ қайғуга қўяди. Гап отнинг арзон кетганида эмас, гап Ғуччи чолда. [Отнинг сотилишига унинг муаллим ўғли сабабчи.] «Отсиз Ғуччи акам ўзини еб қўяди, Мустафо!», дейди Ибодулла Махсум. У ҳатто Усмоннинг қийналганини кўриб, Мустафони сўкиб беради. Чолларни қовуштирган куч — улардаги эътиқод. Отнинг қайтариб олиниши улар бирлигининг самараси, ҳали ишонч барҳаётлигининг тимсоли: «Мустафо пастга қаради. Ибодулла Махсумнинг ҳовузидан сал берди, Ғуччи чол салт отини нўхтасидан етаклаб келарди. «Асар хулосасига кўра, меҳнат каби, маънавий олам яқинлиги — эътиқод ҳам одамлар бошини кўшади. Бу яқинлиқнинг бузилиши жамият бирлигининг таъминловчи ҳар қандай қондошлик ипларини ҳам узади. Асарда бу ҳол Мустафо билан қизи, Пиримқул ва Усмон муносабатларидан яққол кўринади.

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги асосий тасвир ўрни — кураш майдони. Кураш бақовули — «суяги даврада қотган» Бўри полвон. Курашда «тарофашлик, ғиромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл йўқ!» дейди у давра

айланиб. Тили билан амали бирлигидан эл эътиборини қозонган полвон бир четда ўтирган кўзлари ожиз чолни кўриб қолади. Насим! Ёшлиқда «қиёматли дўст» киришган улар! Бўри полвон ҳаяжонланади. Ёдига бугдойзор қир, ўроқчи Момоқиз келади. Қизга бир сўз демакка ўзининг тили лол:

«Насим ошна, сен Момоқизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де! Насим Бўрининг ўтинчини ғаразга айлантириб етказди: «Момоқиз, айтайми, Бўри нима деди! Момоқиз минан ўйнагим келяпти... кўйнига кираман, деди».

Бўрининг қалбидаги «ҳали куйланмаган» дoston ана шундай яраланади. Воқеалар давомида воҳанинг улкан полвонлари бўлиб етишган бўри билан Насим беллашади. Халқ ҳайрон, икки ошна олишса-я! «Охир замон бўляптими!». Бўри полвон шердек ташланади... Бироқ Насим «ғолиб келади». Ғалабани Бўри ўз қўли билан топширганлигидан беҳабар оломон, «полвон кўрқди», деб ўйлайди. Бу сир фақат Бўрига аён.

«Бўри, ошна, ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди. Бошингга ёмон кунлар солдим. Мен буни олишда кўзларингдан билдим. ...Ошна Момоқизнинг олдига бор. Кўнглини тўқ қил — унинг олдига сенинг юзинг ёруғ».

Қандай яхши бўларди, бу сўзларни Бўри Насимдан эшитса! Насим айбига икром бўлса, узор сўраса. Йўқ, бу фақат Бўрининг кўнглидан кечган умидлигича қолади. У дўстига «интиқ бўлиб яшади». Насим эса Момоқизга уйланди!

Бироқ хиёнат Бўри полвоннинг курагини ерга теккизолмади. Чунки хиёнат «қўл чили» соладиган номардга ўхшайди. Ҳаёт эса халойиқ назаридаги кураш майдонидек гирдобли. Бу ерда ҳаммаси аждоқларимиз удуми, урф-одатига хос бўлмоғи керак. Халқ удуми, урф-одати — унинг маънавий кўзгуси, унга лой чапласанг, ўз башаранги булғайсан.

Кишилик маънавияти бақувват томирлари билан инсонпарвар ақидаларга бириккан экан, буни менсимаслик Насимдек кўр қилади, ёлғизлатиб, элдан чиқаради. Бу мазмун қисса моҳиятини янада оширган. Муаллиф мақсади удумларимизни улуглашгина эмас, Тоғай Муродни ўша, қўли билан ўз кўзини тўсган, яккаланган, хиёнаткор одамга муносабат ҳам қизиқтиради.

Сўнги олишув. Бўри полвоннинг ўғли Тиловбердига қарши, Насим ўғли Абрайни туширади. «Насим, ошна, улингга бир оғизгина: чиқма, у Бўри бобонгни ули экан, демадинг-а». Ўксиган қалбнинг эзгуликка ташна нидоси Насимнинг тўнг қиёфасига урилгач, қаҳрга айланади: «Ҳозир кўрасан, менинг ким эканимни!»

Ёш адиб инсон табиатининг мураккаб қаърига чуқур кириб боради. Ундаги турфа туйғулар ғалаёни, кураши бағридан ўзини қизиқтирган ғояни қидиради. Йўқ, инсондаги жисмоний куч, қаҳр, қасос иштиёқи қанчалик кучли бўлмасин, у — йиртқич эмас, Одам!

Бўри полвон характерида драматик кечган ички кураш тасвири, ўз замирида одамдаги инсоний асоснинг емирмаслиги, киши кишига дўстлигининг тўла тантанасига чуқур ишонч туйғулари ила ифодаланади.

Кўринадикки, ҳар иккала қисса бадий жиҳатдан алоҳида оламдир. «Чоллардан бири»нинг автори асар моҳиятини ечишда бош қаҳрамон ички дунёсини психологик таҳлил қилиш йўлидан боради. Мустафонинг ўз овозини кампириники билан солиштириши, тақинчоқлар муҳокамаси

каби воқеалар оқимидан келиб чиқувчи эпизод ва деталлар характери очиш билан, унинг индивидуаллигини ҳам таъминлайди, характердаги диалектик ривожни асослайди. Бу характерга хос мўминлик, камгаллик, бир сўзлили, меҳнаткашлик каби индивидуал хислатлар бир қадар баҳсларга ҳам сабаб бўлди. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор У. Норматов адибни тақлидчиликда айблаб, Мустафони «оми, муте» деб атайди. Дарҳақиқат, Мустафо мўмин, содда, бироқ муте эмас. Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» повести қаҳрамони Мўмин чол, Ш. Холмирзаевнинг «Сўнги бекат» романидаги Исҳоқ чол — мўмин, содда ва чиндан ҳам мутедирлар. Мўмин чўл Уроққул тумшугини тупроққа суйкагунча қўйиб беради. Оқибатда, бу пассивлик ўзи ва химосядагиларнинг, фожиаси билан тугайди. Ч. Айтматовнинг бу образ воситасида айтаётган ғояси бўлак. Ш. Холмирзаев ҳам бу масалада ўз қарашини Исҳоқ чол фожиаси орқали ифодалади. Аммо Мустафо муте эмас! У ҳолда бундай характер нопоп шаорит билан қандай курашади! Ҳа, исёнсиз ҳам қалъа олса бўларкан! Мустафо чол меҳнаткашлиги, урф-одат, кўрган-кечирганлари сабаб, қонига сингиб кетган ишончи, имони билан қалъа олади. Мустафо чол ичидаги ана шу ўзига хос исённинг ташига чиқиши ёш адибни тақлидчиликдан асраган омилдир. Шугина эмас, бу омил қисса муваффақиятини ҳам таъминлаган. Зеро, Мустафо характеридаги ишонч ҳаракатдан ажралмаган. Бу — Уроққул измидаги Мўмин чол «ҳаракати» эмас, мустақил фикрлаш тарзига асосланган Мустафонинг ўз ҳаракати.

Ёш адиб истездоди аввало, деталларга «жон киритиб» тасвирлашда кўрилади. Қишлоқ турмуш тарзини, ер аҳлининг кундалик машғулотдаги қурол-яроғига аниқ билиш ва яққол гавдалантириб бериш М. М. Дўст қиссасининг асосий фазилатларидандир.

Тоғай Мурод тасвир кенглиги, эпикликка интилади. У халқ маросимларини бутун кенглиги билан тасвирлашга иштиёқманд. Кўпинча, бунга эришади ҳам. Бироқ қиссадаги барча эпизодлар ҳам асар моҳиятига тўла хизмат қилмайди. Асарда таланти қаламкашга хос бўлмаган, репортажнамо қайтариқлар мавжуд.

М. М. Дўст яратган баъзи образларда ҳам бир ёқламалик бор. Болта қассоб қиссада шунчаки «персонаж» дек ҳаракат қилади. У — юлғич, шу холос. Адиб ундан Мустафо характери очиш учунгина фойдаланади. Қўпол қилиб айтганда, бутун бир образ деталга айланиб қолган.

Тоғай Муроднинг Бўри полвон характери очишдаги маҳоратида эса Насим образи маҳрум. Энг ёмони — бу характернинг тошдай қотганлиги, образ динамикаси йўқ унда. Тев Толстой айтганидек, адабиётда бенуқсон «қаҳрамонлар», тузалмайдиган «жиноятлар» эмас, одамлар бўлмоғи керак. Одамни бир сўз билан: яхши, ақлли, аҳмоқ, ўзига хос ва ҳоказо дейиш у ҳақда ҳеч нарса демасликдир.

Улуғ немис мутафаккири Гёте, мусаввир табиатга қараб эмас, санъат асаридан таъсирланиб ҳақиқий ижодкор бўлади, дейди. Биз Мурод Мўхаммад Дўст билан Тоғай Мурод реалистик прозада қайси улкан сўз устаси этагидан тутиб, кимлардан ўрганганликлари борасида тўхталмадик. Бироқ дадил айтиш мумкинки, уларнинг илк тажрибалари инсонга, замондошларимиз имкониятларига чуқур ишонч билан сўғорилган. Бу эса ёш адибларнинг улуғ устозлар ишончини қозонишлари, улар забт этган юксаклик сари дадил интилишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



«Ёш ленинчи» газета редакцияси қошида «Шуъла» аталмиш адабий уюшмага жуда кўп ёш қаламкашлар йиғилган. Уларнинг кўпчилиги турли касб эгалари — ишчи, хизматчи, қурувчи, студент ва ўқувчилар, дастлабки ижод машқларини шу ерда адабий баҳс ва мунозарадан ўтказадилар. Машғулотларга шоира Мукаррама Муродова раҳбарлик қилмоқда.

Қуйида мазкур уюшма аъзоларининг машқларини журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

РУСТАМ  
АҲМАДАЛИЕВ

ЖЎРАБЕК  
НОСИР

## Дўстимга

Қиз кўзида милтирайди ёш,  
Балким гуноҳ ўтган ўзидан.  
Кимдир этган сирларини фош,  
Балким пушмон айтган сўзидан.  
Қай ҳол бўлсин, барибир ўтар,  
Дўстим, қизнинг кўнглини кўтар.

Ожиз кимса каттакон йўлдан,  
Четга қараб чиқиб кетмоқда.  
Ҳассасини туширди қўлдан,  
Ҳайҳот, уни хатар кўтмоқда.  
Ҳимматингга ташаккур айтар,  
Дўстим, уни хатардан қайтар.

Ҳув, болакай учмоққа шайдир,  
Лек ҳайиқар қоқмоққа қанот.  
Учса бешак бахтли бўлгайдир,  
Ғар учмаса, умиди барбод.  
Болакайга биринчи галда,  
Дўстим, бергил даъват ва далда.



## Куз кечаси

Яна тун оғади, пойимга,  
Чарчаб бош қўяди кечалар.  
Ҳувиллаб қолади дунёнинг,  
Қалбига йўл солган кўчалар.  
Тинади шамолнинг зарблари,  
Дарахлар тияди кўз ёшин.  
Ширин туш элитар уларни,  
Ётишар кўёшни эслашиб...

МУҲАББАТ  
ОТАМИРЗАЕВА

\* \* \*

Ёмғир ёғар,  
Сочларим қўнғироққа айланур.  
Ҳар бир томчи сочимга  
Тақилай деб шайланур.  
Ёмғир,

ёмғир,  
ёғавер,  
ёғавергин тинмайин,  
Томчиларинг туролмас  
Сочларимга қўнмайин.  
Ёмғир ёғар  
Сочларим қўнғироққа айланур...



## Дарахтлар

Ухлаб ётишипти ювош дарахтлар,  
Қиш берган кўрпани устига ёпиб.  
Қайдам, балки ҳозир тушида улар  
Ям-яшил япроқлар олгандир топиб...  
Силкиб уйғотманглар — улар чарчаган,  
Сирли тушлари ҳам бўлинар ахир.  
Улар сир тутолмас, баҳорда кўрган  
Тушларини айтиб берар бари бир!



РАУФ  
СУБҲОН

\* \* \*

Биз кўникамиз,  
Кўз билан кўрмаймиз,  
Эшитамиз:  
Виждон азобида  
Ҳайратланиб яшаймиз ҳар дам —  
Кимни даҳшатга солмас  
Қоғоз билан бировни ўлдириб қўйса,  
Қоғоз билан қозон қайнатса одам!!

МАХМУД  
МАРДИЕВ

## Телетайп

Ун иккига тақалади Вақт.  
Адо бўлар шиддатли Бугун.  
Бугун эса маъсум Эртага  
Топширади залворли юкин.  
Ишга туша бошлар телетайп,  
Ленталарда ҳал бўлган тақдир.  
Лаҳзаларнинг қайтмас сеҳрига,  
Ер курраси бўлмоқда асир.  
Океаннинг ортидан кимдир,  
Замонага кўтарар шамшир,  
Фалакларга қарар анграйиб,  
Совуб қолган, нураган тандир.  
Мангуликка беради мандат,  
Имзо чекди битимга котиб.  
Шак-шубҳасиз улўф Ватаним,  
Ол байроқни чиқар кўтариб.  
Гоҳи шодон, гоҳида ғамгин,  
Қутбларга чопади хабар.  
«Опти қитъа, тўрт баҳри

муҳит»,

Оқ қоғозга жо бўлар саҳар.



\* \* \*

Ой туннинг ягона суюқлидир,  
Тун юзи ёришар чиққанда мохи.  
Қўшилиб кетишар зулмат ва ойдин,  
Насимлар — висолнинг соқов гувоҳи.  
Аразлаб кетмоқчи бўлгандек гоҳо  
Булутлар ортига беркинар ҳилол.  
Ахир у билмайди, билмайди асло  
Ҳаттоки ҳазили зулматга малол.

САЛОМАТ  
ЙЎЛДОШЕВА

\* \* \*

Мен гулларнинг хаёлига кираман,  
Бир тонг бўлиб ёришади кечалар.  
Шу кечада юлдузларни ичаман,  
Менинг гулим хаёл каби учарлар.  
Фақат сенинг тушларингга кираман,  
Кўз олдинда гўзал бўлиб бетимсол.  
Битта-битта юлдузларни ичаман,  
Сўнг ёнингда айланаман ой мисол.

ИНОБАТ  
НОРМУРОДОВА

\* \* \*

Ёмғирли йўлаклар ялтирар — шиша,  
Ёмғирнинг ҳидидан энтикар олам.  
Уйноқи ҳисларга хаёллар пеша,  
Менсиз қолди узоқда ҳувиллаб хонам.  
Шошиб-шошиб ўтар одамлар бунда,  
Ёмғирдан панада улар бошлари.  
Бебош ўйларимга урилар, нега,  
Нега керак ахир ёмғирпўшлари...  
Бир бошга ёмғир ҳам, қор ҳам тушар-ку,  
Осмон ўз ғамидан тўкар ёшларин.  
Одамлар англамас, тингламас нега,  
Нега беркитишар дарров бошларин!..

ЧОРШАНБ  
РЎЗИЕВ

\* \* \*

Яна тун сеҳрини туя бошладим,  
Борлиқни қуршамини оромбахш сукут.  
Яна кўк бағрида мангу бетиним —  
Юлдузлар, оймомо ва оппоқ булут.

Ям-яшил майсалар узра шодумон  
Узаниб, борлиққа ўқийман таҳсин.  
Куй бўлиб ёғила бошлару осмон,  
Шеърят рақсига түшади Замин.

НУСРАТ  
РАҲМАТМЕНИНГ  
ДАСТУРХОНИМ

Менинг мўъжаз дастурхонимда нималар бору, нималар йўқлигини ўзингиз яхши биласиз. Сизни-кига ўхшаб унда ҳам насибага яраша оппоқ бўғдой нон, ёз маҳаллари турфа мевалар, сершарбат сабзавотлар муҳайё. Картошкали, гуручли, унли, мошли таомларга жой топилмайди. Ҳафтанинг аксарият кунлари гўшт, сут, тухум ҳам бўлади. Истасам, қовурилган балик, кўзни ўйнатувчи конфетлар, қаҳва тортишим мумкин. Меҳмон ҳам қониқади. Дастурхонимни қашшоқ дейишга унинг ҳаққи йўқ. Чунки дастурхон бўлса, шунчалик бўлади-да. Онам ҳар гал таомдан сўнгги фотиҳасини «Илоё, шу кунларингни дариг тутма», деб бошлайди ва дуосининг охирида «ёмон кунларимиз шундай бўлсин!», деб қўшиб қўяди.

Илгарилари фотиҳанинг мазмунига эътибор бермасдим, узун дуо гоҳо менга эриш туюларди. Энди эҳтиром ила бош эгиб тураман. Чунки инсонлар қадим замонлардан бери дастурхон бошида энг эзгу орзуларини баён этишга одатланганликларига ишонч ҳосил қилганман.

«Шу кунларингни дариг тутма!» Узининг етиши йиллик умри давомида не-не ёмон кунларни, муҳтожликларни кўрган онам нега шукр қилмасин? Дастурхонда бир бурда зогора нон билан қайноқ сувдан ўзга ҳеч нарса бўлмаган кунларни ўзим ҳам яхши эслайман-ку! Шарқ мамлакатларининг аксариятида XXI аср арафасида ҳам миллионлаб

одамлар бир бурда нонга зор эканлигини ўқияпман, эшитяпман. Яқинда Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида бўлган бир ҳаммасим шундай ҳикоя қилади: «...Машинамиз бир зумгина тўхташи билан бизни, оч, юпун одамлар ўраб олдилар. Садақа сўраган ўнлаб қоқсуяк қўллар кабина ичига суқилди. Биз машина ойнасини кўтаришга мажбур бўлдик. Ожиз бармоқлар ҳамон ойна, эшикларни сийпар, дард ва алам тўла умидвор кўзларга қарашга одамнинг юраги бетламас эди».

Хаёлимга ширнинг ўтли сатрлари келди:  
Ҳазратим, очликдан ўлдим, еғали нон бер манга,  
Одам эрмасмен десамки, лаълу баҳмон бер манга...

Ҳа, бугунги маъмур замонни тақдир, биздан дариг тутмасин! Лекин онам, «Ёмон кунимиз шундай бўлсин, деди-ку? Демак, мен қониқиб қолмаслигим, дастурхонимизни янада тўкин қилиш учун курашишим керак экан-да? Дарҳақиқат, нега энди мен ўз турмушимни ўтмишга ёки Шарқ мамлакатларидаги аллақандай ночор кишиларга таққослашим керак? Мен келажакдан андоза олишга, жаҳондаги бадавлат кишилар дастурхонини орзу қилишга ҳақлиман! Менинг дастурхонимда ҳам истаганча мол ва парранда гўшти, ҳозиргина сепаратордан чиқарилган қаймоқ, тоза асал, мандарин, ёнғоқ ва бодом мағзи, 95-чой, зиғир мойи, девзира гуручидан пиширилган палов, музқаймоқ, қора икра, арман коньяги бўлишини истайман! Ана шу неъматларни орзу қилишга тўла ҳаққим бор. Чунки мен жуда қудратли, бой мамлакатнинг фарзандиман, табиий ва иқлим шароитлари айни муддао бўлган жаннатмакон Ўзбекистонда яшайман! Диёрим тупроғидан бир йилда тўрт-беш марта ҳосил олиш мумкин. Бу ўлкада қуёш ҳам, сув ҳам сероб. Бунинг устига ўзим ҳам яхшигина меҳнат қиламан. Мен етиштирган пахтадан миллионлаб одамлар фарзандлари учун йўрғақлар, давлатлари учун байроқлар, ризқ-рўзлари учун дастурхонлар тайёрлайдилар.

Ҳа, мен яхши яшашим керак! Бунинг учун эса, фаровонлик программаси ўзига хос дастуриламал бўлмоғи зарур. Озиқ-овқат программаси хусусида гап кетар экан, самимиятга озор етказмасдан, сизга бир сиримни очмоқчиман. Гўҳи-гоҳида радио тўлкинлари орасида сузиб, дўсту душманларнинг гапларига ҳам қулоқ соламан. Яқинда муҳолифларимиздан бири бизнинг Озиқ-овқат программаси хусусида сўзлаб, бу ҳужжатнинг қабул қилиниши — СССРда истеъмол моллари танқислигидан далолат, деб «каромат» қилди. Аҳвол шу тарзда давом этса, 1990 йилгача тўласинча карточка системасига ўтишимиз мўқаррар эмиш.

Хўш, ҳақиқатан ҳам шундайми? Яхшиси, зерикарли бўлса-да, ҳолис ва ростгўй статистикага мурожаат қилайлик. 1965 йилга нисбатан мамлакатимизда аҳоли сони 35 миллион кишига кўпайган. (Бу рақам хусусида мушоҳада юритиб кўринг. Кўпгина Европа мамлакатлари аҳолисини қўшиб ҳисоблаганда ҳам бунга етмайди.) Шунга қарамай, ана шу муддат ичида ҳар бир киши ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 28 процентга ошган. Жон бошига гўшт истеъмол қилиш 41 процент, сут 25 процент, сабзавот 35 процент кўпайган. Республикаимизда эса, 1965 йилдан бери пахта етиштириш 1,7 баравар (гарчанд гўза техника экини бўлса ҳамки озиқ-овқатга дахлдор: чигитидан мой, маргарин, лимон кислотаси, мол озукаси олинади) дон етиштириш 4 баравар, мева-сабзавот маҳсулотлари 3,5 марта, гўшт 2, сут ва тухум 2,6 баравар кўпайган.

Бас, шундай экан, душманларимизнинг сафсатаси

ғараздан бошқа нарса эмас. Биз йил сайин бойиб боряп-миз.

Лекин шу билан бирга май Пленуми эътиборимизни бир қатор масалаларга қаратдики, бу ҳақда бош қотиришимиз керак бўлиб қолади. Программанинг биринчи боби бежизга агросаноат комплексларига бағишланган эмас. Эндиликда ўзбек луғатиға янги сўз кириб келди: «агросаноат». Бу — соддароқ қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, деган маънони билдиради. Ҳа, бугунги қишлоқ кўз ўнгимизда саноатлашиб боряпти. Чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, биологик ва маиший-хизмат кўрсатиш комбинатлари, мевани қайта ишлайдиган;ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар... Булар авваллари фақат шаҳарда бўларди. Шундай экан лексика ҳам бу ўзгаришлардан ортада қолмаслиги табиий.

Ҳозир қишлоқларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлсангиз керак. Жумладан, райкомларда қишлоқ хўжалик бўлимлари ташкил этиляпти. Ахир, бусиз ҳам райкомда ҳамма қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди-ку! Махсус бўлим шартмиди? Ҳа, шарт эди. Қишлоқда турли бошқарма ва министрликларга қарашли хўжаликлар кўпайган эди. Пахтачилик колхозлари область қишлоқ хўжалик бошқармасига, мева, сабзавот етиштирадиган совхозлар область «Плодоовощвинпром» бирлашмасига, чорвачилик хўжаликлари, ўз ихтисосига қараб, «Каракальпром», «Живпром», «Птицпром» бирлашмаларига бўйсунарди. Буларнинг министрликлари ҳам ўзга-ўзга эди. Энди район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими ўша хўжаликларнинг бевосита раҳбари бўлиб қолади.

Агросаноат кенгайиб кетаяпти. Ажаб эмаски, яқин йилларда йирик шаҳарлардаги минерал ўғит ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам шу уюшмага бирлашса! Ахир, бевосита қишлоққа хизмат қилгандан кейин, шундай бўлгани маъқул-да!

Назаримда қишлоқда меҳнатни такомиллаштириш мақсадида шунга ўхшаш анча тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Масалан, мени илғор колхоз билан қолақ колхозда ишлайдиган деҳқон маошидаги тафовут кўп ўйлантиради. Илғор колхозда пахтакор ойига 200 сўм олса, қолақ колхозда худди ўшанча меҳнат қилган деҳқон 100 сўм олади. Чунки раҳбарнинг нўноқлиги ёки об-ҳавонинг, тупроқ шароитининг ноқулайлиги оқибатида иккинчи колхоз кам ҳосил кўтаради. Ҳўш, деҳқонда нима айб! Бу ерда меҳнатига яраша ҳақ тўлаш принципи ҳам бузиляпти-ку? Шунинг учун ҳам май Пленумида: «Ёмон шароитларда, зарар кўраётган, паст рентабелли хўжаликларда етиштириладиган маҳсулот нархларига ҳам устама ҳақлар жорий этилади», деган гап мени ҳаяжонга солди...

Тўла маънодаги фаровонлигимизга ҳалақит бераётган яна бир иллат ҳақида гапирмоқчиман. Буларнинг биринчиси ва энг ашаддийси кўзбўямачилик.

Авалло мана шу фактларга бир разм солинг. Пахтачи райониға қарашли Калинин номидаги колхоз раҳбарлари шошилич тарзда 1892 тонна силос бостирганлари ҳақида рапорт беришган. Аммо халқ контроли комитети вакилларининг текшириш натижасида бирор килограмм силос бостирилмаганлиги маълум бўлиб қолди. Конимех районидаги Тельман номи, «СССР 50 йиллиги» совхозлари раҳбарлари маккажўхори, беда экиш масаласида бориб турган кўзбўямачиликка йўл қўйишган. Яъни ошириб ёзишган. Демак, улар экилмаган ана шу экиндан «ҳосил» олишлари, сўнг кўкрак кериб юришлари ҳам ҳеч гап эмас.

Бундай гаплар жуда кўп. Кўзбўямачи сутга сув, асалға шакар аралаштириб, жазо ўрниға мукофот олади. Унинг сейфидан, папкасидан планлар ошириб бажарилганлиги ҳақидаги қоғозлардан истаганингизча топиш мумкин. Аммо бу увада қоғозларни дастурхонға қўйиб бўлмайдими-ку? Дастурхон — табаррук! Уни ноз-неъматларғина безай олиши мумкин.

Мухтарам ўқувчим! Энди сиз билан бир масала юзасидан андак баҳслашмоқчиман. Биламан, сиз ёшсиз, саводлисиз, қалбингиз орзуларға лиммо-лим. Сиз ишлайсиз ёки ўқийсиз. Театрни, кинони севасиз. Дўстлар билан уфатчилик қилишни ҳам хуш кўрасиз, эстрада қўшиқларини, базмларни, тўкин зийфатларни ёқтирасиз. Унча-

лик кўп бўлмаса-да, китоблар ўқийсиз. Аммо томорқада ишлаш, рўзгорингиздаги сигирнинг остини тозалаш масаласига келганда беихтиёр бурнингизни жийирасиз. Бундай пайтда: «Эҳ, ҳозирги ёшлар, ҳозирги ёшлар!» деса арзийди. Бобонгиз ёки момонгиз кўп жавраб иш чиқаролмагандан кейин ўзи кетмон ёки белкурани олиб ишға отланади. Шунда ҳам сиз парво қилмайсиз. Чунки сиз томорқа билан шахсий молни эскилик сарқити, хусусий мулкчилик асорати деб биласиз. Лекин ана шу эскилик сарқитининг «асорати» бўлган картошқа, сабзи, помидор ёки қаймоқ дастурхонингизға тортилганда иштаҳа билан туширасиз.

Мен бундан уч йилча муқаддам Болгариянинг «Олтин қумлоқ» санаторийсида канадалик бир фермер билан суҳбатлашиб қолдим. У рус тилини чала-чулпа гапирар, дилкаш, камтарин, хушмуомала эди. Фермер ўз ўрниға қолдириб келган ўн тўрт ёшли ўғли ҳақида сўзлаб, унинг трактор ҳайдашини, культиватор ва сеялкани яхши билишини, буқаларни касалликларға қарши эмлашини, бир неча йилдан бери перко селекцияси билан шуғулланишини хикоя қилиб берди.

Дарвоқе, перко нималигини биласизми? Менинг ўзим ҳам қишлоқ хўжалик институтини битирганман, бироқ перко билан яқинда танишдим. Чунки у бизда янги ўсимлик.

Утган йил қиш пайти эди. Самарқанд районидаги «Богизогон» совхозига бориб, оппоқ қорни ёриб чиққан ва гуркираб ўсаётган ям-яшил майсазорға кўзим тушди.

— Бу перко,— деди совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Мўмин Шерқулов. (Яқинда у киши Самарқанд район ижроия комитетининг раиси вазиғасига тайинланганини эшитиб қувондик. Уйлаймизки, М. Шерқулов бошқа хўжаликларда ҳам перко экидириш ташаббускори бўлади).

Қишда ям-яшил ўт еган молнинг маҳсулдорлиги қай тарзда ошишини ўзингиз ҳам яхши тасаввур қилсангиз керак.

— Урта Осиёнинг иссиқ иқлими перкоға жуда мос,— дейди М. Шерқулов, — қиш давомида уни икки марта ўриб оламиз. Қишда гўшт билан сут ёздагидан кам бўлмайди.

Ҳа, фермерлар ва устакор раҳбарлар ердан фойдаланиш йўлларини яхши биладилар. Биз бўлсак ёзда ҳам (томорқами, колхоз ерими — барибир) бир ёки икки бор ҳосил оламиз. Ваҳоланки бизнинг иқлим ва тупроқ шароитимизда биргина картошканинг «перекульская ранняя» навидан уч марта ҳосил олиш мумкин.

Дарвоқе, картошқа:

#### Колумбда бор алалим маним, Ўзбекистон — Ватаним маним.

Биласизми, Колумбда менинг «қасдим» бор? Бефарқ одамлар кутиш залларида, ишхонада, жамоатчилик жойларида бурқситиб тамаки чекканини кўрганимда, «Агар Христовор Колумб Американи кашф этиб, тамаки барги ва уруғини олиб келмаганида шу ҳол рўй бермасиди?» дейман. Лекин Колумб бугун бизнинг дастурхонимизни бебаб турган ўнлаб неъматларнинг уруғларини ҳам олиб келган. Бу буюк сайёҳға Америкадан картошқа уруғини олиб келгани учун ҳам таъзим бажо келтириш керак.

Картошқа ҳам биз учун янги экин. Инқилобғача уни «кофир экин», ҳисоблашган. Лекин шу қисқа муддатда у томорқаларимизни, тоғ зоналарини забт этди. Ундан ўнлаб овқатлар тайёрлашни ўрганиб олдик. Қайнатасизми, буғлайсизми, қовурасизми — барибир. Жаҳон миқёсида эса картошқа экин майдони жиҳатидан буғдойдан кейин иккинчи ўринға чиқиб олди. Бир қатор мамлакатларда у ноннинг ўрнини босмоқда. Чунки картошканинг таркибида крахмал ва оқсил буғдойникидан кам эмас.

Биз эртаки картошкани бозорда гўшт нарҳида сотиб оламиз. Лекин гўшт қийматиға тенг бўлган эрта пишар картошкани кўпайтириб ташламаймиз. Унинг звазига исталган республика ёки мамлакатдан гўшт, балиқ, асал олиш мумкин бўларди. Нақадар бебаҳо резерв!

Гап Озиқ-овқат программаси хусусида кетар экан, биз мухтарам олимларимиздан ҳам андак гина қилишға ҳақлимиз.

Бундан бир неча йиллар муқаддам қашқадарёлик колхозчи аёл Муслима опа даладан қайтаётиб, ғаллазорда ўсиб ётган бир туп бугдойга маҳлиё бўлиб қолади. Чунки у бошқа туплардан салмоқли, узун эди. Шунда опа пишиб етилган бошоқни авайлабгина узиб олади ва қиши билан сақлаб, келаси йил томорқасига экади. Ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлади. Опа ўша йилнинг ўзида кузги қилиб экади. Ҳосил яна мўл бўлади. Ундан қўшнилари уруғлик сўрайдилар. Кейин колхоз, совхозлар олиб экиша бошлайди. Кейин район, область. Хуллас, «муслимка» деган бугдой нави машҳур бўлиб кетади. Ун беш йил давомида минглаб гектар майдонларга экилади.

Ёки Румшевич деган агрономнинг хизматини олинг.

Биз Улуғ Ватан уруши йиллари «миср ғўзаси» деб аталадиган кечки пахта етиштирдик. Қишда сандаллар атрофига, чойхоналарга ўтириб олиб, кўрак чувиш одат эди. Румшевич 108-Ф деган эртапишар ғўза навини яратдию, халқимиз ана шу оғир меҳнатдан халос бўлди. 108-Ф нави Ўрта Осиёдаги ҳамма республикаларда 25 йил давомида экиб келинди. Кейинчалик, табиийки, у ҳам эскирди, вилтга тоб беролмай қолди ва ўрнини қисман «Тошкент» навларига бўшатиб берди. Начора, навлар ҳам одамларга ўхшаб ишдан чиқади, эскиради. Бу дунёда эскирмайдиган нарсанинг ўзи йўқ!

Муслима опа селекция нима, генетика нима эканлигини билмасди. Румшевич эса бир умр замонавий лабораторияси бўлишини орзу қиларди. Улар ҳозирги кўпгина олимларимиз сўнгари давлатдан моддий ва маънавий ёрдам сўрамадилар. Кашфиёт учун талашмадилар, мукофот тама қилмадилар.

Ҳозирги фанимиз нақадар улкан қудратга эга эканлигини билсангиз эди. Республикамизда Иттифоқ миқёсидаги илмий даргоҳлардан бир нечтаси ишлаб турибди. ҶоюзНИХИ, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш

институтини, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими лабораторияларида шунақа ускуналар борки, Румшевич уларни орзу ҳам қилолмасди. Олимларимиз тажриба участкаси сўрашадими, маблағ сўрашадими — барчасига эришадилар. Аммо, яшириб нима қилдик, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига яраша ялт этган кашфиётлар бўлмапти.

«Тошкент» навларини яратишда раҳбарлик қилгани учун таниқли олим Содиқ Мираҳмедовга раҳматлар айтмиз. Аммо йиллар ўтиб, бу навлар эскириб қолганлигини у кишининг ўзи ҳам тан олар, деб ўйлаймиз. Тўқимачиларимиз тола сифатидан нолияптилар, бу наз кўп жойларда вилтга чалиняпти. Пахтакорга эса, мумкин қадар эрта пишадиган, серҳосил, кўсақлари очилиши билан биологик тарзда баргини тўкадиган, чигити сермой навлар керак.

Биз юқорида оддий ўзбек аёлининг довуғи ҳақида гапирдик. Лекин аксариятимиз Ғаллаоролда республика ғаллачилик илмий-текшириш институтини мавжудлигини билмаймиз. Чунки йиллар оша бу институт олимларининг овозлари эшитилмай қоляпти. Лалми ерларда зиғир, нўхат, кунжут, мош камайиб кетаётганлиги хусусида энг аввало ана шу олимлар жон куйдиришлари ва мазкур муаммони ҳал қилиш йўлларини кўрсатишлари лозим эди.

Май Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини оширишга қарор қилди. Иқтисодчи олимларимиз бу рўйхатга пахтани ҳам киритиш учун бор кучларини сарфлашлари лозим. Шунингдек, Пленум даромадларни тўғри тақсимлаш, кўп болали оилаларга ёрдамлар кўрсатиш, бу борадаги тафовутларни камайтириш масалаларини ҳам кўрди.

Озиқ-овқат программасига тор қобиқдан қарамаслик керак. Бу омилларнинг бари ана шу программанинг рангин қирралари ҳисобланади. Ва энг муҳими, бу реал ҳамда улғувор режадир. Унинг амалга ошиши муқаррар!



### 3. Жазо

## ТУЯ ЛЎК-ЛЎК ЭТАДИ...

ҚУВНОҚ ҚИТМИР  
ҲАНГОМАЛАРИ

Биров елкасидаги юкни усталлик билан ерга қўяди, биров ношудлик қилиб ташлаб юборади-ю, лат ейди. Мелиқулов ҳам Жаннатхондан қутулиш йўлини кўп ўйлади. Охири таваккал қилмоқчи бўлди. Лекин қош қўяман деб, кўз чиқаришига сал қолди.

Улар Қизилқумдан жумада қайтишди. Душанба куни Урол Мардиевич ишга чиқди. Кабинетига кирдию хурпайиб ўтириб олди. Икки кундан бери чаккаси лўқиллайди, юрагини жезтирноқли бир кимса аёвсиз тимдалайди. Бу жезтирноқлар Жаннатхонга тегишли эканини эслаб, Мелиқуловнинг кўнгли баттар ғаш бўлди. Устма-устма кўнғироқ тугмасини босди. Секретарнинг қораси кўринмади. «Ҳалиям ноз уйқуда шекилли,— гижинди Мелиқулов,— соат ўндан ошди. Дараги йўқ. Жуда ўлигини ташлаб олди менга. Асли айб ўзимда. Эркалиб юбордим. Қизиқ, нега шунақа бўлди, а? Илгари бир ишорамга юз думалаб кетарди. Кейинги пайтда кимга айтяпсан демайди. Хоҳласа айтганингни қилади, хоҳламаса йўқ. Нима бўлди?»

Мелиқуловнинг кўз олдига чўл, Жаннатхонни миндириб лўқиллаб кетаётган туя келди. Бир сонияда бошига қулоқчин кийган, кўримсизгина, қотма-қорача туякаш ўрнида Салмонов пайдо бўлди. У ҳадеб Жаннатхонга муқом қилар, Мелиқулов ўтирган ўтовни кўрсатиб, пиқ-пиқ куларди... Урол Мардиевич ёмон туш кўриб уйғонгандек, бошини сарак-сарак қилди. «Ҳайдайман! Иккалангни ҳайдаб юбораман!» деб ўдағайлади ўзича. Худди шуни пойлаб тургандек эшик оҳиста очилди. Жаннатхоннинг шодон чеҳраси кўринди. Эгнида жинси шим, қизил кофта, оппоқ бўйнида бодроқдек йирик шода марварид. «Ака, менга бир қаранг!» дегандек, эшикка суяниб турибди.

Мелиқулов уни ёнига қақирди, олдига бир варақ қоғоз ташлади.

— Манг, ёзинг!

Қиз қалам олиб, бошлиғининг оғзига тикилди.

— Нега лаллайиб ўтирибсиз, бўлмайсизми?

— Айтинг-да ахир, нима деб ёзай?

— Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг!

Жаннатхон қоғозни жаҳл билан нари сурди.

— Боринг-е! Нега бўшар эканман? Менга шу ер ёқади. Ўлсам ҳам бўшамайман!

— Сизга бу ер ёқиши мумкин,— деди Мелиқулов столни чертиб,— аммо сиз бу ерга ёқмаяпсиз. Яхшиликча бўшамасангиз мажбур қиламиз. Библи қўйинг.

Жаннатхон ирғиб турди. Курка товуқдек кекирдагини чўзиб шанғиллади:

— Бекор-орларни айтибсиз! Мен законни сиздан ҳам яхши биламан! Кодексни сув қилиб ичиб юборганман! Мажбур қилармиш-а? Аввал ўзингга боқ — сўнгра нсғора қоқ!

— Менинг тилим қисик жойи йўқ,— деди эснаб Мелиқулов,— билганингиздан қолманг. Қўрқмайман.

Жаннатхон столни айланиб ўтиб, Мелиқуловга яқинлашди.

— Ҳо-о, шунақа денг? Мана, каттакон идоранинг бошлиғисиз. Виждонни ўртага қўйиб айтинг-чи, мени неча марта ўпгансиз?

— Бир марта,— деди Мелиқулов ўзини босиб,— туғилган кунингизда пешонангиздан ўпганман. Ҳамма гувоҳ эди.

— Тўғри,— тасдиқлади қиз,— ҳамма гувоҳ эди. Аммо... ҳеч ким йўғида ҳам ўпганлар, десам-чи, нима бўлади? Худога шукр, эмансипация деган процесс бошлангандан бери аёлларнинг гапи қилич кесадиган бў-



либ қолди? Айтайми?

— Айтаверинг. Фойдаси йўқ. Қайтганга ўзингиз шарманда бўласиз. Ғунажин кўзини сузмаса ва ҳоказо... Яхши-си, савдолашмай ариза ёзинг. Сиз ўтирган ўрнингизга муносиб эмассиз. Хулқ-атворингиз ночор. Сиздақа кимсалар керак эмас бизга.

Жаннатхон билдики, хўжайин уни бўшатмай кўймайди. Шунинг учун ётиб қолгунча отиб қол, қабилида ҳужумга ўтди:

— Хулқим ночор бўлиб ҳалигача бировга зиёним теккани йўқ. Мабодо ўйнатиб келганингизни миннат қилаётган бўлсангиз — хуш кўрдик! Энди Қизилқум тугул Олтинқумингизга ҳам бормайман! Мен сизни бунчалик бацкана деб ўйламовдим. Хўш, номуносиб кадрларга келсак, идорангиздаги одамларнинг тенг ярми ўз ўрнида эмас. Жаноблари бошчилик қилаётган мана бу даргоҳда қамалиб чиққан ўғри ҳам, хотинбозу пиёниста ҳам, арпа билан бугдойнинг фарқига бормайдиган чаласавод агроном ҳам бор! Тилимни қичитиб нима қиласиз? Чой-чилимингизга қарайдиган югурдақларингиз нечта? Бештами? Унтами? Сиз жа-а ҳақиқатгўй экансиз, аввало ўшаларни бўшатиш эди!

— Хўв, оғзингизга қараб гапиринг! Узингиздан-ўзингиз нима деб валдираяпсиз?!

— Мен кўрган-билганимни айтаяпман. У ёғини сўрасангиз, ўзларининг орқа-боши ҳам тоза эмас. Қизингизни қандай қилиб институтга киритганингизни... Салмоновнинг йилига неча марта уйингизга келиб-кетишини... Дадашев деган йўқ одамга ойма-ой муқофот ёзиб беришингизни, ҳаммасини биламан. Ҳатто отангизнинг ўлигини ҳам ишхонадагилар кўмиб беришди-ку? Ёлғон дегичи?— Жаннатхон бир нарсадан кўрққандек ёқасини ушлади,— товба қилдим, еттисини ҳам, йигирмасини ҳам совхоз директорларига юкладингиз-а? Уялинг-е!

Жаннатхон жинси шимининг киссасидан тўрт букланган қороз олиб Мелиқуловнинг башарасига отди:

— Мана, ҳаммасини ипга тизиб қўйибман! Уқинг! Мендан сизга эсдалик!

Қиз чўрт бурилиб эшикка қараб юрди. Урол Мардиевичнинг япалоқ бети аввал кўкарди, кейин қизарди. Қалин лаблари пир-пир учди.

— Ярамас! Хоин!— деб бақирди у,— ўлмасам, сени турмада чиритаман! Мана кўрасан!

Жаннатхон ўгирилди, дарров «салом»га «алик» олди:

— Фақат битта шартим бор. Турмага бирга борамиз. Узим каллангизни массаж қилиб ўтираман. Ахир давле-ниенгиз бор, ака...

— Йўқол кўзимдан!!!

Эшик қарсиллаб ёпилди. Урол Мардиевич шапалоқ егандай бўлди. Боши айланиб, бадани қизиди. Юраги гупиллаб урди.

У тортмадан дори олиб ичди. Анча вақтгача муштини жағига тираганча шифтга тикилиб ўтирди. Кейин эшик оғзидаги қоровул орқали шоферини чақиртириб уйига жўнади.

Мелиқулов икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётди. Қон босими кўтарилибди. Ҳар сафар дори ичмоқчи бўлиб стакан чангаллаганида сувдан сурати фариштадек, сийрати чаёндек бир қизнинг акси кўринаверади. Бу қизнинг жон олғучи... йўқ кўзларини эмас, сўзларини эсласа, ёниб кетай дейди. «Дадашев меники эмас, бош инженерники. Ўзи топган, ўлик-тиригига ҳам ўзи жавоб беради. Хўш, идорадаги думбулсаоводларга келсак... бунақа одамлар ҳамма ерда бор. Агар ҳар ким ўз ўрнида ўтирса, ўз ишини ўзи эпласа, аллақачон коммунизм бўларди. Аммо, Салмоновга ўхшаганларнинг сонини сал камайтирсан бўларкан. Ҳалғи сабилни ҳам (пора дейишга унинг тили бормади) озроқ олсам тузук экан. Салмонов ҳам ғирт ахмоқ. Бировга тугмадай яхшилик қилса, туядай қилиб кўрсатади. Оғзининг таноби бўш».

Мелиқулов отасининг таъзиясини хотирлади. «Тўғри, бобойнинг ўлигини кўмишга совхоз директорлари қарашворишди. Бунинг нимаси уят? Узим ҳам бир амаллаб кўмардиму, ака, отахонни бизга беринг, биз ҳам сазобталабмиз, деб туришгач... нима қилай?»

Дунёда одамнинг ёлғиз ўзи қиладиган юмуш бор, би-

ровга юкласа ҳам бўладигани бор. Масалан, Биров учун туш кўриш, сувда сузиш ёки йиғлаш мумкинми? Мелиқуловнинг наздида мумкин эди. Шунинг учун у, марҳумга кимнинг кўмгани барибир эмасми, ишқилиб кўмилса бўлди-да, деб ўйларди.

Хуллас, икки кун ётиб, Урол Мардиевичнинг топган ақли шу бўлди: «Жаннатхонни, албатта бўшатиш керак. Лекин унинг қатиқ патига тегмай, алдаб йўлга солган маъқул. Мушукнинг белини силасанг думини лиқиллатади».

Учинчи кун Мелиқулов дадил юриб қабулхонага кирди. Жаннатхон тумтайиброқ бўлса-да, ўрнидан туриб салом берди. Урол Мардиевич жилмайиб, бошини лиқиллатди.

Салдан кейин у қадрдон креслосига жойлашиб ўтирдию кўнғироқ тугмасини босди. Жаннатхон кирди. Одатдагидек эшикни ёпиб, суяниб турди.

— Бери келинг,— деди Мелиқулов очиқ юз билан. Қиз стулга келиб ўтирди. Бошлиқ илжайиб жинжалоғини чўзди:

— Яраш. Урага сичқон тушди.

Жаннатхон тилла тишларини ярқиратиб ғамгин кулди, индамай бармоқчасини узатди.

Мелиқулов ёқимли, куюнчак товушда гўё сирини очган бўлди:

— Гап бундай, Жаннатой. Мен бошқа ишга ўтяпман. Жойлашиб олсам, кейин сизни ҳам обкетаман. Ҳарқалай, синаштамиз, бир-биримизга тушунамиз. Шунинг учун менадан олдин бўшаб, тахт бўлиб туринг.

Жаннатхон кинода бош роль теккан актрисадай ўйноқлади:

— Ҳа, ёлғончи!— деди бармоғини силкиб,— пи-ип этказиб алдаб кетмоқчисиз-а? Биламан сизни...

Мелиқулов ажабланиб елка қисди.

— Ёлғон айтсам, ана, теламда чироқ!

— Бе-е! Ҳозирги одамларга ишониб бўлармиди? Улар чироқни ўчириб худониям алдаб кетяпти-ку.

— Мен кетсам, бу ердагилар сизга кун бермайди. Хўп денг. Сизнинг фойдангизни ўйлапман, Жаннатхон.

Жаннатхон ҳам икки кун ўй ўйлаб, бир қарорга келган эди: «Бу қовоқбош барибир бўшатади. Дод деганим билан фойдаси йўқ. Борингки, ҳалиги қоғозни кўтариб министрликка чиқдим, дей. Нима қиларди у ердагилар. Нарри борса, Мелиқуловга виговор беради. Ишдан бўшатишса, яна бошқа ерга қўйишади. Балиқни денгиздан олиб қўлга ташлагандай гап. Барибир балиқнинг насибаси бутун. Мелиқуловга ўхшаганлар ёмонликка олса, ҳар бало қилиши мумкин. Узим бир сағир бўлсам. Орқамда «Бизнинг Жаннатхон қалай, яхши ишлаб юрибдими?» деб турадиган ишонган кишим бўлмаса. Йийб турганда берадиганини олай-да», идорасига бурнимни қоқай».

— Майли, мен бўшайман,— деди қиз жиддийлашиб,— лекин ҳаққимни тўлайсиз. Бекор юрадиган кунларим учун.

Мелиқулов аввалига суюниб кетди. Аммо «ҳақ»ни эшитиб, афтини буриштирди.

— Қанча тўлай, э, пулни қаёқдан оламан?

— Билмасам. Топасиз-да. Мукофотингизни беринг. Қарз кўтаринг. Мен рози бўлдим-ку? Кетмайман десам нима қилардингиз?

— Тўғри. Яшанг, Жаннатхон!— деб юборди Урол Мар-

диевич шошганидан. Сўнг каловланиб, стол тортмасини икки марта очиб ёпди. Чўнтақларини пайпаслади. Беихтиёр сейфга қаради.

— Очинг сейфни!— Амр қилди қиз. Мелиқулов калит олиб ўрнидан турганини билмай қолди. Жаннатхон лип этиб унинг ёнига борди.

Сейф шарақлаб очилди. Мелиқулов қора туйнукка қўл юбориб, бир даста пул олди. Тишини сугуриб бераётгандек, минг азобда қизга чўзди:

— Манг. Икки юз сўм. Бировнинг омонати эди.

— Пича қўшинг,— деди қиз ҳансираб,— сиз билан бошқа кўришмаймиз энди. Одам етти ёт бегона отарчига ҳам қистиради икки юзни. Тўрт йил қатиқ ялашдик.

Мелиқулов иккиланди. Ниманидир ўйлаб турди-ю, яна бир чангал пул олиб, Жаннатхоннинг қўлига ташлади.

— Мана. Тўрт юз бўлди. Ҳар йилингизга юз сўмдан. У жаҳл билан сейфни ёпди. Жойига келиб ўтирди. Жаннатхон пулни дарров қоғозга ўраб олди. Креслога яқинлашиб, ўнг бетини тутди:

— Упинг!

Мелиқулов чўчиб, калласини тортди.

— Ие, ие, жинни бўлманг, Жаннатхон...

Қиз гўё ҳадиксираб шивирлади:

— Тезроқ бўлақолинг. Биров кириб қолади.

Мелиқулов, «Шу балодан қутулай», деб ўйлади, номига қизнинг бетига лабини теккизиб қўйди. Қиз иккинчи юзини ўгирди.

— Энди бу ёғидан.

Мелиқулов дарров ўпди-ю, «Бас, жўнанг!» дегандек қўл силтади. Қиз хоҳолаб кулди.

— Қўлга тушдингизми, Мелиқулов! Гувоҳ йўғида ҳам ўпар экансизу? Энди нима дейсиз?

Урол Мардиевич ўзини йўқотиб қўйди. «Бўшамаса-я?— қўрқди у,— пулини олди, ўпичини берди. Кетмайман, деб оёғини тираб турса-я?»

— Қўрқмасинлар, собиқ хўжайин,— деди қиз кулгидан тўхтаб,— мен гапидан қайтадиган номардлардан эмасман. Идорангиз ўзингизга буюрсин. Жаннатой омон бўлса ҳали гул кесади. Чао!

У ғолибона юриш билан чиқиб кетди.

...Ҳамма нарсанинг ибтидоси, интиҳоси бор. Умри тугаса, чинор ҳам йиқилади, булоқ қурийди, анвойи гулчамбар хор-хасга айланиб, супуриндига тушади. Замоннинг зайли билан Мелиқулов ҳам оддан тушиб, пиёда бўлиб қолди. Кеч куз. Ёмғир шивалаб ёғяпти. Урол Мардиевич плашининг ёқасини кўтариб, автобус бекатида турибди. Илҳақ бўлиб йўлга қарайди. Шу пайт ёнгинасига физиллаб қизил «Жигули» келиб тўхтади. Рўлда сочини чамбарак қилган сулув бир қиз ўтирибди. Қиз ўнг ёнбошига энгашиб Мелиқуловни чақирди:

— Ҳўв, ўртоқ пиёда, ўтирсинлар, ташлаб кетаман!

Урол Мардиевич машинага қараб юрди. Шахт билан эшикни очди. Рўлда илжайиб ўтирган Жаннатхонни кўрди-ю, бир зум ўйлаб қолди. Сўнг эшикни қарсиллатиб ёпди.

Жаннатхон қаттиқ газ берди. Машина куч билан олдинга сапчиди. Сўлжайиб турган Мелиқуловнинг башарасига, усти-бошига лой сақратиб кетди.

ТАМОМ

# АВТОРЛАРИМИЗ

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚОВ.** Қорақалпоғистон АССРда туғилган. 1979 йили Тошкентдаги қишлоқ хўжалик техникумини тугатган. Ҳозир илмий-текшириш институтида целлюлозанинг кимёвий технологиясини ўрганиш устида ишламоқда. Шеърлари биринчи марта эълон қилинмоқда.

**Нусрат РАҲМАТОВ.** Самарқанд шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. «Табиатни севасизми?», «Чанқовуз», «Гулизорим» сингари китобларнинг автори. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Айни пайтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида хизмат қилади.

**Абдулла ШЕР.** 1943 йил Тошкент областининг Чиноз районида туғилган. 1970 йил Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. М. Горький номидаги Адабиёт институти қошидаги олий курсда таҳсил кўрган. «Кўклам табассуми» (1973), «Алёр» (1977), «Атиргул сояси» (1979), «Роз» (1980) номли китобларнинг автори. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи аппаратида хизмат қилади.

**Усмон ҚУЧҚОРОВ.** 1953 йили Бухоро областининг Шофиркон районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. «Ҳаяжонга кўмилган дунё» (1982 й) номли шеърини тўплами нашр этилган. «Ўзбекистон» нашриётида редактор бўлиб хизмат қилади.

**Матлуба ҲАМРОЕВА.** 1961 йили Бухоро область Гиждувон районидаги Саидкент қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил кўради. Бир неча шеъри «Ёш ленинчи» газетасида чиққан.

**Дадахон ҲАСАН.** 1940 йилда Фарғона область Олтиариқ районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Шайдо кўнглим» (1970), «Шоҳимардон сойлари» (1979) номли китоблари нашр этилган. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг область бўлимида масъул ходим бўлиб ишлайди.

# АВТОРЛАРИМИЗ



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Расмини Б. ТОЖИЕВ чизган

«Ешлик» [«Молодость»] —  
ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Рассом: Х. СОЛИҚОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П.  
Ленин кўчаси. 41.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош редактор ўринбосари —  
32.54-73

Масъул секретарь — 32-26-06

Проза бўлими — 32-57.34

Шеъринг, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан  
ортиқ роман ва 8 босма листдан  
зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул  
қилмайди. Бир босма листгача  
бўлган асарлар авторларига  
қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда

«Ешлик»дан олинди» деб

изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага туширилди 31.09.82.

Босишга рухсат берилди 12.10.82.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Р—03230. Қоғоз формати 84×108<sup>1/16</sup>.

Қоғоз ҳажми 5,25 лист.

Шартли ҳисоб листи — 12,2.

Тиражи 45140 нуска.

Буюртма № 4038. Ваҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат  
Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.  
Тошкент, 700029. «Правда Востока»  
кўчаси, 26.

«Ешлик», № 10, 1982.  
«Ёш гвардия» нашриёти.